С. Гуломов



# ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

МЕҲНАТ

65.9
Ф-79

САИДАХРОР ҒУЛОМОВ

# ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

(УҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

BUXORO MUHANDISLIK
TEXNOLOGIYA INSTITUTI
ARM
REESTR № 16128
201 y

ТОШКЕНТ — «МЕХНАТ» — 199

33(07)

ББК 65.9(БУ)я7
F 79

УҚ 4600

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректори, академик Сандаҳрор Ғуломовнинг «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти» ўқув қўлланмаси олий ва ўрта мақсус ўқув юртлари студентлари, иқтисодий мактаблар тингловчилари, умуман узлуксиз иқтисодий таълим тизими шуғулланувчилари учун мўлжалланган.

Унда Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган республикамизга хос бўлган назарий асослари, бунинг учун яратилган ҳуқуқий кафолатлар, ислоҳотларни амалга ошириш тажрибаси ва муаммолари очиб берилган. Алоҳида бобларда ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга оширилишининг бориши, таринбий узгаришлар, молиявий барқарорликни таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократии давлат, фуқаролар жамиятини барпо этиш, маънавиятни юксалтириш чуқур таҳлил этилган ҳамда умумлаштирилган.

Тақризчилар: С. ҚОСИМОВ — иқтисод фанлари доктори, профессор,
А. РАЗЗОҚОВ — профессор.

Муҳаррир А. АБДУМАЖИДОВ

Китоб Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг буюртмаси асосида чоп этилди.

ISBN 5—8244—1239—1

© «Мехнат» нашриёти, 1997

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир

*ИСЛОМ КАРИМОВ*

## КИРИШ

Мустақил давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат Ҳамдустлик республикалари, балки тараққий этган хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйготмоқда. Узбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда рўй бераётган узгартиришларни чуқур таҳлил қилаётган чет эллик нуфузли мутахассислар «тараққиётнинг ўзбекча модели» атамасини иборага киритдилар.

Хуш, Президентимиз бир неча бор айтганидек, Ўзбекистоннинг ўз ривожланиш йўли нимадан иборат? Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳонда шу пайтгача маъмурий-буйруқбозлик тизимидан эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси йуқ эди. Собиқ иттифоқ парчаланиб кетиб, «социалистик лагер» деб аталувчи давлатлар уюшмаси ҳам таназзулга учраганларидан сўнг Шарқий Европа ҳамда хозирги Ҳамдустлик мамлакатлари хужалик юритишнинг ҳаёт синовидан ўта олмаган усулидан воз кеча бошладилар. Купчилик янги мустақил давлатлар узоқ йиллар давомида таркиб топган хужалик тизимини ҳисобга олмасдан «бир сакрашда» бозор иқтисодиётига утиш учун «шок терапияси»ни қўлладилар. Бу қандай оқибатларга олиб келганини Россия мисолида куриш мумкин. «Известия» газетасининг 1997 нил 20 феврал сонида эътироф этилганидек, бу «сакраш» бутун-бутун шаҳарлар аҳолисини оч қолишга маҳкум этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқимиз, юртимиз, иқтисодиётимиз хусусиятларини тўла-тукис ҳисобга олган ҳолда ислоҳотларни амалга оширишнинг беш асосий тамойилини белгилаб берди. Уларни ҳеч муболағасиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг узига хос кашфиёти деса булади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тушунчаси Ғарбдаги қатор мамлакатлар, хусусан Германия ва Швецияда ҳам мавжуд. Аммо ушбу давлатлар уз тарихида мустабид, маъмурий-

буйруқбозлик усулига асосланган тоталитар тузумни бошидан кечирмаганлар. Бу мамлакатларда бозор иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи хусусий мулк мавжуд булган.

Узбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ута мураккаб шароитларда шакллантиришга мажбур булди. Собик иттифоқ даврида республикамиз марказнинг асосий хом ашё базасига айлантирилган, шу сабабли унинг иқтисодиёти бир ёқлама ривожлантирилар эди. Юртимиз бойликлари асосан бошқа марказий шаҳарларга олиб кетилиб, уша ерда қайта ишланар, бундан олинадиган фондининг асосий қисми уша ёқларда қолиб кетарди.

Шу боис туб ислоҳотларни амалга ошириш билан бир қатор иқтисодиётда таркибий узгаришларга киришилди. Сармоялар, шу жумладан хориждан жалб этилган инвестициялар, биринчи навбатда, шу устувор соҳалар — нефт ва нефт кимёси, энергетика, газ, металлургия, қайта ишлаш тармоқларига жалб этилди. Кейинги бир неча йил ичида мамлакатимизда принципиал жиҳатдан янги — автомобилсозлик маркази юзага келди. Уэнмизда етиштирилаётган маҳсулотни қайта ишлаб, жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йулга қўйилмоқда.

Чуқур ислоҳотларни амалга оширишда макроиқтисодий барқарорликка эришилганлигининг аҳамияти жуда катта бўлди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг аксариятида ялпи ички маҳсулот ҳажми 30—40 фоизгача камайгани ҳолда Ўзбекистонда 1996 йилда ялпи ички маҳсулот 1995 нил даражасига қараганда 101,6 фонзни ташкил этгани танлаган йўлимизнинг тўғрилигини яққол исботлаб турибди. Шу билан бирга, саноат маҳсулоти ҳажми 1996 йилда 106 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 108 фоизга усди.

Собиқ шўро тузуми даврида мол-мулкдан маҳрум қилинган халқимиз орасида чинакам мулкдорлар синфи шакллана бошланганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Ҳозирги вақтда республикамиз халқ хужалигида фойдали меҳнат билан банд кишиларнинг ва ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хужалиги маҳсулотининг 97,7 фоизи нодавлат сектори хиссасига тугри келади. Мамлакатимизда салкам 100 мингта хусусий ва кичик корхона, 20 мингга яқин деҳқон (фермер) хужаликлари ташкил этилган. Кичик ва ўрта корхоналар иқтисоднётининг барча соҳаларида кенг фаолият кўрсатяптн.

Ижтимоий йуналтирилган бозор иктисодиети, энг аввало, инсон манфаатларини кўзлайди. 1997 йил — Узбекистонда инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Аммо бу давлатимизда ана шу жуда муҳим масалани ҳал этишга энди киришиляпти, деган гап эмас. Бутун ислоҳотлар жараёнида республикамизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қуллаб-кувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларнга жуда катта аҳамият бериб келинди. Бироқ бу чора-тадбирлар кўп ҳолларда тарқоқ бўлиб, уларга муайян, лекин айни замонда ўтиш даврининг ўткир ижтимоий масалаларини юмшатишга хизмат этувчи алоҳида вазифалар сифатида қаралган эди.

Инсон манфаатлари нилида эса шахснинг ҳам сиёсий, ҳам иктисодий, ҳам маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама уйгунлаштириш вазифаси қуйилди. Бу инсон манфаатлари ҳимоясини амалга оширишнинг 1997 нилга мулжалланган дастурида ўз ифодасини топган. Ижтимоин йуналтирнлган бозор иктисодиётн маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган марказдан режалашдан фарқли уларок меҳнатга онгли муносабатда булиш, омилкорлик, ташаббускорлик, интизомлилик, масъулиятни зиммага олиш, таваккалчилик ва бошка ҳислатларни талаб этади.

Узбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиши туфайлигина бу мустабнд ва мафкуралашган тузум кишанларидан, хужалик юритншнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан озод булибгина қолмасдан, уз тараққиёт ва истиқбол йулини мустақил танлаш имконига эга булди.

Истиқлол халқимизга уз Ватанининг ҳақиқий хужайини туйгусини қайтариб, мустамлакачилик даврида топталган маданияти ва анъаналари, қадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклади. Юртимизнинг улкан табиий, минерал, хом ашё, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳнятндан ўз халқимиз манфаатлари йулида фойдаланиш имкониятини ҳам Истиқлол яратди.

Давлат мустақиллигига эришганлигимиз туфайлигина республикамиз жаҳон ҳамжамнятидан ўзининг муносиб урнини эгаллади, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ва узаро манфаатли алоқалар ўрнатмокда. Истиқлолнинг ҳаётбахш замини мамлакатимизда янги демократик қадриятлар илдиз отишига, инсон ҳак-ҳуқуқлари ва эркинликларн кафолатланишига шарт-шароитлар тугднрди. Иқтисодиётни, ижтимоий соҳаларни, жами-

ят хаётининг барча жабҳаларини чуқур ислоҳ қилишга ҳам мустақиллик туртки берди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганлигининг тарих учун бир лаҳзадек ҳисобланадиган беш йилида қўлга киритилган ютуқлар ҳеч муболағасиз унлаб йилларга, асрларга тенг йўл босиб ўтилганидан ёркин далолат бериб турибди. «Истиқлол,— деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов биринчи чақириқ Олий Мажлис олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида,— биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди ва ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик»*.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг беш йили мобайнида ижтимоий-сиёсий соҳадаги энг катта ютуқ — юртдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик бўлди. Ҳақиқий, ҳуқуқий демократик давлатдек республикада ҳам ҳокимият тармоқларга — қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига ажратилди. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими, унинг ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топиб, давлат ҳаётининг янги демократик ҳуқуқий асослари яратилди. Халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишни таъминловчи сайлов тизими шаклланди.

Мустақиллик йилларида юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устуворлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келди. Республикада ҳуқуқий демократиянинг зарур ва қонуний белгиси бўлган туб маънодаги кўп партияликни шакллантириш учун жамиятимизнинг сиёсий тузумини мутлақо янгилаш асослари яратилди.

Иқтисодиётда ҳам туб ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Мустақиллик йилларида иқтисодий муносабатларда, айниқса мулк масалаларида туб ўзгаришлар рўй берди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш дастурини амалга ошириш натижасида ҳақиқий кўп укладли иқтисодиёт шакллантирилди, нодавлат сектори мустаҳкамланди. Бозор инфратузилмалари шаклла-

---

* Ислом КАРИМОВ. «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й., 6- бет.

мокда. Бу янги банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва товар хом ашё биржалари, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмалари барпо этилганида ҳам уз ифодасини топаяпти.

Миллий валютамиз муомалага киритилди (1994 йил, июл), сум — мамлакатимизда ягона тулов воситаси булиб колди. Сўмни эркин конвертациялаштиришга эришиш чора-тадбирлари курилмокда. Қисқа вақт мобайнида иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, инфляция даражаси кескин пасайди. Ишлаб чиқаришда маҳсулот ҳажми камайишига барҳам берилиб, суръат оша бошлади (1996 йил, июл). Инвестиция фаолияти ривожланаётганлиги, аниқса чет эл сармояларини жалб этиш ортаётганлиги эртанги кунга ишоч ҳосил қилаётир.

Республикада иқтисодиётнинг тузилма жиҳатдан янгиланиши таъминланмокда. Ўзимизнинг ташқи бозорда рақобат қилишга қодир танёр маҳсулотимиз ҳажми купайяпти. Ёқилги-энергетика мустақиллигига эришилгани энг катта ютуқлардан бири булди.

Истиқлол — ижтимоий-маънавий соҳада ҳам янгиланишларни бошлаб берди. Бу ижтимоий адолат тамойиллари қарор топаётганлиги, жамиятимиз асоси — оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланаётганида ҳам уз ифодасини топаяпти.

Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи, жаҳон жамҳамиятида тутган урни ва иштироки юксалиб бораётганлиги мустақиллик эвазига ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий фаолиятимизда рун бераётган узгаришлар самарасидир. Бизда ташқи алоқаларимизни таъминлайдиган тузилмалар — вазирликлар, банклар, савдо фирмалари, хорижий фирмалар, банк ва ваколатхоналар тармоги барпо этилди.

Юқоридагилар Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўғрилигини ҳаётнинг узи амалда тасдиқлаганидан, тараққиётимизнинг илк босқичлари учун жамиятимизни янгилаш, ислоҳотларни утказиш юзасидан кузланган мақсадларга эришилганидан, олдимизга қуйилган вазифалар бажарилганидан равшан далолат бериб турибди.

«...қуйидагилар иқтисодий сиёсатни ислоҳ қилиш соҳасида стратегия мақсадлар қилиб белгиланди: ...Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш»...

*ИСЛОМ КАРИМОВ*

## УЗЛУКСИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ — ДАВР ТАЛАБИ

Туб ислоҳотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш энг аввало ходимларнинг иқтисодий билимига боғлиқдир. Кишиларда иқтисодий тафаккурни шакллантирмасдан турнб чуқур ўзгаришлар қилиб булмайди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини ўрганувчилар бу тизимнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур эгаллашларн лозим. Яъни:

— талаб ва таклиф;

— нархнинг эркин шаклланиши ва рақобатчилик;

— эркин тадбиркорлик;

— истеъмол товарини ихтиёрий танлаш.

Бу тизим бозор муносабатлари давлат ёки унинг буйруқбозлик тизими иштирокчилари эҳтиёжларини тадбиркорлар ва истеъмолчилардан яхшироқ билади, деган гояни инкор этади.

Шу билан бир қаторда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти давлатни ўз масъулиятидан озод этмайди.

Бозор муносабатларига ўргатадиган иқтисодий таълим тизимларининг халқаро андозалари ва моделлари мавжуд. Улар 1996 йилда ЮНЕСКО томонидан эълон қилинган «Жаҳондаги олий таълим тизимлари маълумотномаси»да ўз ифодасини топган.

Умуман олганда, тараққий этган давлатларда иқтисодий таълимнинг асосий икки модели бор:

1. Иқтисодий таълимнинг инглизча-америкача тизими. У иқтисодий таълимни эгаллашнинг куп даражалигига ва хилма-хиллигига асосланган. Бу тизимда ҳам академик, ҳам касб таълими таклиф этадиган таълим муассасаларининг кенг тармоги мавжуд.

2. Иқтисодий таълимнинг германча-русча тизими. Бу тизим олий иқтисодий таълимни бир даражада эгаллашга асосланади.

Унда укув режалари ва бозор учун мутахассислар тайерлаш дастурларига жиддийрок талаблар кўйилади.

Иқтисодчиларни тайерлашнинг японча тизими хам ўз хусусиятларига эга. Технология ва менежмент соҳасида чуқур билимлар бернш бу тизимнинг узига хослигини белгилайди.

Халқаро миқёсда иқтисодий таълимнинг инглизча-америкача тизими купрок оммалашган. Унинг хусусиятлари асосан қуйидагилардан иборат:

— бозорга тайергарлиги ва малакаси, илмий даражаси ва дипломи турлича бўлган мутахассисларни таклиф этиш. Бу мутассислар иқтисодчи мутахассиснинг ёрдамчисидан тортиб фан доктори илмий даражасига эга йирик бизнес менежеригача булиши мумкин;

— студентга йуналишни, мутахасснслнкнн, нхтисослнкни ва буларга мос курс ва дастурлар модулларнни эркни таилаш имкониятини бериш;

— ўзаро фарқланувчи бакалавриат (касб бакалаври, фан бакалаври, бизнес бошқаруви бакалаври) ҳамда магистратура (касб магистри, фан магистри, бизнес бошқаруви магистри)нинг ўзаро фарқланувчи дастурлари орқали ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжга мослашган иқтисодий таълимнинг турли вариантларини таклиф этиш.

Ана шу уч дастурнинг ўзига хос хусусиятларн бор.

**Бизнес бошқаруви бакалаври** иқтисодий нхтисосликнинг энг йирик соҳаси — менежмент ва бизнес бошқаруви соҳасида бакалавр даражасини таклиф этади. Ушбу дастур мутахассис тайёрлаш жараёнида унга кенг тармоқли иқтисодиёт, бошқарув ва молия соҳасида умумий билимлар беради. Бу билимлар, албатта, амалиётга боғланган булади. Ун минглаб кичик ва урта корхоналарнинг, айниқса, хусусий секторда мавжудлигн бизнес ва тадбиркорлик менежернга юқори талабни юзага келтириши туфайли ушбу дастур жуда оммалашиб кетган.

**Касб бакалаври** иқтисодий йуналишдаги асосий университет дастури хисобланади. У маркетинг, молия, бухгалтерия хисоби, менежмент каби ихтисосликлар буйича алоҳида йўналишларга эга. Дастурда танланган ихтисослик буйича назарнй, услубнн ва амалий билимларни чуқур эгаллаш кузда тутилган. Шунингдек, фаннинг гуманитар асосларига, чунончи, маркетингда бизнес фалсафаси, менежментда бизнес бошқарувннинг ҳозирги замон концепциясига катта эътибор қаратилади. Касб бакалаври даражасини бизнес, айниқса, йирик бизнес соҳасида ишлаш ннятида

бўлганлар, масалан, маркетолог, молиячи-банкир, бухгалтер ва шу кабилар оладилар.

**Фан бакалаври** ихтисосликка хос жараёнларни математик моделлаш ва компьютерлашга оид чуқур амалий билимлар берадиган университет дастури ҳисобланади. Жумладан, маркетинг бўйича фан бакалаврлари маркетинг вазифаларини компьютер орқали ечишнинг билим ва кўникмаларига эга бўлишлари шарт.

**Бизнес бошқаруви, касб ва фан магистрлари** ушбу йўналишлар бўйича бакалаврлардан кўра чуқурроқ билимларни эгаллашлари билан фарқланади. Ходимлар уз мавқеларини оширишга, хизмат пиллапояларидан кутарилиш учун магистр даражасини эгаллашга интиладилар.

Хорижда академик ва касб таълими берадиган беҳисоб укув муассасалари мавжуд. Бу таълим бозорида университетлар асосий ҳужалик субъекти ҳисобланади. Амалда ҳар бир университет иқтисодиёт факультетига эга. Масалан, Нью-Йорк давлат университетлари тизимида 62 университет булиб, улар уз навбатида ихтисослашган иқтисодиёт факультетларига эга. Улар иқтисодиётнинг маълум йўналишлари буйнча илмий тадқиқотлари билан жуда машҳурдир.

Англиянинг очиқ университетлар тизими уз атрофига бутун Европа, Америка ва Осиё қитъасидаги 67 университетни бирлаштирган. Университетларда кичик мутахассис дипломидан тортиб фан доктори даражасигача хоҳлаган дипломни олиш мумкин. Бунда худди биздагидек, университетларда билим олишнинг академик хусусиятларига эътибор кучли булади.

**Бизнес мактаблари** — амалий билимларга эга бўлган мутахассисларни бозорга таклиф этувчи энг оммалашган таълим муассасалари ҳисобланади. Бундай мактабларда бизнес бошқаруви бўйича, шунингдек, бизнеснинг узига хос ихтисосликлари — маркетинг, молия, халқаро бизнес ва ҳоказолар бўйича бакалавр ва магистр даражаларини олиш мумкин. Бизнес мактаблари олий укув юрти мақомига эга ҳолда алоҳида ёки йирик университетлар таркибида булиши мумкин.

Иқтисодий таълимнинг америкача тизими бизнес соҳаси учун олий маълумотли иқтисодиёт мутахассислари асосан бизнес мактаблари томонидан тайёрланиши билан фарқланиб туради. Масалан, 1990 йилги маълумотларга кура, бизнес мактаби, деган умумий номга эга булган АҚШ университет ва коллежлари бизнес ва менежмент соҳасида 320,9 мингта дипломли мутахассис тайёрлаганлар. Улар ўша йили АҚШ олий укув юртларини би-

тирганларнинг 22,4 фоизини ташкил этди. Битирганлар умумий сонининг 76,8 фоизи бакалавр, 22,8 фоизи магистр дипломига, 0,4 фоизи эса доктор дипломига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси чуқур, кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширар экан, узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришга биринчи даражали аҳамият беряпти. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил декабр ойида утказилган етгинчи сессиясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Биз қийин шароитда келажагимиз пойдеворини қуриб олдик. Бунга ўрнимизга келадиган ёш авлод қандай баҳо беради, лойиҳаларимиз, ишларимизни тарозига солиб куриб иима денди? Ҳар биримиз ана шу саволни дилга тугиб меҳнат қилишимиз лозим. Менинг ишончим комилки, Узбекистон халқи фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат булади».

Келажаги буюк давлатни қуриш тафаккури, дунёқараши ўзгарган ходимларимиз — мутахассисларимизга куп жиҳатдан боғликдир. Янгича фикрлайдиган, янги, бозор шароитларида муваффақиятли ҳужалик юритадиган юксак малакали, чуқур билимли мутахассисларни тайёрлаш давр талаби, ҳақиқат тақозосига айланди.

1992 йилдаёқ парламентимиз томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистонда таълим мустақил давлат халқларининг миллий тикланиши, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг асоси бўлиб, жамият ва онла олдида ўз фуқаролик ва ахлоқий масъулиятини ҳис этадиган, уз вазифаларини чуқур билимлар ва юқорн малака билан бажара олишга кодир, ҳар тарафлама камол топган эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди, деб алоҳида таъкидланади.

Бутун иқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми булган узлуксиз иқтисодий таълим тизимининг асосий тамойиллари ана шу мақсадга таянади. Узлуксиз иқтисодий таълим тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва ҳорижий сармоялар буйича идораларарo кенгашнинг 1996 йил март ойида бўлиб утган мажлиси муҳим аҳамиятга эга булди. Бу мажлисда Президентимиз Ислом Каримов томонидан узлуксиз иқтисодий таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг асосий стратегик йуналишлари белгилаб берилди. Идораларарo кенгашнинг 1996 йил 19 мартдаги қарорида, жумладан, шундай дейилади: «Республикада бозор иқтисоднёти талабларига мос

келадиган, аҳоли кенг қатламларида янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришга йуналтирилган узлуксиз иқтисодий таълимнинг замонавий тизимини яратиш иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири, деб белгилансин».

Ана шу қарорга мувофиқ ҳамда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 июндаги 221- сонли қарори асосида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида иқтисодий таълим ва бозор иқтисодиёти асослари буйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Республика Бош вазири У. Т. Султоновнинг ушбу кенгаш раиси эканлиги узлуксиз иқтисодий таълим тизими аҳамиятидан, унинг олдига қуйилган вазифаларнинг ниҳоятда долзарб ва масъулиятли эканлигидан яққол далолат беради.

Ҳукуматнинг мазкур қарори билан иқтисодий таълим ва бозор иқтисодиёти асослари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат, деб белгилаб қўйилди:

— мактаблар, урта махсус ва олий ўқув юртларида иқтисодий таълим тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш юзасидан ишларни мувофиқлаштириб турш;

— иқтисодий таълим соҳасидаги ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайерлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш юзасидан ишларни мувофиқлаштириб турш;

— иқтисодиёт фанлари буйича ўқув дастурларини шакллантириш, бозор иқтисодиётн буйича ўқув-услубий материаллар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиш, шунингдек етакчи хорижий иқтисодчиларнинг ўқув адабиётлари ҳамда монографияларини таржима қилиш ва уларни республикада нашр этиш юзасидан ишларни мувофиқлаштириб турш;

— хорижий мамлакатларнинг иқтисодий таълим соҳасидаги университетлари, ўқув марказлари, таълим ва бошқа тизимлари билан халқаро хамкорликни нўлга қуйиш юзасидан ишларни мувофиқлаштириб турш;

— хорижий мамлакатларнинг иқтисодий таълим соҳасидаги университетлари, ўқув марказлари, таълим ва бошқа тизимлари билан халқаро хамкорликни йўлга қуйиш юзасидан ишларни мувофиқлаштирнб турш.

Иқтисодий таълимни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг гоят муҳимлигини Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишида

БМТнинг, Европа Иттифоқининг, Жаҳон банкининг, Халқаро валюта фондининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, К. Адснауэр номидаги фондниг Тошкентдаги ваколатхонаси каби гоят нуфузли халқаро ташқилотларнинг иштирок этаётганлиги ҳам курсатнб турибди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлигида Тошкент давлат иқтисодиёт университети олимлари ва мутахассислари томонидан республика Халқ таълимн вазирлиги мутахассислари иштироқида «Ўзбекистон Республнкасида узлуксиз иқтисодий таълим концепцняси» ишлаб чиқилган. Бу концепцияда узлуксиз иқтисодий таълнмни янада рнвожлантнриш ва такомиллаштирншиниг стратегик йуналншларн белгилаб қўйилган булиб, улар иқтисодиёт кадрларнни тайёрлашнинг ва умумнй иқтисодий таълимнинг жаҳон андозаларига мос келади. Узлуксиз иқтисодий таълим концепцнясини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад халқаро ҳамжамнят томонидан қабул килинган таълим андозаларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлашдир.

Концепция Халқаро стандарт таълим классификацияси (ЮСЭЙД) ва халқаро стандарт касб классификацияси (ЮСКО) қоидаларн асосида ишлаб чиқилган. Концепция яратилишидан аввал улкан тадқикот ишлари олиб борилди. Бунда иқтисодий таълим жаҳон тизими, айниқса АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония ва Россия тизими тажрибаси урганнлди ва умумлаштирилдн. Умуман олганда, таклиф этилган концепция асосан иқтисоднёт ходимларн тайёрлашнинг инглизча-америкача тизнмига таянади. Аммо унда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларн, ўтиш даврн, иқтисодий таълим босқичлари ва даражаларига бевосита таъснр курсатадиган хужалик юритиш тизими ҳисобга олинган.

Шу муносабат билан кўп даражали иқтисодий таълимнинг таклиф этилган тизимнда «Дипломли мутахассис» ва «Аспирантура» каби босқнчлар сақлаб колиндн. Инглизча-америкача тизимда эса бу босқичлар йук. Узлуксиз таълимнинг барча даражаларини қамраб оладнган концепция таркиби унинг узига хос жихатидир. Шу муносабат билан концепцияда таклиф этилган узлуксиз иқтисодий таълимнинг асосий босқичлари ва даврларини курсатиб ўтиш уринлидир:

1. Гимназия — 1-9-синфларни қамраб оладиган (тулиқсиз) умумнй ўрта таълим булиб, унда иқтисодиётнн ўрганиш бошланади.

2. Лицей — 10-11-синфларни хам камраб оладиган тўлик урта таълим бўлиб, унда бозор иктисодиёти, бизнес ва тадбиркорлик тизими асосларини ўрганишга киришилади.

3. Коллеж — танланган ихтисосликка қараб 2-3 йил муддатлик ўрта махсус таълим. Коллежда иктисодий тизим, бозор иктисодиёти назарияси ва амалиёти, молия, бизнес бошқаруви ва хоказоларни кенг ўрганиш бошланади.

4. Бакалаврнат — муддати камида 4 йил булган база олий таълими. Танланган ихтисослик бўйича иктисодчиларни умумий назарий, услубий ва амалий тайёрлаш таъминланади. Бакалавр — ихтисослиги ёки касби йуналиши бўйича умумиктисодий ва бошка вазифаларни бажаришни таъминлайдиган база билимига эга бўлган мутахассисдир.

5. Магистратура — 5-6 йил давомида ихтисослик ёки касбининг аник бир сохаси бўйича узлуксиз иктисодий билим берилади-ган олий касб таълимидир. Магистр — танланган ихтисослик буйича назарий, услубий ва амалий билимга эга булган мутахассис хисобланади.

6. Аспирантура — узлуксиз иктисодий таълим тизимидаги илмий-тадкикот боскичидир. Бу боскич муддати уч йил булиб, у диссертация химояси билан ниҳоясига етади. Диссертацияда аник иктисодий тизимда таклиф этилган иктисодий янгилик моделининг самарадорлиги асослаб берилади.

7. Докторантура — узлуксиз иктисодий таълим ва илмий тадкикотларнинг олий боскичидир. Бу боскич уч йилни камраб олади хамда фан ва иктисодий тизим сохаларига назарий ва услубий улуш кушишга кодир булган юкори малакали шахсни шакллантиришга йуналтирилган.

Концепцияда иктисодий таълим даражалари аник чегаралаб куйилган булиб, улар халкаро хамжамият томонидан кабул килинган андозаларга тула-тукис мос келади.

1. Бакалавр махсус йуналишларга эга:
   ВВА — бизнес бошқаруви бакалаври.
   ВА — касб бакалаври.
   В — фан бакалаври.
2. Магистр хам махсус йуналишларга эга.
   МВА — бизнес бошқаруви устаси (магистри).
   МА — касб устаси (магистри).
   М — фан устаси (магистри).
3. Иктисод фанлари номзоди.
4. Иктисод фанлари доктори.

Концепцияда Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълимни маблағ билан таъминлашнинг турли йуллари таклиф этилган. Унда бу тадбирни давлат томонидан ажратиладиган маблағ билан таъминлаш зарурати ҳамда аста-секин буюртмачилар талабига мувофиқ равишда мақсадли контракт тизимига утиш аниқ асослаб берилган. Шу муносабат билан таълим босқичларига кура маблағ билан таъминлашнинг куйидагича йуллари таклиф этилади:

1. Гимназия — давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва давлатга тааллукли бўлмаган тузилмаларнинг гимназия таълимини ривожлантиришда иштироки.

2. Лицей — давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва давлатга тааллукли булмаган тузилмаларнинг умумий урта таълимни ривожлантиришда иштироки.

3. Коллеж — давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрлаш.

4. Бакалавриат — давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрлаш.

5. Магистратура (дипломли мутахассис даражаси ҳам қўшилган ҳолда) — жисмоний ва юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрлаш.

6. Аспирантура — давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрлаш.

7. Докторантура — давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ва жисмоний ҳамда юридик шахслар буюртмаларига мувофиқ равишда мақсадли контракт асосида тайёрлаш.

Узлуксиз иқтисодий таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш ҳам концепциянинг мухим жиҳатларидан ҳисобланади. Бу қуйидаги мақсадларни кузлайди:

— узлуксиз иқтисодий таълим тизимини жаҳон тизими билан бир ҳолга келтириш;

— мутахассислар билим даражасини халқаро миқёсда синаб кўриш;

— жаҳон етакчи мутахассислари ва университетлари таълим технологияларининг билим ва тажрибаларини жалб этиш;

— иқтисодчи мутахассислар дипломлари ва даражаларининг эркин айрибошланишини (конвертация қилинишини) таъминлаш.

Бу жараёнда бўлажак мутахассисларни хорижий тилларга, биринчи навбатда инглиз тилига ўргатиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалари муттасил кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган бугунги кунда бу ҳаётий заруратга айланди.

Бош таълим муассасаси (университети) таркибида таълим даражаларининг босқичма-босқичли занжирини ташкил этиш гарбдаги кўпгина университетлар учун хосдир. Бу занжир — гимназия, лицей, коллеж, бизнес мактаби, университет халқаларидан ташқил топади. Олий ўқув юртининг бу таркиби қуйи погонадаги билим масканлари нуфузини университет ҳисобига ошириш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу холда қуйидагиларга эришилади:

— университет илмий педагогик уқув-услубиёт ва моддий техника салоҳиятини узлуксиз таълимнинг барча даражалари уртасида энг окилона ва самарали тақсимлаш таъминланади;

— қуйи погонадаги ўқув муассасалари юқори босқичдагилар билан эркин ва устувор даражада алоқада бўла олишлари туфайли уларнинг нуфузи ортади;

— юқори малакали илмий педагогик салоҳият ҳамда юқорироқ даражадаги ривожланган таълим технологиясидан фойдаланиш ҳисобига мутахассислар тайерлаш сифати яхшиланади ва ҳоказо.

Фикримизча, университет таълимини ташкил этишнинг худди шу амалнётн Узбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар талабига энг куп даражада жавоб беради.

Республика Олий ва урта махсус таълим вазирлиги узлуксиз иқтисодий таълим тизимини ислоҳ қилишда халқаро ташкилотлар ва фондлар билан фаол ҳамкорлик қиляпти.

Энг аввало, бу масалага Президентимиз Ислом Каримов томонидан алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлаш зарур. Давлатимиз раҳбарининг гояси асосида мамлакатимизда студентлар ва ёш уқитувчиларни хорижда ўқитишни маблағ билан таъминлаш буйича Президент жамғармаси ташкил этилгаи. 1991 йилдан Президент Ислом Каримов томонидан ўн нафар студентимизнинг АҚШнинг етакчи университетларида уқишини давом эттиришларн учун 100 минг АҚШ доллари ажратилган эди. Бу студентларнинг хаммаси Америка университетларининг дипломлари ва бакалавр даражаларини олдилар. Уларнинг айримлари Америка компанияларн томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига магистратурада уқишни давом эттирмоқдалар.

Бугунги кунда бизнинг студентларимиз АҚШ ва Англиянинг 18 бакалавр ва 7 магистр дипломларига эга булдилар. Бу мутахассисларимиз ушбу давлатлар томонидан ажратилган граитлар учун эълон қилинган танловларда голиб чиқиб, ўз ўкишларини маблаг билан таъминланишига эришдилар.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январда иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини куллаб-кувватлаш «Умид» жамгармасини тузиш ва Президент грантларини (ўқиш харажатлари учун бериладиган мукофотлар) жорий этиш тўғрисидаги Фармони қобилиятли ёшларимизни хорижнинг энг нуфузли ўқув юртларида чукур билим олишларини таъминлашга қаратилган гамхўрликнинг янги бир ёркин ифодаси булди.

«Умид» жамгармаси фаолиятининг асосий йуналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

— Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий хаётининг устувор йўналишлари бунича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш максадида истеъдодли ёшларни танлаб олиш, саралаш ва ўқитиш, тегишли режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни таълим тизимига жорий этиш хамда танлов асосида чет эл ўқув юртларига ўқишга юбориш;

— қобилиятли ёшларнинг нуфузли халқаро олимпиада ва танловларда иштирок этишини ташкил қилиш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек, етакчи чет эл олий ўқув юртлари ва илмий марказлари, таълим йуналишида фаолият курсатаётган халқаро ва хорижий ташқилотлар ва жамгармалар билан узаро хамкорлик муносабатларнини ўрнатиш;

— иқтидорли ёшларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илгор билимлар асосида таҳсил олишлари, баркамол инсон ва юксак маънавиятли, юқори малакали мутахассис булиб етишишларига моддий-маънавий хомийлик қилиш;

— чет эл олий ўқув юртларида таълим олаётган хамда таълим олиб келган иқтидорли ёшлар билан доимий алоқалар ўрнатиш, уларни миллий тикланиш мафкурасига асосланган холда умумбашарий қадриятларини урганишга, Ўзбекистон илм-фанининг шои-шухратини, обрў-эътиборини дунёвий микёсларга олиб чиқишга даъват этиш.

Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасида «Узбекистонда менежментга ўқитиш» лойиҳасига жалб этилган ўқув юртлари илмий-педагогик, ўқув-услубий ва моддий-техник салоҳиятига хорижий сармоялар муваффақиятли жалб этилди.



ARM REGISTR № 76129

Хусусан, ушбу лойиҳа буйича Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ва бошқа олий укув юртларининг купгина укитувчилари Европанинг МВА дастури буйича бир йиллик укувда бўлдилар ва машҳур Европа университетларининг уста (магистр) даражаси ва дипломини олдилар. Улар бугуиги кунда Ўзбекистон етакчи олий укув юртларида менежментга укитишнинг янги технологияларини жалб этиш ва узлаштириш учун узига хос манба хисобланадилар. Шуни айтиш кифояки, биргина Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида 20 нафардан купрок укувчи Европа нусхасидаги МВА даражасига эга, улар инглиз тилини ва компьютер технологиясини эгаллашган. 10 студент АКШ ва Европа етакчи университетларининг магистр даражасига, 20 нафардан купрок студент эса бакалавр даражасига эгадир. Улар билан ҳар канча фахрлансак арзиади.

Узлуксиз иқтисодий таълимни ривожлантириш ва такомиллаштиришда республика Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ҳамда Европа таълим фонди ва Европа Иттифокининг ТАСИС дастури иштирокида 1996 йил ноябрь ойида ўтказилган «Ўтиш даврида узлуксиз таълим ва меҳнат бозорини шакллантириш» мавзусидаги конференциясн мухим аҳамиятга эга булди. Анжуман мавзунининг ўзиёк таълим муассасаларини бозор талабига иложи борича тўлиқ мослаштирмасдан туриб бозор ислоҳотларининг муваффақиятли булишини таъминлаш мушкул эканлигини курсатиб турибди. Меҳнат бозори ва унга иқтисодий таълим тизимининг ҳозиржавоблиги Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг реал ва харакатлантирувчи кучига айланди.

Бугунги кунда нафақат таълим тизимини, балки таълим хизматини тубдан ислох килиш зарурати тугилган. Жумладан, бизнеснинг барча йўналишлари буйлаб кичик иқтисодчилар, бакалавр ва магистрларни (дипломли мутахассисларнинг алоҳида ихтисосликлари буйича) тайёрлаш керак. Мутахассисларда бизнес ва тадбиркорлик талабларига куникмалар хосил қилиш максадида бизнес буйича ихтисосликларнинг кенг турларини таклиф этадиган олий коллежлар ва бизнес мактабларининг ролини ошириш максадга мувофикдир.

Қишлоқ хужалиги ва агросаноат мажмуасининг юқори малакали мутахассисларга талабини хисобга олган холда агроиқтисодиёт ва агробизнес ихтисосликлари буйича ходимлар тайёрлашни тубдан яхшилаш лозим. Бугунги кунда қишлоқ жойлари-

да оила бизнесини йулга қўйишга кодир мутахассисларга ҳам эҳтиёж жуда каттадир.

Узбекистон иқтисодиётининг куп укладлилиги кенг қамровли иқтисодий муаммолар буйича чуқур билимга эга булган иқтисодиёт мутахассисларига талаб бундан буён ҳам ортиб бориши далолатидир. Шундай экан, макроиқтисодиёт ва давлат бошқаруви буйича мутахассислар тайерлаш сифат жиҳатдан янги погонага кутарилиши зарур. Айни пайтда йирик бизнес ва бошқарув бугини мутахассислари малакасини ошириш тизими ҳам ривожлантирилиши лозим.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳаси мутахассислар бозорининг нисбатан янги йуналиши ҳисобланади. Ҳозирги вақтда халқаро бизнес, халқаро маркетинг ва менежмент, божхона иши, хорижий сармоялар ва бошқа иқтисослиқлар бўйича мутахассисларга талаб ортиб боряпти. Шу боисдан иқтисослашган иқтисодиёт университетлари ва бизнес мактаблари учун ривожланиб бораётган ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланадиган мутахассислар тайерлаш устувор йўналишлардан бирига айланиши керак.

Узлуксиз иқтисодий таълим деганда, таълимнинг давомийлигини тушуниш керак. Бу тизимнинг моҳияти бугун коллежни тугаллаган студент эртага университетга укишга кириши шарт, деган маънони келтириб чиқармаслиги лозим. Бу ерда гап бошқа мақсад тўғрисида кетмоқда: бир таълим босқичини тугаллаб, маълум ихтисослиқни эгаллаган студент куз унгида юқорироқ, ўзи эгаллаган малака ва даражадан юқорироқ таълим муассасаси туриши керак. Бу масалада асосий хусусият шундан иборатки, хизмат пиллапоясидан юқорироқ лавозимга интилаётган холим юқорироқ малака ва даража бераднган укув юртини тугаллаши шарт.

Шу вақтгача амалда булиб келган иқтисодий таълимнинг қуйидаги камчиликлари равшан бўлиб қолди:

1. Иқтисодий таълим тизимининг ҳозиржавоб эмаслигида.

2. Академик таълимнинг касб таълимидан, демак хужалик фаолиятидан узилиб қолганлигида.

3. Таълим хизмати таклифи билан иқтисодий таълимга реал талаб уртасидаги узилишда.

Бундан ташқари, таълим бозорида ҳал этилиши керак бўлган бошқа муаммолар ҳам бор. Жумладан, ҳозирча меҳнат бозорида кичик мутахассис, бакалавр ва магистр касб билимларини намоён этишларн учун тегишли хизмат вазифалари белгилаб

қўйилмаган. Бу масалада республика Меҳнат вазирлиги тегишли чора-тадбирлар кўриши мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муаммо. Академик таълим амалиётдан узоқлашиб қолган булса-да, унинг давлат нусхасидаги дипломи ишлаб чиқариш томонидан тан олинади. Касб таълими амалиёт билан чамбарчас боғлиқ булсада, хизмат имкониятларидан кутарилишдаги расмиятчиликлар касб таълими натижалари тугрисидаги сертификатни тан олманди. Бу жумбоқ бнргина Меҳнат вазирлигининг эмас, балки бошқа тегишли вазирлик ва идораларнинг узил-кесил бир қарорга келишнии хаётин зарурат қилиб қўймокда.

Бу масалаларнинг юзага чиқиши бозор иқтисоднётига утиш даврининг хусусиятлари билан хам изоҳланади. Айтайлик, бугунги куида хусусий сектор уз талабини мутлақо янгича қуимокда. Хусусий сектор учун академик диплом ёки даража эмас, балки бозор иқтисодиети шароитларида хужалик юритиш малакаси мухимдир. Шу сабабли хам бу сектор касб таълимини ривожлантириш учун кучли туртки бўлди.

Бу билан академик ва фундаментал билимларнинг ахамияти асло камситилмайди. Аксинча, худди шу билимлар касб таълимнин ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асоси, мустаҳкам пойдеворидир.

Ўз навбатида олий мактабда хам муаммолар етарли. Уларнинг асосинлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

— таълим фаолиятининг илмий педагогик таъминотидаги кийинчиликлар;

— укув-услубин салоҳнятнинг бушлиги ва олий укув юртлари таълим технологияларининг қолоқлиги;

— олий ва урта махсус таълим укув юртлари моддий-техника базасининг бушлиги;

— олий таълим тизимидаги ташкилий-услубий ноаниқликлар.

Агар юқорида баён этилган дастлабки уч муаммо узлуксиз таълим барча бўғинларига хос бўлиб, давлат томонидан маблаг билан ёрдам кўрсатилишини талаб этаётган булса, охирги муаммо фақатгина олий мактаб тизимига хосдир ва асосан давлат томонидан ташкилий куллаб-кувватланишга мухтождир.

Шу муносабат билан иқтисодий таълимнинг халқаро стандарт классификацияси ва касб халқаро стандарт классификацияси асосида иқтисоднёт соҳалари ва ихтисосликлари буйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш найтида қуйидаги масалаларни хал этиш жуда мухимдир:

1. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш тартибини ҳукумат даражасида ҳал қилиш.

2. Давлат таълим стандартларининг мазмуни, расмийлаштирилиши, тарқиби буйича қандай бўлиши кераклиги тугрисидаги талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

3. Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, намунавий ўқув дастурларини тадқиқ этиш, таҳлил этиш ва яратиш, замонавий укув технологияларини ўрганиш ва жорий этиш вазифалари юклатилган ўқув услубиёт бошқармасини ташкил этиш.

Шу билан бирга Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Япония ва бошқа мамлкатларда ҳамда Европада кулланилаетган иқтисодий таълимнинг стандарт классификацияси ва касб стандарт классификацияси таҳлил қилиб чиқилиши зарур. Шу асосда ҳамда Ўзбекистонининг узига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим булади:

— олий мактаб ихтисосликлари учунгина тааллуқли ҳисобланган билимлар, кўникма ва малака мезонларини аниқлаш;

— амалий ёндашув ва меҳнат тақсимоти нуқтаи назаридан бу билимлар, куникма ва малакани классификациялаш тамойилларини белгилаш;

— мавжуд ихтисосликлар руйхатн тулалнгини текшириш;

— мутахассислар тайёрлашнинг аниқ даражасини белгилаб қуйиш; бакалавр, дипломли мутахассис, магистр, кайта тайёрлаш ва малака ошириш, аспирантура, докторантура;

— олий таълим, урта махсус таълим мутахассисликларининг Олий аттестация комиссияси илмий ихтисосликларига мувофик бўлишига ёндашувларга аниқлик киритиш;

— Ўзбекистон иқтисодий таълимининг хорижий мамлакатлар иқтисодий таълими билан интеграциялаш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда соҳалар ва ихтисосликлар рўйхатига аниқликлар киритиш;

— ихтисосликлар руйхатн мониторинг механизмини, уни лойиҳалашни автоматлаштиришнинг услубий ва дастурий воситаларини яратишни кўзда тутиш.

Республика Меҳнат вазирлиги халқаро тажриба ва миллий иқтисодиётнинг ҳақиқий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ихтисосликлар ва касблар рунхатига аниқлик киритиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий эътибор таълим даражаларининг бошқарув бўғинлари хизмат вазифаларига мос булишига қаратилиши лозимдир.

Иқтисодий таълим аниқ мақсадни кўзлаган инсон фаолиятининг бир қисми сифатида муайян бошқарув тизимига эҳтиёж сезади. Таълим хизматига талабни шакллантириш ва уни қондиришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш унинг мақсади ҳисобланади. Шундай экан, таълим хизматининг маркетинги узлуксиз иқтисодий таълим самарали тизимининг узвий қисмига айланиши керак.

Таълим хизматини таклиф қилиш сохасидаги маркетинг фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— таълим хизматларига, ўқув муассасалари ва илмий тадқиқот марказларининг иқтисодий таълим ҳамда малака ошириш соҳасидаги фаолиятига талабни ўрганиш ва истиқболни белгилаш;

— таълим, илмий-тадқиқот фаолияти ва малака ошириш йуналишларини ишлаб чиқишни ахборот билан таъминлаш;

— жамиятнинг юқори малакали кадрларга, таълим хизматларига эҳтиёжини қондиришга хар тарафлама кумаклашиш;

— ўқув муассасалари, таълим ва илмий марказларнинг таълим хизмати бозоридаги хатти-ҳаракатлари стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш;

— ўқув муассасалари, таълим ва илмий марказлар экспорт салоҳиятини оширишга ҳизмат қилиш, узбек таълим тизими, педагогик маҳорати ва санъатининг халқаро эътирофини таъминлаш.

Халқ хужалигини қатъий режалаштирилган ҳолда мутахассислар ва илмий ходимлар билан таъминлаш даврлари утиб кетди. Маркетинг узлуксиз иқтисодий таълимда яхлит тизимга айланиши зарур. Масалан, олий маълумотли мутахассис тайёрлаш учун давлат маблағларини қоплаш муаммосини қандай қилиб оқилона ҳал этиш мумкин? Маълумки, ҳозир давлат маблағи ҳисобига олий маълумот олган мутахассис аксарият ҳолларда давлатга қарашли бўлмаган тузилмаларда ишлаш учун боради. Фикримизча, бундай ҳолда уша мутахассисни ишга қабул қилган нодавлат тузилмаси бу мутахассисни тайёрлаш учун давлат сарф қилган харажатларни тула қоплаши керак. Бундан фақат давлат, бюджет корхоналари, нотижорат ташкилотлари ва жамиятлари истисно бўлишлари мумкин.

Бу олий мактаб нуфузини оширишга ҳам, давлат маблағларидан оқилона фойдаланишга ҳам хизмат қилган булар эди. Энг муҳими эса олий ўқув юртларининг моддий-техника ресурсларини сезиларли даражада яхшилаш мумкин буларди.

Узлуксиз иқтисодий таълимнинг яхлит тизимини яратишни

ҳаётининг узн. мустақил давлатимизда «ўзбекча модель» асосида олиб борилаётган ислоҳотлар талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1997 йил 26 февралда Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида яхши, замонавий тараққиётга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш энг муҳим, устувор вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади. Шундан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 мартдаги фармойиши билан кадрлар тайёрлаш буйича миллий дастур тузиш учун комиссия ва ишчи гуруҳлари тузилди. Бу комиссия ва ишчи гуруҳлари ишига узбекистонлик ва хорижий етакчи мутахассислар, кенг илмий ва педагогик жамоатчилик вакиллари жалб этилди.

Кадрлар тайёрлаш буйича миллий дастурда қуйидагилар назарда тутилмоқда:

— бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ килиш, ишлаб турган укув юртларини янги йўналишга солиш ҳамда янги шароитлар ва замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш учун янги укув юртлари, энг аввало техник коллежлар, бизнес мактаблари ва махсус укув юртлари ташкил этиш йули билан тузилма янгиланишларини амалга ошириш;

— укув-тарбия жараёни сифатини жахон стандартлари даражасига кутариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш;

— укув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, хусусан 9- синфни битирувчилар учун тадбиркорлик фаолияти асослари, иктисодий ва хукукий билимлар дарслари киритилган махсус таълим муассасаларини барпо этиш ва уларнинг тармогини кенгайтириш;

— ёшларга миллий уйгониш ва умуминсоний қадриятларни идрок этиш мафкураси асосида Ватанга мехр-муҳаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;

— ёшлар билан мунтазам равишда тинимсиз ишлаш, иқтидорли болаларни қидириб топиш, уларнинг энг яхши хорижий укув марказларда профессионал таълим олиши учун шароит яратиш;

— Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;

— таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янги

ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш;

— педагоглик касбига ҳурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизиқишни кучайтириш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит яратиш.

Бунинг учун давлатимизда ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар бор. Республикада умумий ўрта таълим тизими мавжуд. Ўқув муассасалари моддий базага эга. Ўрта махсус ва олий ўқув юртлари тармоги кенг. Куп мутахассисликлар буйнча кадрлар тайёрланмоқда. Ўрта мактаб ва ўқув муассасалари битирувчиларининг умумтаълим ва профессионал билим даражаси юқори. Нафақат шаҳар, балки қишлоқ мактабларининг ўқувчилари ҳам яхши билим, тайёргарликка эга эканликларини курсатмоқдалар.

Кадрлар тайёрлашда кучли базага эга эканимизни чет эллик ҳамкорларимиз ҳам эътироф этмоқда. Бунга мисол тариқасида, қиска муддатда йигит-қизларимиз Кореянинг «ДЭУ» компаниясида, Германиянинг «Саламандер», Италия ва бошқа мамлакатлар корхоналарида мутлақо янги касбларни эгаллашга муваффақ бўлганликлари ва ҳамма жойда улар мутахассисликни яхши узлаштириб, ҳар қандай хорижий юқори малакали ишчи ёки мутахассис билан рақобат қила олишга қодир эканликларини намойиш қилганларини келтириш мумкин.

Шу билан бир қаторда, ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ўқув муассасалари тизимини такомиллаштиришни ҳам тақозо этяпти. Биринчи навбатда тўққизинчи синфни тугаллаётганлар учун махсус ўқув юртлари тармогини кенгайтириш ва ташкил этиш лозим буладн. Кичик ва хусусий бизнес ташкилотчиларини тайёрлаш бўйича техник коллеж ва махсус бизнес-мактаблар ташкил этиш керак. Ўқув жараёнига тадбиркорлик фаолиятн, ҳуқуқ, солиқ, сугурта асослари ҳақида билим берадиган фанларни дадиллик билан киритиш мақсадга мувофиқдир.

Университет дипломи даражаси ва обрусини ошириш ҳам зарур. Бунинг учун ўқув муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш, зарур ўқув адабиётлари билан таъминлаш, ўқувчиларнинг турли шаклларини кенгайтириш, ўқитувчиларнинг меҳнатга рагбатини кучайтириш — энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти ёшлар билан мунтазам, кунт билан иш олиб бориш, истеъдодли болаларни саралаб, уларга чет элнинг яхши ўқув марказларида профессионал

билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни тақозо этяпти. Бу мақсадни амалга оширишда Президент Фармони билан тузилган «Умид» жамғармаси катта роль ўйнаши шубҳасиз.

Республикамизда демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш буйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамрай оладиган махсус Миллий дастур ишлаб чиқилаётганлиги, айниқса, эътиборга сазовордир.

«...барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглигини ҳамда қонуннинг ҳамма нарсадан устунлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам асоси яратилди».

*ИСЛОМ КАРИМОВ*

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Йигирманчи асрнинг саксонинчи йилларига келиб собиқ иттифоқда узоқ йиллар давомида қарор топган маъмурий — буйруқбозлик тизими тараққий этган давлатлардаги эркин иқтисодиёт билан рақобатлаша олмаслиги тобора равшан була бошлади. Бу иқтисодиетнинг энг янги илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тезлик билан жорин этишга мойил жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эмаслигида, хом ашё, моддий ресурсларни ортиқча сарф қилишида, айниқса, яққол кузга ташланарди. Оқибатда собиқ иттифоқ иқтисодиёти нафақат гарбнинг тараққий этган давлатлари, балки Осиёдаги Жанубий Корея, Сингапур, Таиланд каби мамлакатлар билан «тинч мусобақа»да ҳам мавқеини бой бера бошлади.

Саксонинчи йилларининг иккинчи ярмида партиянинг юқоридан туриб берган буйруги асосида «жадаллаштириш», «қайта қуриш» каби шиорлари остида баъзи узгартиишларга уринишлар ҳам муваффақиятсизликка учради.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сунггина ҳаётнинг ҳамма соҳалари каби иқтисодиётни ҳам туб ислоҳ килиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатимизда Ҳамдустликдаги баъзи бир республикаларга ухшаб узгартишларни амалга оширишда шошқалоқлик, «ким узди» сингари мусобақалашишларга йул қуйилмади. Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисоднётиин шакллантиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш учун Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойил асос қилиб олинди:

— иқтисоднётининг сиёсатдан устуворлиги;
— давлат — бош ислохотчи эканлиги;
— ҳамма нарсада қонуннинг устуворлиги;
— кучли ижтимоий снёсат;

— ислоҳотларнинг босқичма-босқич утказилиши.

Бунда иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсадлар қуйидагилардан иборат эди:

— иқтисодий тангликни бартараф этиш;

— маъмурий-буйруқбозлик, марказлаштирилган-режали тизимдан мерос булиб колган тармоқ ва ҳудудий мутаносибликка барҳам бериш;

— очиқ ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш;

— иқтисодий муносабатларни, биринчи навбатда мулкка муносабатларни узгартириш, ҳақикий мулкдорлик қатламини шакллантириш.

Ана шу стратегик мақсадларга эришишнинг пухта уйланган, аник йул-йуриқлари ҳам белгилаб олинди. Энг аввало иқтисодий ислоҳотлар қадам-бақадам бозор муносабатларининг реал механизмларини яратиш кераклигига алоҳида эътибор қаратилди. Улар бирданига, тезда шаклланиб қолмайди. Бу механизмлар амалиётда синаб курилиши, созланиши ва пухта-пишиқ бўлганидан сунггина кенг жорий этилиши керак.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ва бунинг учун мустаҳкам негизни яратиш мақсадида иқтисодиётни ислоҳ килишнинг стратегик мақсадлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

1. Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, миллий бойликни купайтириш, одамларнинг муносиб турмуш кечиришларини таъминланган кудратли ва жадал ривожланаётган иқтисодий тизимни яратиш.

2. Куп укладли иқтисодиётни шакллантириш, инсонни мулкдан маҳрум этилганига барҳам бериш, хусусий мулкни, ташаббускорлик ва тадбиркорликни бутун чоралар билан ривожлантиришни давлат ҳимоясига олиш.

3. Корхоналар ва фукароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик усулида бошқаришга чек куниш, иқтисодий мурватлар ва рағбатлантириш омилларидан кенг фойдаланиш.

4. Иқтисодиётда моддий, табиий ва мехнат ресурсларидан самарали фойдаланишни, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чикаришни таъминлайдиган чукур таркибий узгартишларни амалга ошириш, жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялаш.

5. Одамларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир инсонга меҳнат фаолиятини мустақил танлаш имкониятини яратиш.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олдида гоят долзарб ва ўта мураккаб масала — собиқ маъмурий-буйруқбозлик системасини ўзгартириш, унинг тараққиётини бошқа, анча самаралироқ иқтисодиёт изларига ўтказиш вазифаси турарди. Одамлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг туб жиҳатдан бошқа тамойилларга асосланган бозор муносабатларига ўтиши алоҳида аҳамиятга эга эди.

И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида шундай ёзади: «... марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш — эски хўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишдир»*. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувидир.

Бозор иқтисодиёти айрим шахслар ва турли хўжалик тузилмаларининг сарфланган сармоя ҳисобига нложи борича купроқ даромад олиш учун қаратилган тадбиркорлик фаолиятига асосланган муносабатлар тизимидир. Худди ана шу иқтисодий тизим орқали энг аввало турли мамлакатлар ўртасидаги горизонтал алоқалар ривожланиб боради.

Давлат корхоналари (агар улар бозор қонунларн буйича фаолият кўрсатаётган бўлса), хусусий, жамоа, ширкат, ижара, хорижий сармоядан фойдаланилган ҳолдаги қушма, шунингдек, оила корхоналари, шахсий меҳнат фаолиятининг турли-туман шакллари бозор тузилмаларн сифатида майдонга чиқади. Ана шу тузилмаларнинг ҳар бирига мулкчиликнинг муайян шакли мос келади. Улар тенг ҳуқуқлилик асосида ўзаро хилма-хил иқтисодий алоқаларга кирадилар. Молия, муомала соҳаси, реклама соҳасида турлича хўжалик тузилмалари (фонд ва бошқа биржалар, тижорат ва бошқа банклар, брокерлик идоралари ва бошқалар) фаолият кўрсатади.

Бозор иқтисодиётн узида купдан-кўп бозорларни: товар бозорини (истеъмол, ишлаб чиқариш воситалари, техника янгиликла-

---

* Ислом КАРИМОВ. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 й., 17- бет.

ри, патентлар ва ҳоказолар бозори) молия бозорини (сармоя, қимматли қоғозлар, кредитлар, валюталар), меҳнат бозорини (иш кучи таркиби, ишсизлик ва ҳоказолар) мужассамлаштиради. Бу тузилмаларни гуруҳларга ҳам ажратиш мумкин. Жумладан, истеъмол бозори таркибида гушт, сут маҳсулотлари, пойафзал, нон маҳсулотлари, пахта ёғи бозорлари ва ҳоказо бозорлар бўлади. Яна маҳаллий, яъни миллий ёки ички, шунингдек, жаҳон бозори ҳам мавжуд. Уларнинг ҳар бири муайян ҳудудни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси қандай иқтисодиётни яратишга интилаётгани муаммосини таҳлил этишда бозор амал қилиши лозим бўлган тамойилларни, бозор муносабатлари қатнашчилари хатти-ҳаракатларини бошқариб турадиган умумий қоида ва шартларни куриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагилардан иборат:

— иқтисодий эркинлик ва кишиларнинг мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланишдаги мустақиллиги. Қишилар шуларни негизида турли бозор тузилмалари — фирмалар, акционерлик жамиятлари, корпорациялар ва ҳоказоларни ташкил этишлари ёки шахсий меҳнат фаолияти билан шугулланишлари мумкин. Улар фаолият турини танлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат ҳажми ва хилларини белгилашда эркиндирлар. Улар бошқа тадбиркорлар ва истеъмолчилар билан иқтисодий муносабатларга киришишлари, мавжуд даромадларидан уз ихтиёрларича фойдаланишлари, ташки иқтисодий фаолият билан шугулланишлари мумкин.

Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти тизимида давлат жуда муҳим урин эгаллайди. Аммо давлат маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланмайди. Шу билан бирга давлат иқтисодиётнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратиш йўлида саъй-ҳаракат қилиши лозим. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

— пул муомаласи, конъюнктура снёсати ва рақобатчиликни қуллаб-қувватлаш йўли билан бозор иқтисодиёти фаолиятини ташкил этиш учун шароит яратиш;

— ижтимоий тузилмалар (корхона ишчиларининг бошқарувда қатнашуви ва тариф автономияси кабилар) билан бозор бошқаруви тизимини тулдириш;

— ижтимоий соҳада конунчилик ва солиқ снёсати асосида ижтимоий ҳимояга мухтож аҳолининг аҳволини ночорлашганда ўз снёсатига тегишли ўзгартиришлар киритиш (масалан, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланишини назорат қилиш).

Бозор иқтисодиётн учун таъсирчан рақобатчилик керак. Бу борада давлат қуйидаги имкониятларни яратади:

— ташқи алоқалар борасида либерал сиёсатни қўллаб, капитал ҳаракати, божхона чекловлари ва товар чекланишини бартараф этиш;

— мамлакат ичкарисида эса янги корхона, кичик ва ўртача фирмаларни қуллаб-қувватлаш.

Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётн шаклланишининг асосий омили ҳисобланади. Бу капитал сармояларини максимал фойда келтирадиган ва келажаги булган соҳаларга жалб этилишини таъминлайди. Ишлаб чиқарнш воситаларига хусусий мулкчилик янги корхоналар очилиши ва рақобатчиликни ривожлантиришда катта имкон яратади.

Иқтисоднётнинг барча йўналишларида бу фаолиятнинг мазкур давлатда амал қилинаётган қонунчилик талабларига буйсуниши яккаю-ягона чеклаш ҳисобланади. Давлат тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур ҳуқуқий негиз яратади:

— **ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар рақобати.** Улар ўртасида товар ишлаб чиқариш, сотиш ва харид қилишнинг энг қулай шартлари, энг куп даромад олиш ёки бошка натижаларга эришиш учун кураш авж олади. Тармоқлар ичида ва тармоклар уртасида нарх-наво соҳаларида ва рақобатчиликнинг бошка шаклларида бозор муносабатларининг хар бнр қатнашчиси ўзининг хусусий, бошқалар манфаатларига зид қизиқишларини химоя қилади. Улардан хар бирининг шахсий интилишлари турличадир;

— **хужалик соҳалари ва турли ҳудудлар** ўртасида сармоя ва иш кучининг эркин ҳаракат қилиши, уларнинг ишлаб чиқариш ривожи ва истеъмол даражасига, турли махсулотлар, хом ашё бозорларининг, молиявии ва меҳнат ресурсларининг ахволига караб эпчиллиги ва ҳаракатчанлиги;

— **нарх-навонинг эркин шаклланиши.** У таклиф ва талаб таъсирн остида шаклланади, ишлаб чиқаришнинг ўз-ўзини бошкариш ва уни рагбатлантиришнинг энг мухим шартн ҳисобланади. У бозор иқтисодиётн хужалик механизмининг таркибии элементн сифатида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга конъюнктура, талаб ва таклиф нисбати, турли махсулотлар ишлаб чиқаришдаги номутаносибликнинг мавжудлиги ҳамда қуйилган сармоядан энг куп фойда олиш хусусида зарур ахборот беради;

— ишлаб чиқарувчиларнинг уз фаолияти пировард натижаси учун масъулияти. Бозор иқтисодиётида мавҳумлик мавжуддир. Куп холларда тадбиркорлар харидорларнинг муайян маҳсулотга эҳтиёжлари, нарх-наволар тугрисида зарур ахборотга эга эмаслар. Шунинг учун улар турлича хато ва камчиликларга йул қўйишлари мумкин. Агар асоссиз равишда таваккалчилик киладиган бўлсалар, харидорлар эҳтиёжларини нотугри баҳоласалар, бозор муҳитнга кўника олмасалар, у холда маҳсулотлари харидорлар томонидан талаб қилинмаслиги, сотилмай қолниши мумкин. Бундай тадбиркорлар ана шундай мушкул аҳволдан чиқа олмай касодга учрайдилар. Банкротлик хом ашё, материаллар ва бошқа ресурслар ортиқча сарф-харажат қилинишининг, қолоқ техника ва технологияннинг, харндор шахсий эҳтиёжлари ҳисобга олинмаган паст сифатли маҳсулотнинг оқибати ҳам булади. Рақобат натижасида қувватсиз, фойда келтирмайдиган ишлаб чиқариш қисиб чиқариладн. Унинг субъектларн яшаш учун курашда хонавайрон булиб, мулкдан ҳам айрилиб қоладилар.

Бозор механизми ана шу тамойилларга таянган ҳолда халқ хўжалигининг самарали ривожланишини таъминлайди. Бунда самарадорлик тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари орқали қўлга киритилади. Улар юқори фойда олиш мақсадида шахс ва ижтимоий эҳтиёжларнн туларок қондириш учун чора-тадбирларнн кўрадилар, уз ишлаб чиқаришларини инсон, жамият учун хизмат қилишнин кўзлаб ташкнл этадилар. Бунда эҳтиёжларнинг узгариб туришини, ҳар бир муайян маҳсулотга талабни синчковлик билан кузатиб борадилар, эпчиллик курсатиб ишлаб чиқарншин кенгайтирадилар ва маҳсулотларнинг янги турларини узлаштирадилар. Бу ҳознр ривожланган индустриал мамлакатларда узоқ фойдаланиладиган юқори сифатли моллар — автомобиллар, видеоаппаратура, электрон-ахборот воситалари ва ҳоказоларга талаб муттасил ўсиб бораётган шароитларда алоҳида муҳим аҳамнятга эгадир.

Шунинг учун ҳам тараққнётни янада юксалтиришга хизмат қиладиган, ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун негиз буладиган иқтисодий муносабатларнинг ушбу шакллари амал қилмоқда.

Бозор механизми мулкодорнинг турли-туман хусусий қизиқишларини иложи борича амалга оширади. У узининг юксак унумли меҳнати, узлуксиз муваффақнятли ишлаб турган корхонаси учун иқтисодий жиҳатдан рагбатлантирилади. Купроқ фойда олишга нитилиш илмий-техника тараққиётнин ривожланти-

риш ресурслардан оқилона фойдаланиш, хусусий тадбиркорлик турли шаклларини ташкил этиш, узоқ муддатли тадбиркорлик билан фаол шугулланиш учун жуда кучли ва муҳим рағбатдир.

Бозор иқтисодиёти сарф-харажатларни камайтириш хусусиятига эгадир. Рақобат курашида пировард мақсад бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини камайтира олган, моддий ва бошқа ресурслардан самарали фойдалана билган, ресурсларни оқилона тақсимлаган тадбиркоргина ғалаба қозонади. Бу уз навбатида эскирнб қолган машина ва ускуналарнн тезлик билан алмаштиришни, мехнат унумдорлигнин оширишни, янги техникани яратиш, илгор технология ва мехнатни ташкил этиш усулларини жорий этиш учун катта маблағ ажратишни ҳаётнй заруратга айлантиради.

Бу иқтисодий система, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларни юқори сифатли, жаҳон талабларига мос тушаднган истеъмол хусусиятларнга эга булган моллар ишлаб чиқарншга йуналтнрадн. Замонавий, пишиқ-пухта, юксак унумли, ишлатишга кулай ва хавфсиз бўлган ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган тадбиркорлар рақобатбардош бўладилар. Харидорларнинг шахсий истеъмол учун эҳтиёжларнни қондира оладиган, турмушда зарур ва ташқи куринниш чиройли махсулот ишлаб чиқаришга кодир тадбиркорлар касод бўлмайдилар. Бу билан улар, шунингдек, шахснинг жисмонй ва маънавнй камол топншига ҳам кумаклашадилар.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши рақобат билан узвий боғликдир. Рақобат ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг кудратли омили вазифасини ўтанди. У хар кандай маъмурин кўрсатма ёки мехнатда юкори натижаларга эришишга даъват қилишлардан анча кучлнроқ таъсир курсатади. Бозор муносабатиннинг қатнашчилари бнр-бирларига таъсир курсатадилар, рақобат курашини олиб борадилар. Кучлироқ тадбиркорлар ёки турли хужалик тизилмалари бозордан сиқиб чиқармасликлари учун улар мехнат унумдорлигига эришишда бошқалардан ортда қолмаслнкка интнладилар. Бу курашда хар бир тадбиркор хизматига ярашасннн олади. Замонавийроқ техникадан фойдаланнладиган, ишлаб чиқариш ва аҳолн учун юқори самарали махсулот яратадиган тадбиркор бу курашда голнб чиқади.

Ўзбекистонда ислоҳотларнн амалга оширнш учун биринчн навбатда бозор иқтнсодиётининг ҳукукий негизини яратиш чораларн курилди. Бу хукукий негизни яратиш бир неча йўналиш буйлаб олиб борилди.

Биринчи йуналиш. Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг

ҳуқуқий асосларини яратиш, давлат бошқаруви тамойилларини белгиловчи қонунларни яратишдан иборат бўлди. Шу йўналиш бўйича қабул қилинган қонунларга Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тўғрисидаги, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги ва бошқа қатор қонунлар киради.

Бу қонунларнинг амалга киритилиши билан республика ва маҳаллик миқёсдаги бошқарув тузилмаларининг ваколатлари аниқ чегараланиб қўйилди.

**Иккинчи йўналиш** сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатлар, энг аввало, мулкчилик муносабатлари учун асос яратадиган таркибий ўзгартишларни амалга оширишга қаратилган қонунлар қабул қилишдан иборат бўлди. Улар қаторига мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бошқ. қонунлар киради. Бугунги кунда бозор муносабатларининг зарур шарти ва асоси бўлган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш имкониятларига кенг йўл очиб берадиган барча ҳуқуқий маъёрлар амалда яратиб бўлинди.

**Учинчи йўналиш** янги хўжалик механизми ва таркибий ўзгартишлар учун шарт-шароит яратадиган ҳуқуқий асосларни яратишдир. Бу соҳада янги бозор инфратузилмаларни ташкил этишни таъминлайдиган, корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятининг барча томонларини қамраб олган кўпгина қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Иқтисодиёт турли соҳаларидаги хўжалик субъектларининг мақоми, ҳуқуқи ва иқтисодий эркинликларини белгиловчи қонунлар қабул қилинган. Корхоналар тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги, деҳқон (фермер) хўжаликлари тўғрисидаги, хўжалик бирлашмалари ва ширкатлар тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Бу қонунларда биринчи марта иқтисодий манфаатдорлик, фойда ва ўз фаолияти натижалари учун моддий жавобгарликка таянадиган республика янги хўжалик механизмининг асосий тамойиллари негиз қилиб олинди.

Бу қонунлар амалга киритилиши билан корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари хилма-хил булиб колди. Улар бу корхоналарнинг фаолият турларига ва бошқарувни ташкил этиш тизимига энг мақбул тарзда мос келди.

Бозор инфратузилмаларини яратиш жараёнлари ва улар фао-

лиятини мувофиқлаштириб туришни таъминлайдиган қонуний меъёрлар фаол шакллантирнб борилди. Буларнинг асосий қоидалари банк ва банк фаолияти, пул тизими, тадбиркорлик, суғурта тўғрисидаги, биржа ва биржа фаолияти, аудитор фаолияти тўғрисидагн, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги, қимматли қоғозлар бозори амал қилиши механизми тўғрисидаги, акцнядорлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисндаги ва бошқа қонунларда ўз нфодасини топди. Ушбу қонунлар қабул қилиниши билан республикада бозор механизмларини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Бозор муносабатларнин шакллантиришда якка ҳукмрон монополчнлар фаолиятини чегаралайдиган, корхоналар банкротликка учрашини белгнловчи қонунларнинг кабул этилиши катта аҳамиятга эга булди. Ҳуқуқий давлатда ҳамма масалалар қонуний нўл билан, суд қарорига мувофиқ хал этилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодекси қабул қилинди ва хўжалик суди тузилди.

Туртинчи йуналиш Узбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектн снфатидаги қонуний ҳуқукларини белгиловчи ҳуқуқий меъёрларнинг қабул қилинишидир. Ташқи иқтисодий фаолият тугрисндаги, Республикамизнинг етакчи халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши тўғрисидаги, эркин иқтисодий зоналар тугрисдаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши, мамлакатимиз томонндан асосий халқаро хужжатлар ва битимларнинг имзоланиши жаҳон бозорида фаол ўзаро ҳамкорлик қилиш Узбекистонни жаҳон иқтисодий тизимига интеграция қилинипи учун ҳуқуқий негиз яратди.

Республика иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишни таъминлайдиган, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари учун ишончли кафолатлар берадиган қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон учун алохида аҳамиятга эгадир.

Бешинчи йуналиш инсоннинг конституцнявий ва юридик ҳуқуқларини ишончли таъминлайдиган, аҳолига ижтимоий кафолатлар берадиган ва ижтимоий ҳимоя қиладиган қонунлар яратишдир. Иш билан бандлик тўғрисидаги, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисндаги, таълим ва давлатнинг ёшлар снёсати асослари тўғрисидаги, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тугрисдаги қонунларнинг кабул қилиниши бозорга ўтишдек мураккаб даврда аҳолининг энг эҳтиёжманд манфаатларини қонун кучи билан ҳимоя қилиш, одамларнинг маънавий, ижодий салоҳиятларини очиш, ислоҳотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий асос яратиш имконини берди.

«Иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим якунларидан бири — аксарият юртдошларимизда мулкка эгалик, мулкдорлик туйғусининг уйғонишк ва ривожланиши жараёни, ўрта қатлам, кичик ва хусусий корхона эгаларининг, мулкининг, ер участкаларининг, акцияларнинг, бошқа қимматли қоғозларнинг, хуллас даромад келтирадиган мулкнинг шаклланишидир».

*ИСЛОМ КАРИМОВ*

## МУЛКНИ — ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИГА

### Кичик бизнесни ривожлантириш йулидан

Кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш — бозор муносабатларига утишнинг асосий шартидир.

Маълумки, собиқ тузум даврида иқтисодда умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлат бюрократик тизимининг ихтиёрида бўлган давлат сектори тўлиқ ҳукмронлик қилиб келди. Шўролар даврида мулкчилик фақат икки турдан — давлат мулки ва колхоз-кооператив мулкидан иборат эди. Аслини олганда, колхоз-кооператив мулки хам бутунлай давлат ихтиёрида эди.

Барча ишлаб чиқариш воситалари давлатнинг таиҳо мулки булганлиги сабабли ҳақиқий ишлаб чиқариш қатнашчилари ишлаб чиқариш воситаларидан махрум эдилар. Бу уларда эгалик хиссининг йуқолиб боришига, иқтисодий манфаатдорлик ва мехнатдан рағбатланишининг пасайишига олиб келди.

Шу сабабли мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хисобига куп укладли иқтисодиётни шакллантириш Узбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг гоят мухим вазнфасига айланди.

Мулкчиликнинг турли куринишларини шакллантириш, уларнинг тенг ҳуқуқлиги ва бир-бирн билан рақобат қилиши муаммоси ҳал этилмас экан, бозор сари олга харакат қилиб булмайди. Бозор муносабатларининг халқ хужалиги барча тармоқларига ёйилишининг муваффақняти, тадбиркорлик фаолнятининг ривожланиши, якка хукмронликни бартараф этиш жараёни ва пировард натижада ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш бу масаланн хал этиш даражаси, шакл ва воситаларига боғликдир. Бу жуда хам мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараён бўлиб, унинг окибатида миллионлаб фуқаролар мулк эгаси, ишлаб чиқаришнинг хакиқий хужайинига айланадилар, бошқарувда, даромадларни тақсимлашда, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш

дастурларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш имкониятига эга буладилар. Унинг асосида иқтисодиётин ислоҳ этишнинг ижтимоий негизи яратилади, ўз меҳнати билан республика миллий бойлигини яратганлар учун ижтимоий адолат тамойиллари амал қилади.

Мулкни фақатгина иқтисодий эмас, балки ҳуқуқий муносабат сифатида ҳам куриб чиқиш лозим. Бу ерда гап мулк ҳуқуқи, унинг юридик мазмуни ва бошқарилиши, мулкий муносабатларнинг қонуний ифодаси тўғрисида кетмоқда. Мулк ҳуқуқий меъёрларсиз, қонунларда мулк эгаларининг мулкка эгалик қилиш жараёнидаги хатти-ҳаракатларни қоидаларини мустаҳкамлаб қўймасдан мавжуд булиши ва ривожланиши мумкин эмас. Бу жараёнлар эса мулкнинг иқтисодий мазмунини, шунингдек моддий неъматларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, мулк эгаси ҳуқуқларини ҳимоя қилишни акс эттиради, мулкни кўнайтириш учун реал асос яратади. Ушбу жараёнлар турли шакллар орқали амалга оширилади. Бу шакллар орасида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эгадир:

— меҳнат куролларн ва буюмларини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, халқ хужалиги ва аҳоли эҳтиёжларини кондириш, корхоналар ва бошқа хужалик тузилмаларининг самарали фаолият курсатишн;

— мамлакат ичида ва халкаро майдонда мулк эгалари билан оқилона алоқалар ўрнатиш, акционерлик жамиятларн, фирмалар, банклар, қўшма корхоналар ташкил этиш, пировард истеъмол маҳсулотлари, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар ва ҳоказолар билан айирбошлаш;

— саноат, қишлоқ хужалиги, транспортга, фондали қазилмаларни қидириш, қайта ишлаш ва сотиш, бинолар, уй-жойлар ва турли мақсадлар учун иншоотлар курилишига сармоялар қўйиш;

— шахсий меҳнат фаолияти, оила жамоалари, корхона ва ташкилотлар томонидан моддий-техника ресурсларини харид қилиш ва сотиш, саноат ва илм-фан маҳсулотлари, бошқа кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш буйича мулкдан фойдаланиш;

— қимматли қогозлар билан молиявий, кредит ва бошқа операцияларни амалга ошнриш, валюта маблағларидан фойдаланиш;

— тижорат, илмин-техникавий, экологик ва бошқа ахборотларни туплаш, сақлаш, ишлаш, ҳимоя қилиш, фойдаланиш ва сотиш.

Бошқариладиган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг турлича шаклларига асосланган. Улар ўтиш

даври шароитларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш негизида пайдо бўлади.

Назарий ва амалий жиҳатдан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бир-бири билан чамбарчас боғланган. Улар кўп укладли халқ хўжалигини яратишга қаратилган бир хил курнишдаги ҳодиса ва жараёнларни ифода этади. Улар тадбиркорликнинг хилма-хил мустақил субъектларини шакллантиришга, бевосита хўжалик бошқарувини давлат тузилмасидан соқит килишга, вертикал алоқаларни горизонтал алоқалар билан алмаштиришга йуналтирилгандир. Бунда давлат корхоналари жамоа, ижара корхоналарига, акциядорлик жамиятларига ва мулк эгалари ўзгартирилмайдиган шаклларга айлантирилиши мумкин. Хусусийлаштириш давлатга тегишли корхоналарни хусусий мулк сифатида бериш (сотиш) демакдир. Бунда турли хўжалик объектларини денационализация қилиш руй беради. Улар турли хусусий тузилмаларга айланади.

Шундай қилиб, хусусийлаштириш давлат мулкининг эгаси ўзгарганлигини билдиради. Бунда ушбу мулкни бошқариш давлатга қарашли булмаган турли тузилмалар кўлига ўтади. Саноат, савдо, транспорт, аҳолига маиший хизмат курсатиш, умумий овқатланиш, агросаноат мажмуасининг қайта ишлаш тармоқларн корхоналари ўз фаолиятини бозор иқтисодиётн тамойилларн асосида ташкил этадиган хусусий секторга, хоҳлаган жисмоний ва юридик шахсларга турли шаклларда берилади.

Хусусийлаштириш шакллари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Улар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, муайян ижтимоий иқтисодий шарт-шароитлар, хўжалик муносабатларн таркибининг хусусиятларн ва бошқа омилларига қараб узгариб туради. Бундай муносабатлар юксак тараққий этган индустриал давлатлар, ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек янги иқтисодий тузумга ўтиш амалга оширилаётган давлатларда турлича амал қиладн. Жуда тулик бўлмаган хисоблар хусусийлаштириш асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича фаол снёсат утказилаётган жаҳоннинг 80 дан купрок мамлакатида мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг 20 дан кўпроқ тури мавжудлигидан далолат бермокда.

Жумладан, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларнда (АҚШ, Япония, Германия, Англия, Швейцария, Франция ва бошқаларда) хусусий сармоядорларга илгари национализация қилинган саноат ва банк гурухларини, давлат мулкини сотиш хусусийлаштириш ҳамда мулк эгалари сонини кунайтиришнинг асосий

воситаси хисобланади. Бу сотиш фонд биржалари, кимошди савдолари, танловлар оркали, давлат акцияларини бевосита корхона ходимларига, сармоя эгаларига ёки битта харидорга, шу жумладан хорижий сармоядорга сотиш оркали амалга оширилади.

Айрим холларда хусусийлаштириш натижасида давлат — хусусий аралаш корхоналари пайдо булади. Бу корхоналарда ишлаб чикаришга бозор ва маъмурий йўл билан таъсир курсатиш кушиб олиб борилади. Давлат ва хусусий сармоя уртасида хамкорлик мавжуд бўлиб, бунда илмий-техникавий, технологик-хужалик ва бу корхоналарни ривожлантиришнинг бошка масалаларини хал этишда вазифаларни узига хос бўлиб олинишига дуч келинади. Одатда бу хилдаги йирик миллий ва халкаро корпорацияларда давлатга тегишли акциялар сони хамда унинг умумий сармоядаги улуши камаяди.

Айни пайтда турғунлик, иктисодий вазиятнинг сезнларли даражада ёмонлашуви, ижтимоий танглик кучайиши шароитларида бундай тузилмаларда хўжалик хаётининг турли соҳаларида корхоналарин национализация қилиш руй беради.

Ривожланаётган купгина мамлакатларда хусусийлаштириш воситаларининг узига хослиги, унн амалга оширишнинг мураватлари шундан иборатки, бунда давлат сектори иктисодий мустақилликни мустахкамлаш, халк хужалигини ресурслар, ахолини эса истеъмол моллари билан таъминлашда алохида мухим роль уйнайди. Шу сабабли бундай холда хусусийлаштириш анча узок муддатга чузилади. Бунда давлат ишлаб чикаришни ривожлантириш, жамият хастини таъминлайдиган барча тизилмаларнинг узлуксиз ишлаб туриши учун ўзидан масъулиятни соқит этмайди. Шу билан бирга, ишлаб чикарувчилар уртасидаги мавжуд булган хўжалик алоқалари узилмайди, хусусийлаштирилаетган объектлар самарадорлигини пасайишиги йул қўйилмайди.

Мулкни фонд биржалари ва кимошди савдоларида акциялаш йули билан алохида тадбиркорларга, компанияларининг хизматчиларига, пенсия фондлари ва хорижий сармоядорларга сотиш бу мамлакатлардаги хусусийлаштиришнинг кенг тарқалган восгталари хисобланади. Шу билан бирга, кейин сотиб олиш шарти билан ижара хамда айрим объектлардан фойдаланиш учун шартномалар тузиш хам кенг тарқалган.

Бу масалада хам Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели асосида иш тутди. Чет эллик экспертларининг қатъин тавсияларига қарамасдан, чек воситасида хусусийлаштириш гоясидан воз кечилди. Чунки, биринчидан, бир неча авлод

лар меҳнати билан яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятига республикада яшайдиган ҳар бир кишининг кушган ҳақиқий ҳиссасини холисона баҳолашнинг иложи йук

Иккинчидан эса, чекларни бепул тақсимлаш ва шундан кейин уларга корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш мулкдорлар гурухини вужудга келтирмайди. Балки, аксинча, мавжуд булган бойликни қадрсизлантиради. Чунки, текин нарсанинг қадри булмайди. Шунинг учун республикада давлат мол-мулки фақат янги мулкдорга сотилиши натижасидагина уни мулкчиликнинг янги шаклига айлантирилиши мумкин, деган қатъий хулосага келинди.

Хужалик юритишнинг бозор иқтисоди шароитларида ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир бўлган, унинг самарадорлигини таъминлайдиган, аҳолининг мол ва хизматлар юзасидан эҳтиёжларини қондира оладиган мулкнинг янги эгаларини тарқиб топтириш, мустақил ишлаб чиқарувчилар табақасини яратиш республикада хусусийлаштиришнинг мақсади хисобланади. У якка ҳукмдор ишлаб чиқариш хужалик тузилмаларини кичиклаштириш, халқ хужалигидаги номутаносибликни бартараф этиш, давлат бюджети камомадини қисқартириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чораларини амалга ошириш, шунингдек янги шароитларда давлат бошқаруви ва иқтисодиётни бошқариш усулларини такомиллаштиришга йуналтирилгандир.

Республикада ишлаб чиқарилган хусусийлаштириш тамойиллари орасида меҳнат жамоалари томонидан хусусийлаштириш шаклларини мустақил белгилаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, иқтисодий мақсадга мувофиқлик, изчиллик, бу жараёнларни сунъий равишда жадаллаштириш ёки секинлаштиришга йул қўймаслик, давлат томонидан бошқариб туриш, ошкоралик, корхоналар ходимларн ва давлат хокимияти маҳаллий идораларн томонидан иқтисодий назоратни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Бу тамойилларнинг амалга оширилиши халқ хўжалик, давлат, умуммиллий, тармоқ ва минтақавий устувор йўналишлар тизимини белгилаб олиш имконини берди. Давлат мулкига тегишли барча иншоотлар икки гурухга бўлинди:

а) мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулжалланган иншоотлар;

б) хусусийлаштириш ман этилган иншоотлар.

Иншоотларнинг қайси тармоқликка мансуб эканлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, бажарилаётган иш ва хизматлар

нинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, давлат мулкини сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлиги бундай гуруҳлаш учун асос қилиб олинди.

Республиканинг мутлақ мулки хисобланган объектлар — ер (қонунларда қайд қилинган ҳоллар бундан истисно), унинг ер ости бойликлари, сув манбалари, ҳаво ҳудуди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тарих ва маданият ёдгорликлари, давлат бюджети, республика суғурта фондлари маблағлари, республика суверенитетини, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлайдиган корхона ва мулк фондлари, бюджетдан тула-тукис пул билан таъминланадиган муассасалар хусусинлаштирилмаиди. Озик-овқат ва саноат моллари ишлаб чиқариш, аҳолига маиший ва коммунал хизмат курсатиш, дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси, биноқорлик материаллари ишлаб чиқариш ва сотиш, уй-жой ва ижтимоий соҳа иншоотлари қуриш, инновация фаолиятини амалга оширишга умумдавлат (умуммиллий) миқёсида аҳамият берилади.

Тармоқ устувор йуналишлари иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини сезиларли даражада ошириш заруратидан келиб чиқиб белгиланади. Тадбиркорлик сохасининг экспортга мулжалланган фаолияти алохида устуворлар сирасига киради.

Ижтимоий адолатни қарор топтириш, меҳнат жамоалари манфаатларини туликроқ ҳисобга олиш, корхоналарда хусусийлаштиришга ижобий муносабатни шакллантириш мақсадида уларга имтиёзли акциялар берилади. Шунингдек, уларга эскириш даражаси юқори булган асосий фондлар бепул топширилади. Уларга ижтимоий инфраструктура иншоотларидан бепул фойдаланиш имконияти, корхоналарнинг ривожлантириш фондидан янги техника ва технология харид қилиш учун сарфланган маблағлари хажмида сотиб олинаётган мулк қийматидан чегириб ташлаш ҳуқуқи ҳам берилади.

Хусусийлаштириш тамойилларининг амалга оширилиши корхоналарни танлов ёки бошқача ҳолда сотиш пайтида янги мулк эгаси томонидан бу корхоналарга эгалик қилишнинг энг қулай шароитлари, биринчи навбатда асосий ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш ва кўпантириш, янги мол (иш, хизмат) турларини ўзлаштириш, иш жойларини сақлаб қолиш ёки кўпайтириш, инфраструктурани ривожлантнриш ва бошқа шарт-шароитлар савдо голибини аниклашнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади.

Буларни булажак тадбиркор махсус ишлаб чиққан бизнес режасида акс эттириши керак. Бусиз бозор муҳитида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашган мурватларини яратиш, хусусийлаштирилган иншоотлардан самарали фойдаланиш, илмий-техника тараққиётини рағбатлантириш тизимини тубдан қайта қуриш, ходимларнинг уз меҳнатлари пировард натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш мумкин эмас.

Республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ва шу асосда турли тадбиркорлик тизилмаларини ривожлантириш турлича воситалардан фойдаланишни тақозо этади. Улар орасида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эгадир:

— давлат корхоналарини очиқ акционерлик жамиятларига айлантириш ва уларнинг акцияларини сотиш;

— акционерлик жамиятлари булмаган корхоналарни танлов буйича ва кимошди савдоларида сотиш;

— мавжуд ва йуқотилган корхоналар мулклари (активларини), шунингдек қурилиши тугалланмаган иншоотларни биржа савдоларида, кимошди савдолари ва танловларда сотиш;

— давлат мулкига тааллукли булган улушни (пайлар, акцияларни) кимошди савдолари, танловларда сотиш, шу жумладан бу савдо қатнашчиларининг сонини чеклаган ҳолда сотиш.

Барча давлат корхоналари хусусийлаштириш усуллари буйича икки гуруҳга булинади:

— биринчи гурух иқтисодиётнинг барча тармоқларига тааллукли, ходимлари сони 150 нафар кишигача бўлган кичик корхоналарни қамраб олади. Улар асосан кимошди савдолари, танловлар бўйича ёки биржа савдоларида сотилиши керак;

— иккинчи гуруҳга юқоридаги йўл билан хусусийлаштириладиган бошқа барча корхоналар киради.

Бунда давлат уз улушини сақлаб қоладиган акционерлик жамиятларида устав капиталини шакллантириш жараёнида фонд биржалари ва қимматли қоғозлар бозорларида, шу жумладан хорижда эркин сотиш учун акциядор булиши кузда тутилади.

Хусусийлаштириш усулларини қуллаш ва тадбиркорлик тузилмаларини шакллантиришнинг узига хос хусусияти уларнинг тармоқ буйича табақаланиши ҳамда тегишли иншоот ишлаб чиқариши кўламларини ҳисобга олишда намоен булади. Жумладан, саноатда йирик корхоналар асосан очиқ типдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш йули билан хусусийлаштирилади. Урта ва кичик корхоналар хусусий мулк сифатида сотилади.

масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилади, қушма корхоналар ташкил этиш учун хорижий сармоядорлар таклиф этилади.

Республика учун ҳаётий муҳим махсулот ишлаб чиқаришда устувор аҳамиятга эга булган кимё саноати корхоналари очиқ типдаги акционерлик жамиятларига айлантирилади ёки ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, унинг самарадорлигини оширишни таъминлашга кодир юридик ёки жисмоний шахсларга танлов асосида сотилади.

Ёнилги-энергетика, кон, шахта тозалаш мажмуалари тармоқларида хусусийлаштиришнинг реал жараёни махсус дастурлар буйича амалга оширилади. Бунда акцияларнинг ярмидан кўпроги давлатга карашли бўлиши кузда тутилади. Бунда тармоқларнинг фақат ёрдамчи ишлаб чиқариш булинмаларигина мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилиши мумкин.

Курилиш мажмуаси, транспорт ва алоқа воситалари алоҳида гуруҳга киради. Улар очиқ типдаги акционерлик жамиятларига айлантириш орқали хусусийлаштирилади. Бунда уларнинг акциялари меҳнат жамоаси аъзоларига, давлатга карашли бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларга, хорижий фирма ва компанияларга тарқатилади.

Дастурда ижтимоий соҳа иншоотларини хусусийлаштириш жараёни махсус белгилаб қуйилган. Бу соҳада масъулияти чекланган жамиятлар ва очиқ типдаги акционерлик жамиятлари мулкни узгартиришнинг асосий шакллари ҳисобланади. Савдо ва маиший хизмат курсатиш корхоналарини ёпиқ типдаги акционерлик жамиятига айлантириш кузда тутилган. Улар танлов асосида бу иншоотлар жойлашган ер майдони ҳам қушиб сотилган ҳолда хусусий мулк қилиб берилади.

Аграр-саноат мажмуасида ҳам хусусийлаштириш тартиби белгилаб қуйилган. Бу тармоқда қишлоқ хужалик махсулотларини ишлатадиган давлат корхоналари очиқ типдаги акционерлик жамиятларига айлантирилади.

Давлат дастурида кузда тутилган хусусийлаштириш усул ва шакллари иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим қадам ҳисобланади. Улар узоқ йиллар ҳукмронлик қилган маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарувни тугатишнинг зарурий мураккаб вазифасини утайди, янги хужалик тузилмаларининг муваффақиятли ишлашини учун мустаҳкам негиз яратади. Бу усул ва шакллар акционерлик ва бошқа корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантиришдан

манфаатдор, уни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, кам сарф билан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир жамоалар ва хусусий шахслар қўлига ўтиши учун шарт-шароитлар яратади.

Табиийки, республикамиз баъзи давлатларда бўлганидек, ёппасига хусусийлаштиришга йул қўя олмас эди. Бу билан бозор муҳити шароитларида самарали иш олиб борадиган, амалиётда бозор иқтисодиётини ривожлантириш конуиларидан фондалана оладиган тадбиркорлар табақалари йуқ бўлган бир шароитда айниқса муҳим эди. Агар бизда ёппасига хусусийлаштиришга киришилганда ишлаб чиқариш кескин қисқариши, купгина корхоналар бекилиб қолиши, оммавий ишсизлик руй бериши, истеъмол бозорида аҳвол ёмонлашиб кетиши мумкин эди. Бу эса халқнинг қашшоқлашиб кетишига олиб келарди.

Шу боисдан бу жараёнлар уч босқичда амалга оширилмоқда. Уларнинг ҳар бирида мулкчиликнинг узгартириш ва тадбиркорлик кўламларини кенгайтиришнинг мухим вазифалари ҳал этиляпти.

Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида (1992—1994 иллар) асосий диққат эътибор маҳаллий саноат, савдо, транспорт, аҳолига маиший хизмат курсатиш, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси, агросаноат мажмуаси, қайта ишлаш тармоклари корхоналарини мулкчиликнинг турли шаклларига айлантиришга каратилди. 1994 йил бошига келиб тайёрлов ва қайта ишлаш тармоклари корхоналарининг 96 фоиздан кўпроги, шунингдек, давлат ва идоравий уй-жой фондлари хусусийлаштирилиб бўлинди. Ўшанда савдо ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 82 фоиздан кўпроги давлатга қарашли бўлмаган сектор хиссасига тугри келди.

Бу жараён жадал давом этган 1993 йилдаги хусусийлаштириш кўламларини қуйидаги рақамлар билан ифодалаш мумкин: саноатда 1374 та корхона, шу жумладан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган 1260 та корхона, қурилишда — 72, савдода — 20419, умумий овқатланишда — 1953, тайёрлов тизимида — 389, уй-жой коммунал хўжалигида 8630 иншоот хусусийлаштирилди.

Умуман, биринчи босқич давомида 54 мингга яқин корхона ва иншоот мулкчилик шаклларини узгартирди. Улардан 18 минг 400 таси хусусий мулкка айланди. 26,1 мингта корхона ва иншоот акционерлик жамияти, шундан 8700 таси — жамоа, 661 таси ижара корхонаси булди. Бу мавжуд ҳар учта корхонадан иккитаси давлатга қарашли булмаган мулк шаклига ўтишига олиб келди. 1994

йилда ялпи ижтимоий махсулотнинг деярли ярми иқтисодиёт нинг давлатга қарашли булмаган секторида яратилди.

Республикамиз Президентининг 1994 йил 21 январдаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳамда 1994 йил 16 мартдаги мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги фармонлари хусусийлаштириш жараёнига сифат жиҳатидан янги туртки берди.

1994 йилнинг ўрталарндан бошлаб хусусийлаштиришнинг **иккинчи босқичи** бошланди. Бу босқичда очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини яратиш, уларнинг акцияларини муомалага чиқариш, шунингдек кенг кўламли кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорларини барпо қилиш вазифалари белгилаб олинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёнида мулкчиликнинг давлатга қарашли ва қарашли булмаган шакллари юзага келди. Мулкчиликнинг аралашган шакли ҳам мавжуд.

Узбекистон Республикаси давлат мулкига маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки (коммунал мулк) киради.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасигагина тегишли мулклар хисобланади:

— ер (юридик ва жисмоний шахсларга савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари билан бирга берилган ер бундан истисно) ва унинг бойликлари, ички сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, республика ҳудудидаги ҳаво бассейни;

— Узбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мол-мулки;

— республика халқларининг маданий ва тарихий қадриятлари;

— республика бюджети маблағлари, республика ва давлат банклари, сугурта, захира ва бошқа давлат фондлари;

— давлат аҳамиятига эга бўлган корхоналар, давлат олий ўқув юртлари, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ҳамда республика суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминловчи бошқа давлат мулклари.

Давлатга қарашли булмаган мулк қуйидагилардан иборат:

— хусусий мулк;

— жамоа (ширкат) мулки;

— бошқа давлат ва халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки.

Ўзбекистон Республикаси Ҳамдустлик мамлакатлари орасида биринчилар қаторн хусусий мулкни тан олди ва мулкчиликнинг барча шакллари учун тенг шароитлар яратди.

Хусусий мулк ўз мулкига эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни хохишига кура ишлатиш хукукидан иборат. Мулкчиликнинг бошка шакллари каби хусусий мулк хам дахлсиздир ва давлат томонидан мухофаза этилади.

Жамоа (ширкат) мулки ўзида куйидаги мулкларни мужассамлаштирган:

— оила мулкн;
— махалла мулкн;
— ширкатлар мулкн;
— ижара корхоналари мулки;
— жамоа корхоналари мулки;
— жамоат ва диннн ташкилотлар мулки;
— юридик шахс булган хужалик ширкатлари ва жамиятлари, ассоциациялар ва бошка бирлашмалар мулки.

Бошка давлатлар ва халкаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулкн Ўзбекистон худудида жойлашган ҳамда хорижий юридик шахсларга эгалик килиш, фойдаланиш ва ишлатиш хукукини берадиган мулклардан ёки объектларга мулкчилик хукукидан иборат.

Мулкчиликнинг аралашган шакли ахдлашувга мувофик муайян кисми давлатга, муайян кисми давлатга карашли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга тегишлн мулкдан иборат бўлади. Мулкчликнинг аралашган шаклига бир томондан Давлат мулки кумитаси, иккинчи томондан давлатга карашли булмаган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар таъсисчнларн булган акционерлик корхоналари ёки масъулняти чекланган жамнятларни мнсол килиб келтириш мумкин.

Хусусийлаштиришда дастлабкн йиллар купрок мнкдор курсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини узгартнрганига каратилган бўлса, бугунги кунда хусусийлаштиришнинг снфат курсаткичларн асосий мезон булиб колди.

1994 йил охирига келиб республикада асосан ёпик турда 2900 та акционерлик корхонаси мавжуд бўлса, ҳозир 4500 та очик турдагн акционерлик жамияти фаолнят курсатмокда. Расман кайд этнлган деҳқон (фермер) хўжаликларн сони 7500 тадан 19300 тага етди. Биргина 1996 йилннг узида кичик ва хусусий корхоналар сони 19100 тага купайди ва 1 июлга келиб 83,5 мингтага етди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг дастлабки босқичларида унчалик катта булмаган ва ўрта корхоналар хусусийлаштирилган булса, бугунга келиб улар қаторнга йирик корхоналар ҳам қушилмоқда. Умуман, ҳозир аксарият корхоналар хусусийлаштирилди. 1993 йили жами корхоналарнинг 39,4 фоизи давлат тасарруфидан чиқарилган булса, 1994 йилда бу кўрсаткич 57,7 фоизга, 1996 йилда 82,7 фоизга етди.

Хусусийлаштириш кўламларини қуйидаги жадвалдан ҳам якқол куриш мумкин:

**Республика иқтисодиёти тармокларида мулкнинг давлат ва нодавлат шакллари ҳиссаси**

| | Мулкчиликнинг давлат шакли | Мулкчиликнинг нодавлат шакли |
|---|---|---|
| Ишлаб чиқарилган миллий даромад | 30 | 70 |
| Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 46,5 | 53,5 |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш | 2,3 | 97,7 |
| Пудрат ишлари ҳажми | 38 | 62 |
| Чакана товар оборотки | 9 | 91 |

Жисмоний шахсларнинг уз сармояси негизида республикада 85 мингдан кўпроқ хусусий ва кичик корхоналар ташкил этилди. Уларга умумий саҳни 793,5 минг кв.м бўлган 3768 та фойдаланилмаётган ва кам фойдаланилаётган иншоотлар ижарага бернлди; умумий сахни 104,5 минг кв.м булган 282 та иншоотни улар кимошди савдоларида сотиб олдилар. Буларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш учун 1469 та майда улгуржи бозор ва тузилмалар, шу жумладан 1256 та тнжорат марказн ва савдо уйи ташкил этилди. Хом ашё ва тайёр молларни сотиш буйича 1128 та ярмарка ва савдо утказилди. Тадбиркорлар томонидан 512 та курилиши тугалланмаган объект сотиб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ўзгартишлар фақат узгартиш максадида ўтказилаетгани йук. Республика хусусийлаштиришни «аввал мулкни ўзгартнрамиз, суиг эса тупланиб колган муаммоларнн хал этамиз», тамойнлида амалга оширмади. Бирги-

---

«Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 27 февраль.

на хусусийлаштирншнинг ўзи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, янги хўжалик тузилмалари муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлай олмайди. У бозор ва рақобат муҳити шароитидаги кўп укладли хужалик негизини шакллантириш воситаси, иқтисодий асосидир, холос. Бунда бозорга утиш ривожида қуйидаги мантиқий алоқа намоён бўлади: давлат мулки нишоотларини хусусийлаштириш — тадбиркорлик тузилмалари ва рақобат муҳитини шакллантириш — ишлаб чиқариш самарадорлиги — халқ моддий фаровонлигини ошириш.

Бу тадбиркорлик тузилмалари хўжалик юритишнинг янги шакллари булиб, мамлакат ва унинг хар бир минтақаси иқтисодий салоҳияти куп жиҳатдан шу шаклларни тараққий эттиришга боғлиқдир. Тадбиркорлик ёрдамида мулк эгалари ва бозор муносабатлари бошқа қатнашчиларининг иқтисодий манфаатлари амалга оширилади, ижтимоий ва жамият аъзолари шахсий эҳтиёжларини қондириш вазифаларини хал этиш учун турли мурват ва омиллардан фойдаланади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида тадбиркорлик тузилмалари уртасида уларнинг қуйидаги шакллари айниқса кенг тарқалди:

— Турли иқтисодий тизимларда асосий, бирламчи бугин ҳисобланган корхоналар. Корхона тўғрисидаги қонунда корхона юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хужалик субъекти бўлиб, ўзига тегишли ёки тулиқ хўжалик ҳисобидаги мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради, сотади ёки алмашади, ишлар бажаради, хизматлар курсатади, деб таъкидланади. Улар уз фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда узаро рақобат ва мулкчилик барча шаклларининг тенг ҳуқуқлиги шароитларида амалга оширади. Бошқа бозор тузилмалари қатори корхоналарнинг асосий мақсадлари хам фойда олишдир. Бу фойдани корхона соликлар ва бошқа туловларни тулаганда кейин ўз ихтиёри буйича сарфлайди;

— Фирма. У корхонадан фарқли уларок ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш сохаларида хар қандай тадбиркорлик фаолиятини англатади. Бундай номни саноат корхонаси ва даволаш муассасаси учун хам, курилиш трести ва воситачилик ташкилоти учун хам, савдо ва консуллик фаолияти учун хам, ходимлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, сайёхлик ва бошқа ташкилотлар учун хам нисбатан ишлатиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига утиш натижасида мутлақо янги типдаги фирмалар кўпайиб бормокда. Улар ишлаб чиқаришни ривожлан-

тнриш ва рақобатга сезиларли даражада таъсир курсатмоқдалар. Лизинг фирмалари шулар жумласидандир. Бунда салоҳияти кудратли хужалик тизими етарлича молиявий воситалари булмаган бошқа бир корхонага машина-ускуналар ва бошқа мулкларни шартнома асосида муайян муддатга бериб туради. Ана шу муддат тугагандан сўнг ижарачи бу мулкни қолдиқ қиймати буйича сотиб олиш хукукига эгадир.

Фирмаларнинг янги турлари орасида қуйидагилар хам бор:

а) *инжиринг фирмалар*. Улар турли нишоотлар ва тузилмаларни лойихалаш, қуриш, фойдаланишга топшириш билан шугулланадилар. Бунда ушбу иншоотлар тула-тукис тайёр ҳолда ёки махсулотнинг биринчи туркумини ишлаб чиқариш йулга қуйилгандан сунг фойдаланишга топширилади;

б) *консалтинг фирмалар*. Улар ишлаб чиқаришнинг турли муаммолари юзасидан маслаҳатлар берадилар, лойиҳалаш билан шугулланадилар, хўжалик юритишнинг янги шаклларига утиш, бошқарув тизимларини такомиллаштириш ва шунга ўхшаш фаолият турларида кумаклашадилар;

в) *венчур фирмалари* ёки таваккалчилик фирмалари. Улар янги молларни ёки янги бозорларни излаш учун йирик компаниялар томонидан маблағ билан таъминланади;

г) *селенг фирмалари*. Улар жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини жалб этиш ва бу мулклардан ўз эҳтиёжларн буйича эркин фойдаланиш масалалари билан шугулланадилар. Бу мулкларга ер майдонлари, бинолар, машина-ускуналар, пул, қимматли қогозлар киради;

д) *траст фирмалари* (траст — инглизчадан таржимада ишонч дегани). Улар ишончли вакил сифатида фаолият курсатадилар. Бу тузилган шартнома шартларига кура уша ишончли вакил томонидан мулкдан фойдаланиш хукукини билдиради. Траст фирмалар қуйидаги хизматларни бажарадилар: корхона банкротликка учраган пайтда мулкни сотиш, номли акциялардан фойдаланиш хукукларини бошқа шахсга бериш, молиявий маблағлар, хусусийлаштириш чеклари, қимматли қогозлар ва ҳоказолардан фойдаланиш.

Корхона ва фирмалар ихтиёрийлик асосида тармоқ, худудий ёки бошқа тамойиллар бўйича турли уюшмалар ташкил этишлари мумкин. Бундай уюшмалари ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш-техника, иқтисодий ва ташкилий салоҳиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Бундай уюшмага бирлашган корхона ва фирмалар уз фаолиятларини муваффақиятли

мувофиқлаштириш имконига эга буладилар, уз хукукларини ишончлироқ химоя қиладилар, биргаликда ички ва ташқи фаолият масалаларини хал этадилар, бозор ва рақобат шароитларида муваффакиятли фаолият курсатадилар.

Бундай уюшмалар ўртасида куйидагиларни келтириш мумкин.

— *концернлар.* Улар ташкилий жихатдан бир-бирига боғлиқ булган корхоналарнинг куп тармоқли уюшишидан иборатдир. Бундай корхоналар илмий-техникавий ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, инвестиция, молия, табиатни химоя қилишни, ташқи иқтисодий ва фаолиятнинг бошқа турларида биргаликда фаолиятларини марказлаштириш асосида амалга оширадилар. Концерн ишларин ташкил этиш учун бошқарув тизимини яратади. Бунда концерн таркибига кирган хар бир катнашчи уз ваколатлари ва вазифаларининг бир кисмини, шу жумладан давлат идоралари билан узаро муносабатларда манфаатларини химоя қилишни хам ихтиёрий равишда бошқа корхона ва ташкилотларга бераднлар.

Пировард махсулот ишлаб чиқариш ва сотишда узаро боғлиқ технологик жараёнлар, чуқур ички кооперация мавжуд булган тармоқлар учун концернлар айникса хосдир. Энг йирик концернлар унлаб ва юзлаб корхоналарни, шу жумладан, махсулот сотадиган, хизмат курсатадиган, молия, суғурта, илмий-тадқиқот ва бошқа фирмаларни бирлаштиради. Бунга «ЖЕНЕРАЛ МОТОРС» концерни мисол бўла олиши мумкин. У АКШ ва Канададаги 139 та автомобил заводини, 36 мамлакатдаги ишлаб чиқариш ва савдо марказларини бирлаштиради. Компания махсулотлари унинг хусусий дилерлари тармоқлари орқали сотилади. Уларнинг ўзи 15 тадан купроқ фирмани бирлаштиргандир.

Ўзбекистон Республикасида 1992 йилнинг ўрталаридан бошлаб катор тармоқларда концернлар ташкил этила бошланди. Бу нефть ва газ саноатида — «Ўзнефтьгазқурилиш», сув хужалиги қурилишида — «Узсувқурилиш», биноқорлик материалларн ишлаб чиқаришда — «Ўзбиноқор материалларн», озиқ-овқат саноатида — «Узозиқовқатсаноат» ва хоказолардир;

— *конгломерат.* У узаро узвий алоқадор булмаган катта миқдордаги компанияларнинг қушилиши натижасида юзага келадиган йирик концеридир. Конгломерат оддий концеридан ишлаб чиқаришнинг анча катта кўламлари хамда фойданинг каттагина қисмини қимматли қоғозлар чиқаришдан олиши билан фарқланади. Бу конгломератни соф молиявий ташкилотлар, масалан, инвестиция фондлари билан яқинлаштиради;

— *холдинг компанияси*. Бу энг аввало молиявий жамгарма бўлиб корхоналарни эмас, балки сармояларни бирлаштиради. Бошқа компаниялар устидан молиявий назорат ўрнатиш учун уларнинг акция турдаги сармоясининг купрок қисмига эгалик қилиш унинг асосий хусусиятидир. Холдинг узига карашли компаниялар акцияларининг кўпрок қисмига эга бўлганлиги сабабли улар фаолиятининг барча соҳаларига аралашади. Бу холда холдинг билан концерн ўртасидаги фарк йуколади.

1991 йилнинг охирида ташкил этилган «Автоқишлокмаш-холдинг» акционерлик жамияти МДҲ худудидаги энг йириклардан бири хисобланади. Унинг таркибига собиқ иттифок 12 та республикасининг автомобилсозлик ва кишлок хўжалиги машинасозлиги корхона ташкилотлари кирган. Бу республикаларнинг хукуматлари ушбу бирлашма таъсисчилари сифатида махсус битим имзолаганлар. Холдингга кирувчи корхоналар мулкининг эгаси шу муассис-давлатлардир. Бу бирлашма йирик дастурларни амалга оширнш, янги махсулот яратиш ва уни ишлаб чикаришни ўзлаштириш учун маблагларни марказлаштиради, ўз корхоналарига имтиёзли равишда молиявий ёрдам курсатади, тармоқ ичида бутловчи буюмларни етказиб беришга кафолат беради. Натижада у уз муассислари бўлган республикалар эхтиёжлари учун қишлок хужалиги машиналари, тракторлар ишлаб чикаришни зарур даражада бўлишини таъминлаб турди.

Собиқ Иттифок кўламида ягона иқтисодий худуднинг парчаланиб кетиши, тармоклар ва корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг узилиб колиши, хал этилмаган молиявий муаммолар ушбу бирлашмага фаол ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини амалга ошириш имконини бермади.

Шу сабабли 1996 йил бошида «Узқишлокмаш-холдинг» очиқ турдаги акционерлик жамияти — холдинг компанияси ташкил этилди. Республика давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни куллаб-кувватлаш Давлат қумитаси, Ўзбекистон тракторсозлик ва қишлок хужалик машинасозлиги бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлари янги компаниянинг муассислари булди. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистонда дастлабки чинакам холдинг компанияси тузилди. Уни тузишдан максад кишлок хўжалиги машинасозлигида Ўзбекистон тутган ўрнини кўлдан бермаслик, дехқонларни зарур техника билан тула таъминлаш учун тармоқни юксалтириш ва бундай техникани хорижлан мумкин қадар камроқ келтиришга эришишдир. Бундан ташқари, республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлок хужалик

техникасининг жахон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириб, уни экспорт қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон хукумати ана шу мулоҳазаларга асослапиб қишлоқ хужалик машиналари ва куроллари ишлаб чиқариш билан банд булган корхоналар бирлашмасининг бир меъёрда ишлашига имконият яратишда амалий ёрдам берди. Ўзаро манфаатдорлик, ички кооперация асосида бирлашган бу корхоналар давлатимиз олдида турган вазифаларни ҳал этишга кодир булади.

Хозирги кунда истеъмолчилар, буюртмачилар, Қишлоқ хужалик вазирлиги, фермерлар қишлоқда ишлаётган жамоа ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларн билан биргаликда уларга қандай техника ва куроллар кераклигини аниқлаш зарур. Чунки кўп укладли иқтисодиёт шароитида, мисол учун олганда, жамоа хужаликлари учун катта трактор зарур бўлса, экинзорлари кам бўлган деҳқонлар учун миттн тракторлар фойдалироқ булади. Шу билан бир вақтда, ҳар бир техника меҳнати, меҳан унумдорлигини ошириш, энергия ва ресурслар сарфини камаитириш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берадиган мосламалар билан таъминланган булиши керак. Таъминлаш учун эса махсус дастурни шлаб чиқишлари лозим булади.

Холдинг компаниясн корхоналар уртасида кооперация алоқаларини ривожлантиришга, қишлоқ хужалик машинасозлиги соҳасида ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини утказишга кумаклашади, пахтачилик, галлачилик хамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун техниканинг илғор янги турларнни, фермерлар ва томорқа эгалари учун кичик механизация воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этади.

«Ўзқишлоқмаш-холдинг» ички ва ташқи бозорининг маркетинг тадқиқотлари билан, қишлоқ хўжалиги учун техника ва курилмаларининг хилма-хил турларига талабларни қондириш, бу техникаининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортга етказиб бериш билан хам шугулланади. Компания таркибига кирувчи корхоналар унинг фаолнятини бошқаришда иштирок этади. Бу бошқарув давлат томонидан бериладиган акцияларни сотиб олиш хисобида амалга оширилади. Компания уз ишини ривожлантиргани сари бу акцияларни сотиб олишн, уларни уз мулкига айлантириши, харид қилинган корхоналарни хукукий асосда бошқариши мумкнн булади.

Тармоқни техника билан қайта куроллантиришга хорижий сармоядорларин жалб этиш, давр талабларига ва давлат манфаатларига мос келадиган сифатли, ишончли, серунум техниканн

ишлаб чиқариш учун етакчи хорижий фирмалар билан қўшма корхоналар барпо этиш — компания олдида турган мухим вазифадир;

— *ассоциация*. Бир ёки бир неча ишлаб чиқариш-хўжалик вазифаларларнни биргаликда амалга ошириш мақсадида корхоналарнинг шартномавий асосида бирлашиши натижасида ташкил топади. Хўжалик ассоциациясининг қатнашчилари уз шерикларн розилигисиз хам бошқа шартнома асосида тузиладнган бирлашмалар таркибига киришлари мумкин.

1992 йилнинг май ойида савдо вазирлигининг қайта ташкил этиш асосида тузилган «Ўзбексавдо» ассоциацияси бундай бирлашишга мисол була оладн. Вилоятлардаги савдо ва умумий овқатланиш бошқармаларн негизида худудий савдо ишлаб чиқариш концернлари ташкил этилди. Улар муассислар сифатида ассоциация таркибига кирдилар ва вилоятларнинг ҳокимлари тасарруфига олнидилар.

Энг мухим иқтисодий, молиявий ва ижтимоий масалаларнн хал этишда иқтисодий мустақилликка эга бўлган ассоциация ташқи иктисодий фаолиятда иштирок этади. У шартнома асосида концернлардан ташқари акционерлик жамиятларини, давлат, ижара, жамоа, онла, хусусий корхоналарни бирлаштиради. Бу корхоналар савдо хизмати кўрсатиш ва моллар ишлаб чиқариш билан машгул бўлиши керак, албатта.

— *консорциум*. Бу аник вазифалар: йирик мақсадли дастур ва лойихалар, шу жумладан, илмий-техникавий, қурилиш, табиатни ҳимоя қилиш ва бошқа дастур ва вақтинча ташкил этиладнган бирлашмадир. Консорциум давлат дастурларини амалга оширнш учун мулкчиликнинг хохлаган шаклидаги корхоналар гурухи томонидан ташкил этилиши мумкин. Дастур бажарилгандан сунг консорциум уз фаолиятини тухтатади ёки бошқа турдаги бирлашмага айлантирнлади.

Давлатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши хужалик юритишнинг турли курнишларини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан богликдир. Улар ўртасида акционерлик жамиятлари, хўжалик ширкатлари (тула ширкатлар, аралаш ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар) мухим ўрин тутади. Бундай ширкатларнинг қатнашчилари фойда олиш мақсадида турли хужалик фаолиятини биргаликда амалга оширнш учун корхона ташкил этишга келишиб оладилар. Бунинг учун бевосита хорижий сармояларини жалб этишлари ёки хорижий шериклар билан турли муносабатлар урнатишлари

мумкин. Буларнинг ҳар бири мулкни шакллантиришда уз хусусиятларига, хўжалик фаолияти натижалари учун хукукий жавобгарлик даражасига эга булгани холда шерикларнинг тенг хукуқлилиги, фойданинг тақсимланиши ва ҳоказолар шартномада ўз аксини топади.

Республикамизда энг кўп тарқалган ва хужалик ширкатининг турларидан бири ҳисобланган акционерлик жамиятлари фаолиятини батафсилрок куриб чиқайлик. Улар маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, илмий-техникавий, молиявий ва бошқа фаолиятни амалга ошириш, экспорт ва импорт операцияларини бажариш мақсадида бошқа тадбиркорлар ва аҳоли маблағларини жалб этади ва пировард натижада иқтисодиётни ривожлантиришда республика имкониятларини оширади.

Акционерлик жамиятлари хужалик субъектлари сифатида бозор иқтисодиёти талабларига мос бўлибгина колмай, мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиради, бу муносабатларнинг демократик асосида ривожланишини таъминлайди. Акция эгалари бу жамиятларни бошқаришда фаол иштирок этиш, хўжалик фаолияти, сармоя сарфланишини назорат қилиш, ресурслардан окилона фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида катта фойда олиш имкониятига эга буладилар.

Акционерлик жамиятлари турли вазифаларни бажаради. Улардан энг мухимлари куйидагилардир:

— энг аввало, бу маблагларни канта тақсимлаш вазифасидир. Бунда пул эгаларининг маблаглари уларнинг эҳтиёжларини кондириш учун эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хужалик фаолиятлари кўламини кенгайтириш учун жалб этилади. Бошқача килиб айтганда, жамият аъзоларининг даромадлари фаол ишлатиладиган сармояга айланади. Бу молия маблағлари етишмаслиги кескин сезилаётган, аҳоли пул жамгармаларининг анчагина қисми тўкин-сочинли, исрофгарчилик маросимларига сарфланадиган Узбекистон учун жуда мухимдир.

— иккинчидан, акционерлик жамиятлари уз фаолиятларини ишлаб чиқаришни техника ва технологик жихатдан модернизациялаш, табиий ресурслардан окилона фойдаланиш, илм-фан ютукларидан фойдаланадиган ишлаб чиқаришларни яратиш, экспорт имкониятларини кучайтириш ва бошқа хужалик вазифаларини хал этишга каратадилар. Бусиз эса, жумладан, Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозорга утиш мумкин эмас. Ана шундан акционерлик жамиятларининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш вазифаси намоён булади;

— учинчидан, тадбиркорликнинг бу шакли рағбатлантириш вазифасини бажаради. У амалий фаолиятни, юксак унумли ишни, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш илғор тажрибадан фойдаланишни янада яхшилайди. Фойда ва олинадиган дивиденд миқдори бевосита шуларга боғлиқдир;

— тўртинчидан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, акционерлик жамиятлари бошқарувининг демократик шаклларидан фойдаланиш хамда ишлаб чиқариш бошқарилишини назорат қилиш учун зарур шарт-шаронтлар яратади. Бунда шериқчиликнинг янги муносабатлари, давлатнинг ўз-ўзини бошқарувга бевосита аралашувидан мустақиллик намоён бўлади. Акция эгаларн хўжалик оборотига жалб этилаетган ресурслардан оқилона фойдаланиш, фондининг таксимланишн, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар хилларининг ўзгартирилиши, турли компаниялар акцияларининг харид қилиниши ва бошқа ишлаб чиқариш, молиявий ва тижорат масалалари устидан назорат қилиш имкониятига эга буладилар. Шу мақсадларда улар акционерлик жамияти иқтисодий фаолияти нагижалари, улар ишлаб чиқараётган моллар бозоридаги ахвол, нархларининг ўзгариши ва бошқа нарсалар тўғрисидагн батафсил ахборотдан фойдаланадилар. Бу эса қабул қилинадиган қарорларга уларнинг бевосита таъсирини кучайтиради.

Жахондаги ривожланган мамлакатларда халқ хўжалигининг барча тармоқларида кичик тадбиркорлик корхоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолнятини ривожлантириш орқали иқтисодни юксалиш илдам қадамлар билан амалга ошди. Дуне тажрибаси шундан далолат бермоқдаги, кичик тадбиркорлик корхоналари, урта ва йирнк корхоналарга нисбатан бозор талабига кнска муддат ичида мослаша олади, мехнатни ташкил этиш, янги техникани ва технологияни ишлаб чиқаришга жорни этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларинн барпо этиб ундан самарали фойдаланиш кичик корхоналарда бошқаларга нисбатан тезда руёбга чнқади.

Иқтисоднётда кичик тадбиркорлик корхоналарининг фаолиятн йирик корхоналарни айрим харажатлардан халос этади. Кўп холларда нирик корхоналарда қўлланиладнган янги техника ва технология кнчик корхоналарда қўлланилганда кўпроқ самара беради. Кнчик корхоналар жамият учун бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ янгн товарларни етказиб беради хамда истеъмолчиларнинг талабини кенгроқ ўрганиб, уз фаолиятнни шу талабга мослаштиради. Кичик корхоналарда мехнатни ташкил этиш истеъдодлн кадрларнинг ижодий фаолиятидан самарали фондала-

ниш билан бирга, уларни жамиятда танилишига имконият яратилади.

Тажрибали мутахассисларни ишлатишда самара юкори буладиган кичик корхоналарда махаллин хом ашёдан, чиқиндилардан ва меҳнат потенциалидан фойдаланишнинг катта имкониятларн мавжуд. Бозор иқтисодиётига хос бўлган талаб капитал анланишининг тезлашиши, айнан кичик корхоналарга йуналтирилган капитални ўз-узини қоплашн, иқтисодчиларнинг хисобига кўра, йирик корхоналарга нисбатан уч маротаба юкори экаплигн исботланган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, кичик корхоналар иқтисодий ривожланиш, илмий-техника ихтироларини ахолининг талабини қондириш учун қуллашда истиқболлидир. Бошқариш соҳасида кичик корхоналарда энг кам харажат қилиниши билан бирга, мулк ҳақиқий эгасининг қулида бўлиб, уидан фойдаланиш, купайтириш доимо яхши натижаларга олиб келган.

Кичик корхоналарнинг иқтисодий самарасини мулк эгасига ва ишловчиларга бошқа йирик корхоналарга нисбатан яқинлигини хисобга олиб давлатларнинг куплари кичик ишлаб чиқариш корхоналарини қуллаб-кувватлаяпти. Масалан, Португалияда кичик корхоналар ривожига капитал қуйиш давлат томонидан рағбатлантирилади. Францияда кичик корхоналар фаолнятини давлат уларга солиқлар буйича имтиезлар бериш орқали қуллаб-кувватламоқда. Германияда давлат кичик корхоналар фаолиятини хизматлар буйича дотациялар ва субсидия бериш, имтиёзли кредит ва молиявий ёрдам курсатиш билан рағбатлантиради. АҚШда кичик корхоналарга солиқлар тулашда имтиёзлар берилган, анникса мерос учун солик тулаш, корхонани руйхатга олиш ва молиявий, техник йуналишлар буйича енгилликлар яратилган. Японияда кичик корхоналар давлат томонидан молиявий ердам ва имтиёзли кредитлар олиш билан бирга, техника, технология, кадрлар, ахборотлар бўйича давлат томонидан биринчи навбатда қуллаб-кувватланади.

Европа ҳамкорлиги аъзоси булган давлатлар 1989 йили «Маъсулияти чекланган жамиятларда» бир киши мулк эгаси булган кичик корхоналар фаолиятини қуллаб-кувватлаш тугрисида қонун кабул қилдилар. Шунинг натижасида Италия, Испания, Ирландия, Белгия, Дания, Нидерландия, Люксембург каби мамлакатларда кичик бизиес корхоналарини ривожлантиришга давлат молиявий ёрдамни кучайтирмоқда. Венгрияда

кичик корхоналарни ташкил этиш регионал органлар томонидан амалга оширилади ва бошқариб борилади. Кичик бизнесининг ривожига давлат молиявий ёрдамини кенгайтириш билан бирга, аҳолини хунар эгаллашга жалб этиш мақсадида тадбирлар ишларини олиб бормоқда. Польшада кичик корхоналарда якка мулкчилик шакли сақланиб қолган, ҳукумат кредитлар бериш орқали кичик бизнеснинг юксалишини таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Араб мамлакатларида, Эрон ва Туркияда кичик ва индивидуал хусусий мулкчилик шаклидаги кичик корхоналар фаолият курсатиб келмоқда.

АҚШ саноатида 10 миллион кичик корхона (фирмалар) актив иқтисодий фаолият курсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналари умумий ҳажмининг 34 фоизини кичик фирмалар ташкил этиб, булар асосан бир оила аъзоларининг хусусий мулки ҳисобланади. Кичик корхоналарда мамлакат ишчи кучларининг 48 фоизига якинн банд, кичик фирмаларни АҚШ савдо муомаласидагн молиявий хиссаси 42 фоиздан ортиқдир. Бу фирмаларнинг мамлакат ялпи маҳсулотидаги улуши 38 фоиздан ошиб кетди. Умуман, АҚШ иқтисодининг ҳаракатлантирувчи кучи кичик фирмалар хисобланади.

Шуниси характерлнкн, Қўшма Штатлардаги кичик корхоналар сони йилига 10 фоиздан купайиб, кичик фирмаларнинг 95 фоизида хизматчилар сони 20 нафардан ошмаяптн. Мамлакатда кичик корхоналарнинг ривожига имконият яратувчи қонунлар қабул қилниган. Бу қонунларда кичик корхоналар мустақил фаолият курсатиб, корхона эгаси, яъни мулкдор бошқаларга қарам бўлмай иш юритиши курсатилган. Аммо кичик корхоналар тадбиркорликда мутлақ ҳукмронликни даъво қилмайдиган корхонадир. АҚШ қонунларида курсатилишича, саноат соҳасидагн кичик корхоналарда ишловчилар сони 250 дан 1500 кишига етган тақдирдагина кичик корхона хисобланиши мумкин. Энг кичик корхонада ишлвочилар 1 кишидан 24 кишигача, кичик корхонада 25 кишидан 99 кишигача, ўрта корхоналарда 100 кишидан 499 кишигача, йирикларида 500 кишидан 999 кишигача ишлашн лозим, энг йирикларида 1000 ва ундан ортиқ киши мехнат килиши мумкинлиги курсатиб утилган.

Японияда кичик фирмалар зиммасига қайта ишлаш саноати компанияларининг 86 фоизи, 28 та нстиқомат қилувчига битта кичик корхона тўғри келади. Кичик бизнес корхоналарига давлат ҳуқуқий-иқтисодий имкониятларни кенгайтирганлиги туфайли ҳам у мамлакат иқтисодиётида бозор талабига тезда мослашиб,

бошқа турдаги фирмаларга нисбатан яшовчанлиги билан характерланади.

Ривожланган мамлакатлардан бири — Англияда ҳамма фирмаларнинг 96 фоизини кичик фирмалар ташкил қилиб, аҳоли орасида кичик бизнес ниҳоятда тараққий этган. Айниқса, инглизлар барча ишларни узлари бажаришни, айрим зарур товарларни ўзлари ишлаб чиқаришни яхши кўрадилар.

Туркияда кичик корхоналарнинг кўпчилигида 10—15 киши фаолият курсатади. Бундай корхоналар халқ хужалигини, иқтисодиётни ривожлантиришга борган сари салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ривожланган мамлакатларда умумий корхоналар ҳиссасида кичик корхоналарнинг миқдори, маҳсулот ҳажми (фонз ҳисобида) қуйидагича:

| Корхоналарнинг улуши | АҚШ | | | Франция | | | Япония | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | йирик | ўрта | кич. | йирик | ўрта | кич | йирик | ўрта | кич. |
| Корхоналарнинг умумий сони | 0,5 | 7,9 | 91,1 | 0,1 | 1,3 | 98,4 | 1,4 | 21,6 | 77,0 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича | 35 | 28,4 | 36,6 | 42,1 | 19,1 | 38,8 | 34,4 | 30,1 | 35,5 |

Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Қонунда таъкидланишича, «Мулкчилик шаклларидан қатъий назар, корхона ишловчилар сонига қараб кичик корхоналар жумласига киритилиши мумкин». Бундай корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, мақоми, уларни руйхатга олиш шартлари, шунингдек корхоналарнинг бу турга тааллукли эканлиги Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кенгашн томонидан тартибга солинади. Ҳақиқатдан ҳам кичик корхоналарни халқ хужалигининг турли тармоқларида барпо этмай туриб, турли мулкчилик иктисодиётини ҳам шакллантириш мушкулдир. Уз навбатида уни шакллаитирмасдан бозор муносабатларини жамият миқесидаги ривожини таъминлашга эришиш кийин ҳисобланади.

Республика миқёсида кичик бизнес корхоналарини барпо этиш мнглаб мулкдорлар армиясини, тадбиркорлар, ишбилармонлар гуруҳини вужудга келтирадики, аҳолини бу актив қисми ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эгалари ҳисобланиб, улар бозор

иқтисодини яратувчи ва ривожлантирувчи ҳақиқий субъектлар сифатида вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатга айланганлиги туфайли миллионлаб фуқаролар ўз жамғармаларидан, капиталидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритдилар, эркин иқтисодий фаолият билан шуғулланиб, ўз истеъдодларини намоён этишга муяссар бўлдилар.

Кичик корхоналарни республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида қонуний жиҳатдан барпо этиш мумкин. Ўзбекистон ҳудудида ишлаб турган ва ташкил этилаётган бизнес корхоналари кичик корхоналар бўлади. Республика қонунларида курсатилишича, саноат ва қурилишда ишловчилар 200 кишини, фан ва илмий хизмат кўрсатувчилар сохасида ишловчилар 100 кишини, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ишловчилар 25 кишини, чакана савдо буйича ишловчилар 15 кишини ташкил этган корхоналар кичик бизнес корхоналари деб юритилади.

Қабул қилинган қонунлар, давлат томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдамлар, хориж мамлакатларн томонидан берилаётган кредитлар, аҳолининг узидаги иқтисодий фаоллик кичик бизнес корхоналарини маъмурий шаклланишига имконият бермоқда. Бугунги кунда кичик корхоналар шаҳар, вилоят, туман ва кишлоқларда ташкил этилмоқда. Уларнинг ишлаб чиқараётган махсулотлари ички бозорни товарлар билан тулдиришга кумаклашмоқда. Баъзи кичик корхоналар ўз товарлари билан жаҳон бозорида Ўзбекистон шуҳратини дунёга ёймоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-кувватлашнинг ноёб, дунёда ухшаши йук давлат тизими иш олиб бормоқда. Бу тизимга мувофик хусусийлаштиришдан тушган деярли барча маблагдан иқтисодиётнинг нодавлат секторини шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланилади. Хусусийлаштиришдан тушган бутун маблағнинг 50 фоизи республика «Бизнес-Фонди»га йўналтирилади, у эса, ўз навбатида, фақат фуқароларнинг ўз маблагларига асосланган кичик ва урта бизнесга, тадбиркорликка кредитлар ажратади. 20 фоиз чиқарилаётган махсулотлар номенклатураси ассортиментини жадал суратда алмаштираётган ва инвестицияларга каттиқ мухтожлик сезаётган хусусийлаштирилган корхоналарга кредит ажратиш учун Давлат мулк кумитасининг махсус хисоб ракамига келиб тушади. 20 фоизи ижтимоий эҳтиёжлар учун хокимликларга ажратилади ва мактаблар, касалхоналарни таъмирлаш, янги автомобил йуллари курилиш ва хоказолар учун, яъни маориф, согликни сақлаш, муҳандислик хизматлари ва бозор инфраструктураси курилишида тадбиркор-

ларга қайтариб бериладиган барча нарсаларга сарфланади. Қолган 10 фоизи эса хусусийлаштириш, тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш давлат дастурларини амалга оширишга ишлатилади.

Товар-хом ашё биржаси уз фаолиятини анча кенгайтирди, ундаги битимлар ҳажми 1995 йилда 7,7 млрд. сумга етди. Шу йили 8481 объектни 859,8 млн.сумга сотган республика кучмас мулк биржаси хам миллиард довонидан ошиш бўсагасида турибди. Республикада кўчмас мулкни сотиш буйича 129 та брокерлик идораларн ва агентликлар, акцияларни сотиш бўйича 156 та брокерлик идоралари, ер участкалари сотиш буйича 213 комиссия, 41 та инвестиция фондлари ва компаниялари, 38 та бизнес марказлари, 20 та бизнес инкубаторлари ишлаб турибди.

1992—1996 йиллар мобайнида давлат мулки объектларини хусусийлаштиришнинг сифат якунлари қуйидагилардан иборат бўлди:

— хусусийлаштирилган турар-жойларнинг 1074 минг нафар эгасини;

— халк хўжалигининг барча тармокларида хусусийлаштирилган корхоналар акциялари, хиссалари, пайларининг 2 млн.нафар эгаларини;

— кишлок жойларда 3 млн. шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларини;

— 85 минг нафар хусусий ва кичик корхона эгаларини;

— 19 минг нафар кучмас мулк эгаларини ўз ичига олган мулкдорлар синфини шакллантиришга йўл берди.

Бозор инфратузилмасини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни куллаб-кувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Хозирнинг ўзида миллий даромаднинг асосий қисми (67 фоизи) нодавлат секторида вужудга келтирилмокда.

Кимматли когозлар бозори ва тегишли инфратузилма ривожлантирилганлиги — ижтимоий хамояга йуналтирилган бозор иқтисодига утишда, чет эл инвестицияларини жалб қилишда, пул муомаласини мувофиклаштириш усулларини такомиллаштиришда асосий йуналишлардан биридир. Давлат кимматли когозлари бозори молиявий тизими тараққий этган мамлакатлар фондлар бозорининг мухим секторларидан бири хисобланади.

1996 йилнинг биринчи ярмида давлат томонидан қисқа муддатли облигацияларни дастлабки тарзда жойлаштириш буйича беш марта аукцион ва икки марта ушбу облигацияни сотиб олиш савдоси утказилди. Нодавлат кимматли қоғозлар бозори респуб-

лика тижорат банклари ва бошка хужалик субъектларининг акциялари, депозитли сертификатлари, векселлари курилишида тақдим этилди.

Муомаладаги қимматли қоғозлар хажми 6558 млн. сумни, шу жумладан акциялар 81,5 фоизни, векселлар 16,1 фоизни ёки 1058,9 млн. сумни, депозитли ва омонатли сертификатлар 24 фоизни ёки 158,3 млн. сўмни ташкил этади. Тижорат банклари томонидан векселларга 3137,2 млн. сўм, депозитли сертификатларга 27,9 млн. сўм ва омонатли сертификатларга 18,2 млн. сўм миқдорида тўловлар тўланди.

Муомаладаги 136,6 млн. сумлик қимматли қоғозлар ёки қимматли қоғозлар умумий хажмининг 2,1 фоизи ахолиникидир. Шу жумладан, улар томонидан жами 109,9 млн. сумлик (2 фоиз) акциялар сотиб олинган булиб, шундан оддий акциялар (62,9 млн.сум) улар кулидаги жами акцияларнинг 57,2 фоизига тенгдир. Имтиёзли акциялар сотиб олишда аҳолининг ҳиссаси ушандай акциялар умумий хажмининг 78,6 фоизини (47 млн. сумни) ташкил килди.

Банк векселлари билан бир қаторда корхоналарнинг векселлари ҳам муомалага киритилган. 1996 йилнинг 1 июлига қадар муомалага чиқарилган корхоналар векселлари 16 миллиард 538,2 млн. сўмни ташкил этади.

Векселларнинг халқ хужалигида қўлланиши умумий тўловлар суммасининг 166 миллиард 407,7 млн. сум хажмида, шу жумладан банк векселлари билан 30 миллиард 631 млн. сумга яқин тўловларни амалга ошириш имконини берди.

Узбекистонда миллий депозитарий филиалларининг тармоғи кенгайтирилди. Миллий депозитарий кошида ҳисоб-клиринг марказининг фаолият курсатадиган филиаллари барча вилоятларда ташкил этилмокда. Биржадан ташкари битимларни руйхатга олиш учун кенг регистраторлар тармоги барпо этилди. Уларнинг вазифасини республика фонд биржасининг брокерлик идоралари. Миллий депозитарий ва унинг филиаллари бажармокда. Барча вилоятларда акционерларнинг реестрлар юритувчиларини вужудга келтириш юзасидан фаол иш олиб борилмокда. Миллий депозитарийда эмиссия умумий хажми 33,7 млрд. сўм булган акциядорлар жамиятлари тўгрисидаги маълумотлар сақланадиган банк вужудга келтирилди.

Тадбиркорларни, шу жумладан шахсий мехнат фаолияти билан банд бўлган жисмоний шахсларни ҳам ҳисобга олиб бориш, уларнинг манфаатларини ҳимоя килиш, ишларни ташкил этишда

ҳар турли ёрдам курсатиш вазифасини уз зиммасига олган товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг республика ва худудий палаталари фаол ишламокда.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари республиканинг хамма вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жадал давом этяпти. Бухоро вилоятида мустақиллик йилларида кичик корхоналар сони беш бараварга ортди. Уларнинг умумий махсулот ва хизматлар ҳажмидаги улуши 2,5 бараварга кўпайди. Сурхондарё вилоятида бугунги кунда 1700 та хусусий, 700 га якин кичик корхоналар, 2000 дехкон (фермер) хужаликлари фаолият курсатмокда.

Тошкент шахрида жами корхоналарнинг учдан икки қисми иқтисодиётнинг нодавлат секторига утди. Секторда хозир 373,7 минг киши ишламокда. Бу шаҳарда мехнатга лаёқатли ахолининг 44 фоиздан купрогини (мамлакатда энг юқори курсаткич) ташкил этади. Пойтахтнинг ширкат ва кичик корхоналарида 128,1 мингдан кўпроқ мехнатчи ишлаяпти. Бугунги кунда хусусий тадбиркорлик билан машгул булаётганларнинг сони 53,8 минг кишига тугри келади.

Бозор инфратузилмасининг яхлит тизимини шакллантириш, кичик, урта ва хусусий тадбиркорликни қуллаб-кувватлаш, мулкдорлар табақасини жадал шакллантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини химоя қилиш мақсадида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар шахар палатаси ташкил этилди. У нотижорат ташкилот бўлиб, тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорларни шартнома асосида бирлаштиради. Бу ташкилот тадбиркорлар манфаатларини давлат хокимият идораларида химоя қилади, бозор инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашади, маркетинг, реклама, ҳуқуқий, ахборот ва бошка хизматлар курсатади. Ҳозирги пайтда ушбу палатанинг туман бўлинмалари ҳам ташкил этилган.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни рагбатлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш бунича шаҳар дастури ишлаб чиқилган. Бу дастурнинг асосий мақсади тадбиркорлик тузилмаларининг фаолият кўрсатиши, ишлаб чиқараётган махсулотлари, иш ва хизматлари салмогини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

Шахарда хозирги пайтда очик турдаги акционерлик жамиятлари тузилмокда. Бунда акцияларнинг асосий қисми тўртд

бўлинди: 25 фоизи давлат ихтиерида сақлаб қолинди, 25 фоизини корхоналарнинг ходимлари оладиган булдилар, яна 25 фоизи эркин савдога қўйилди ва қолган 25 фоиз акция хорижий сармоядорларга сотиш учун ажратилди. Шаҳарда монополия тизимларини кичрайтириш тадбирлари амалга оширилди. Бунда «Ўзбексавдо» ва «Ўзмашийуюшма» тизими акционерлик жамиятлари ҳамда жамоа корхоналари таркибидан чиқаётган корхона ва ташкилотларни қанта ташкил этиш чора-тадбирлари ҳам курилди.

1996 йилнинг 1 июнига келиб 2770 та корхона ва ташкилот, шу жумладан, «Ўзбексавдо» бўйича 2441, «Ўзмашийуюшма» бўйича 323 корхона ва ташкилот қайтадан ташкил этилди.

Акцияларнинг ярмидан кўпрогини илк бор хорижий корхоналарга сотиш амалга оширилди. Хусусан, Тошкент тамаки фабрикаси акцияларининг 51 фоизи «БАТиндастриз» (Буюк Британия) компанияси томонидан сотиб олинди.

Ўтган йилнинг 1 апрелигача бўлган маълумотларга кўра, шаҳарда 623 та акциядорлик жамияти фаолият курсатмокда. Улардан 149 таси уз акцияларини сотишни бошлади. Акциядорлик жамиятларининг 200 миллион сўмдан купрок акциялари сотилди. Фонд биржаси орқали 100 та акциядорлик жамиятининг умумий қиймати 150 млн. сўмга яқин булган 400 минггага яқин акцияси, Миллий инвестиция фонди орқали эса 40 та акциядорлик жамиятининг карийб 45 миллион сумлик 40 минггадан кўпрок акцияси сотилди. Акциядорлик жамиятлари ходимларининг уртача сони 122,4 минг кишини ташкил этди.

Фаолият турлари буйича акциядорлик жамиятлари умумий сонининг 29,2 фоизи ёки 166 таси курилиш, 28,9 фоизи ёки 164 таси саноат тармоқларига тегишлидир. Саноат тармогида акциядорлик жамиятлари мулкчиликнинг бошқа шаклларига нисбатан устувор ўрнини эгаллайди. 1996 йилнинг биринчи чораги давомида акциядорлик жамиятлари томонидан ялпи саноат махсулотнинг 53,6 фоизи ишлаб чиқарилди. Бу курсаткич 1994 йилнинг шу даврида 1,3 фоизга, 1995 йилда эса 26 фоизга тенг эди. Айникса, «Тошкентсут», «Ёғочсоз», «Кизил тонг», «Тошкент», «Бинокорлик материалларн ва конструкциялари», «Лак-буёк», «Малика», «Шарк гули» акциядорлик жамиятлари барқарор ишламокда.

Шахар иктисодиётига хусусий сармояларни жалб этиш максадида республика фонд биржаси хузурида қимматли қоғозлар сотиш буйича магазинлар ташкил этилди ва улар ишлаб турибди. Шу жумладан, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оши-

риш лицензиясига эга бўлган «Бизнес-Инвест» фирмаси ташкил этилди. У фонд магазинлари очиш билан ҳам шуғулланмоқда. Фонд ва товар хом ашё биржаларида брокерлик урнилари ижарага олинган.

Акциялар харидоргир бўлиб қолди. Утиш иқтисодиётига эга барча мамлакатларда булгани каби бизда ҳам улар ҳақиқий қийматидан паст нархларда сотилмоқда. Бу эса акцияларни узоқ муддатли капитал маблағлар учун жуда жозибадор қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнига республика аҳолисини кенг жалб этиш вазифаси турибди. Уни ҳал этиш ишига республика Давлат мулкини бошқариш ва талбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қумитаси, Молия вазирлиги, шунингдек, бошқа идораларнинг мутахассислари жалб этилди. Улар хусусийлаштириш инвестиция фондлари — ХИФ ларни барпо этиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишди. Республика ҳукумати тасдиқлаган бу дастур ҳозирги пайтда оммавий хусусийлаштириш жараёнининг асосий унсурига айланди. Бу дастурни ишлаб чиқишда оммавин хусусийлаштиришнинг жаҳондаги бой тажрибаси ҳисобга олинди. Дастурнинг пайдо бўлиши халқаро молия ташкилотлари ҳамда ривожланган мамлакатлар ҳукуматларининг эътиборини тортди. Улар ҳозир бу лойиҳанинг амалга оширилиши жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб туришибди.

Миллатнинг фаровонлиги алоҳида кишиларнинг фаровонлиги билан белгиланади. Мазкур дастур аннан мана шу мақсадга мулжалланган. Узбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз маблағини ХИФ акцияларига сарфлаб, йирик корхоналарни ривожлантиришга сафарбар қилар экан, у йиғилган маблағнинг ҳам ўзига, ҳам мамлакат иқтисодиётига фонда келтиришига ишонади.

Энг муҳими, ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида ҳар бир акциядор қимматли қоғозлар бозори ҳақида дастлабки билимга эга бўлади ҳамда келажакда ХИФ акцияларининигина эмас, балки йирик акционерлик жамиятлари акцияларини ҳам сотиб олишда қай бирини олса, манфаатдор бўлишлигини англаб етади. Деярли барча мамлакатларда кишилар пул маблагларини акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга, давлат облигацияларига сарфлайди. ХИФ акциядорлари қаллобликдан ҳимоя қилинган. Барча аҳоли маблагларини бундай хатти-ҳаракатлардан саклашни таъминловчи механизм ишлаб чиқилган. Акциядорлар сармоя снёсатига караб ўзига маъқул булган ХИФни танлаши мумкин. Натижада улар давлатнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланишдан тушган даромадга шерик булиши имконига ҳам эга булади.

Айни пайтда корхоналарнинг акцияларн хозир биржа бозорларида бир неча баробар қимматдир. Устига устак, бу акциялар нархининг олтидан беш қисми кредит хисобидан туланадн. ХИФларга таклнф этнлаётган акциялар Давлат мулки қумитаси мутахассислари хусусийлаштирилган 4000 дан ортиқ йирик корхона орасидан танлаб олган 300 та энг яхши корхонанинг акцияларидир. Бундан ташқари, фонд акциядорн ХИФ эълон қилган дивидендларнн тулашни суд орқали талаб қилиши, унинг молиявии ҳолати ҳақида ахборот олиши, акциядорлар йигилишида нштнрок этиб, ХИФ фаолиятига оид таклифлар киритиши, у тугатилган тақдирда, мулкнинг ўзнга тегишли қисмини қайтариб олиши, акциялар ва улардан олинган дивиденллардан эркин тарзда фойдаланиши мумкин.

Мазкур дастурнинг биринчи босқичига кура, 1997 йилнинг июнь ойига қадар давлат тасарруфидаги 300 та энг фойдали ўрта ва йирик корхонаин сотиш ХИФларга кредит сифатида бериш орқали амалга оширилади. Бу борада фондлар дастурнинг меъёрий-ҳуқуқнй асослари ишлаб чиқилган, ХИФларга таклиф этиладиган корхоналар танланган. Ҳозир фондлар ва бошқарувчн компаниялар ташкил этиш ҳамда уларга лицензия бериш жараёни бошланиб давом этяпти. Бу Ўзбекнстон фуқароларига уларнинг акцияларини сотиб олиш имкониятини беради.

ХИФлар акционерлик жамиятлари акциялари умумий микдорнинг 35 фонзгача бўлган қисмини номинал қнймат бунича сотиб олиш ҳуқукига эга. Бунда ХИФ Ўзбекистонлик ҳар бир фуқарога уз акцияларидан 100 донагача сотади ҳамда белгиланган муддатда дивиденд бериб боришни кафолатлайди. Юридик шахслар эса ХИФнинг акцияларини фақат иккиламчи бозорда харид қилишлари мумкин. ХИФлар ташкил этилгач, уз акцияларини аҳолнга 100 сумдан сотади. Кейин улар хусусийлаштирилган корхоналардаги уз акцияларини номинал қиймат буйича сотадиган аукционда иштирок этишади. Аукционда бу акцияларни сотиб олиш бунича ХИФлар ўртасида рақобат бошланади. ХИФлар асосий низом маблаги ҳамда сотиб олинаётган акцияларнинг олтидан бир қисмини тулаш учун аҳолидан йигнлган пулнн сарфлайдн. Акцияларнинг қолган қисми эса уларга махсус давлат кредити сифатида берилади. ХИФлар дастурнинг дастлабкн босқичида аукционда иштирок этиши билан бнрга, у ўз акцияларини аҳолнга сотади. Акциялар буйича барча олдн-сотдини «Вақт» миллий депозитарийси назорат қилиб, руйхатдан утказиб боради. ХИФлар акциядорларга узининг молиявнй фаолияти ҳақида мунтазам равишда ахборот бериб боради. ХИФлар фойда кўрган пайтда, акциядорлар дивиденд олиш ёки

фонд маблағини янада купайтириш мақсадида олинган маблағларни қайтадан инвестиция қилиш масаласини хал этади.

Хусусийлаштиришнинг мазкур механизмини қўллашга қарор қилингунга қадар, хусусийлаштиришни ваучерлар, чеклар ва бошқа воситалар орқали амалга оширган мамлакатлар тажрибаси синчиклаб урганнб чиқилди.

ХИФлар орқали хусусийлаштириш давлат мулкининг адолатли тақсимланишини таъминлаш билан бирга, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида хамда мулкдорлар синфининг кенгайишида салмоқли ахамият касб этади.

Мазкур дастур Европа Кенгаши ТАСИС мутахассислари томонидан хар тарафлама урганиб чиқилди. Унинг истиқболли эканлигининг далолати сифатида ТАСИС кенгаши ХИФ дастурини амалга ошириш учун 1 миллион экю миқдорида маблағ ажратди.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар хам иштирок этяпти. Хусусан, ЮНИДО ёрдамида республикада бир неча бизнес-инкубаторлар ташкил этилди. Европа Хамжамияти комиссияси Тошкентда Амалий алоқалар марказини ташкил этган. Немис техникавий кўмаклашув жамияти томонидан эса мамлакатимизда кичик ва урта бизнесни қўллаб-қувватлаш маркази очилган. Узбекистонда Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди ва Буюк Британиянинг Марказий Осие инвестиция фонди хам самарали фаолият курсатяпти.

Хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичида қуйидаги вазифаларни тўлиқ хал этиш катта ахамиятга эгадир:

— хусусийлаштириш жараёнига амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларидан ўрта ва йирик корхоналарни жалб этиш;

— яккахоким (монопол) ишлаб чиқариш — хўжалик тузилмаларини ихчамлаштириш ва улар учун рақобатли бозор мухитини яратиш;

— республика ахолисининг кенг қатламларн хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда қатнашувини таъминлайдиган хусусийлаштириш механизмини такомиллиштириш;

— давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар хусусийлаштирилгандан кейинги даврда уларга хар томонлама ердам курсатиш;

— қимматли қоғозлар ва кучмас мулкнинг ростмана бозорини вужудга келтириш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолияти воқеликка айланди. Бнргина 1996 йилда республикада 34,5 минг янги хусусий кичик корхона ташкил этилиб, уларнинг умумий сони бугун 100 мингга яқинлашиб қолди. Бундан ташқари, 19,5 мингдан зиёд деҳкон (фермер) хужаликлари юзага келтирилди. Шуниси муҳимки, кичик ва урта корхоналар иқтисодиётнинг барча соҳаларида барпо қилнмоқда.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда республикамиз хукумати кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш ва бунда хусусий мулк, кичик ва урта бизнесга биринчи даражали аҳамият беришни стратегик вазифа, деб белгилади. Чунки ўлкамизнинг узига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг ошиқчалиги, ривожланган қишлоқ хужалиги ва хом ашё базаси, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи, кичик ва онлавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада фаол ривожлантиришни тақозо қилади.

Ана шу мақсадга эришиш учун:

Биринчидан, қонунчиликда бу борада кузда тутилган рағбат ва имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлаш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш йўлидаги барча тусиқларга барҳам бериш зарур булади.

Иккинчидан, ислоҳотларнинг бу муҳим йўналишини қўллаб-қувватлаш учун янги манбалар излаб топиш ва мавжуд имкониятларни янада кенгантириш лозим. Бунинг учун аввало, ички манбаларни, банк кредитларини жало қилиш керак булади. Халқаро тузилмалар, хорижий компания ва жамгармалар, жумладан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиет банки, Немис техник ҳамкорлик жамиятн, Тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш Ўрта Осиё-Америка жамгармаси ва бошқа ташкилотлар Узбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун салмокли кредитлар ажратиш ва тегишли хизматлар кўрсатишга тайёр, бу борада улар амалий ҳаракатлар қилмоқдалар. Халқаро ва хорижий миллий молиявий тузилмалар ва банклар томонидан шу мақсадда таклиф этилаётган кредитларнинг ҳажми бугунги кунда 350 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Худди шу мақсадга йуналтириладиган республика ички манбалари бу ҳисобга кирманди.

Учинчидан, кичик ва урта бизнес яқин келажакда ишлаб чиқарнш таркибида, экспорт таркибида ҳаракатчан, тез узгариш қобилиятига эга булган тармоқ сифатида иқтисодиётда етакчи урин тутишига эришмоқ лозим.

Туртинчидан, кичик ва ўрта корхоналар жун, алмисокдан колган эски асосда эмас, балки сифатли ҳамда замонавий техник база негизида ташкил этилишига эришиш керак. Бозор инфратузилмасини махсус марказлар, лизинг компаниялари тармоғини ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Кенг ривожланган сервис хизмати йўлга қўйилмас экан — кичик ва ўрта бизнес бўлмайди. Бу борада бошқа йўл йўқ.

Бешинчидан, аҳолига ажратилган шахсий томорқаларнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига жиддий эътибор бериш даркор. Томоркага нчки бозорни маҳсулотлар билан, энг аввало, озиқ-овқат моллари билан тулдиришнинг, аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг энг мухим манбаларидан бири булган кичик, оилавий бизнес шакли, деб караш керак.

Ўзбекистонда шахсий томорка майдонлари утган йиллар мобайнида икки баробарга ортиб, хозир 650 минг гектар суғориладиган ерни ташкил этади. Республикадаги қорамолларнинг қарийб 80 фоизи, қуй ва эчкиларнинг 65 фоизи, паррандаларнинг яқни 60 фоизи ана шу хўжаликлар хиссасига тўғри келади.

Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 69 фоизи, меваларнинг 55 фоизи, узумнинг учдан бир кисми шахсий томорқаларда етиштирилмокда.

Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита рахбарлигида шахсий томорқасида ишловчиларга амалий ёрдам бериш, уларни керакли анжомлар, ихчам техника воситалари, минерал угит ва емхашак билан таъминлашнинг қатъий тартиби ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, шахсий томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш тизими кескин ўзгартирилиб, амалда қайтадан яратилмокда.

Давлатнинг ёрдамисиз нафақат шахсий томорка, дехкон (фермер) хўжаликлари, балки бутун кичик ва урта бизнес хам ривожлана олмайди. Давлат бунинг учун зарур маблагларни излаб топмокда. Бу масаланинг ижтимоий аҳамняти хам катта. Мамлакатимиз шароитида аҳолини, айникса ортикча ишчи кучи мавжуд булган кишлок жойлари ва худудларда иш билан таъминлашдек кескин муаммони фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама, кенг ривожлантириш хисобига хал этиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг хозирги босқичида кичик ва хусусий тадбиркорликни сифат жихатидан янги погонага кутариш вазифаси турибди.

«...иқтисодиётнинг тузилма жиҳатидан янгиланиш таъминланмоқда, республиканинг енгил-энергетика мустақиллигига эришилди, ўзимизнинг ташқи бозорда рақобат қилишга қодир бўлган тайёр маҳсулотимиз улуши ошмоқда, саноат ва қишлоқ хўжалигининг бутунлай янги — автомобилсозлик, микробиология, галлачилик соҳалари барпо этилди».

*Ислом КАРИМОВ*

## ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон мислсиз бойликлар ўлкаси дейилганда ҳеч қандай муболага йўқ. Биргина қидириб топилган конларнинг сони 700 тадан ортиб кетди. Хорижий мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, конлардаги гоят қимматбаҳо маъданлар заҳирасининг қиймати 3 триллион АҚШ долларидан ҳам кўпдир.

Республикамиз олтин заҳиралари буйича жаҳонда тўртинчи уринни эгаллайди. Юртимиздаги кумуш, уран, мис, молибден, кургошин, вольфрам ва бошқа нодир металлар конлари гоят ноёбдир. Бундан ташқари, жаннатмакон ўлкамизда гранит ва мармар, каолин, шпат, кварц, боксит, фосфат каби ер ости бойликлари бехисоб.

Бугунги кунда иқтисоднёт тараққиётида энергетика ресурслари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўзбекистон улкан энергетика базасига ҳам эга. Қидириб топилган газ заҳираларининг ўзи 5 триллион тоннага яқинни, кўмир 2 миллиард тоннадан ортиқни ташкил этади. Умумий заҳираси 4 миллиард тоннани ташкил этадиган 140 та нефть кони очилган.

Мустабид тузум даврида Ўзбекистон ўзининг бу улкан табиий бойликларидан бахраманд бўлиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Олтин ва уран, бошқа нодир металл конлари умумиттифоқ мулки, деб эълон қилинар, собиқ иттифоққа қарашли корхоналар ихтиёрига берилар, ҳеч бир ҳисобсиз республикадан текинга олиб чиқиб кетилар эди. Худди шунингдек ўзбек гази, пахтаси ҳам бошқа республикаларга, социалистик мамлакатларга сув текинга етказиб берилларди. Ҳатто юртимиздаги хом ашёни ишлатадиган енгил саноат ҳам республика-иттифоққа буйсунтирилган эди.

«Умумиттифоқ меҳнат тақсимоти», «ягона халқ хўжалик мажмуаси» деган гаплар амалда республикамизга хом ашё базаси вазифаси юклатилганидан далолат берарди. Буннинг оқибати-

да Ўзбекистон иқтисодиёти бир ёқлама бўлиб, унда номутаносиблик тобора кучайиб бораётган эди.

Республикада ишлаб чиқарилган пахта толаси асосан Россиянинг марказий шаҳарларида қайта ишланарди ва бундан олинадиган жуда катта фойда ўша ердагиларга тегарди. Ўзбекистон эса узига керакли истеъмол моддаларининг ярмидан купрогини, шу жумладан, узбек пахтасидан олинадиган газмол ва тикувчилик махсулотларини четдан олиб келишга мажбур эди.

Ўлкамизнинг энг баҳаво ва сўлим воҳаларида кимё саноати корхоналари барпо этилганди. Бу ерда ишлаб чиқариладиган нитрон ва капролактам эса республиканинг ташқарисида тайёр махсулотга айлантирилларди. Биз уз заминимиздан олинаётган олтин ва мис, газ ва нефтга эгалик қилиш у ёқда турсин, уларнинг эхтиёжимиз учун зарур қисмини хам ололмасдик. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда турмуш даражаси собиқ Иттифоқда энг охирги ўринларда эканлиги тасодифан эмасди.

Бунинг устига маъмурий-буйруқбозлик тизими ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси ўртасида номутаносибликни келтириб чиқарарди. Бундай шароитда юқори органлар маъмурий йул билан, режа-директив қарорлар тизими орқали бу сунъий мувозанатни тиклашга зур берарди. Бунинг учун қушимча моддий сарф-ҳаражатлар қилинарди, қушимча маблағлар сарфланарди.

Ишлаб чиқаришни хар қандай йул билан бўлса-да устириш қуруқ мақсадга айланиб қолган эди. Бу тизим сотиш учун бозори йуқ, хеч кимга кераксиз махсулот ишлаб чиқаришга ундарди. Собиқ тузум ишлаб чиқарилган хар қанақа махсулот ижтимоий жихатдан фойдалидир, деган сунъий тасаввур ҳосил қилиб, бу билан ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий масъулиятсизлигини келтириб чиқарарди, ишлаб чиқаришда ортиқча сарф-харажат купайиб кетишига сабаб бўларди.

Аслида иқтисодиёт ўзини узи юритувчи кучга айланиб қолган эди. Шунинг натижасида моддий ва хом ашё ресурсларининг етишмаслиги энг ўткир муаммога айланганди.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон узи танлаган йул билан иқтисодий ислохотларни амалга оширишга киришди. Бунда иккита устувор йўналиш — макроиқтисодий, барқарорликка эришиш ва таркибий ўзгартишларни амалга ошириш энг муҳим вазифа сифатида белгилаб олинди.

Барқарорлаштириш снёсати уз макроиқтисодиётида мувоза-

натни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликни кўзда тутади.

Жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда принцип жиҳатдан ўзаро бир-биридан фарқ қилувчи турли ёндашувлар мавжуд. Улардан бири монетар ёндашув, деб аталиб, пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириб туришга, пул массасини ҳамда тўловга қодир бўлган жами талабни кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган. Лекин бундай усул иқтисодий ўзгартишларни таъминлашга қодир эмас. Аксинча, у кўпинча ишлаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари камайишига, инвестиция фаолияти тухтаб қолишига олиб келади.

Иккинчи ёндашув эса ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантиришга, таркибий ўзгартишларни амалга оширишга кумаклашишга, иқтисодиётда номутаносибликка барҳам беришга асосланган. Бу хил усулда қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсати утказилади, товар билан қоплашининг иложи булмаган ортиқча талабларни чеклаш буйича тадбирлар амалга оширилади.

Ҳамдустлик мамлакатларида иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда собиқ иттифоқ даврида ишлаб чиқаришнинг юкори даражада монополиялашганлиги, тор ихтисослашганлиги, аҳоли асосий қисмининг турмуш даражаси пастлиги ҳисобга олинмасдан «шок терапияси» номини олган усулга зур берилди. Бунда бошланган ўзгаришлар қандай натижалар бериши, ўтиш даврининг мураккаб даврида кучли ижтимоий сиёсат утказилиши зарурлиги писанд қилинмади. Ислоҳотларни утказишдаги бундай шошма-шошарлик, бошқаларга тақлид қилиш Ҳамдустликнинг кўпгина давлатлари иқтисодиётини жар ёқасига олиб келиб қуйди. Улар халқ хужалигининг аксарият соҳаларида упирилишлар юз берди, корхоналар тухтаб қолди, оммавий ишсизлик бошланди, аҳоли қашшоқлашиб кетди.

Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

— агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қуроллантириш билан боғлиқ булмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик;

— устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирилишига кўмаклашиш. Ўз ишлаб чиқаришини қуллаб-қувватламасдан ва ички имкониятлардан фойдаланиш

эвазига иқтисодиётни ичдан ривожлантирмасдан туриб молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш;

— пулнинг қадрсизланиш жараёнини тухтатиб қолиш. Пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чоралар кўриш йўли билангина миллий валютани мустаҳкамлашга эришиш, узоқ муддатга мўлжалланган инвестициялар ички бозорини жонлантириш, аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигини таъминлаш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини мустаҳкамлаш. Шунингдек, чет эл эркин айирбошланадиган валюталарига нисбатан сумни аппрбошлаш курсининг барқарорлигини сақлаш;

— ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар тутиб туриш ва яхшилаш.

Ана шундай пухта ўйланган макроиқтисодиётни барқарорлаштириш снёсати уз самараларини бермоқда. Бу, айниқса, Ўзбекистон асосий ижтимоий-иқтисодий курсаткичлари Ҳамдустлик республикалари билан таққосланганда яққол кўзга ташланади.

1995 йилда МДҲ мамлакатларининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари (1990 йилга нисбатан 100 фоиз ҳисобида)*

| МДҲ мамлакатлари | Ялпи ички маҳсулот | Саноат маҳсулотлари умумий ҳажми | Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти | Капитал маблағлар қўйилиш |
|---|---|---|---|---|
| Озарбайжон | 38,2 | 45 | 54 | 33 |
| Арманистон | — | 47 | 114 | — |
| Белоруссия | 60,5 | 61 | 73 | 41 |
| Грузия | — | 17 | 26 | — |
| Қозоғистон | 45,4 | 48 | 54 | 20 |
| Қирғизистон | 50,3 | 35 | 57 | 37 |
| Молдова | 38,6 | 44 | 66 | 14 |
| Россия | 62,2 | 50 | 67 | 30 |
| Тожикистон | — | 44 | 36 | 21 |
| Туркманистон | — | 65 | 76 | — |
| Ўзбекистон | 81,8 | 99,9 | 89 | 54 |
| Украина | 44,4 | 53 | 61 | 26 |

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Тошкент, «Узбекистон» нашриёти, 1996 й., 106- бет.

Мустақиллик йилларида республикамиз саноатида жуда катта таркибий ўзгаришлар ҳам амалга оширилди. Юзлаб янги йирик ва ўрта корхоналар ташкил этилди, ишлаб чиқариш қувватлари қайтадан таъмирланмоқда. Натижада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 104,9 фоизга кўпайди ва 1993 йилдан бошлаб саноат ишлаб чиқаришида ижобий натижалар кўрина бошлади. Буни қуйида келтирилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкин:*

(аввалги йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

| | 1991 й. | 1992 й. | 1993 й. | 1994 й. | 1995 й. | 1996 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Саноат ишлаб чиқариш ҳажми | 101,5 | 93,3 | 103,6 | 101,6 | 100,2 | 105,0 |
| | | | | | | |

Машинасозлик ва металга ишлов бериш тез суръатларда ўсди. Мазкур йилларда у 157,3 фоиз, ёнилғи саноати — 111,3 фоиз, ёғочни қайта ишлаш — 145,5 фоиз, ўрмон саноати — 129,8 фоиз ва озиқ-овқат саноати — 108,3 фоизга усди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда салмоқли усишга эришилди ва уларнинг ҳажми беш ярим йил давомида 122,2 фоизга ортди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ривожланиб борди, айни шу даврда бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш бир ярим баробардан зиёд ошди.

Ҳозирги вақтда республикада 100 дан зиёд тармоқ булиб, улар қайта ишлаш тармоқларигина эмас, ундирма (нефть, газ, кумир, рангли ва нодир металлар) тармоқларини ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқарилаётган умумий махсулот ҳажмида оғир саноат тармоқлари хиссаси 65,2 фоизни, енгил саноат 22,9 фоизни, озиқ-овқат саноати 7,3 фоизни ташкил қилмоқда.

Етакчи базавий тармоқларнинг барқарор ривожланиши натижасида республиканинг ёнилғи-энергетика мустақиллигини таъминлайдиган, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган якунни маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг салмоғи ортиб борди.

1990 йилда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотларнинг улуши 35 фоизни, 1993 йилда бу курсаткич 45 фоизни ташкил қилган бўлса, 1996 йилда эса 65,6 фоизга етди.

Газ қазиб чиқариш — 41,9 дан 48,6 млрд куб.м га, нефть газ

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й., 53- бет.

конденсати билан — 2,8 дан 7,6 млн тоннага, калава ип ишлаб чиқариш — 94,3 дан 103,2 минг тоннага, ип-газлама ишлаб чиқариш —391,7 дан 455,7 млн. кв.м га купайди.

Айникса, мураккаб маиший техника махсулотларини ишлаб чиқаришда сезиларли узгаришлар юз берди. Телевизор ишлаб чиқариш —0,1 дан 58,7 минг донага, видеомагнитофон — 2,1 дан 25,3 минг донага, электрдазмол — 1,0 дан 31,0 минг донага усди.

Таркибий снёсатини амалга оширишда устунлик импорт махсулотлари урнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга берилди. Бу сохада илгари бошка минтақалардан келтирилган юзлаб номдаги янги махсулотлар ўзлаштирилди. Уларнинг орасида авиабензин, трансмиссон мой, реактив двигател ёқилгиси, кон саноати учун майдаловчи шар, қувур чикариш учун штрипс роспуски, электрманиший асбоблар учун спираль, сирланган сим, рўзгор насоси, назорат-касса аппаратн, енгил автомобил, тола-оптик кабел, электр-хисоблагич, ем-хашак ўрадиган комбайн, мураккаб маиший техника, панбархит ва велюр, ош тузи ва бошка тақчил моллар бор.

2200 дан зиёд йирик ва уртача завод хамда фабрикалар кенг максадларга мулжалланган махсулотлар ишлаб чикармокда. Бундай махсулотларга самолётлар, тракторлар, енгил автомобиллар, турли туман кабеллар, пахта териш комбайнлари, тукимачилик дастгохлари, экскаваторлар, кутарма кранлар, лифтлар, турли трансформаторлар, компрессор станциялари ва турбокомпрессорлар, телерадиоаппаратура, совутгичлар, минерал ўгитлар, қурилиш материаллари, лак-бўёк махсулотлари, мебеллар, турли хил газламалар кабиларни киритиш мумкин.

Мустақиллик йилларда ишлаб чиқарилаётган махсулот турларидагина эмас, сифатида хам ижобий ўзгаришларга эришилди, уларни тайёрлаш учун сарфланадиган харажатларни камайтиришга муваффак булинди. Бундан аввалги ун йилликларда йул кўйилган саноатдаги номутаносибликларга барҳам бериш ишлаб чикаришда ижобий силжишларга олиб келди. Иктисодиётнинг четдан махсулотларни ташиб келтирилишини кискартириш, шуниигдек янги, жаҳон бозорида рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришни узлаштириш имконини берадиган устувор тармоқларга сармоя сарфлаш йуналишида таркибий ўзгаришлар жараёни бошланди.

Инвестиция сохасидаги снёсатни амалга ошириш, муаммоларнинг мушкул тугунини ечиш катта кийинчиликларни бартараф этиш билан богликдир. Бу ерда гап фақат иктисодиётни

барқарорлаштириш, самарасиз ишлаб чиқаришларнинг мавжудлиги, саноат таркибидаги номутаносибликлар, хужалик алоқаларининг узилиши ва иқтисодиётни ривожлантириш учун чинакамига хавф соладиган бошқа ноҳуш воқеалар тугрисида кетаётгани йўқ. Бевосита шу соҳага хос бўлган бошқа муаммолар ҳам бор.

Инвестиция жараёнини ривожлантиришда энг катта қийинчиликлар зарур молиявий ва моддий-техника ресурслари йўқлиги муносабати билан юзага келади. Давлат бюджетининг камомади, пулнинг қадрсизланиш жараёнлари, қурилиш-монтаж ишлари смета қийматларининг кескин ошиши, қурилиш ресурслари тақчиллигининг кескинлашиши қурилиш мажмуаси барча унсурларининг номутаносиблигига олиб келди. Бу давлат молия ресурсларидан фойдаланиш, турли тадбиркорлик тузилмалари маблагларини жалб этиш имкониятларини чеклаб қуйди.

Зарур ресурслар етишмаслигининг кескинлиги ҳукуматни сарф-харажатлар таркибини узгартиришга, биргина ишлаб чиқариш қурилишига эмас, айни пайтда уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданиятнинг моддий асосини ривожлантириш учун капитал маблагларни қисқартиришга мажбур этди. Бу давлат инвестиция жараёнларини бошқариб туришдан воз кечмоқда, бозор муносабатларининг уз ҳолича ривожланишига кенг йўл очиб бермоқда, деган маънони билдирмайди. Ана шундай ўзи бўларчилик Узбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларига мувофиқ равишда ўзгартишларни таъминлайди, деган фикрларга қушилиб булмайди.

Республикада инвестиция ресурсларини иқтисодиетнинг истеъмол сектори фойдасига тақсимлаш буйича турли қисқа, ўрта ва узоқ муддатли чора-тадбирларни амалга ошириш, шу мақсадда ортиқча кувватларни йўқотиш ёки бошқа ишлаб чиқаришларга йўналтириш, кам самарали, кўп сув ва энергия талаб қиладиган ишлаб чиқаришлар салмогини камайтириш мўлжалланмоқда. Айни вақтда қуриш муддатлари беш йилдан ортган, ресурслар ҳамда қурилиш-монтаж ташкилотлари кувватлари билан таъминланмаган иншоотларни маблаг билан таъминлаш тўхтатилади. Давлат бундан буён ҳам носамара қурилишни иқтисодий жиҳатдан қуллаб-кувватламайди, уни маблаглар ва кредит билан таъминлай олмайди. Уларга тақчил моддий-техника ресурслари ва қурилиш кувватларини ажратиш тўхтатилади.

Инвестиция сиёсатининг тактикаси шундан иборатки, бу республика халқ хўжалиги турли тармоқларидаги қуйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

— машинасозлик мажмуасида тармоқлараро маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар қурилишини тухтатиб қуйиш, консерва саноати учун машина-ускуналар, сабзавот омборлари учун музлатиш қурилмалари, сабзавот ва меваларни сифатли қайта ишлайдиган техника воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол бозорини тўлдириш учун илм-фан ютуқларига асосланган ҳамда қўшимча иш жойлари яратиладиган ишлаб чиқаришларни мудофаа корхоналарини конверсиялаш ҳисобига йўлга қўйиш;

— кимё мажмуасида ҳаридоргир булмаган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарни тугатиш, уларни енгил саноат эҳтиёжлари, конструкцияли ва қадоқлаш материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эҳтиёжларига қайта йўналтириш;

— енгил саноатда тармоқнинг трикотаж, тикув, чинни-сопол соҳалари салмогини ошириш, шунингдек, республика учун янги булмаган жун саноатини яратиш;

— агросаноат мажмуасида қайта ишлаш тармоқларини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган капитал маблағлар салмогини ошириш;

— қурилиш мажмуасида маҳаллий бинокорлик материаллари, замонавий конструкция буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган сармояларни купайтириш, қурилиш-монтаж ишлари таркибининг уй-жой ва умуман ноишлаб чиқариш, қурилиш фойдасига ўзгариши натижасида, шунингдек ишлаб чиқаришнинг бу соҳасида таъмирлаш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш салмогини ошириш туфайли лойиҳалаш ишларини такомиллаштириш.

Давлат бюджети ҳисобига минтақавий ривожланишнинг энг муҳим дастурлари маблағ билан таъминланади, ҳаётий муҳим истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган тармоқ ва корҳоналар қўллаб-қувватланади. Уларга кўплаб ресурслар, имтиёзли кредитлар, қарзлар ажратилади, солиқларда ҳам имтиёзлар берилади.

Ҳукумат аҳолисининг пул маблағларини инвестиция мақсадларига жалб этадиган турли жамгармалар, компаниялар фаолиятини рағбатлантиради.

Инвестиция соҳасида бозор муносабатлари ҳали жуда кенг ёйилмаган бўлишига қарамай, бу йўналишда жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Буюртмачилар ва пудратчиларни маъмурий йўл билан биркитиб қўйиш усули аста-секин ўз

аҳамиятини йуқотмоқда. Пудрат ишлари бозори ривожланиб бормоқда. шартномалар тузиш юзасидан купгина чеклашлар бекор қилинляпти. Пудрат савдоси тизими барпо этила бошланиб, унинг асосида у ёки бу иншоотни куриш ҳуқуқини қулга киритиш учун рақобат юзага чиқяпти. Лойиҳа ва қурилиш сифатини аниқлаш, тайёр иншоотларни, тадбиркорчилик тавакалчилигини сугурта қилиш бўйнча давлат ва мустақил фирмалар ташкил этилмоқда.

Капитал қурилишга қисқа муддатли ва узоқ муддатли маблағлар ажратаётган янги инвестиция компанияларн — тижорат банклари пайдо бўляпти. Уларда молиявий бошқаришнинг янги шакл ва усулларидан фойдаланилмоқда. Асосий эътибор кредитлар билан таъминлаш, муайян шартлар билан мақсадли қарзлар беришга қаратиляпти. Иншоотларни пай принципларида, хусусий ва акционерлик сармоясини жалб этган ҳолда куриш амалиёти қулланилмоқда. Аралаш мулк шакллантириляпти. Олаётган даромадларининг салмоғли қисмини янги курилишларга, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга йўналтиришга кўрқаётган, турли иншоотлар куриш тажрибасига эга булмаган тадбиркорлик тизилмаларини иқтисодий рагбатлантириш чораларн кўриляпти.

Аник мақсадни кўзлаб утказилаётган инвестиция сиёсати ҳамда хорижий сармоядорларга қулай муҳит вужудга келтирилгаилиги сабабли капитал курилиш ҳажми кескин пасайиб кетишига йул қуйилмади. 1995 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса унинг ҳатто барқарор усиб бориши кузатилмоқда.

Мустақиллик йилларида уз маблағларимиз ва қарз маблагларининг асосий қисми инвестиция қилишга ҳамда ишлаб чиқаришни устириш ва кенгайтириш учун база яратишга сарфланди.

Саноат курилишининг улуши утган беш йилда 26 бандга усди ва 1995 йилда 45 фоизни ташкил этди, шу жумладан ёнилғи-энергетика комплексини ривожлантиришга йуналтирилганлари 6 бандга, машинасозлнкда 16 бандга ўсди.

Капитал маблаглар тизимида жиҳозлар сотиб олишга ажратиладиган маблаглар ҳиссаси ортиб бормоқда. Ушбу мақсадлар учун капитал маблагларинг 1991 йилдаги 28 фоиз ва 1994 йилдаги 19 фоиз урнига 1995 йилда 31 фоизга якин қисми сарф қилинди.

Биргина 1995 йилда саноатнинг деярли барча тармоқларида 400 дан зиёд турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқариш нулга

қуйилган булса, утган нили яна кушимча 120 турдаги махсулотни ишлаб чиқариш узлаштирилди.

Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётидаги таркибий узгаришлар энг аввало мамлакатнинг энергетика ва озиқ-овқат соҳасидаги мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Ёқилғи ва энергетика комплекслари, раигли металлургия, автомобил саноатининг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши таъминланди. Ёқилғи-энергетика комплексида йирик миқёсдаги инвестициялар амалга оширилганлиги натижасида 1995 йилга келиб Ўзбекистон нефт махсулотларини ташқи манбалардан олмайдиган бўлиб, бу соҳада хам мустақилликни қулга киритди.

Ҳозирги вақтда Кукдумалоқ ва Мингбулоқ конларини ишга тушириш. Бухоро (Қоровулбозор) ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларини куриш ва қайта таъмирлаш буйича амалга оширалаётган ишлар эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш ва айни бир вақтда халқ хужалиги ва ахолини аъло сифатли ёнилғи билан таъминлаш имконини берди.

Республикада нефт-газ саноати билан бирга электроэнергетика саноатини ривожлантиришга хам катта эътибор берилди. Янги Ангрен ГРЭСида 300 минг квт. қувватга эга булган 7- энергоблок ишга туширилди. Талимаржон ГРЭСининг биринчи энергоблокида ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ангрен кумир хавзасини реконструкция қилиш буйича ишлар давом эттирилди. Ўтган йилда каолинни қайта ишлаш ва бойитиш фабрикаси курилиши буйича ишлар бошлаб юборилди. Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан хамкорликда Марказий Осиёда калдирғоч Асака автомобил заводининг ишга туширилиши натижасида республикада янги тармоқ — автомобилсозлик ва у билан узаро бир-бирига боғлиқ замонавий тармоқлар ва корхоналар комплекси шакллана бошлади. 1996 йилдаёқ автомобил ойналари, ўриндиқлари, гилдираклари ва электроускуналари ишлаб чиқариш буйича заводлар куришга киришилди.

Сифат жихатдан янги технологик даражадаги автомобил моторлари, узеллар ва агрегатлар, кимёвий ва полимер материаллар каби бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш буйича янги корхоналар бунёд этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган йилларда металлургия комплексини ривожлантиришга хам алохида эътибор берилди. Республиканинг уз маблағлари билан бир қаторда йирик хорижий инвестициялар хам тармоқни ривожлантиришга йўналтирилди. Америкапинг «Ньюмонт май-

нинг» компанияси иштирокида хамда Европа қайта тиклаш ва тараккиёт банки кредитларини жалб этган холда Навоий тог-металлургия комбинати чиқитларидан олтин ажратиб олиш буйича қўшма корхона ташкил этилди.

Бу даврда республиканинг уз маблағлари хисобидан Учқудукда 3- гидрометаллургия заводи 1- навбатининг қурилиши ниҳоясига етказилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатини, Бекобод металлургия заводини ва Чирчиқдаги қийин эрувчан ва ўтга чидамли металлар комбинатини қанта таъмирлаш буйича ишлар олиб борилмокда.

Республика кимё комплексини ривожлантиришга катта маблағлар сарфланди. Қизилқум фосфорит комбинати ва Кунгирот сода заводи курилиши бошланди. Андижон ва Кукон шаҳарларида истеъмол спирти ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ишга туширилди.

Экологик вазиятни яхшилаш ва реснубликада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайта ишлашга мулжалланган янги технологияларни тадбиқ этиш учун Фаргона «Азот» ва Чирчиқ «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаларида қанта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Енгил ва маҳаллий саноат корхоналарини ривожлантиришга хам йирик маблағлар ва хорижий инвестициялар йуналтирилди. Нукус, Элликқалъа, Самарқанд, Қарши, Наманган, Тунтепа шаҳарларида йирик тукимачилик комплекслари ишга туширилди. Андижон, Қарши, Кукон, Гурлан ва Бука шаҳарларида шундай комплекслар қурилмокда. Енгил ва маҳаллий саноатга қарашли ишлаб турган корхоналарни қанта таъмирлаш ишлари амалга оширилмокда.

Агросаноат комплексига сарфланган капитал маблағлар уларда амалга оширилаётган структура ўзгаришларини қуллаб-қувватлашга йўналтирилди. Ўтган давр мобайнида 100,2 минг гектар янги ерлар узлаштирилди ва эскидан суғориладиган 239,1 минг гектар ерларда комплекс қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 214,5 млн шартли банка мева-сабзавот консервалари, 14,7 минг тонна қандолат маҳсулотлари ва 9,1 млн. декалитр алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилди.

Ғаллачиликни самарали ривожлантириш учун АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатларнинг машҳур фирмалари билан хамкорликда республиканинг ишлаб турган машинасозлик заводларини кишлоқ хужалигида ишлатиладиган замонавий, уни-

версал комбайнлар ва тракторлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда.

Бу йилларда транспорт ва коммуникация комплекси барқарор ривожланди. Комплексга киритилган инвестициялар унинг тармоқларини замонавий техника ва технология билан таъминлашга қаратилди. Корея Республикасининг «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорликда Урганч шаҳрида умумий қуввати йилига 200 минг абонентга хизмат қилишга мўлжалланган телекоммуникация тизими фойдаланишга топширилди. Тошкент вагон-таъмирлаш заводида йўловчи поездларни таъмирловчи цех ишга тушди.

1996 йилда Транс-Осиё-Европа толали-оптик алоқа линиясини Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтказилиши бошланди. Бу фақат халқаро алоқанигина эмас, балки республикамизнинг ўзида ҳам алоқа сифатини кескин яхшилайди.

Айрим минтақаларнинг транспорт таъминотини яхшилаш мақсадида янги Навоий — Учқудуқ — Султон Увайсдог — Нукус ва Ғузор — Бойсун — Қумқурғон темирйул магистралларн қурилиши бошланди. Тошкент-Андижон автомобил йўлидаги Қамчиқ довонини қайта таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Кучли ижтимоий сиёсат иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи принципларидан биридир. Республикада 13 минг км атрофида водопровод ва 31 минг км газ тармоқлари ишга туширилди. Хонобод — Андижон, Дехконобод — Гулистон, Туямуйин — Нукус, Туямуйин — Урганч, Дамхужа — Бухоро каби йирик водопровод тармоқлари барпо этилди. Натижада ўтган беш йил давомида республиканинг деярли барча минтақалари сифатли ичимлик суви билан таъминланди. 988 мингдан зиёд оила табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимизда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга гоят муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Ҳукуматимиз халқ истеъмоли молларини, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этишга, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлашга, халқимиз учун чиқарилаётган молларининг сифатини оширишга ниманки хизмат қилса, шунга ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам зарур ёрдам кўрсатмоқда, мадад бермоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг аҳволи қуйидаги жадвалда келтирилган:

**Республикада истеъмол моллари ишлаб чиқариш**
**(сотувга чиқариш баҳосида, миллион сўм)***

| | 1991 йил | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1996 йил | 1996 йил нинг биринчи ярми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЖАМИ истеъмол моллари | 24,7 | 178,3 | 1883,3 | 26873,7 | 77361,0 | 58673,1 |
| шу жумладан: | | | | | | |
| — озиқ-овқат маҳсулотлари | 7,8 | 61,0 | 714,9 | 13653,7 | 40260,2 | 29039,0 |
| — поозиқ-овқат маҳсулотлари | 14,3 | 101,0 | 1035,4 | 11556,8 | 32008,1 | 26274,2 |
| шундан: | | | | | | |
| — енгил саноат моллари | 9,0 | 67,7 | 682,7 | 7554,1 | 17566,7 | 14094,0 |

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасида 1996 йилнинг 25 июлида булиб ўтган мажлисда бу соҳадаги ишлар ҳамма талаб даражасида эмаслиги алоҳида кайд этиб утилди. Чунончи, бугун республикада ҳар бир жон бошига 2600 сумлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу курсаткич 1995 нилга нисбатан 4,3 фоиз куп. Аммо, айрим вилоятларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш даражаси анча паст. Масалан, жон бошига ишлаб чиқарилган мол қиймати Жиззах вилоятида 740 сумни, Қашқадарё вилоятида 1082 сумни, Сурхондарё вилоятида 1235 сумни, Сирдарё вилоятида 1449 сумни, Навоий вилоятида 1697 сумни, Қорақалпогистон Республикасида 1529 сумни ташкил этади. Шунинг учун ҳам айнан мана шу вилоятларда пулнинг эмиссия даражаси гоят юқори эканидан ажабланмаса ҳам булади. Бу ҳам камлик қилгандай, Қорақалпогистон Республикасида, Навоий ва Сирдарё вилоятларида аҳоли жон бошига халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилга нисбатан насайиб кетди.

Хорижий сармоялар иштирокида тузилган қушма корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга етарли ҳисса қўшмаяпти. Уларнинг умумий ҳажмдаги улуши атиги 2,4 фоизни ташкил этади. Хусусий тадбиркорларнинг ҳиссаси бундан ҳам камроқ — бор-йўги 0,2 фоизни ташкил қилади.

Талабга жавоб берадиган ва харидоргир булган кенг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетганини ҳеч оқлаб булмайди. Масалан: илгари 32 хил макарон ишлаб чиқарилган булса, бугунги кунда атиги 5—6 хили қолди. Аввал-

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриети, 1996 й., 55- бет.

лари ишлаб чиқарнладнган деярли барча крупа турларидан эса, фақат гуруч, бугдой ермаси ва манна талқони қолди. Қандолат маҳсулотлари, гушт ва сут маҳсулотлари, пиширлоқлар, консервалар ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментини ишлаб чиқаришда ҳам аҳвол худди шундай.

Аҳвол шундай булатуриб, фақатгина 1996 йилнинг биринчи ярмида импорт буйича 1995 йилдагидан 1,5 марта кўпроқ, яъни 600 миллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 170 миллион долларлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташқаридан олиб келтирилган. Шу жумладан, 9,4 миллион долларга макарон, 33,8 миллион долларга печенье ва бошқа турдаги қандолатчилик маҳсулотлари четдан келтирилган.

Импорт ўрнини босувчи молларни ишлаб чиқарувчи янги корҳоналарни тузишга, мавжуд қувватларни қайтадан мослаб жиҳозлашга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, шу иҳтисос йуналишидаги кичик, хусусий ва оилавий корхоналарни шакллантиришга ҳали етарли даражада аҳамият берилмаяпти.

Шунинг учун республика ҳукумати улар учун энг яхши имтиёзли шарт-шароит яратиб бериш ҳамда жойларда, ҳар бир аҳоли пунктида эҳтиёж ва талабга қараб ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирларини курмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов халқ истеъмоли молларининг аҳамиятини жуда чуқур таърнфлаб берди. Яъни:

Халқ истеъмоли моллари — энг аввало ички истеъмол бозорини тулдириш демакдир.

Халқ истеъмоли моллари — ўсиб бораётган истеъмол талабларини қондириш ва эмиссияни кескин қисқартириш демакдир.

Халқ истеъмоли моллари — пулнинг қадрсизланишини камайтириш, миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш демакдир.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш — пировард натижада қушимча иш жойлари демакдир. Бу ишга аёллар меҳнатини ҳам жало этишни ҳисобга оладиган булсак, у алоҳида аҳамият касб этади.

Охир-оқибатда буларнинг барчаси халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш демакдир.

Бугунги кунда республикага фақат узимизда ишлаб чиқариш мумкин булмаган ёки ишлаб чиқаришдан кура олиб келиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ булган молларни олиб келиш масаласи қўйилди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни

рагбатлантириш учун муҳим тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар учун амалдаги имтиёзлар тизими қайта кўриб чиқилди ва бугунги кунда қандай турдаги рагбатлантириш фойда бериши мумкинлигига аниқлик киритилди. Қонунчилик соҳасидаги барча чеклашлар ҳам олиб ташланадиган бўлди. Амалдаги қонунчилик ва меъёрни ҳужжатларга тегишли узгаришлар киритиляпти.

Халқ учун зарур молларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга хорижий сармоя, хорижий технологиялар фаол равишда жалб этилмоқда. Бу масалада, жумладан Навоий кон-металлургия комбинатининг тажрибаси эътиборга лойиқдир. Бу корхона хорижий шериклар билан ҳамкорликда Зарафшон шаҳрида аралаш иплардан устки трикотаж ишлаб чиқариш бўйича «Агама» қўшма корхонасини барпо этди. Франция ва Японияниинг замонавий ускуналарида аралаш пахта-акрил ипи ҳамда 30 хилдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Зарафшон, Учқудуқ, Навоий, Тошкент ва бошқа шаҳарларда 9 та цех барпо этилди, уларда 800 киши ишламоқда. Корхона ўтган йили 2,6 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилди, 1997 йилда бу курсаткични 9 миллион АҚШ долларига етказишни режалаштирмоқда.

Истеъмол товарлари, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хусусий корхоналар улуши кескин оширилади. Хусусий секторга кенг йул очиб берилмоқда. Ишбилармонларининг хом ашё ва фонд биржаларида хом ашё, материал ва жиҳозларни сотиб олиш учун қулайлик туғдириляпти.

Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида амалга оширилган таркибий ўзгартишлар моҳияти қуйидагилардан иборат бўлди:

— маблағлар ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт ва телекоммуникация тизимларини ривожлантиришга сарфланди;

— халқ хужалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотлар қурилиши бошланди;

— иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни рагбатлантирувчи ҳуқуқий тизим яратилди.

Бу сезиларли натижалар берди: корхоналар ва янги соҳалар яратилди, янги товарлар ишлаб чиқариш йулга қуйилди, энг асосийси, сармоя жалб қилишга қизиқиш пайдо бўлди.

Шу билан бир қаторда, ҳали иқтисодиетда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг стратегик вазифалари туриб-

ди. Хусусан, 1997 йил учун қабул қилинган инвестициялар дастурида 1996 йилдагига нисбатан 30 фоиз ошиқ сармоя жалб этиш кузда тутилган. Бу инвестициялар маълум инвестицион лойиҳаларга айланиши, маълум иншоотлар қурилишига сарф қилинишини таъминлаш жуда мухимдир.

Манъум умумиттифоқ ихтисослашувига мувофиқ республика ҳудудига жойлаштирилган, бироқ мавжуд ресурслар ва мамлакат эҳтиёжига боғлиқ бўлмаган корхоналар умуман айтганда, ўз техник курсаткичлари, технологик имкониятларига кура, рақобатбоп маҳсулот ишлаб чиқара олмайдиган корхоналар масаласини ечиш пайти келди.

Уларнинг аксарияти ҳамон оғир аҳволда, келгусида ҳам ўнгланиб кетиши қийин. Буига барҳам бериш керак. Бундай ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бугуиги вазифаларига ва республика эҳтиёжларига мувофиқ, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши ёки бўлмаса уларни келажаги йўқ корхона сифатида ёпиб ташлаш керак булади.

Бу мураккаб масаланн ечиш учун ҳукумат комиссияси тузилди.

«Иқтисодий ўзгартиришларнинг гоят муҳим бўғини — қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ўтказишдир».

*Ислом КАРИМОВ*

## ЕТАКЧИ ВА УСТУВОР СОҲА

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи ва устувор соҳаси ҳисобланади. Республика ялпи ички маҳсулотининг ғўртдан бир қисми аграр сектор улушига тўғри келади. Халқ хўжалигида банд булганларнинг 40 фоизга яқини, барча аҳолининг эса ярмидан купроги (61,6 фоиз) қишлоқда яшайди. Уларнинг моддий аҳволи мамлакат ҳаётининг мана шу етакчи соҳасидаги аҳвол билан бевосита боғлиқдир.

Республика саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил этадиган кўпгина тармоқларни, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, кимё саноатини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хужалик машинасозлигини ва бошқаларни ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб утиш давридаги иқтисодий-молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Кейинги йилларда қишлоқ хужалигини барқарор ривожлантириш туфайли саноат потенциалини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларда эса ҳатто ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш мумкин бўлди. Айнан аграр сектор Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликнинг кудратли омили бўлди.

Қишлоқ хўжалигининг айрим маҳсулотлари, айниқса пахта, ҳозирги вақтда асосий валюта ресурс, республика учун ҳаётий муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, нефт ва нефт маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт буйича сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Шу сабабли аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ҳамда бозорга утиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Иқтисодиётнинг аграр секторида янгиланиш жараёнини жадаллаштиришда илгари қабул қилинган қонунлар билан бир

қаторда қишлоқ хужалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида қушимча чора-тадбирлар тугрисидаги ҳамда чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ва деҳқон (фермер) хужаликлари ҳамда хусусиилаштирилган фермаларнинг манфаатларини химоялаш тугрисида қабул қилинган хукумат карорлари хал қилувчи ахамиятга эга бўлди.

Курилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқда аграр ислоҳот жараёнида бозор иқтисодиётн талабларнга анча мос келадиган янги хужалик тизими шаклланди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор кенг ривожланди. Қишлоқ хужалик ишлаб чиқаришининг таркиби, бошқариш тизими ва хўжалик юритиш усулларида жиддий узгаришлар юз берди.

Ишлаб чиқилган тамойилларга асосланиб, биринчи босқичда давлат хўжаликларини жамоа, ширкат, акциядорлик хужаликларига ва ҳар хил хусусий қишлоқ хўжалик корхоналарига айлантириш жараёни амалга ошнрилди. 1992 йилдан бери утган давр мобайнида мавжуд 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа ва ижарадаги корхона шаклларига айлантирилди. Улар негизида 530 та жамоа хужалиги, 350 га яқин кооператив, 100 дан ортиқ ижара корхонаси, шунингдек, мулкчиликнинг бошқа шаклларига мансуб корхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, 1516 та қорамолчилик фермаси мехнат жамоаларининг мулки қилиб берилди.

Натижада қишлоқ хужалик ишлаб чиқаришининг таркиби мулкчилик шаклларн буйича анча ўзгарди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор сезиларли даражада мустахкамланди. Агар 1991 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бутун ҳажмининг 37 фоизи давлат сектори ҳиссасига, шунга мувофиқ ҳолда 63 фоизи давлатга карашли булмаган сектор ҳиссасига тугри келган булса, 1994 йилда давлатга қарашли булмаган сектор бутун махсулотнинг деярли 95 фоизнни ишлаб чиқарди.

Мустақиллик йилларида деҳкон (фермер) хужаликлари кенг ривожланди, уларнинг сони қариб 10 баравар ошдн ва 1996 йилнинг 1 июлига келиб 19,3 мингтага етди.

Чорвачилик фермаларнинг ярмидан кўпи хўжаликлар жамоаларига мулк қилиб берилди, улардан 600 таси ким ошди савдосида сотилдн. 1500 га яқин чорвачилик фермаси акционерлик жамиятларига айлантирилди.

Деҳқон (фермер) хўжаликларининг таркиб топиши ва ривожланиши қуйидаги жадвалда акс этган:

Деҳқон (фермер) хўжаликларининг асосий кўрсаткичлари*

| | 1991 йил | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил |
|---|---|---|---|---|---|
| Деҳқон (фермер) хўжаликлари сони (мингта) | 1,9 | 5,9 | 7,5 | 14,2 | 18,1 |
| Уларнинг умумий ер майдони (минг га) | 13,7 | 45,1 | 70,6 | 193,1 | 264,6 |
| Бир деҳқон (фермер) хўжалигига тўғри келадиган ер (га) | 7,3 | 7,6 | 9,4 | 13,6 | 14,6 |
| Маҳсулот етиштириш (тонна): | | | | | |
| — ғўза | — | 4193,1 | 4495,3 | 13388,0 | 17644,0 |
| — сут | — | 23629,0 | 24956,0 | 52560,0 | 71535,0 |
| — тухум (минг дона) | — | 1273,1 | 2608,2 | 3324,0 | 4938,9 |
| — жун | — | 71,6 | 81,2 | 155,9 | 2114,4 |

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида қулга киритилган энг муҳим натижа шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги сугориладиган ерларни шахсий хужаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини амалда ер билан таъминлашдан иборат булди. Одамларга ер берилиши чинакам инқилобий аҳамият касб этди — бу билан ҳар бир индивиднинг давлатга қарамлиги тугатилди. Ер олган одамнинг даромади купая бошлади. Энди у узини хужайни деб, эркин ва мустақил ҳис қилди.

Иқтисодий узгартишлар амалга оширилган йилларда аҳоли фойдаланиши учун қушимча 550 минг гектар сугориладиган ер ажратилди. Бу, қарорлар қабул қилингунча аҳоли эга бўлган ер майдонидан анча кўпдир. Шахсий томорқа учун берилган ернинг умумий майдони деярли 700 минг гектарга етди. Ҳозир 9 миллиондан ортиқ меҳнатчи ана шу ер ҳосилидан фойдаланмоқда. Томорқа ерларнинг ўртача ҳажми 0,2 гектардан ортиқ бўлиб, бу ер ресурслари чекланган бир шароитда жуда катта бойликдир.

Шахсий хонадонларда жами қорамолларнинг 70 фоизи, қуй ва эчкиларнинг ярми боқилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида бу хужаликларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришн умумии ҳажмидаги улуши 30 фоиздан 44 фоизгача етди. Уларда (1994 йил якунларига кура) жами сутнинг 76 фоизи, гуштнинг 70 фоизи, картошканинг 56 фоизи, сабзавотнинг 63 фоизи ва меванинг 60 фоизи етиштирилмоқда. Дон мустақиллигига эришиш, шакар

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й., 61- бет.

ва бошка озиқ-овқат махсулотларини тайёрлашни тиклаш пули изчил амалга оширилди. Унинг биринчи босқичига мўлжалланган вазифаларни муваффакиятли бажаришга эришилди. Бу жуда мухим якундир.

Республикада утказилаётган аграр нелохот муносабати билан экин майдонларининг таркибида катта-катта ўзгаришлар юз берди, доили экинлар майдони анча кенгайди, пахта экиладиган майдонлар тегишли суратда кискарди. 1996 йилда дон экинлари майдони 2055,2 минг га. нн ташкил этди. Бу 1991 йилдагндан 975 минг га ортнқдир. Республика буйича умумий экни майдонларининг 48 фонзини галла майдонлари ташкил этди. Вахоланкн 1991 йилда бу ракам 25 фонз атрофида эди. Экин майдонларини кенгайтириш ва хосилдорликни ошириш хисобига 1995 йилда бошокли дон хосили олиш 1991 йнлга нисбатан 1,7 марта ортди.

Биз ўзимиз етиштираётган донни купайтириш хисобига уни четдан келтиришни кескин кискартириш, тежаб қолинган валюта ресурсларнни республика учун жуда зарур булган бошка вазифаларни хал қилиш максадида кайта тақсимлаш имконига эга булдик.

Картошка экиладиган майдонларни 57 минг гектаргача кенгайтириш ва уни етиштиришни 800 минг тоннага етказиш чоралари курилди. Бунинг учун яхши навли голланд технологияси ва уруғлигидан фойдаланиляпти.

1995 йилда барча тонфадаги хужаликларда 871,0 минг тонна тирик вазндаги гушт, 3677,4 минг тонна сут, 1231,8 млн. дона тухум етиштирилди, бунда шахсий ёрдамчи хужаликларининг хиссаси тегишли тарзда 76,81 ва 66 фозини ташкил этди. Ҳар йили мунтазам тарзда 5 млн. тонна сабзавот махсулотлари ва узум етиштириб келнимокда. Бу мамлакат ахолиси эхтиёжидан анча купдир.

Умуман, Узбекистонда мустақиллик йилларида кишлок хужалик соҳасининг ривожланиши қуйидагича булди:

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари*

| | 1991 йил | 1992 йил | 1993 йил | 1994 нил | 1995 йил |
|---|---|---|---|---|---|
| Барча тонфадаги хужаликларининг экни майдонлари (минг га) шу жумладан: | 4200,3 | 4222,0 | 4229,7 | 4240,7 | 4250,0 |
| — донли экинлар | 1079,9 | 1212,2 | 1280,3 | 1522,2 | 1656,5 |
| — техника экинлари | 1760,4 | 1704,2 | 1731,8 | 1579,0 | 1532,6 |

* Ўзбекистон мустакиллик йилларида. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й., 60- бет.

*Жадвалнинг давоми*

| | 1991 йил | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил |
|---|---|---|---|---|---|
| Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш (минг тон) | | | | | |
| — дон | 1908,2 | 2257,2 | 2142,4 | 2466,9 | 3215,3 |
| — пахта | 4645,8 | 4128,3 | 4234,5 | 3937,8 | 3934,1 |
| — картошка | 351,2 | 365,3 | 472,4 | 567,1 | 439,9 |
| — сабзавот | 3348,0 | 3494,3 | 3038,7 | 2962 | 2724,7 |
| — хўл мева | 516,6 | 701,5 | 556,8 | 555,1 | 602,3 |
| — узум | 480,4 | 439,1 | 381,0 | 353,2 | 621,0 |
| Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш | | | | | |
| — гўшт, сўйилган вазнда (минг тонна) | 491,8 | 469,2 | 503,6 | 509,2 | 523,5 |
| — сут (минг тонна) | 3331,4 | 3679,2 | 3746,0 | 3731,6 | 3677,4 |
| — қоракўл (минг дона) | 1475,8 | 1603,8 | 1617,1 | 1540,2 | 1535,2 |

Мустақиллигимизнинг беш йиллик мобайнида пахтачилик соҳасини ривожлантиришнинг стратегияси қанта куриб чиқилди. Мазкур стратегиянинг мақсади янги илгор технологиялардан фойдаланиб тола етиштиришнинг энг мақбул ҳажмини сақлаб қолган ҳолда пахта якка ҳокимлигини тугатишдан иборат. Мувофиқлаштирилган аграр сиёсатни утказиш— пахта етиштиришни барқарор қилиш, 1,3 миллион тонна рақобатбардошли тола ишлаб чиқариш имконини берди.

Шуни айтиш лозимки, янги навларни жорий этиш ва агротехникага риоя қилиш хисобига пахта майдонларини камайтириш дон етиштиришни 3 баравардан зиёдроқ кўлайтириш имконини берди. Бу эса, пировард натижада, Ўзбекистоннинг дон мустақиллигини таъминлайди.

Пахтамиз Европада етакчи ўринни эгаллаб, Жанубий Америка ва Жанубий Америка ва Жанубн-Шарқий Оснеда етиштирилгаи тола билан муваффақиятли равишда рақобат қилмоқда, хатто АҚШ бозорига ҳам чиқиб олди.

Узбекистон асосий пахта етиштирувчи давлатлардан бири сифатида бу соҳани янада ривожлантириш учун куп куч-ганрат сарфламоқда. Айни пайтда пахтачиликда фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжуд.

Мамлакатимизнинг 1992 йилда пахта буйича халқаро маслаҳат кумитасига аъзо булганининг ахамияти бекиёсдир. Бу ташкилотнинг ишида иштирок этиш фақат пахта етиштирувчилар учунгина эмас, балки уни қайта ишловчилар, экспортчилар, олимлар учун ҳам қимматли илмий-техника ахборотларини

айирбошлашни таъминлайди. Пировард натижада, мустаҳкам ҳамкорлигимиз туфайли Ўзбекистон пахта етиштириш ва сотишнинг жаҳон тажрибаси марказига чиқиб олади.

Ўзбекистон пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий йуналишларини белгилаб олди. Улар қуйидагилардан иборат:

— пахта ҳосилдорлигини ошириш;

— пахта толасининг сифатини яхшилаш;

— юқори сифатли уруғлик етиштиришни кўпайтириш ва шу йўл билан уругчилик маданиятини ошириш;

— экинларни сугоришда сувни тежаш;

— атроф-мухитни соғломлаштириш, экология вазиятини яхшилаш.

Пахта етиштиришни купайтириш муҳимлиги ҳисобга олиниб, ҳукумат қарори билан Республика Вазирлар маҳкамаси ҳузурида бу ишни амалга ошириш билан бевосита шуғулланадиган агентлик тузилди.

Пахтачиликда қишлоқ хўжалик машинасозлиги муҳим урин тутади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон машинасозликни ривожлантиришда жаҳондаги эътироф этилган етакчилар билан биргаликда куч-гайратларини бирлаштирмоқда. Бу йуналишда хусусан Американинг «Камминз энжин» тракторсозлик фирмаси ҳамда пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган «Кейс» фирмаси билан ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Бу ҳамкорлик деҳкончилик маданияти ва самарадорлигини оширишга, ҳосилни йигиштириб олиш суръатларини тез лаштиришга имкон беради.

Британиянинг «Мередит Жонс» фирмаси билан биргаликда Фаргона водийсида амалга оширилаётган лойиҳалар жамоа хўжаликлари негизида пахта етиштириш ва йигиштириб олишнинг илгор усулларн ҳамда пахтани қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар маркетинг асосида бутун қишлоқ хўжалик мажмуини қайта куриш ва такомиллаштиришнинг янги моделини яратишга имкон беради.

Ғуза жуда катта имкониятларга эга булган ноёб экинлардан биридир. Шу сабабли пахта фақат толани қайта ишлаш эвазигагина эмас, балки бошқа жиҳатлардан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда катта аҳамиятга эга. Масалан, тозаланган пахта ёғи ишлаб чиқариш ҳажми 300 минг тоннани ташкил этади. Бу эса республика аҳолисининг юқори сифатли ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини тула таъминлабгина қолмай, ёғни экспорт қилишга ҳам имкон беради.

Ўзбекистонда Германиянинг «Лунзенталь» фирмаси билан

биргаликда барпо этилган корхоналарда пахта чиқитларидан юқори сифатли қоғоз, шу жумладан, пул чиқаришда ишлатиладиган қоғоз тайёрланмоқда.

Бугунги кунда ёг-экстракция заводларида тиббиёт ва техникада ишлатиладиган госсиполни катта миқдорда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ва ўсиш стимуляторларини ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, ғузаноядан кенг кўламда целлюлоза ишлаб чиқариш вазифаси турибди.

Пахта савдосида мамлакатимизнинг ўрнини сақлаб туриш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифа ҳисобланади. Пахта толасини экспорт қилиш бўйича жаҳонда эгаллаб турган иккинчи ўринни сақлаб қолиш учун зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Шу мақсад йўлида пахта таснифи, маркетинг борасидаги илғор усулларни қуллаш, ходимларни ўқитиш соҳасида хорижий компаниялар билан ҳамкорлик тобора тез суръатлар билан кенгаймоқда. Масалан, «Донавант» (АҚШ) компанияси Мемфисдаги пахта мактабида, Рода коллежи қошидаги ҳалқаро пахта институтида узбекистонлик мутахассисларга маркетинг ва пахта таснифи бўйича таълим беришда ёрдам курсатмоқда. Бу матахассислар имтихон топширганларидан сўнг АҚШ Қишлоқ хўжалик вазирлиги таснифчиларининг шаҳодатномасини оладилар. Шуннигдек, мамлакатимиз пахтачилик соҳасида «ВЭКфилд» (Буюк Британия), «Эс Жи Эс», «Робертсон» (АҚШ) ва бошқа компаниялар билан ҳам биргаликда фаол ҳамкорлик киляпти.

Ҳозирги вақтда пахта сертификат омборлари қурилишига зарур сармоя ажратиш чоралари кўриляпти. Бу эса импортчиларнинг пахта толаси тури ва уни жунатиш муддатларига талабларини тўлароқ қондириш имконини беради.

Пахта етиштиришда Андижон вилояти деҳқонлари ўзига хос ноёб мактаб яратдилар. Андижонча усул номини олган бу тажриба чигитни плёнка остида экишга асосланган. Аслида бу технология жаҳон пахтачилигида мавжуд булиб, Хитой, Испания ва Грецияда кенг қўлланилади. Олинган маълумотларга қараганда, устувор жиҳатлари куп, бизнинг шароитда яна купроқ самара беради.

Мамлакатда ҳозиргача қуллаб келинаётган технология бўйича чигит апрел ойида экилади. Бунга сабаб тупроқдаги ҳароратнинг етарли (11—12 даража) булишини кутишдир. Янги усулнинг қулай томони шундаки, апрелни пойлаб ўтирмай, 15—16 мартда, яъни тупроқнинг 10 сантиметр қатламидаги ҳарорат

8—10 даражада булганда ҳам экавериш мумкин. Чунки плёнка қуешнинг таъсирида тупроқдаги ҳароратни 3—4 даража оширади, чигит дарҳол амал олиб, тула ва текис униб чиқади, тез илдиз ота бошлайди.

Плёнка остига экилган майдонларда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қатқалоқ бўлмайди. Тупроқ доим майин ва юмшоқ ҳолатда бўлади. Плёнка туфайли олинаётган қушимча ҳарорат тупроқнинг пастки қисмидаги намни буғлатиб, тепа қисмига кўтаради. Пленкага тақалгач, яна қуйига тушади. Натижада тупроқдаги фойдали организмларнинг ҳает фаолияти қучаяди. Чигитнинг униб чиқиши учун эса нам доимо етарли булади. Тупроқ қатламидаги мавжуд органик ва минерал ўғитлар ёш нихолларда пайдо булаётган илдизчалар орқали экинга тула сингади ва гуза дуркун, соглом усиб, тез ривожланади.

Чигит 90 сантиметр кенгликда 90х30 схемада кўшқатор қилиб экилади. Эгатнинг кенглиги 60 сантиметр, кушқаторнинг оралиги 30 сантиметр ва кўчатлар оралиги 12 сантиметр булади. Шунда ҳар гектар ерда 180 минг туп кучат жойлаштиришга эришилади. Аввалги усулда эса кучатлар сони 70—90 минг тупдан ошмасди.

Плёнка остида ҳароратни купроқ эмган гуза ривожи тезлашади ва хосилга кириши ҳам шунга яраша барвақт бўлади. Хуллас, ҳар бир тадбир уз вақтида, оби-тобида ўтказилса, ҳосилнинг пишиб етилиши оддий усулга нисбатан, ҳатто бир ойга тезлашиши мумкинлиги амалда исботланди. Чунончи, Андижон вилояти буйича плёнка остига экилган майдонлардан уртача 42,5 центнердан ҳосил олинди. Бу вилоятдаги уртача курсаткичга нисбатан 11,8 центнер купдир.

Қўрғонтепа туманидаги «Савай» хужалигида эса 50 гектар майдонда хитойликлар кузатувида плёнка остида парвариш қилинган гуза 46,2 центнердан хосил берди. Оддий усулда парвариш қилинган ердан эса 29,2 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Катта майдондаги бу тажриба натижаси янги технологиянинг афзалликларини яккол кўрсатиб турибди. Демак, янги усул рисоладагидек кулланилганда республика буйича ҳосилдорликни 14—15 центнер ошириш имкони бор.

Исроил билан ҳамкорликда томчилатиб суғориш усули ҳам синаб кўрилмоқда. Бу усул республикамиз шароитида жуда яхши натижалар бермоқда.

Олиб борилган тажрибалар шуни курсатдики, янги технологияни жорий этишга пухта тайерланиш талаб этилади. Аввало, ер сифатли маромига етказилиши, тупроқ майин ва бир текис

булиши лозим. Агар 2 сантиметр ёки ёнгокдан каттарок кесак бўлишига йул куйилса, гоят юпка плёнка йиртилиб кетади. Шу боис ва жуда тиниқ булганлиги сабабли ўсимликка ниҳоятда зарур булган иссиқлик ҳамда ёругликни яхши узатади. Далада гўзапоя, ажириқ ҳамда гумай илдизлари қолдиги бўлса ҳам плёнкага ҳалақит беради. Бундан куриниб турибдики, плёнка остига чигит экиш мўлжалланган майдон ҳар томонлама сифатли ва тоза булиши шартдир.

Янги технологияга ўтишнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари ҳам булиб, ундан сезиларли даражада наф келади. Оддий усулда ривожланган гузалар 5—6 марта сугорилади. Ҳар бир сугоришга гектар ҳисобига 800—1000 куб метр сув сарфланади. Плёнка остида эса гўзалар 3 мартагача енгил суғорилади (600—800 куб метр).

Оддий усулда парвариш килинганда ишчи кучи сарфининг асосий кисми яганага, ўтоқ ва кетмон чопигига туғри келади. Янги усулда ягана ва кетмон чопигига ҳожат булманди. Ахволга қараб 2 марта енгил утоқ утказилиши мумкин.

Далага кириб чиқаётган техниканинг тупроқ унумдорлигига таъсири ҳақида куп гапирамиз. Ғуза қатор оралари камида 6—7 марта культивация килинади. Янги технологияда эса кўп культивацияга ҳожат қолмайди. Ҳар гал сугорилганидан кейин саёз культивация утказилса кифоя.

Чигитнинг қадрн янги усулда янада кузга ташланади. Оддий усулда чигит сарфига эътибор қилмаймиз. Плёнка остига чигит экиш сеялкасида туксизлантирилган чигит бир текшкка аниқ ташланиши туфайли ҳаражат кескин қамаяди. Ўсиш даврида берилиши лозим булган минерал угитнинг тенг ярми экиш билан бир вақтда солинади. Натижада ёш ниҳолларда пайдо булган илдизлар қисқа муддатдаёқ озуқани «ҳазм» килишга киришади. Қолган угит май ойининг охирида 60 сантиметрли эгатнинг ўртасидан окучник орқали берилади. Янги усулда парвариш қилинган гуза қатор оралари доимо юмшоқ ҳолатда булади ва угитларни яхши «ҳазм» килади.

Агар плёнка остига чигит экилган картанинг узунлиги 200—500 метрдан мулрок булса ўқарнқлар олинадимн, деган савол тугилиши мумкнн. Ҳа, ўқарнқ албатта олинади. Қартанинг узунқисқалигига қараб 100—120 метр масофага биттадан кундалангига уқ-ариқ олиниши керак. Чигит экиб булингандан кейин шошилмасдан (май ойида) плёнкани кесиб уқарик олинади.

Мамлакатимиз бозор муносабатларига утиши билан пахтани

қайта ишлаш ва ундан сифатли тола ажратиб олишга бўлган талаб кескин ўзгарди. Шунинг учун республикамиз пахта саноатидаги мавжуд 128 та пахта тозалаш заводи ва 582 та пахтани қуритадиган ҳамда тозалайдиган цехлар, тайёрлов пунктлари жаҳон амалиётида эришилган технологиялар билан қанта жиҳозланди. Шунингдек, мазкур корхоналарга илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, жаҳон андозаларига тулиқ жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз пахта тозалаш корхоналаридаги мавжуд ускуналар ҳам юксак технологик имкониятларга эга. Бироқ махсулотларга дизайн бериш жиҳатидан хорижий технологиялардан орқада қолади. Шунинг учун ҳозир олимлар ва конструкторлар бу борада илмий изланишлар олиб боришмоқда. Шу нарсани қайд этиш зарурки. Узбекистонда етиштириладиган пахтанинг карийб ярми қўлда терилади. Баъзан эса об-ҳавонинг ноқулай келиши окибатида пахтанинг юқори курсаткичда намланишига ва ифлосланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ишлаб чиқарилаётган пахтани қайта ишлаш ускуналари намлиги ва ифлослиги 18-20 фоизгача булган пахтани сифатли ва нобудгарчиликсиз қайта ишлаш имконига эга бўлиши лозим. «Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси ана шуларни хисобга олган ҳолда узига қарашли бир нечта корхоналарни намлиги 10—11, ифлослиги эса 12—13 фоизни ташкил этадиган пахтани қайта ишлашга мулжалланган АҚШ технологияси билан қайта жиҳозлади.

Уюшма мутахассислари иссиқликдан фойдаланиш коэффициенти юқори булган қуритиш қурилмаси ва пахтани майда ва йирик аралашмалардан тозалаб табақалаштирадиган янги технология яратишди. Пахтани тозалаш корхоналарида пахтани ва толани босқичма-босқич намлаш тизими жорий этилди. Шунингдек, пахтани аррали ва валикли жинда тозалаш жараёнларини мукаммаллаштириш борасида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Уюшманинг бевосита ташаббуси билан Тошкент вилоятида йилига 25 минг тонна пахтани қайта ишлаш заводи барпо этилмоқда. У олимлар ва конструкторлар томонидан яратилган янги ишланмалар билан қайта жиҳозланади. Лойиҳага кўра, янги технология тола ва линт нобудгарчилигини камайтиради, ёнилги ва электр энергия сарфини уч бараварга пасайтиради. Энг мухими эса қулай хавфсиз мехнат шароитини яратади.

«Ўзпахтасаноат» илмий марказининг илмий-тадқиқот лабораторияларида хом ашёнинг дастлабки характеристикасига қараб, пахтани қайта ишлашнинг узгарадиган технологиясини яратиш буйича ишлар олиб борилмоқда. Истеъмолчиларнинг пахта толасига булган талабининг ортиб бориши муносабати билан уюшма йирик темир йул станциялари яқинида минтақавий сертификациялаштирилган пахта омборларини жойлаштириш режасини ишлаб чиқишга киришди. Режага кура, бундай омборлар ортиш-тушириш ишлари учун керакли булган замонавий техникалар ва маҳсулот хажми, сифат кўрсаткичини, шунингдек, уларнинг харакатини хисоб-китоб қилиб туриш учун компьютерлар билан жиҳозлаш кузланаяпти. Албатта, бундан қулайликларга эга булган омборлар биринчи навбатда харидорларга керакли сифатдаги пахтани танлаб маҳсулотни шу жойнинг узида харид қилиб темир йул орқали жунатиш имконини берса, иккинчидан, маҳсулот сифатн юзасидан руй бериши мумкин булган турли хил келишмовчиликлар ва эътирозномаларга, шунингдек, республикамиздан узоқда жойлашган денгиз портлари омборларидаги маҳсулот сифатини баҳолашдаги хатоликларга чек қуяди.

«Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси толани сертификациялаш билан бирга стандартлаштириш тармоғига ҳам асос сола бошлади. Жумладан республикамизда биратула 17 та минтақавий лабораторияни барпо этиш режалаштирилмоқда. Ҳозирча бундай замонавий лабораториялар Тошкент, Андижон ва Бухоро вилоятларида фаолият курсатмоқда. Шунингдек, бу ишга Жаҳон банки ҳам республика ҳукуматининг қуллаб-қувватлаши ва қафолатлаши туфайли пахта толасини сертификациялашга ва ривожлантиришга уз сармояларини сафарбар этмоқда. 2000 йилга қадар эса мавжуд лабораториялар тўлиқ қайта жиҳозланади.

Уюшма пахта, тола, линт ва пахта маҳсулотларини баҳолаш ва сннаш тизимини ислоҳ қилиш борасида аниқ режасини белгилаб олди. Натижада ҳозир пахта толаси ички ва ташки бозорга янги республика стандарти буйича етказиб берилмоқда. Истеъмолчилар эса толамизни фақат Ўзбекистон стандарти буйича сотиб олмоқдалар Чунки Европанинг Англия (Ливерпуль), Германия (Бремен), Польша (Гданьск) даги етакчи биржаларн бу янги стандарт ва янги таснифни тан олиб, уни арбитраж қўмиталарига қабул қилишади. Мана шу саъи-харакатларнинг самараси ўлароқ, яқинда «Наманганпахтасаноатсотиш» бирлашмаси хорижий мамлакатларга рақобатбардош ва сифатли маҳсулот

етказиб берганн учун халқаро «Олтин глобус» совринига сазовор булди.

Умуман олганда, узбек пахтасига булган талаб йил сайин ортиб бормокда. Швейцария, Буюк Британия, Нидерландия ва Жанубий Корея сингари давлатларнинг етакчи фирмалари асосни хамкорларимизга айланиб бормокда.

Республикада мева ва сабзавот етиштирнш хам қишлоқ хўжалигининг катта тармоги ҳисобланяди. Мустабид тузум даврида Узбекистон уз дала ва боглари ноз-неъматларидан тўла бахраманд бўлмасди. У пайтларда «Иттифоқ фонди» мавжуд эди. Бу фондларга махсулот жўнатиш юқоридан мажбурий белгилаб қўйиларди. Аммо унинг пули хамма вакт хам тўланавермасди. Ёки туланганда хам купинча, хатто, таннархни копламасди.

Бунинг устига қатъий режа асосида етиштирилган мева-сабзавот махсулотларининг хаммаси хам истеъмолчига ва қайта ишлаш корхоналарига етиб бормас эди. 30—40 фоизи дала ва боғларда, марказга ва бошқа жойларга транспортда ташиш чогида нес-нобуд булиб кетарди. Бунинг асосий сабабларидан бири хужалик хам, деҳкон хам ўзи етиштирган махсулотга тўла эгалик қилолмагани, яхши ишлаган хам, ёмон ишлаган хам бир қолипга солиниб, тенглаштирилган эди. Окибатда бокимандалик кайфняти пайдо бўлган эди.

Мустақиллик шарофати билан бошланган иқтисодий ислохотлар жараёнида хўжаликлар давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилгач, фақат «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси таркибида 2800 та фермер (деҳқон) хужалиги ташкил топди. 2000 гектарга яқин майда боғ ва токзорлар хусусийлаштирилиб соҳибкорларга сотилди. Шу тарика ер ўзининг хақиқий эгасини топмокда. Хўжаликлар қайси турда ва канча махсулот етиштиришга оид иш режаларини истеъмолчилар билан тузнладиган контрактация шартномалари асосида белгиламокда. Энди жамоа, ижара, ширкат ва фермер (деҳқон) хужаликлари уз махсулотларининг нарх-навосини эркин ҳолда белгилайдиган бўлиб, иобудгарчиликка қатъий чек куйиш, сифатли махсулот етиштириш, кимматроқ баҳоларда сотиш оркали кўпроқ даромад кўришга харакат қилмокдалар.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси хужалик ва қайта ишлаш корхоналарига маркетинг хизматини иложи борича яхшилашга харакат қилмокда. Уларнинг махсулотларини ташиб бериш, сотиш жараёнида енгиллик яратиш максадида «Ўзагро-

транс» акционерлик компанияси тузилди. У янги, замонавий «Мерседес» юк тракиспорти воситалари билан таъминланган ва хозир дехқонларга амалий ёрдам кўрсатмокда.

Тармоқнинг вилоятлардаги кўпгина хужаликларида экологик тоза ва юқори сифатли махсулотлар етиштириш максадида махсус бригадалар тузилган. Бу махсулотлар билан аввало, республика ахолисининг эхтиёжи қондирилади, қолаверса, хорижий мамлакатларга валютага сотишга мўлжалланган. Бу борадаги ягона камчилик шуки экспорт килиш учун жахон бозори талабларига жавоб берадиган, харидорларни узига ром этадиган бежирим ва чиройли қадоқлаш идишлари йўқ. Бу муаммо яқин келажакда хал этилиши керак. Бунинг учун чиройли ва енгил картон идишлар тайёрлашни йўлга қуйиш лозим булади.

Сабзавотчилик ва богдорчиликдаги бир мухим муаммо кўпгина турдаги кишлоқ хужалик махсулотларини йигиб-териб олиш жараёнларининг механизациялашмаганлигидир. Шу бонс мева-сабзавотчилик тармогидаги асосий ишлар хамон кул кучи билан бажарилмокда. Хужаликларнинг молиявий ахволи огирлиги сабабли зарур машина ва механизмларни, эхтиёт қисмларни сотиб олишга қурблари етмаяптн. Бу муаммони тезрок хал этиш учун республикада арзон, ихчам, қулай ва узоқ муддатга чидайдиган қишлоқ хужалик техникаларини ишлаб чиқаришни йулга қўйиш зарур. Ёки иқтисодий жихатдан узини оқласа, уларни хозирча хорижий мамлакатлардан келтириш лозим.

Кейниги йилларда республикада сабзавот майдонлари бирмунча қисқарди. Бунинг урнини тулдиришнинг бирдан-бир йўли хосилдорликни ошириш ва махсулот сифатини яхшилаш, шунингдек, нобудгарчиликка бутунлай барҳам беришдир. Ана шунда хам мамлакат ахолиси, хам қайта ишлаш корхоналарининг эхтиёжларини қондириш, хам хорижий мамлакатларга сотиш орқали давлат бюджетини валюта билан бойитиш имкони тугилади. Бунинг учун уругчиликка булган хозирги узибуларчилик муносабатини тубдан узгартириш, янги серхосил навларни яратиб, уларни купайтириш ва бутун мамлакат буйлаб жорий этиш лозим. Бу қишлоқ хужалиги соҳасида меҳнат қилаётган олим ва мутахассисларнинг биринчи навбатда бажаришлари лозим булган мухим вазифаларидир.

Хозир хам дала ва богларда етиштирилаётган хосилнинг бир қисми турли касаллик ва ҳашаротларнинг хуружи натижасида бехуда нобуд булмокда. Олим ва мутахассислар бу муаммо усти-

да ҳам жилдий иш олиб бориб, экологик тоза дори-дармонлар яратишлари лозим.

Республика аҳолисини иккинчи нон бўлган картошка билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Хўжаликларни уруғлик картошка билан тулиқ таъминлаш мақсадида уюшма тизимида «Ўзкартошка» фирмаси ташкил этилди. Яқин йиллар ичида республика узининг уруғлик ва егулик картошкага нисбатан эҳтиёжини ўзи тўла кондираднган булади.

Мева-сабзавотни қанта ишловчи корхоналар уз маҳсулотларини илгари асосан Россияга ва қисман бошқа кушни республикаларга жунатардн. Хорижий мамлакатларга мева-сабзавот консервалари умуман сотилмаган. Негаки, купгина консерва заводларининг технологик линиялари ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан эскириб кетганди. Бундай корхоналарда экспортбоп жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариб булмасдн. Шунинг учун чет эл фирма ва компаниялари билан алоқа богланиб уюшмага қарашли корхоналарда янги замонавий линиялар ўрнатилмоқда. Шунингдек, хорижий фирмалар билан тузилган «Маск», «Фарнтел», шампан виноси ишлаб чиқарадиган «Паркет-шароб», кандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган «Кон-вин», қадоқлаш ишлари тайёрлашга ихтисослашган «Азия-тара», вино-ароқ чиқарадиган «Ян-апра» қушма корхоналари ишлаб турибди. Наманганда ишга туширилган «Янис» (Испания) қушма корхонаси жаҳон бозори талабига жавоб берадиган газли вино ишлаб чиқара бошлади. Булар ва хозирда жорий этилаётган янги технологиялар хорижга маҳсулот сотишни купайтириш имконини беради.

Шуни аитиш кифояки, 1996 йилда уюшма корхоналари 15,1 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилишни режалаган. Бунинг бир қисми МДҲ мамлакатларига сотилади. Истиқболда эса экспорт имкониятларини кескин кенгайтириш кузда тутилган. Масалан, бу йил экспорт миқдори 25 миллион доллардан ошади.

Ўзбекистонда қишлоқ хужалик ялпи маҳсулотининг тахминан 95 фоизи сугориладиган ерлардан олинади. Ҳозир 4,2 млн. га. дан зиёд экин майдонлари сув омборлари, насос станциялари, каналлар, сугоргичлар, коллекторлар, дренажлар ва бошқа гидротехника иншоотларининг ривожланган тармоги ердамида сугорилади. Мамлакатимиз шароитида сугориладиган ер жуда кимматли бойликдир. У нафақат қишлоқ хўжалигининг равнаки, балки бутун республика иқтисодиёти учун биринчи даражали

аҳамиятга эга манбадир. Биноборин, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари мажмуида сугориладиган ер фондини асраш ва кенгайтириш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш асосий йуналишлардан бири бўлмоги лозим.

Пахта майдонларининг қисқариши (45-47 фоиз) ва бошоқли дон экишнинг (40-42 фоиз) купайиши муносабати билан вазият тубдан ўзгарди. Бу эса уз навбатида алмашлаб экишнинг сифат жиҳатидан янгича усулларини юзага келтирмоқда. Энди қишлоқ хўжалик экинларини тез-тез пахта билан алмашлаб ёки оддийгина усул — уларнинг ўрнини узгартириб туриш мухим йуналиш бўлиб колаётир.

Бироқ, афсуски, Жиззах, Сирдарё, Наманган ва баъзи бошка вилоятларда сугориладиган ерлардан самарали фойдаланишнинг шу жўигина усулларига ҳам эътибор берилмаётир. Бунинг устига маҳаллий раҳбарларнинг эътиборсизлиги, жон куйдирмаслиги оқибатида минглаб гектар сугориладиган ерларнинг умри бекор утмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида Жиззах вилоятида режага нисбатан 1000 гектар ерга пахта экилмай қолди, 1027 гектар майдондаги пахта нобуд булди. Сирдарё вилоятидаги ахвол янада ачинарли. Пахта режадагидан 8000 гектар кам экилгани устига 6400 гектар ердаги пахта нобуд қилинди.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун пахта, дон ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини тупроқнинг табиий унумдорлигига қараб режалаштирнш зарур. Қишлоқ хужалигини тубдан ислоҳ қилиш жараёнининг суст кечаётганлиги сабабларидан бири ҳам экин майдонларининг потенциал имкониятларини одилона аниқлаш ва шунга яраша бахолаб, солиқ белгилашнинг йуқлигидир. Ер кадастри ҳужжатлари ана шу муаммоларни ечишнинг асоси ҳисобланади.

Республикада ер кадастрини юритишнинг ҳозирги даражаси давр талабнга жавоб бермайди. Бу иш вилоят ва туманларда ибтидоий усулда қилинмоқда. Бундан ташқари ижара, ширкат, деҳқон-фермер хужаликлари ва хусусий ер эгалари пайдо булгани сабабли ер тузиш ва ер ҳисоботи ишлари кескин кўпайди. Шу бонс ер кадастри ҳужжатларига киритилган бир катор маълумот ва ҳисоботлар шаклини республикадаги табиий-иқтисодий шароитларни эътиборга олган ҳолда қайта ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш зарур.

Маълумки, ер унинг эгалари ва фойдаланувчиларга турли мақсадларда берилади. Антанлик, хужаликлар учун тупроқнинг таркиби ва сифати, яъни унумдорлиги асосий омил булса, саноат

корхонаси учун унинг қаерда жойлашганлиги, шу ҳудуддаги муҳандислик коммуникациялари билан қай даражада таъминланганлиги, шаҳар қурилиши учун эса, булардан ташқари, биоларнинг зичлиги, кўпқаватлилиги ва бошқа жиҳатлари аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун ер кадастрида ҳар бир корхона, ҳужалик ва фойдаланувчининг ери қанчалиги, сифати ва унга солинадиган солиқ талаблари тулиқ ҳисобга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар мукаммал бўлиши шарт. Негаки, ернинг меъёрдаги баҳоси ундан янада самарали ва оқилона фойдаланиш, авайлаб асрашга ундовчи иқтисодий манфаатдорлик омили булиб хизмат қилмоғи лозим. Ер кадастри маълумотлари ерга солинадиган солиқнинг адолатли меъёрини белгилаш учун ҳам зарурдир.

Ер ресурсларининг миқдори, ҳолати, сифати, уларни тақсимлаш ва фойдаланиш ҳамда улардаги ўзгаришларни тезкорлик билан назорат қилиб бориш (мониторинг) га оид маълумотларни туплаш қаби олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча кадастр ишларини автоматлаштириш лозим булади. Кадастр ишларини юритишнинг Ғарбий Европа мамлакатлари (Германия, Австрия) даги тажрибалари шуни курсатадики, бу соҳада электр-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш нафақат ер ресурслари ҳисоботини олиб бориш ва иқтисодий ҳисоб-китоб қилиш, балки уларининг таркибида, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнида қандай ўзгаришлар юз берганлигини таҳлил этиш, ер солиги солиш, ижара ҳақи шунингдек, ер билан боғлиқ бошқа пулли муомалаларни амалга ошириш имконини беради.

Халқ хўжалигининг ривожланиши ер майдонларини кенгайтиришни талаб этаётган, аммо узлаштириш осон булган қурик ер манбалари тугаган ҳозирги шароитда мавжуд ерларда тупроқни рекультивациялаш Ўзбекистон учун катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу муҳим ишни пайсалга солмай ҳал этиш зарур. Экин майдонларининг ишдан чиққан қисми асосан сугориладиган зоналарда жойлашганлиги сабабли мавжуд ер заҳираларидан юқсак самара билан фойдаланишнинг асосий йуналиши тупроқни рекультивациялаш булиб қолаверади. Ички заҳира ерлар ялпи сугориладиган ерлар таркибида булганлиги боис сувдан қандайдир даражада таъминланиб келган. Уларни узлаштиришга сарфланадиган харажат янги ерларни узлаштиришга нисбатан 2—2,5 баравар арзон тушади. Қолаверса, бу юқсак унум билан фойдаланиладиган сугорма ерларни кен-

гайтириб боришнинг хозирча ягона ва энг тугри йўли булиб, у қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва экологик вазиятни соғломлаштириш имконини ҳам беради.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш, ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш ва ишлаб турганларини қайта қуриш билан бевосита боғлиқдир. Ернинг мелиоратив ҳолатига эътибор берилмаса биз истиқболдан махрум буламиз.

Ўзбекистонда суғориладиган ер майдонларининг 50 фоизидан сал кўпроғи яхши мелиоратив ҳолатда, қолган ерлар эса яхшилашни ва мелиорация ишлари олиб боришни талаб қилади. Бунинг учун янги ерларни узлаштириш, қайта ўзлаштириш ишларини олиб бориш ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари қуриш талаб этилади.

Бир гектар суғориладиган янги ерни узлаштириш учун сарф-харажатлар кейинги 5—6 йил ичида тахминан 14—15 баравар ошиб кетди. Равшанки, ҳозир бирорта ҳам фермер ирригация ва мелиорация ишларини мустақил амалга оширя олмайди.

Республика ҳукумати шуни ҳисобга олган ҳолда Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг ҳар бирига 1996 йилнинг бошида 60 миллион сўмдан маблағ ажратган эди. Афсуски, бу маблағлар Сирдарё вилоятида 75, Жиззах вилоятида эса 60 фоизи ўзлаштирилди, холос. Ҳукумат ажратган маблағларни узлаштиришга мутасадди бўлган пудратчи ташкилотларда техника етишмаяпти, борларидан эса самарали фойдаланилмаяпти.

Илмий асосланган тавсияларга кўра, шўр ювиш ишларини февралгача тугатиш лозим. Амалда эса айрим раҳбар ва мутахассисларнинг бегамлиги, масъулиятсизлиги туфайли бу муҳим тадбир апрелнинг урталарigача давом этмоқда. Оқибатда ерларни экишга тайёрлаш муддати чўзилиб кетиб, ҳосилнинг пишиб етилиши ҳам кечикмоқда. Меҳнатобод, Ш. Рашидов ва Ховос туманларида шур ювиш агротехникаси бузилмоқда. Ҳатто, энг кучли шўрланган майдонларда ҳам шўр пол олиб ювилмай, баҳорда экишдан олдин нам сувн берилмоқда, холос. Арнасой, Зарбдор туманларида кейинги йилларда шўрланган ерларнинг бор-йўғи 16—20 фоизида шўр ювилмоқда, холос.

Сирдарё вилоятида 296,5 минг гектар суғориладиган экин майдонининг 95,6 фоизи шурланган бўлишига қарамай, 1995 йил мавсумида бор-йўғи 80 минг гектар ернинг шури ювилди. Бу муҳим агротехник тадбирнинг мутлақо унутиб юборилганлиги

сабабли Меҳнатобод ва Мирзаобод туманларида шурланмаган ернинг ўзи қолмади. Бу шундан ҳам далолат беради, кейинги йилларда вилоятда очиқ зовурлар ва ёпиқ дренаж тармоқлари деярли тозаланмай қуйилди. Акс ҳолда суғориш тармоқларининг қониқарсиз қисми 1993 йилдагига нисбатан 105,8 километр, очиқ зовурлар 297,2 километр, ёпиқ дренажлар 686,7 километр купаймаган буларди.

Республикада сув ресурслари чекланган. Кейинги икки йилдан бери табиий сув танқислиги кузатилмоқда. Бунинг устига, олинаётган сувнинг 30—35 фоизи суғориш тармоқларида ва 25—30 фоизи экин майдонларида бехуда исроф булмоқда. Бу муаммони ижобий ҳал этиш учун суғориш тармоқларини тўла таъмирлаш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш кулами ни кенгайтириш лозим.

Қишлоқ хужалигини механизациялаш ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. Дала ишларининг уз вақтида бажарилиши техника етарли булиши ва ундан тула унум билан фойдаланишга боғлиқ. Мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланиш ҳам асосан икки омилга боғлиқ. Биринчиси — техника воситасини доимо ишга яроқли ҳолда сақлаш. Иккинчиси — техникадан фойдаланишни оқилона ташкил эта билиш.

Техникани ишга яроқли ҳолда сақлаб туриш уз навбатида қуйидаги омилларга боғлиқ: техник қаров ўтказиш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, ёнилги-мойлаш ашёларининг сифати, таъмирлаш ишларини тугри ташкил этиш, техникани сақлаш.

Кузатишлар шуни курсатмоқдаки, кейинги 3—4 йил ичида техник қаров утказишга эътибор жуда сусайиб кетди. Ҳатто, деярли ҳамма хужаликларда бу тадбир умуман утказилмаяпти дейиш мумкин.

Техникани ишга шай ҳолатда сақлаб туришнинг мухим омилларидан бири эҳтиёт қисмларнинг етарли бўлишидир. Шуни ҳисобга олиб уларга бўлган талабни қондириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳозирги пайтда машина-трактор станцияларини (МТС) эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Шу уринда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни режалаштириш ва марказлаштириш масаласининг ниҳоятда ўткирлигини таъкидлаш керак. Бу муаммони «Узқишлоқхужтаъминоттаъмир» давлат ҳиссадорлик қумитаси ҳал этмоги маъқул. Шундай қилинганда ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмлар тури кўпаяди, таннархи арзонлашади. Ҳозир эса ҳар бир хўжалик бу муаммони ўз ҳолича, яъни якка тартибда ҳал

этишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса эҳтиёт қисмларнинг ҳаддан ташқари қимматлашиб, сифатининг пасайиб кетишига олиб келмоқда. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин: Сирдарё вилоятидаги С. Сегизбоев номли хўжаликнинг «Агромаш» ҳиссадорлик жамиятида МТЗ трактори узатиш қутисининг 10 дона эмас, 1000 дона тайёрланганда сифати ҳам, нархи ҳам бошқача бўларди.

Техника воситаларининг техник ҳолатига таъсир этувчи омиллардан бири ёқилғи-мойлаш ашёларининг (ЁМА) сифатидир. Қизиғи шундаки, республикамизда нефт маҳсулотларининг ярмидан кўпи қишлоқ хўжалигида ишлатиладн. Шунга қарамай, ЁМАнинг сифатини текширувчи бирорта хизмат (булинма) йўқ. Масаланинг чигаллашувига яна бир сабаб — ЁМА тақчиллиги туфайли хўжаликларда ишлатилган мойлар тозаланмасдан қайта ишлатилмоқда. Оқибатда тракторларнинг гидравлик тизими тез ишдан чиқмоқда.

Техника воситаларини таъмирлаш асосий омиллардан бири булгани учун бу тизим ҳам ҳозирги шароитга мослашиши керак. Хўжаликлар илгари «Узқишхўжтаъминоттаъмир» тизимидаги ихтисослашган завод ва устахоналарга техника воситаларини капитал (тўла) таъмирлашга топширишар эди. Энди бундай қилишмаяпти. Сабаби — таъмирлаш жуда қимматга тушади. Шунинг учун энди техниканинг узини эмас, балки унинг қисмларини таъмирлашга ўтиш ҳар томонлама фойдали. Негаки, қисмларнинг хизмат муддати турлича, яъни ишдан чиққан қисмни алмаштириб яна ишни давом эттириш мумкин. Нафақат айрим қисмлар, ҳатто асосий деталларни ҳам тайёрлаш мумкин.

Кейинги йилларда техникани сақлаш қоидаларига ҳам риоя қилмай қўйилди. Натижада қимматли техника занглаб муддатидан олдин ишдан чиқмоқда, айрим қисмлари ечиб олиниб, бутлашга мухтож бўлиб қолмоқда. Бир сўз билан айтганда, техника восталарига муносабат ортиши урнига пасаймоқда. Техникаларни янгилаш даражаси ўртача 5 фоизга ҳам етмаяпти. Хўжаликларнинг МТСдаги 80-85 фоиз техникаси хизмат муддатини ўтиб бўлган. Бундай умрини утаб булган техникани ишга яроқли холда сақлаб туриш учун юқорида таъкидланган техник қаров, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, ЁМА сифатини яхшилаш, таъмирлаш тизимини шароитга мослаш ва техника воситаларини сақлаш қоидаларига қатъий амал қилиш лозим бўлади.

Шу пайтгача қишлоқ хўжалигида техникадан фондаланишнинг асосий усули уларни маълум бир ҳудудларга (булинмаларга) бириктириб қўйиш эди. Энди бу усулдан воз кечиш

вақти келди. Бошқача айтганда, техниканинг эгаси, механизаторининг хужайини бригадир хам, ширкат раиси хам эмас, балки МТС негизида ташкил этилган корхона бўлиши керак. Шуидай қилинганда техникага булган эхтиёж камаяди ва кам агрегатлар билан кўп иш бажариш мумкин булади.

Техникадан унумли фойдаланишининг асосий омилларидан бири икки сменалик ишга утишдир. Шундай қилинганда бажариладиган иш хажми деярли икки баравар ошади.

Механизаторларга мехнатларига яраша хақ тулаш техникадан унумли фойдаланиш омилларидан биридир. Буни куйидаги мисолдан ҳам куриш мумкин. 1996 йилги мавсумда икки қаторли машинада терилган бир тонна пахтага камида 50 сум хуқ тулаш кўзда тутилган эди. Аксарият хужаликларда айнан шунча хақ туланди. Машина теримн мавсуми уртача бир ой, машина бир қунда ўртача 3 тонна пахта териш қувватига эга десак, механизаторга 4500 сум маош берилади.

Бу механизаторнинг бир ойлик машаққатли, тинимсиз мехнати учун камлик килмайдими?

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор берсак, уларда янги чиққан техника уқиб-урганган, бошқариш қобилиятини тасдиқловчи хужжати бўлган механизаторларга берилади. Биз хали бундай тизимга утганимиз йўқ. Бунинг касри ғалла комбайнларидан фойдаланишда яққол сезилмоқда. Купгина хужаликларда қанча комбайн бўлса шунча комбайнчи бор. Бундай шароитда техникадан унумли фойдаланиш муаммога айланиши табиий. Бунда муҳандис-техник ходимларнинг савиясини хам эътибордан четда қолдирмаслик керак, чунки бу борада деярли хеч қандай тадбир курилмаган.

Техникадан унумли фойдаланишнинг яна бир мухим омили механизаторларда эгалик хиссини ривожлантиришдир. Бунинг учун механизаторнинг моддий ахволи унга бириктирилган техника воситасига сарфланадиган харажатларга узвий боғлиқ бўлишини таъминлаш мухим рол уйнайди. Бундай усул хаётда бир неча бор текшириб курилган ва у узини оқлаган. Афсуски, кейинги йилларда бу соҳага хам эътибор сусайиб кетди.

Фермер хўжаликларининг ривожланиши туфайли битта пайкалда бир неча хил экин экилмоқда. Бу эса уз навбатида техникадан фойдаланишни қийинлаштирмоқда. Бундай салбий омил таъсирини камайтириш учун битта пайкалда бир экин турини экишга утиш зарур. Техникадан фойдаланишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини урганиш хам мухим аҳамиятга эга.

Масалан, АҚШда дон комбайнларидан йирик отряд шаклида фойдаланиб, урим май ойида жанубий штатларда бошланиб, сентябрда шимолий зоналарга етиб келинади, яъни дон комбайнлари турт ой давомида узлуксиз ишлатилади. Бундай отрядлар фермерларнинг ишларини шартнома асосида бажариб, аста-секин шимолга қараб силжиб бораверади. Комбайнларни эхтиёт қисм етказиб берувчи ва техник қаров утказувчи махсус бригадалар кузатиб боради. Бундай тажриба бизда хам қулланилса, техникадан фойдаланиш анча яхшиланган булардн.

Қишлоқ хўжалигида уругчиликда, минерал угитлардан фойдаланишда хам жиддий муаммолар бор. Масалан, Жиззах вилоятида хар йили пахта майдонининг ярмидан куп қисмига сифати бузилган навлар экилмоқда. Бунинг устига, экилган чигитнинг 45 фоизини унувчанлиги паст булган иккинчи класс уруг ташкил этган. 1995 йилда вилоятда галлачиликда 20 минг тонна сифатсиз уругдан фойдаланилди. Бу экилган хамма уругнинг 45 фонзини ташкил қилади.

Вилоят хўжаликлари утган йили 66 фонз азотли, 47 фонз фосфорли угит билан таъминланди. Шунисн хам борки, минерал ўгитларнинг 20 фоизи август ойида келтирилиб, хужаликларга кеч етказиб берилди. Йўл қўйилган бундай жиддий камчиликлар туфайли бу ва бошқа вилоятларда қишлоқ хужалигида катта муаммолар юзага чикди. Ана шулар хисобга олинган ҳолда ҳамда бозор муносабатлари шароитида қишлоқ ва сув хужалигини бошқарнш тузилмасини такомиллаштирнш, тупроқ унумдорлигини, сугориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини оширнш масалаларида уларнинг мустахкам узаро алоқасини таъминлаш максадида республикамиз Президентининг 1996 йил 1 ноябрдаги фармони билан Қишлоқ хужалик вазирлиги хамда Мелиорация ва сув хужалиги вазирлиги негизида Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлнги ташкил этнлди.

Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги давлат бошқарув органи деб белгилаб қўйилди хамда уннинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилди:

— сугориладиган ерлар унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга каратилган ягона стратегик сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширнш. Республика сув хўжалиги ташкилотларининг, лойиха-қидирув, илмий, гидрогеология-мелиоратив, тупроқ-ер тузилиши хамда таъмирлаш-қурилиш муассасалари ва корхоналари имкониятларидан хар томонлама оқилона фойдаланиш;

— мамлакатимиздаги илгор тажриба ва жаҳондаги энг яхши ютуқларни уйғунлаштириб, қишлоқ ва сув хўжалигида ягона илмий-техникавий ва технологик сиёсатни юритиш;

— қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини оқилона ташкил этиш мақсадида уларнинг манфаатларини бирлаштириш;

— аграр секторда бозор муносабатларини ривожлантириш, фермерлик ҳаракати ва хусусий ташаббускорликни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, республика ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи ва майда улгуржи бозорларини ташкил этиш;

— қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибини оқилона ташкил этиш, алмашлаб экиш ва экинларни навбат билан экишнинг мақбул схемаларини жорий этиш, бозор талабларига қараб экин майдонлари таркиби ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини бошқариш;

— агросаноат мажмуи ҳолатини таҳлил этиш ва уни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё етиштириш ҳамда улар ҳаракатда бўладиган аниқ мақсадни кўзловчи дастур ва балансларини тузиш;

— қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини, чорвачиликда наслчилик ишини ва ветеринария хизматини ташкил этиш, уруғлик сифатини, пестицид ва ўғитларнинг қўлланилиши, туп-роқ эррозиясининг олдини олиш, усимликлар ва ҳайвонлар касалликлари тарқалишини назорат қилиш;

— қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама механизациялаш, янги турдаги техника, машина ва механизмларни жорий этиш асосида уни интенсивлашни таъминлаш;

— ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг барча тоифаларида ер ва сувдан самарали фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга ошириш;

— кадимдан сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янгилаш, янги ерларни узлаштириш, сугоришнинг илгор усулларини жорий этиш чораларини ишлаб чиқиш;

— экология муаммолари ва Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ҳисобга олиб, барча сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар манфаатларини кузлаган ҳолда сув ресурсларини бошқариш;

— катта каналлар, йирик сув омборлари ва бошқа сув

хужалиги иншоотлари ва тизимларини давлат йўли билан бошқариш;

— олий ва урта махсус таълимни ташкил этиш, фермерларни уқитиш, ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, агросаноат мажмуи сохасида давлат кадрлар сиёсатини утказиш.

Аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичидаги асосий вазифа узгартишларни жадаллаштиришга тускинлик қилаётган хамма говларни олиб ташлашдан иборатдир. Бу ижтимоий-иқтисодий тўсиклар, энг аввало, қишлоқ хужалик ишлаб чиқаришида тайёрга айёрлик кайфиятини кишилар онгидан суриб чиқариш ва уни бозор асосига утказиш жараёни бораётгани туфайли келиб чиқмоқда. Ислохотларнинг ташаббускорлари булиши ва уларни фаол амалга ошириши керак булган раҳбарларни хали тула-тукис англаб етганлари йук. Жойларда хужалик юритишнинг янги қоидалари тушуниб етилмаётганлиги сезилмоқда. Бошқарувнинг хамма бўғинларида ташаббускорлик ва тадбиркорлик етишмаётир.

Амалга оширилган ташкилий узгаришлар, яратиб бернлган иқтисодий имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларига қарамай, хужаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатлари секин ўзгармоқда. Бу Президентимиз Ислом Каримов раислигида 1997 йил 27 январ кунн Вазирлар махкамасида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва бу борада 1997 йилги вазифаларга багишланган йигилишда алохида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигида хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичларида айрим жойларда шошма-шошарликка йўл қўйилганлигини, натижада деҳкончилик ёки чорвачиликдан йироқ одамлар мулк эгаси булиб колганлигини курсатиб берди, бу камчиликларни зудлик билан тузатиш, керак булса қишлоқда ислохотларни тартибга солувчи хужжатларга зарур узгартишлар киритиш, янгиларини ишлаб чиқиш лозимлигини уқтирди.

Деҳкон (фермер) хўжаликлари, хусусийлаштирилган фермалар оёққа туриб олиши, муваффақиятли иш юритиши учун айланма маблаг зарур. Дастлабки босқичда буни давлатдан кредит олмасдан шакллантириб бўлмайди. Шунинг учун республика Молия вазирлиги, Марказий банк раҳбарлари Қишлоқ хўжалик ва сув хужалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бу масалани хал этиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Қишлоқда ҳақиқий бозор муносабатларини қарор топтириш учун расмиятчиликлар бархам топиши зарур. Бизда мулк шакли ўзгарган хўжаликлар, ҳақиқатан ҳам очиқ ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларими? Ахир, бирор корхона акционерлик жамияти бўлиши учун албатта уз акцияларини чиқариб сотиши керак эмасми? Жамоа хужаликларида шундай акциялар эса йук. Президентимиз, шундай экан, масалани мураккаблаштирмасдан қишлоқда пайчиликни жорий этиш маъқул эмасми, деб таъкидлади. Аслини олганда, акция ҳам ўзбекча пайнинг узи. Пай буйича ҳам унинг эгаси қўлидаги пай миқдорига қараб умумий даромаддан уз улушини, замонавий ибора билан айтганда, дивидендини олади.

Акция, яъни пай ҳақиқий қимматига эга булиши, қишлоқда ишловчиларга меҳнатига яраша даромад келтирши учун эса қишлоқ хужалигидаги ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга утказиш керак бўлади. Токи эллик нафар одам ишлайдиган жойда беш юз, юз одам урнига минг киши ишламасин. Лекин бу муаммони ҳал этиш осон иш эмас. Одамларни ранжитмаслик, уларга янги иш жойлари таклиф этиш лозим. Бу саноатни қишлоққа олиб келиш, хизмат курсатиш соҳасини ривожлантириш муаммоларини ечишни талаб этади. Афсуски, бу борадаги ишларнинг ҳозирги аҳволи қониқарли эмас.

Ислоҳотлар йулидаги яна бир муаммо қишлоқ хужалагига хизмат курсатиши лозим булган турли идора ва ташкилотларнинг деҳқон (фермер) хужаликлари, ферма эгалари — умуман тадбиркорларга муносабатини узгартириш билан боғликдир. Уларнинг қишлоқлаги якка ҳокимлиги, шунинг натижасидаги таъйиқ ва зуравонлик қилишга чек қуйиш пайти келди. Масалан, кўплаб тайёрлов идоралари, қайта ишловчи корхоналар олинган махсулот учун вактида ҳисоб-китоб қилмайдилар. Улар ҳақиқий бозор шароитида, айтайлик, хорижда булганида бир ҳафтага колиб-колмасдан ишкирозга юз тутиб, хонавайрон булишлари аниқ эди.

Қишлоқ хўжалигига минерал ўгит ва техника етказиб беришда ҳам аҳвол шундай. Саноат корхоналари ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайтириб махсулот таннархини арзонлаштириш ўрнига техника ва минерал ўгитга истаганча нарх қуймоқдалар. Ахир бу корхоналарнинг тақдири қишлоқ хужалиги билан боғлик эмасми?

Қишлоқ хужалигида ер кадастрини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Аввало ер кадастри пухта урганилганда муайян

худудда, қишлоқ ёки жамоа хўжалигида маълум миқдордаги хосилни олиш учун қанча сарф-харажат кетиши аниқланади. бунда ернинг унумдорлигидан тортиб, саноат корхоналаридан, сув ҳавзаларидан канчалик йирокда экинлигигача эътибор берилади. Бошқача айтганда, деҳқонлар учун шароит теиг булиши керак. Оддий бир мисол: Хоразм ёки Қорақалпоғистонга минерал ўғит олиб бориш учун кетадиган транспорт харажати ана шу ўғит қийматидан ҳам ортиқ. Тошкент вилоятидаги хужалик эса шундоқ химия заводи ёнида жойлашганн учун деярли транспорт харажати сарфламайди. Демак, Хоразмдагига нисбатан унга ўғит икки баробар арзон тушади. Бу адолатдан эмас. Узоқ вилоятларда хосил етиштираётган деҳқоннинг нима айби бор? Деҳқон ўзига боғлиқ булмаган сабаблар бонс зарар кўрмаслнги лозим.

Собиқ шуро тузумида давлат сугурта идоралари фаолият кўрсатарди. Лекин улар айрим ношуд рахбарларнинг айбини ёпишга, нафсн ҳакалак отган кимсаларнинг кунжини тулдиришга хизмат қиларди. Яънн, «зарар курганлар» танишбилишчнлик, ошна-огайинигарчнлик, махаллийчнлик асосида аниқланар эди. Бошқаларнинг вазифаси эса сугурта бадалларини тўлашдан иборат бўларди.

Ҳозирги шароит ана шу суғурта компаниялари зиммасига ҳам жиддий масъулият юклайди. Улар табиат инжикликлари туфайли зарар курган хужаликлар зарарини қоплашлари лозим. Бу деҳқонларга нисбатан одилликни тиклаш имконини беради. Умуман, қишлоқ хужалнги билан ҳисоб-китоб масалаларини такомиллаштириш зарур. Ўзининг иқтисодий жиҳатдан мустахкамлигини исботлаган ҳужаликларга техника сотиб олиш, ижтимоий ривожланиш максадлари учун кредит беришни йўлга қўйиш лозим. Айниқса, молиявий аҳволи яхши булган хужалнкларда маош беришни кечиктиришга йўл қуйиб булмайди.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқарувчан муайян махсулотин етиштиришдан олдин уни сотиш масаласини ҳал этишни тақозо этади. Бунинг учун эса жойларда улгуржи савдо масаласини ечиш керак. Контрактация шартномалари асосида деҳқон ўз махсулотини кимга, қанча ва қандай нархда сотишини аниқ билиши лозим. Шундагина у хотиржам ва меҳнати самарасига ишонган ҳолда ишлайди. Деҳқонларнинг пешона тери билан етиштирган махсулотини сотолмай ўтиришига йул қуйиб бўлмайди. Бу масалада уларга ҳар томонлама ёрдам бериш керак. Акс ҳолда деҳқоннинг кўнгли меҳнатдан совийди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги яна бир муаммо унга агросервис хизмати курсатиш, етарли миқдорда техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдир. Бу масалани машина-техника паркларини ташкил этмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди. Шу боис бу паркларни купайтириш, ҳамма жойда ташкил этиш зарур. Айтайлик, «Кейс» комбайни ёки «Магнум» тракторини сотиб олишга ёлгиз фермер ёки жамоа хўжалигининг молиявий жиҳатдан кучи етмаслиги мумкин. Оқибатда у кунига 50 гектар ер ҳайдайдиган «Магнум» урнига 5 гектар ҳайдайдиган «Алтай»ни ёки бир йилда икки ой ишлаб, бошқа вақт бекор турадиган «Р-4» тракторини сотиб олишга мажбур бўлади. Машина-трактор парки эса маблагларни бирлаштириш ва унга керакли техника воситасини сотиб олиш имконини беради.

Вазирлар маҳкамаси йигилишида қишлоқда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами ҳозирги давр талабига жавоб бермаслиги ва суст кетаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шундан келиб чиққан ҳолда мажлис қарорига биноан асосий эътибор:

— ислоҳотлар борасида қабул килинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг қишлоқ жойларда етарли татбиқ этилмаётганлиги;

— қишлоқ хўжалигида мулкка эгалик масалаларн уз ечимини топмаётгани, деҳқонларда ҳақиқий мулкдорлик ҳисси ва қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланмаганлиги;

— қишлоқ хўжалик соҳасида ўзаро ва унга хизмат қилаётган тармоқлар ва идоралар, шунингдек, топширилган маҳсулот учун ҳақ тўловчилар билан ҳисоб-китоб масалалари мутлако талабга жавоб бермайдиган ҳолда экани;

— деҳқонлар меҳнатини хўжалик фаолиятининг пировард натижалари билан боглайдиган иқтисодий механизм амалда қулланилмаётганлиги ва моддий манфаатдорлик тамойилларига етарли эътибор берилмаётганлиги, шу борада мулкий пайни жорий этиш масаласида сусткашлик ва лоқайдликка йул куйилаётгани;

— ислоҳотларни ўтказиш йулида бюрократик тусиқлар мавжудлиги ва қишлоқ хўжалигини бошқариш бўғинлари фаолиятининг соҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари билан богланмаганлиги;

— қишлоқ товар ишлаб чиқарувчисининг манфаатини ҳимоя қиладиган замонавий сугурта механизмининг йўқлиги;

— ҳозиргача қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти билан боғлиқ ҳамкор ва агросервис ташкилотларининг монопол шаро-

итда бўлиши, хизмат курсатиш урнига қишлоқ хужалик корхоналарига тазйиқ ўтказиш ҳоллари мавжудлнги;

— ривожланган давлатларнинг фермер хужаликлари, қишлоқ хужалигига хизмат кўрсатадиган ташкилотлари фаолияти борасидаги илгор тажриба ва усулларнинг етарли урганилмаётганлиги ва уларни республика ҳаётига суст татбиқ этилаётганлиги;

— қишлоқда янги нш жойлари ташкил этиш бўйича тадбирларнинг қониқарсиз экаилиги сабабли қишлоқ хужалигидан ортиқча ишчи кучини бушатиш имкоии бўлмаётгани ва етиштирилаётган маҳсулотларга меҳнат сарфининг юкори даражада сақланнб қолаётганлиги;

— утказилаётган ислоҳотларнинг киишлокда бозор ннфратузнлмасини етарли шаклланишига олиб келмаётганлиги;

— вазирликлар, идоралар ва хокимликлар раҳбарларининг кишлокда ислоҳотлар борасидаги ташкилотчилик ва тушунтириш ишларининг қониқарсиз эканлигига каратилди.

Қишлокда мулкий муносабатларни кўп тармокли иктисодиёт талабларн асосида шакллаитириш ҳамда юкорида баён этилган муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар қишлокда амалга оширнлаётган ислоҳотларнинг устувор йуналиши, деб ҳисобланди.

Президентимизнинг 1997 йил 6 январдаги Фармони билан Узбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузурида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Марказининг ташкил этилганлиги бу муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Ушбу Марказ олдида Ватанимиз ҳамда жаҳон илм-фани ва амалиетининг энг яхши ютуқларидан тўлароқ фойдаланишни ҳисобга олган холда республика агросаноат мажмуининг энг муҳим муаммоларн бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш, уларнинг натижаларини қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш, суғориладигаи ва лалми ерларнинг унумдорлигнни ҳамда самарадорлигини оширишнинг илмий-услубии асосларнни ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов беришнинг, чорва моллари ва паррапда устиришнинг, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ресурсларини тежовчи технологияларини жорий этиш вазнфалари турибдн. Марказ, шунингдек, селекция ва уруғчилик, наслчилик иши соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтириш, селекцияга оид ютуқларни синаб куриш ва муҳофаза қилиш; илмий тадқиқотлар соҳасида шартнома муносабатларнни ривожлантирнш, тугалланган ишланмаларни киш-

лок хужалиги ишлаб чиқаришига жорий қилиш учун илмий ходимлар ва мутахассислар манфаатдорлигини ҳамда масъулятини рағбатлантирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, қишлоқ ва сув хужалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, юқори самарали, ижтимоий йуналтирилган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, хужалик ичидаги муносабатлар механизмини такомиллаштириш, қишлоқда хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни шакллантириш муаммоларини ҳал этиш йўлларнинг ишлаб чиқиш билан ҳам машгул бўлади.

Юқори унум билан ишлайдиган, мустаҳкам ва тежамкор қишлоқ хўжалиги машиналари ва механизмларининг янги турларини яратиш ва жорнй этиш, эскидан сугориб келинаётган ерларнинг мелноратив ҳолатини яхшилаш ва реконструкция қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва жорнй этиш, янги ерларни ўзлаштириш, сугоришнинг илгор усулларини ва сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва юритишнинг жаҳон илгор тажрибасини урганиш ва ижодий қуллаш, халқаро ва хориждаги етакчи илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, республикада ва хорижда қишлоқ ва сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этишда қатнашиш каби масалаларни ҳал этиш ҳам Марказ фаолиятида асосий йуналишлардан ҳисобланади.

«...миллий валютамиз мустаҳкам бўлсагина давлатимиз қудратли, обрўли, ҳаётимиз фаровон бўлади!»

*Ислом КАРИМОВ*

## МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ НЕГИЗИ

Маъмурий-буйруқбозлик усулидаги марказдан туриб режалаш ва тақсимлаш тизимидан фаркли уларок бозор иқтисодиётида талаб ва таклифга асосланган эркин бозор нархлари амал қилади. Эркин нарх-навогина ишлаб чиқариш, айнрбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида айрим товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва бутун жамиятининг манфаатларинн уйгунлаштириш имконини беради.

Товар ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар таклифи хамда талаб-эхтиёжигагина боғликдир. Бозорнинг нарх механизмн бу жараённинг тартибга солувчиси сифатида амал қиладн. Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётида давлат бу жараёнга аралашишдан узини тнйиб туради. «Олий ҳакам» истеъмолчи ҳисобланади. Унинг қайси товарни олиш ёки олмаслик лозимлиги хусусидаги фикри корхонанинг нима ишлаб чиқарнш ишнда мухим омнл бўлиб хизмат қилади. Улар бозорга харидоргир ва фойда келтирувчи товарнигина чиқаришади. Чунки корхона махсулотини сотгандагина жон саклашн мумкин.

Бахонинг эркин шаклланиш механизми орқали корхона ва харидорлар жуда мухим ахборотга эга буладилар, яъни нимани, качон ва каерда, кандай ҳажмда ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш мумкин. Шундай қилиб, хал қилувчн бугин, бу биринчидан, алохида оила бюджети ва иккинчидан, алохида корхона бюджетндир. Корхоналар сотадиган товарлар ва хизматлар нархи харажатларини қоплаб, фойда олган холдагина бу сохада фаолнят кўрсатишади. Нархнинг эркин шаклланнши, нарх-наво узгара олиши, талаб ва таклиф нисбатининг хар хнл булишига мослаша олиши мохиятини дотация ёки ўзга омиллар узгартирмаслиги керак. Бундай холда нарх-навонинг усниш махсулот танкислиги

пайдо булганлигини, уларнинг пасайиши эса махсулотларнинг ортиқчалигини курсатади.

Режалаштиришга асосланган иқтисоднётни бозор иқтисодиётига айлантиришда нархларни эркинлаштириш, ички нархларни жахон нархларига мувофиқлаштириш жуда нозик ва мураккаб масала хисобланади. Бу муаммода турлича: нархларни бирданига, «эсанкиратадиган» тарзда қўйиб юбориш, уларни сунъий равишда тухтатиб қуйиш, нарх-навони давлат бошқариши ва назорат қилишини сақлаб қолиш каби ендашувлар учрайди.

Ўзбекистон шароитида нархларни бирдагина эркин қўйиб юбориш оқибатлари огир булиши турган гап эди. Бу республикадаги мавжуд шарт-шароитга хам, ахоли асосий қисмининг моддий ахволига хам, ислохотларни амалга ошириш йўлимизга хам жавоб бермас эди.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистондан арзон нархларда хомашё ва қишлоқ хужалик махсулотлари олиб чиқиб кетилар, тайёр махсулот ва истеъмол моллари эса ташқаридан олиб келинарди. Шу сабабли, Узбекистон жуда катта зарар кўрарди ва сунъий равишда дотация олувчи республикага айлантириб қўйилган эди.

Бундан ташқари, саноат махсулоти билан қишлоқ хўжалик махсулоти уртасида мавжуд булган «нархлар қайчиси» иқтисодиётида аграр сектор етакчи бўлган Ўзбекистон учун қушимча қийинчиликлар тугдирар, республика ахолисининг деярли 65 фонзини ташкил этган қишлоқ ахли камбагал ва қашшоқ турмуш кечиришга махкум этилган эди.

Истеъмол моллари, хом ашё ресурсларининг айрим турлари, айниқса нефт, электр энергия ва бошқа ресурслар нархлари, транспорт ва коммунал хизматлар тарифлари сунъий равишда пасайтирилганлиги сабабли улар хаддан ташқари ортиқча сарфланарди.

Бир турдаги махсулот нархларининг ички бозор билан жахон бозорида бир-биридан катта фарқ қилиши эса, ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий муносабатларни йулга қуйиш, ташқи савдо балансини шакллантиришга жиддий тўсиқ булиб қолганди.

Юқоридагилардан республикада нархлар ислохотини амалга ошириш накадар катта ахамиятга эга булганлигини тушуниш мумкин.

1991—1994 йилларда республикамизда нархларни эркинлаштиришда жиддий узгаришлар юз берди. Бу давр мобайнида амалда хамма турдаги хом ашё ва тайёр махсулотнинг олдиндан

белгилаб қўйилган нархларидан эркин нархларга ўтилди. Ҳамма истеъмол молларининг нархлари устидан тўғридан-тўғри давлат назорати бутунлай бекор қилинди. Айни вақтда нархлар 1992 йилнинг январидан бошлаб босқичма-босқич, охисталик билан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли чораларни олдиндан кўриб қўйган ҳолда эркинлаштирила бошланди.

Ҳукуматнинг «Нархларни эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1992 йилнинг 10 январидан бошлаб кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг асосан келишилган (эркин) нархлари ва тарифларига утилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қуйилди. Шунингдек, аҳолига курсатилаетган айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифларн жорий этилди. Шу муносабат билан дон, бугдой етиштириш учун, ун, бошқа озиқ-овқат молларинн ишлаб чиқарншга қилинадиган харажатларнинг бир қисми республика бюджетидан тўланди. Мактаб укувчилари ва талабаларга бепул нонушта ва имтиёзли овқат беришдан курилган зарар ҳам давлат маблағлари ҳисобидан копланди. Булардан ташқари, болаларга мулжалланган айрим турдаги товарларни, дори-дармонларни ишлаб чиқарншга ҳам дотация берилди.

1993 йилда қатъий белгиланган ва тартибга солиб турилади-ган нархларда сотиладиган товарлар ва курсатиладиган хизматларнинг рўйхаги анча қисқарди. Шу йили нархларни эркинлаштиришнинг хусусняти шундан иборат бўлдики, бу босқичда келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш батамом тухтатилди. 1992 йилда амал қилиб турган, фақат ёнилги-энергетнка комплекси маҳсулотининг асосий турларинн-гнна қамраб олган энг юқори рентабеллилик даражаси нормативлари бекор қилинди.

1994 йилнинг октябр — ноябр ойлари нархларни эркинлаштириш жараёнида муҳим босқич бўлди. Бу даврда халқ истеъмоли моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари ошнрилди. Нон ва унинг нархлари, уй-жой-коммунал хўжалиги ҳамда шахар умумий транспорти хизматларининг тарифларигагина қисман дотация бериладиган булди. Шундай қилиб, иктисодиётни ислоҳ қилншнинг биринчи босқичи нархларни тула эркинлаштириш билан тугади, бу иш ижтимоий ларзаларсиз утдн. Давлат

турли компенсация жамғармалари тузди, болалар учун нафақалар жорни этди, энг кам иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларини мунтазам суратда ошириб борди, муҳтожларга маҳалла қумиталари орқали моддий ёрдам берди, имтиёзли солиқ ставкаларини жорий этди.

Товар, пул, меҳнат бозорлари бозор муносабатларини шакллантирадиган инфратузилмалардир.

Давлат буюртмаси тугатилгач, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга жавобгар булган собиқ ташкилотлар ҳам тугатилди. Улар урнига товарлар бозорини шакллантириш зарур булган республика товар хом ашё биржаси ташкил этилди.

Товар ресурсларини тақсимлашнинг биржа тизимини вужудга келтириш кўплаб тадбиркорлик бугинлари — брокерлик ва дилерлик идораларн, савдо уйлари, воситачи фирмаларнинг пайдо булишига олиб келди. 1994 йилдан республикада кредит ресурсларн бозори фаол ишлай бошлади.

Ташки иқтисодий фаолият билан шугулланувчи ташкилотларнинг банклараро валюта биржасида ҳафтасига икки марта савдо утказиш йўлга қуйилди.

Молия бозорида турли сугурта компаниялари борган сари фаол иш олиб бормоқда. Собиқ давлат сугурта бошқармаси қайта тузилиб, унинг вазифаларн анча узгартирилди. Акциядорлик жамиятлари сифатида иш олиб борувчи киркдан ортиқ давлатга қарашли булмаган сугурта компанияси тузилди. Тавакалига қилинадиган ишларни снёсий ва тижорат жиҳатдан сугурталаш, банк ва биржа операцияларини сугурталаш жараёни бошланди.

Республикада 240 дан ортиқ меҳнат биржаси — меҳнат ресурслари бозорини ташкил этди. Ҳар бир туман ана шундай биржага эга. Ишсизларни рўйхатга олиш, уларнинг касбини узгартириш механизми яратилди, ишсизлик буйича нафақа тулаш тизими йўлга қуйилди. Натижада расман руйхатга олинган ишсизлар ҳозирги вақтда меҳнат ресурсларининг бир фонзидан ҳам камроғини ташкил этмоқда.

Бозорга ўтиш шароитида молия ва банк тизимининг роли тубдан узгарди. Банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласидаги аҳвол учун жавобгарлигини ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида банк тизимини такомиллаштарнш ва мустаҳкамлашга қаратилган бир канча қарорлар қабул қилинди. «Банклар ва банк фаолияти тугрисида»ги

Қонуннинг қабул қилиниши мустақил ва эркин банк тизимининг қарор топишига ёрдам берди.

Республикада икки босқичдаги банк тизими амалда шакллана бошлади. Марказий банк зиммасига федерал резерв тизимига хос бўлган вазифалар юклатилди. Давлат шу билан бир қаторда тижорат банкларининг ривожланишига ҳам ёрдам берди. Банк тизимининг куйи бўғинлари мустақил иш олиб бориши учун янги тузилмалар ташкил этилди. Собиқ тармоқ доирасида иш юритувчи давлат банклари тугатилди. Агросаноат банки ва саноат қурилиш банки ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банкларига айлантирилди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тузилди.

«Ўзжамгармабанк»ка кредит-молия муассасаси мақоми ҳамда кредит ресурсларидан жисмоний ва юридик шахсларга қарз бериш учун фойдаланиш, шунингдек, кредит ресурсларини банклараро пул бозорида кимошди савдоси орқали сотиш ҳуқуқи берилди. Банкнинг кичик корхоналар барпо этиш ва уларни ривожлантиришга, фуқароларнинг давлат мулкини хусусийлаштириб олишига, уй-жой бинолари қуриш, уларни таъмирлашга ва аҳолининг бошқа эҳтиёжларини қондиришга қарз бериш имкониятн анча кенгайди.

Айни маҳалда янги тижорат ва хусусий банклар тармоғи вужудга келди. Улар мулкчилик шаклларидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиши, давлатга қарашли бўлмаган янги корхоналар ҳамда фермер хўжаликларга молиявий ёрдам бериши керак.

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банклари — «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк», «Савдогар» ва бошқа банклар тузилди. Бу банклар тадбиркорлик ишларига хизмат қилади, кичик ва урта бизнесни ривожлантириш, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан бойитиш манфаатларини кўзлаб инвестициялар учун маблағ беради.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз ҳудудида нуфузли чет эл банклари билан ҳамкорликда қўшма банклар ташкил этилмоқда. Бу ҳолатни ҳукуматимизнинг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасидаги фаол сиёсати мевалари ҳам дейиш мумкин. Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган «ЎТБАНК», Голландия билан ҳамкорликда тузилган «Приватбанк» ва яқинда Марказий банк томонидан рўйхатга олинган «ЎзАМРОбанк», «Ўзбекистон-Голландия» банки шулар жумласидандир. Бундай банклар мамла-

катимизга хорижий сармояларни олиб келиш, энг муҳими банклар ўртасидаги тенг шерикчилик қилишга, соғлом рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, иқтисодиётдаги барқарорлик ва банклар тизимининг борган сайин ривожланаётгани хорижда ги йирик молиявий муассасалар қаторига кирувчи банкларни мамлакатимизда ўз ваколатхоналарини очишга ундамоқда. Масалан, Германиянинг АГ «Дойче банк» ва АГ «Берлинер банк», АҚШнинг «Чейз Манхеттен банк» и ва бошқалар республикамизда уз ваколатхоналарини очишди.

Марказий банк олдида нафақат банклар тизимини ривожлантириш, шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодиёти учун мавжуд маблағлардан унумли фойдаланиш, банкларнинг мижозларга хизмат курсатиш маданиятини яхшилашларига эришиш вазифаси хам туради. Бу банкларараро туловларни тезлаштириш, уларни амалга ошириш учун сарфланадиган ва куп вақтни оладиган қўл мехнатини имкон қадар қисқартириш вазифалари хамдир. Бу собиқ Иттифоқда банкларараро тўловларнинг ута марказлашган тизими мавжудлиги, уларни амалга оширш эса ибтидоии ахволдалиги натижасида биргина республика ичидаги туловларни ўтказиш бир ойдан хам кўпроқ муддатда амалга оширилишидек огир мерос қолганлиги билан мураккаблашарди.

Республика хукумати ёрдами натижасида бир неча йил ичида деярли барча банклар ва уларнинг булимлари замонавий электрон-хисоблаш машиналари — компьютерлар билан жихозланди. Вазирлар махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини молиявий куллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тугрисида» 1994 йил 13 июлдаги қарорига мувофиқ банкларнинг аввал икки йилга, кейинчалик яна бир йилга деярли барча солиқлардан озод қилиниши натижасида йигилган маблағлар компьютерлар ва замонавий алоқа-богланиш тизимларини яратиш ва бошқа зарур техника курилмаларини сотиб олишга йўналтирилди. Яратилган бундай имкониятлардан тула фойдаланиш учун барча тижорат банклари Марказий банк бошчилигида жахоннинг энг йирик ва илгор фирмаларидан шартномалар асосида компьютер ва унга боғлиқ асбоб-анжомлар сотиб олиб техникавий базаларни мустахкамлаш, банкларараро «реал» вақтда ишлай оладиган «электрон тўловлар» дастурини барпо қилиш устида астойдил иш бошладилар. Бундан ташқари, 1995 йилнинг май ойида банкларараро электрон туловлар тизимини яратиш учун компьютер, телеком-

муникация асбоб-ускуналари ва дастурий воситалар сотиб олиш юзасидан халқаро танлов-тендер утказилди.

Танлов-тендерда Германиянинг «Сименс» фирмаси голиб чикди ва у Жаҳон банки томонидан аннан шу максад учун ажратилган маблағлар хисобига Ўзбекистон банк тизимида ягона ахборот алмашинув технологиясини яратиш устида иш бошлаб юборди.

Туловлар тизимини яратиш йулида киланган ишлар натижасида мамлакатимизда собиқ иттифоқ худудидаги давлатлар ичида биринчилардан булиб, банкларараро электрон туловлар тизими жорий этилди. Натижада республикамиз миқёсида банклар уртасидаги узаро тўловлар нафақат бир кунда, балки бир неча соатлар ичида амалга оширилмокда.

Ҳозирда банклар ўртасида кунига 8—15 мартагача ахборот алмашишга имкон тугилди. Мазкур тизимга Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки мутахассислари томонидан юқори бахо берилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги давлатларида шу каби тизимлар хар бир тижорат банки буйича алохида-алохида бўлиб, у кундалик фаолиятда муайян қийинчилик тугдиради ва катта сарф-харажатлар эвазига амалга оширилмокда. Бизда эса Марказий банк ва барча тижорат банклари республика буйича ягона тизимга бирлашган. Бу ушбу тизим орқали республика буйича кунига уртача 30—35 мингта тўлов утказиш имконини бермокда.

Республика Марказий банки вакиллик шартномалари асосида дунёнинг 50 дан ортиқ йирик банклари билан бевосита хамкорлик килмокда. Айни пайтда Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки билан бир қаторда республикамизнинг 20 га яқин тижорат банки Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш ҳамда хорижий банклар билан тугридан-тугри алоқалар урнатиш хукукини берувчи бош лицензияларига эгадир. Улар хужалик субъектлари ва фуқароларга валюта билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш, хориждаги хамкорлар билан тенг хукукли алоқалар урнатишларига ёрдам бермокдалар.

Марказий банк Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва ривожланиш банки, Осиё тараққиёт банки билан хам мустахкам алоқалар ўрнатган ва улардаги мавжуд имкониятлардан республика иқтисодиётини ривожлантиришда фойдаланмокда.

Ўзбекистонда банк мутахассисларини тайёрлаш тизимини та-

комиллаштириш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Чунончи, Марказий банк ходимлари ривожланган мамлакатлардаги нуфузли молия муассасаларига юборилиб, уларнинг малакасини ошириш борасида ҳам бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Хусусан 1992—1996 йиллар давомида 169 та ходим АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Швеция, Австрия ва Швейцария каби ривожланган мамлакатлар банкларида ўз малакаларини ошириб қайтдилар ва ҳозир уни амалий иш жараёнларида муваффақиятли қулламоқдалар.

Мамлакатимизда Банк молия академияси таъсис этилиб унга 1996 йилда дастлабки тингловчилар қабул этилди. Академия фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари — монетар сиёсат, молия менежменти, банк аудити, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш бўйича юқори малакали банк мутахассисларини тайёрлаш, халқаро банк ишида эришилган янги ютуқлар асосида банкнинг раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мамлакатда молия-пул тизими ва банк ишини ривожлантириш сохасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни утказишдан иборатдир.

Назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қумитаси тузилди.

Давлат божхона қумитаси қайта тузилиб, Божхона бош бошқармасига айлантирилди ва Давлат солиқ қумитасига бўйсундирилди. Анни пайтда божхона хизмати мустақил давлатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини муҳофаза қилувчи ва божхона сиёсатини амалга оширувчи давлат органи сифатида ички бозорни тулдириш, давлатлараро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, контрабанда, наркобизнес ва бошқа жиноий ҳуқуқбузарлик ҳолларига қарши кураш, миллий валютамиз қадрини ошириш ва божхона туловларини ундириш орқали давлат хазинасини бойитиш каби ишларни амалга оширмоқда.

Ҳозирги кунда 42,5 минг километрни ташкил этадиган республикамиз божхона чегараларини 1,5 мингдан ортиқ назоратдаги ва назоратсиз айланма йуллар кесиб утади. Утган давр мобайнида божхона идораларининг моддий-техник таъминотини ва ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, божхона постлари қурилишни давом эттириш, уларни ободонлаштириш, замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш борасида ҳам бир талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Тошкент» аэропортида божхона

қуригидан ўтказиш имкониятлари кенгайтирилди. «Олот» божхона мажмуасини халқаро талабларга жавоб берадиган ахволга келтириш борасида ишлар олиб борилди. Миллий кинология марказининг биринчи босқичи куриб битказилиб, айни пайтда навбатдаги босқич қурилиши бошлаб юборилди.

Божхона тизимини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш борасида маълум ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, республика ҳудудига кириб келаётган ва четга экспорт қилинаётган ҳар қандай моддий бойликни, унинг қиймати ва бошқа курсатгичлари ҳақидаги ахборотни тезлик билан марказлашган ҳолда қабул қилиш ва назоратга олиш чора-тадбирлари кўриляпти.

Республикамизда юкларни манзилга қадар назорат остида кузатиб бориш имконини берувчи автоматлаштирилган дастурлар жорий этиляпти. Узоқ ва яқин хорижий мамлакатларнинг божхона хизматлари билан ҳалқаро ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Иқтисодий ислоҳот утказишни жадаллаштириш ишларини мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Президенти хузурида Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Идоралараро кенгаш тузилди.

Куп укладли иқтисодиётни амалда шакллантириш, иқтисодиётнинг хусусий, давлатга қарашли булмаган секторини янгидан яратиш вазифасини бажариш учун тузилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорлпкни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси зиммасига кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёсатни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда хусусинлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, хусусий бизнеснинг ривожланишига ёрдам курсатиш вазифалари юклатилди. Қумита ҳузурида махсус жамгарма ташкил этилиб, унда давлат мулки объектларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантиришдан тушадиган маблағлар тупланади. Сунгра бу маблаглар иқтисодиётдаги таркибий узгаришларни амалга оширишга ҳамда хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Давлат мулкини бошқариш қумитаси инвестиция фондлари, консалтинг ва аудиторлик хизматлари, холдинглар, фонд биржалари ва кўчмас мулк биржалари ҳамда бошқа бозор тизимини яратишга ёрдам бермоқда ва бу ишда бевосита қатнашмоқда. Жумладан. Савдо уйи (савдо компанняси) банклар,

ишлаб чиқарувчилар ва воситачилар билан узвий молиявий алоқаларга эга кун тармоқли йирик савдо корхоналари гуруҳи сирасига киради. Ғарб мамлакатларида дастлаб савдо уйлари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Уларнинг ватани эса Япониядир. Бугунги кунда бу мамлакатда 9 та «Сого — сёся» (кўп қиррали ташқи савдо компанияларн) таркибида дунёга машҳур «Мицубени», «Мицубуси седзи», «Мицуи буссан» каби йирик корпорациялар фаолият кўрсатмоқда. Япония иқтисодиётида, асосан, саноат ва халқ истеъмол моллари буйича экспортнинг 45 фоизи ва импортнинг тахминан 77 фоизи уларнинг хиссасига тўғри келади.

Савдо уйлари ихтисослашган ёки кўп тармоқли бўлиб, хусусан, иккинчиси бир қатор фаолият турларини ўз ичига олади. Турли номенклатуралар буйича ўз номидан ёки уз ҳисобидан экспорт-импорт мол айирбошлаш ва бошқа иқтисодий жараёнларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва савдо инфратузилмасини ташкил этиш мақсадида мамлакатда, шунингдек, чет элларда ўз маблағлари ҳисобидан сармоя сарфлаш, қарз бериш ва мулкни ижарага топшириш, ички улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш, мамлакат ичкарисидаги ва чет эл фирмаларига маслаҳатлар бериш, молия ва ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиш, воситачилик хизматлари кўрсатиш шулар жумласидандир.

Япониядан намуна олиб, кейинчалик бошқа мамлакатларда ҳам савдо уйлари ташкил этилди. Масалан. 1988 йилда Венгрияда қайта тикланган «Трансэлектро», «Хунгаро-текс», «Хунгарокооп», «Конзумекс» ва бошқа савдо уйлари фаолиятининг тажрибаси диққатга сазовор. Улар ўз мамлакати иқтисодиётини, савдо-сотиқни ривожлантиришда катта роль уйнамоқдалар.

Республикамизда ҳам савдо уйлари муассасалари ишлаб турибди. «Ўзбек савдо уйи», «Барс», Тошкент савдо уйи, «Ўзбекистон — Россия», «Ўзбекистон — Украина» савдо уйлари. «Осиё континентал» халқаро савдо уйини мисол сифатида келтириш мумкин.

Савдо уйи каби холдинг ҳам бозор воқелигининг муҳим ва зарур унсурларидан биридир. Ривожланган мамлакатларда бу йўналишда катта, бой тажриба тупланган. Ўзбекистонда эса холдинг компаниялари эндигина шаклланаяпти.

Холдинг компанияси очиқ турдаги хиссадорлик жамияти хисобланиб, унинг активлари таркибида бошқа банклар, фирма-

ларга тегишли акцияларнинг назорат пакетлари ҳам мавжуд булади. Бу ҳол холдинг компаниясига ўша муассасаларнинг сармоя қуйилмаларини тақсимлаш ва акциядорларнинг умумий йигилишида ҳал қилувчи овоз билан иштирок этиш ҳуқукини беради.

Назорат пакетларининг ялпи қийматн ва миқдорини белгилаш антимонопол ташкилот зиммасида эканлигини унутмаслик керак. Холдинг активлари таркибида назорат пакетлари булган корхоналар унинг қарамоғидаги корхоналар сирасига киради. Шунга қарамасдан, бундай муассаса ва ташкилотлар юридик шахс сифатида банкларда махсус ҳисоб, жорий ҳамда валюта-ҳисоб рақамларига эга булишлари мумкин. Холдинг уз низомида белгиланган, Узбекистон Республикаси худудида қонун билан таъқикланмаган ҳар қандай фаолият тури билан шугулланишга ҳақлидир.

Холдинг активлари таркибига қнмматбаҳо қогозлар, муассис ташкилот томонидан берилган ёхуд холдинг маблағлари ҳисобига харид қилинган асосий ишлаб чиқариш воситалари, паритет (тенг шерикчилик) пакетлари, пул-валюта маблағлари ва ҳоказолар киради. Холдинг компанияси юз фоиз хорижий сармоя ёки чет эл корхоналари акцияларининг назорат пакетларини сотиб олиш ҳисобига ҳам ташкил этилиши мумкнн. Албатта, бунда амалдаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тулиқ риоя қилнниши лознм. Зеро, ҳар қандай холдинг корхонаси юридик шахс мақомига эга булиб мустақил иш юритади ва пировард натижада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Холдинг компаниясининг икки тури мавжуд. Молия (соф) холдинг — фақат назорат ва бошқарувни амалга ошириш учун тузилади. Аралаш холдинг — назорат ҳамда бошқарув вазифалари қаторида савдо, молия-кредит, саноат, транспорт ва бошқа сохаларда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шугулланиши мумкин. Яъни, улар иқтисодий жиҳатдан эркин, мустақилдир.

Молия (соф) холдинглари — активлари таркибида бошқа эмитетларнинг камида 50 фоиз акциялари мавжуд булиши керак.

Актив таркибига қимматбаҳо қогозлардан ташқари турли мулкни маблағлар ҳамда бошқарув аппарати учун мулжалланган сармоялар ҳам киради. Ана шу талаблар бажарилмаган тақдирда, ҳужалик судининг қарори билан молия холдинглари қонуний асосда тугатилиши мумкин.

Молия ходинглариға ўз қарамоғида булган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва савдо-тижорат фаолиятнга аралашишга, назорат қилувчи органларга сайланишга рухсат этилмайди. Улар акциядорларнинг умумий йиғилишларидагина иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва тадбиркорларнинг бозорда эркин ҳамда тенг ҳуқуқли тарзда иштирок этишини таъминлаш иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омилларидан биридир. Президентнинг 1994 йил 28 февралдаги «Ўзшартномасавдо» уюшмасини тугатиш ва унинг иегизида улгуржи ва биржа савдоси буйича республика акционерлик уюшмаси— «Ўзулгуржибиржасавдо»ни таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони хам худди шу максаднн кузлаб кабул қилинди. Ушбу уюшманинг асосий мақсади ва вазифалари товар ресурсларини харид қилиш-сотиш, битим-шартнома, тижорат-воситачилик, савдо, ишлаб чиқариш, транспорт, маркетинг, ахборот, аудиторлик каби унлаб хизмат турлари буйича корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериш, ички бозорни товар-хом ашё ресурслари билан тўлдириш ниятида буюртмалар асосида давлат эҳтиёжи учун махсулотлар сотиб олишдан иборатдир. Ана шу тамойилларга суянган ҳолда уюшма товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар уртасидаги муҳим воситачнлик риштасини мустаҳкамлаш чораларини куряпти.

Ривожланган мамлакатларда воситачи, яъни дистрибютор сифатида иш олиб борадиган компания ёки якка шахс хизматига алоҳида хурмат билан қаралади. Уларни қўллаб-қувватловчи махсус дастурлар ишлаб чикилган булиб, дистрибюторлар хизматига яраша рағбатлантирилиб борилади. Чунки воситачининг зиммасига катта масъулият юкланган. У ишлаб чиқарувчилардан мол-махсулог харид қилади, истеъмолчи ахтаради, товарларни сақланди, керак бўлса уни уз транспортида талабгор мижозга етказиб беради. Бунда воситачининг маълум даражада таваккалчилик қилишига хам тўғри келади. Демак, айтиш мумкинки, айнан унинг саъй-ҳаракатлари туфайли мол-махсулотлар уз истеъмолчиларнни топади. Қолаверса, воситачининг ёрламида харидор куплаб ортиқча ташвишлардан қутилади. Масалан, битта товар ишлаб чиқарувчи ўнлаб турдаги маҳсулотларга эҳтиёж сезади ва уларни олиш учун катор корхоналар билан алоҳида-алоҳида алоқалар урнатишга мажбур булади. Битта воситачи эса бир йула юзлаб мижозларнинг талаби-

ни қондирнш билан бнрга, уларнинг қимматлн вақтларнни тежашга кўмаклашади.

Уюшма ҳозирги вақтда таъминотчи ва ишлаб чиқарувчи корхоиалар билан куплаб шартнома-битимлар тузган. Хусусан. Россия Федерацнясидан қора металл, прокат, темир қувурлар, трактормлар. галла комбайнлари, ёғоч-тахта, полиэтилен ва бошқа турдаги маҳсулотларни олиб келиб, мижозларига ўз вақтида етказиб бермоқда. Украина, Белоруссия, Тожикистон, Туркманистои, Молдова мамлакатларидан келтирилган товарлар ҳам тадбиркорлар эҳтиёжини қондирди. Бунинг маълум қисми тўғридан-тугри шартномалар асосида келтирилган товарлар булиб, у давлат буюртмасини бажаришга йуналтирилганлигини айтиб ўтиш лозим.

Шу билан бнрга, Ҳамдустлик мамлақатлари ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлнк кенгантирилиб, бир қанча қушма корхоиалар барпо этилди. Жиззах вилоятиннинг узида туркиялик ишбилармонлар билан қурилган туртта нон заводи, турли улчамдаги михлар ншлаб чиқарувчи замонавий корхона, молдованлар кўмагида Исронл технологияси асосида бунёд этилган иккита томат линияси шулар жумласидандир. Айни пайтда ишлаб чиқариш базаларида ташкил этилган мева қуритнш ва тнкув цехлари, керамзит гишт ишлаб чиқарувчи корхоиалар, паркет линиялари, дурадгорлик цехи ҳам ички бозорни товарлар билан тўлдиришда баҳолн қудрат ҳисса қушиб келмоқда.

Уюшма деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари билан ҳам шугулланаётир. Унинг ёрдамчи хўжаликларида дон, сабзавот, полиз, боғдорчилик маҳсулотлари етиштирнш билан бир қаторда гўшт, сут ва сариёг ишлаб чиқариш йулга қуйилган. Бу ҳол қушнмча зарур маҳсулотларни купайтиришга имкон бермоқда.

Энг чуқур таркибий узгаришлар республика иқтисодиётининг тармоқлари ва айрим соҳаларини бошқариш тизимида юз берди.

Корхоиалар ўз фаолият соҳаларнга қараб ихтиёрий равишда давлат тармоқ концериларига бнрлаштирилди. Бу нафақат ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб қолди, балки унинг рнвожланишига янги туртки бериш учун ҳам имконият тугдирди.

Корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги кенгайиб борган сари давлат концернлари тармоқ уюшмаларига айлантирилди, уларнинг бошқарув аппаратлари эса ўз таркибидаги бирлашма-

лар ва корхоналарнинг ихтиёрий равишда берган пули ҳисобидан таъминланмоқда.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи мобайнида тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар, иттифоқлар ва бошқа хужалик бирлашмаларига айлантириш йули билан батамом тугатилди. Автомобил транспортида, қурилишда, қишлоқ хужалигида бошқарув тизими қайта тузилди.

Корхона ва ташкилотлар, қайси идорага буйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъни назар, уз иқтисодий манфаатларининг муштараклиги асосида концернлар, уюшмалар ва корпорациялар таркибига ихтиёрий равишда қирган. Улар уз фаолиятларини пай ва кириш бадаллари асосида, иштирокчиларнинг акциялар тупламини (пакетини) сотиб олиши асосида йулга қуяди.

Бозор ислоҳотининг дастлабки босқичларида асосан пул қадрсизланиши асосида шакллантирилган ва утиш даврининг ижтимоий қийинчиликларини бартараф этишга мулжалланган давлат бюджети 1993 йилдан бошлаб иқтисоднётни таркибий қайта қуриш омилларидан бирига, макроиқтисодин мутаносибликларни бошқариш ва молиявий ресурсларни мамлакат иқтисодиётининг устувор йуналишларида жамлаш воситасига айланди.

1994 молия йили қаттиқ пул-кредит ва бюджет сиёсатини шакллантиришда бурилиш босқичи булдики, бунинг натижасида давлат бюджети тақчиллиги 1995 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан олганда 3,4 фоиздан 2,8 фоизгача пасайди.

Давлат бюджетидаги тақчилликнинг пасайиши куп ҳолларда утиш давридаги энг барқарор даромад манбаи — билвосита солиқлар мавқеини ошириш эвазига таъминланди. Давлат бюджети даромадлари тузилмасида билвосита солиқларнинг улуши умумий даромадларга нисбатан олганда 1991 йилдаги 0,7 фоиздан 1995 йилда 49,3 фоизгача ўсди.

1995 йил якунларига кура, давлат бюджетининг тугри (даромад) солиғидан даромади 38,5 фоизни ташкил этди, шундан корхоналар фойдасидан соликлар даромаднинг 28,6 фоизини, ахоли даромадидан солиқ 9,9 фоизни ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти даромадидан солиқ эса 0,3 фоизни ташкил этди.

Республика давлат бюджетининг асосий даромад турлари бўйича таркиби*

| | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил |
|---|---|---|---|---|
| Даромадлар — жами (фоиз ҳисобида) | 100 | 100 | 100 | 100 |
| шу жумладан асосий солиқлар бўйича: | | | | |
| — тўғридан-тўғри солиқлар | 25,09 | 28,43 | 29,74 | 38,46 |
| — даромад (фойда) солиғи | 17,61 | 20,78 | 20,97 | 28,58 |
| — аҳолидан олинадиган давлат солиқлари | 7,48 | 7,65 | 8,77 | 9,88 |
| — билвосита солиқлар | 55,19 | 42,21 | 43,87 | 49,28 |
| — қўшимча қиймат солиғи | 27,4 | 25,73 | 17,0 | 19,13 |
| — акцизлар | 27,51 | 15,72 | 25,15 | 27,04 |
| — божхона божи | 0,29 | 0,76 | 1,71 | 3,11 |
| — ресурс тўловлари | 3,71 | 4,06 | 3,02 | 5,91 |

Ялпи миллий маҳсулотда давлат даромадларн ва харажатларининг умумий кискариши давлатнинг иқтисодиётга аралашувини босқичма-босқич чеклашнинг бозор тамойилларн амалга оширилишига тамомила мувофиқдир. Шундай килиб, бозор ислоҳотининг ўтган 5 йилида давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 49,1 фонздан 37,2 фонзга, харажатларнинг улушн эса 52,7 фонздан 40 фонзгача камайди.

Таркибий кайта курншнинг давлат томонидан куллаб кувватланиши имтиезли солиқ ва кредит сиёсати юритишдаги ердамда хам, иқтисодиётининг базавий тармоқларига тугридан-тугри маблаг ажратиш кўринишида хам амалга оширилмокда. Иқтисоднётнинг таркибий тузилиш жихатдан узгартириш ишлари изчил амалга оширилди. 1996 йилда 166,5 миллиард сўмлик сармоя ўзлаштирилиб, бундан 66 фоизи ншлаб чикарнш соҳаларини ривожлантиришга сарфланди.

Ижтимоий харажатлар улушн умумий харажатларнинг 50 фоизи даражасида барқарорлашди, бу хол ижтимоий аҳамиятга молик тармокларнинг ривожланншини ва аник максадга каратилган ижтимоий туловларни ошириш нули билан ахолининг мухтож катламлари ва гурухларининг давлат томонидан куллаб-кувватланишнни таъминланди.

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й., 42-бет.

**Республика давлат бюджетининг асосий харажат турлари таркиби***

| | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил |
|---|---|---|---|---|
| Харажатлар-жами (фоиз хисобида) | 100 | 100 | 100 | 100 |
| шу жумладан харажатларнинг асосий йўналишлари бўйича: | | | | |
| — халк хўжалигига | 5,47 | 10,56 | 7,64 | 12,22 |
| — давлат капитал маблагларига | 6,29 | 5,67 | 8,94 | 18,83 |
| — ижтимоий-маданий тадбирларга | 35,43 | 37,79 | 43,03 | 45,29 |
| — аҳолини ижтимоий ҳимоя килиш чора-тадбирларига | 24,96 | 19,41 | 7,95 | 10,22 |
| — давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини саклаб туришга сарфланадиган харажатлар | 11,4 | 14,65 | 16,11 | 13,52 |

Миллий валютанинг муомалага киритилиши иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг, корхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланишининг кудратли омили, аҳолини ва мамлакат истеъмол бозорини муҳофаза қилишнинг асоси булди.

Жами пул массасининг ўсиш суръати инфляцияга қарши сиёсатнинг изчил амалга оширилиши натижасида йилдан-йилга пасайиб борди. Жами пул массасининг усиши 1996 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига кура 1995 йилнинг айнан шу давридагидан 7,6 фоизи хисобида ва 1994 йил даражасидан 2 баробар кам бўлди.

Нақд пул массасининг уртача ойлик усиш суръати 1996 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1995 йил даражасидан 1,3 бандга оз бўлди. Муомалага нақд пул чиқариш — эмиссия улуши 1995 йилдаги 20.7 фоиз урнига 15,8 фоизни ташкил этди.

Республика иқтисодиётида пулнинг қадрсизланиш жараёнларини бартараф этиш жами пул массаси тузилмасида корхоналар ва ташкилотлар депозитлари, аҳоли омонатларининг усиши учун шарт-шароит тугдирди. Депозитлар ва омонатларнинг энг сезиларли усиши 1994 ва 1995 йилларга тугри келди. Бунда давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати пул қадрсизланишининг юқори суръатларини пасайтиришга ёрдам берди.

Тижорат банкларининг омонатлар ва депозитларни жалб этишдаги улуши ортиб бормоқда, бу эса банк тизимида рақобат мухитининг шаклланаётганини узида акс эттиради. тижорат банкларининг жалб этилган депозитлар ва омонатлар умумий

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриети, 1996 й., 43- бет.

ҳажмидаги салмоги 1993 йил охиридаги 1,5 фоиздан 1996 йилнинг ярмида 24,6 фоизгача ортди.

**Аҳоли омоматлари (млн сўмда)**

| | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил | 1997 йил 1.07 |
|---|---|---|---|---|
| Халқ банки салмоги % | 632,0 | 871,4 | 2704,1 | 3944,7 |
| | 98,5 | 87,2 | 78,9 | 75,4 |
| Тижорат банклари салмоги % | 9,6 | 128,2 | 724,4 | 1287,4 |
| | 1,5 | 12,8 | 21,1 | 24,6 |
| Жами | 641,6 | 999,6 | 3428,5 | 5232,1 |

1995 йилнинг 1 июлига қадар республикада 30 та тижорат банки ва 3,7 мингдан зиёд филиаллар фаолият кўрсатди. Шундан 85 фоизи Халқ банклари филиалларидир. Акционерлик жамиятлари шаклида 22 банк ишлаб турди, шулардан 2 таси қушма банк ва 2 таси хусусий банклар булиб, бу банк соҳасида рақобат муҳитини яратади.

Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари тадбиркорлик тизимларига кредитлар бериш ҳажмини оширдилар. 1992—1996 йиллар мобайнида валютани бошқариш соҳасидаги фаолият миллий валютани муомалага киритиш ва мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни изчил яратиб беришга қаратилди, валюта бошқаруви масалалари бўйича норматив база вужудга келтирилди.

1994 йилнинг 15 апрелидан бошлаб Ўзбекистон валюта биржасида доимий савдолар утказиб келинмоқда. Шу йилнинг узида реализация қилинган чет эл валютасининг умумий суммаси 16 млн. 558 минг АҚШ долларини ташкил этди. 1995 йил давомида ҳаммаси бўлиб 90 марта савдо утказилган. Бунда валюта биржасининг умумий оборати 1545 млн. АҚШ долларини ташкил этди ёки аввалги йилга қараганда 14 баробар кўп булди.

1996 йилда эса валюта биржасида 3,3 миллиард АҚШ доллари сотилди. Биржадаги савдо асосан республиканинг ўзидаги валюта тушумлари ҳисобидан таъминланмоқда.

Республика ҳукумати 1996 йилнинг охирида конвертация учун сарфланадиган марказлаштирилган валюта ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш юзасидан кабул қилган чора-тадбирларининг моҳияти валюта сиёсатига баъзи ўзгартишлар, валюта-

---

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й., 46- бет.

ни алмаштиришга доир йуналишларимизга тузатиш киритишдан иборат.

Ўзбекистон бозорида ишлаётган ва замонавий техника хамда технология етказиб бериш, кушма лойихаларни амалга ошириш, сифатли истеъмол махсулотларини сотиш билан шуғулланаётган бирорта катта фирма, компания, хукукий шахс бу чора-тадбирлардан хеч кандай зарар кўргани йук. Тегишли кафолатларга эга бўлган битимлар буйича валютани алмаштиришда хеч кандай муаммо тугилмади. Шерикларга олган дивидентлар ва фойда уз вактида алмаштириб берилмокда.

Анни пайтда Ўзбекистон ўзининг олтин-валюта ресурслари ва захираларини асосан истеъмол моллари харид килиш учун сарфланишига йул куя олмаслиги тушунарлидир.

Ха, ислохотларнинг хозирги боскичида биз ички истеъмолни бирмунча чеклашга мажбурмиз, бу боскичда асосий вазифа тузилмаларни кайта ташкил этиш, иктисодиётда тузилмавий ислохотлар ўтказишдан иборат.

Республика марказлаштирилган валюта ресурсларининг асосий кисмини биринчи навбатда замонавий технологияларни сотиб олиш, иктисоднёт янги тизимини барпо этишга сарфлаяпти.

Иктисоднётимизда, асосий ва етакчи тармокларда тузилмавий ўзгаришларни амалга оширибгина колмай, биз махсулотларимиз экспортининг кўпайишига, тўлов балансида ижобий колдикни таъминлашга ва шу йул билан иктисодий мустакиллигимизни кафолатлашга эришга оламиз.

Мавжуд олтин-валюта захираларини баъзи четдан келтирилаётган мутлако сифатсиз махсулотлар учун хак тулашга сарфлаш катта хато бўлур эди. Айрим виждонсиз фирмалар ва олибсотарлар бошка бозорларда утмаётган сифатсиз махсулотни бизнинг бозоримизга келтиришларини хотиржамлик билан кузатиб тура олмаймиз.

Ўзбекистон бозорида ишлаётган, мамлакатимизда узок муддатли бизнес билан шугулланаётган бирорта фирма, бирорта компания хеч кандай зарар кўрмаган, зарар курмайди хам. 1997 йилда олдиндан тузилган барча битимлар буйича хорижий сармояга эга бўлган ишлаб чикариш корхоналарига 1996 йилгидан кура кўпрок микдорда валюта алмаштирилишига кафолат берилди.

Якин келажакда эса сўм хам эркин алмаштириладиган валюталар каторидан ўрин олади. Бунга иктисодимиз ривожи кафолат беради.

«Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишга интилмоқда. Эшикларимиз дунё учун очиқ ва дунё эшиклари ҳам биз учун очиқ бўлишига ҳаракат қиляпмиз»

*Ислом КАРИМОВ*

## ЖАҲОН БОЗОРИ САРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ҳозиргача дунёдаги деярли ҳамма давлат тан олди, уларнинг 120 тасидан купроги билан дипломатик муносабат урнатилди. Мамлакатимиз тенг ҳуқуқлилик ва мустақиллик асосида барча йирик нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо булди. 100 дан зиёд хорижий давлатдаги чет эллик шериклари билан савдо-иқтисодий алоқаларни урнатди. Республикада 88 хорижий ваколатхона рўйхатдан утди. 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматга қарашли булмаган ташкилот фаолият курсатмоқда.

Республикамиз суверен давлат сифатида очиқ иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида фаол иш олиб бормоқда. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларн изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда бозор иқтисодиёти — эркин иқтисодиёт эканлиги, у очиқ тусда булиб, яккаланиш ва биқиқлик ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиб иш тутилмоқда. Шу бонс, иқтисодиётимизнинг келажаги унинг жаҳон хужалигига кўшилишига богликдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти тарзида ташқи снёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаши, халқаро ташкилотларга, ялпи хавфсизлик тизимларига, давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бу республикамиз ҳақиқий суверенитетнни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш иулидаги муҳим қадам хисобланади.

Мустақил давлатимиз кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Ўзбекистон

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кумаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол снесат утказа бошлади.

Кўпгина халқаро ташкилотлар — БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар республикада узларининг минтақавий ваколатхоналарини очиб, ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Халқаро валюта фонди мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чукур ислоҳ қилиш мақсадида мунтазам ўзгартишлар дастури ишлаб чиқилди ва мазкур дастурни амалга ошириш учун зарур маблағ ажратилди.

Жаҳон банки билан биргаликда миллий валютамизни мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тулов балансини қуллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг таркибини ўзгартириш ва корхоналар даражасида ислоҳотларни амалга оширнш, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни ва янги вужудга келаётган давлатга қарашли булмаган тузилмаларни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қуллаб-қувватлаш ҳамда уларга кўмаклашиш масаласи пухта ишлаб чиқилди ва битим имзоланди.

Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси иштирокида ишлаб чиқилган ҳамда республикада кичик ва урта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи бир канча лойиҳалар, шунингдек иқтисодиётнинг энг манфаатли соҳаларидаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда.

Узбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо булиб кирди. Мазкур ташкилот доирасида республика халқаро транспорт йулларини биргаликда қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол катнашмоқда. Бу йуллар Ўзбекистонга денгиз портларига, мамлакатлараро транспорт тармоқларига, жаҳон товар ва капитал бозорларига чиқиш имконини беради.

Давлатимиз ЭКО — Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзоси сифатида Туркманистон ва Эрон оркали утадиган темир

йуллардан фойдаланяпти. Бизнинг Озарбайжон ва Грузия билан тузган шартномамиз юкларнмиз учун Кора денгиз портларига йул очди.

1994 йилнинг нюнь ойида Ўзбекистон Тарифлар ва савдо бош битимн (ГАТТ)да кузатувчи макомини олди. Бу ташкилот жахон савдосиннинг хозирги тизимини бошкаришда марказий ўринни эгаллаб турибди. ГАТТ га тўла хукукли аъзо бўлиб кушилганимиздан сўнг мазкур битимнинг тула хукукли иштирокчилари булмиш 111 та мамлакат билан савдо-сотик килиш учун мустахкам хукукий асосларга ва имтиёзларга эга бўлдик. ГАТТ ташкилоти уз номини ўзгартирди ва Халкаро Савдо Ташкилоти (МОТ)га айлантирилди. Хозир унга 140 тага якин давлат аъзодир.

Узбекистоннинг халкаро ташкилотлар билан хамкорлиги хам узок муддатли, хам киска муддатли ахамнятга эга бўлган энг мухим вазифаларни бирга кўшиш максадларидан келиб чикиб амалга оширилмокда. Бундан куйндаги максадлар кўзда тутилган:

— жахон иктисодиётига кўшилишдан иборат булган стратегик интеграцион вазифа — Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг ташки дунё билан узаро алокалари учун тенг хукукли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халкаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита кўшилиш;

— республиканинг жорий муаммоларини хал этишга бевосита кумаклашиш, мавжуд халкаро молия муассасаларидан молиявий, техникавий ёрдам ва маслахат олиш йули билан утказилаётган ислохотларни куллаб-кувватлаш.

Ислохотларни амалга оширишнинг биринчи боскичида республиканинг замонавий ташки иктисодий мажмуасини мутлако янгидан шакллантиришнинг ташки иктисодий фаолиятини бошкаришнинг мохият эътибори билан янги механизми ишга тушди. Ташки иктисодий фаолият билан шугулланиши зарур бўлган барча муассасалар амалда янгидан барпо этилди. Ташки иктисодий алока вазирлиги, Ташки иктисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати ташкил этилди. Вазирлар махкамасида, вазирликлар ва идораларда, корпорациялар, концерилар, уюшмаларда ва махаллий бошкарув идораларида тегишли ташки иктисодий булинмалар тузилди ва иш олиб бормокда. Хорижий хамкорлик иштирокида республикада халкаро савдо-сотик маркази тузилди. Мамлакатимиз дунёнинг бир кан-

ча давлатларида савдо уйлари очди. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германия ўртасида хамда республикамиз билан фаол хамкорлик қилишдан манфаатдор булган бошқа мамлакатлар ўртасида бахамжихатлик асосида савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Ислоҳот амалга оширила бошланган пайтдан буен ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг таркиби ва тузилиши ўзгарди. Икки мингтадан купроқ хужалик субъекти, шу жумладан, уюшмалар, концерилар, кичик ва хусусий корхоналар ташқи бозорга чиқиш хуқуқини олди.

1992—1995 йилларда умумий ташқи савдо оборотимиз карийб 2 марта кўпайди. МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий интеграция чукурлашди, ўз навбатида иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатлар билан савдо хажми ва географияси бирмунча кенгайди. Экспорт хажми қийматида анъанавий пахта толасидан ташқари, электр манбаларн чиқариш, тўқимачилик саноати махсулотлари, шунингдек транспорт хизмати, сайёхлик ва бошқа хизматлар кенг урин олди. Импорт тизимида озиқ-овқат махсулотлари келтирнш камайиб, техника ва асбоб-ускуналар олиб келиш салмоги ортди.

Ҳозирги пайтда чет эл сармоядорлари билан хамкорликда ишлайдиган 2500 та корхона рунхатга олинган. 1994—1996 йилларда чет эл сармоялари иштирокида «УзЭллас», «Зарафшон — Ньюмонт», «Узсаламан», «Зариснарк» ва «УзДЭУавто», «Қобул-Туйтепа текстиль» кушма корхоналари ишга тушнрилгач, ахолини сифатли пойафзал, гугурт, автомобиль ва бошқа истеъмол товарлари билан таъминлаш хажми ошди. Қушма корхоналарда махсулотни экспорт қилиш ва хизмат курсатиш хажми 2,1 марта, ишловчилар сони эса 3,7 марта ошди.

Халқаро валюта-кредит муносабатларида хамкорлик ривожланди, чет эл валютасида операцияни амалга ошириш ваколатига эга булган банклар тармоги кенгайди. Бугунги кунда йирик ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг республикадан ташқаридаги 235 дан зиёд банкда корреспондент счёти мавжуд.

1992—1996 йилларда Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш кўрсаткичлари*

(аввалги йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

| | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил | 1996 йил биринчи ярми 1995 йил биринчи ярмига нисбатан |
|---|---|---|---|---|---|
| Ташқи савдо — жами: | | | | | |
| Ташқи савдо обороти | | 150.09 | 114.48 | 113.25 | 130.11 |
| Экспорт | | 171.41 | 110.20 | 111.87 | 104.77 |
| Импорт | | 131.80 | 119.26 | 110.85 | 161.46 |
| МДҲ мамлакатлари билан | | | | | |
| Ташқи савдо обороти | | 213.91 | 113.25 | 82.97 | 72.42 |
| Экспорт | | 279.58 | 110.11 | 77.24 | 49.78 |
| Импорт | | 165.04 | 117.19 | 89.77 | 103.77 |
| Чет эл мамлакатлари билан | | | | | |
| Ташқи савдо обороти | 88.22 | 105.76 | 116.21 | 154.71 | 181.66 |
| Экспорт | 130.62 | 105.47 | 110.33 | 177.42 | 158.71 |
| Импорт | 67.49 | 106.03 | 121.75 | 135.34 | 207.54 |
| Чет эл сармоялари иштирокидаги қўшма корхоналар фаолияти | | | | | |
| Рўйхатга олинган корхоналар жами | 360.76 | 176.32 | 123.98 | 145.91 | 142.76 |
| шу жумладан, ишлаётганлари | 246.15 | 288.28 | 174.53 | 161.34 | 162.07 |
| Ташқи савдо обороти | 10.988 | 72.78 | 272.79 | 302.14 | 546.16 |
| Экспорт | 71.46 | 66.09 | 76.52 | 415.34 | 619.85 |
| Импорт | 181.30 | 77.68 | 395.39 | 288.48 | 539.30 |
| Ишловчилар сони | 174.46 | 181.4 | 150.66 | 134.39 | 144.01 |

Ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бир талай имтиёзлар жорий этилди. Аввало, товарларни импорт қилиш учун божхона тўловлари бекор қилинди. Ўз маҳсулотини экспорт қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди, қўшма корхоналар маҳсулотини экспорт қилиш учун эса тулов олинмайдиган бўлди. Корхоналарнинг экспортдан олинган валюта тушумларини моддий базани ва экспорт имкони-

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й., 84- бет.

ятини кенгайтиришга сарфлашдан манфаатдорлигини ошириш учун кўпгина корхоналар валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан озод этилди.

Хорижий сармоя иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини руйхатдан утказиш ва четга чиқарнладиган махсулот учун рухсатнома (лицензия) бериш тартиби анчагина соддалаштирилди. Рухсатнома асосида четга чиқарнладиган махсулот турларининг сони кескин камайтирилди. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий фаолнятни кучайтиришга, экспорт ва импорт таркибини яхшилашга ижобий таъсир қилди.

Ислохотларнинг биринчи босқичида ташқи савдо икки нуналиш буйлаб: МДҲ мамлакатлари билан хукуматлараро битимлар асосида ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада хисоб-китоб қилиш асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, бевосита ташқи иқтисодий корпорация алоқаларн ўрнатилиши рагбатлантирилди.

Ҳозир анъанавий шериклар — МДҲ мамлакатларидан ташқари, экспортнинг анчагина қисмн Туркия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Голландия, Польша, Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия кабн мамлакатларга тугри келади.

Ҳукуматимнз Марказий Осиё давлатларининг кун томонлама алоқалари ва яқин хамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият беряпти. Зеро, Марказий Осиёдаги қардош халқлар муштарак тарихи, маданий анъаналари бирлиги, турмуш тарзи, руҳиёти ва бошқа куп жихатлари бир-бирига ўхшашлнги билан тугишганлардек булиб кетгаилар. Марказий Осиё давлатларидаги хозирги кунги сиёсий, иқтисодий, маданий, экологнк муаммолар хам кўп жихатдан бир хилдир, иқтисодиётн ҳам бир-бнри билан туташиб кетган ва улар бир-бирига таъсир утказиб турибди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов вужудга келган шароитга асосланиб Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан 1994 йил 10 январ кунн Тошкентда бўлган учрашувда нккала республика ўртасида ягона иқтисодий маконнн вужудга келтириш тўғрисида шартномани имзолашди. Фан, маориф, маданият, соглиқни сақлаш, саёҳатчнлнк ва спорт соҳасидаги хамкорликнн кучайтириш тўғрисидаги хукуматлараро битимларга хам имзо чекилди. Бу шартнома Ўзбекистон билан Қозогистон уртасида товарлар, хизматлар, капиталлар, нш кучининг эркин харакатланиши, баҳамжиҳат кредит, хисоб-китоб,

бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини утказишни кузда тутади. Бишкекдаги учрашувда Қиргизистон ҳам бу шартномага қўшилганлиги Марказий Осиё минтақасидаги узаро яқинлашув жараёнларининг чуқурлашувида янада катта истиқболлар очди.

Уч давлат уртасида ягона иқтисодий макон тугрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Алмати шахрида битимда қатнашувчи мамлакатларнинг вакилларидан иборат Давлатлараро ижроия қўмитаси тузилди. Тошкентда минтақа банк маркази иш бошлади. Саноатни интеграциялаштирадиган дастур ишлаб чиқилди. Ҳозир шу дастур асосида бутун Марказий Осиё минтақаси мухтож бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга тушяпти.

Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига кирган мамлакатлар билан бевосита ва куп томонлама муносабатларни ривожлантириш Узбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимиз ҳамдўстлик гоясини биринчилардан булиб куллаб-кувватлади, унинг муассислари каторига кирди, яқинлашув ва кооперация алокаларини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишларни амалга оширмокда. Иқтисодий ҳамдўстлик муассасалари — Давлатлараро иқтисодий кумита, Давлатлараро банк ва бошка муассасаларни шакллантиришда республикамиз фаол иштирок этмокда. Ҳамдустлик доирасида Россия, Украина, Белоруссия, Молдова, Туркманистон, Грузия, Озарбайжон ва МДҲ даги бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошка шартномалар ҳамда битимлар имзоланди. Бу ҳужжатлар чамбарчас ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкам негизини вужудга келтиради.

Биргина Украина билан киркдан ортиқ хукуматлараро шартнома, битим ва протокол имзоланган. Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дустлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ҳақидаги шартнома, иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақидаги декларация бу йуналишдаги энг мухим хужжатлардир. Савдо-иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик ҳам самарали бўлмокда. Фақатгина 1994—1995 йилларда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми 177.5 млн. долларни ташкил этди. Мамлакатимиз 107.5 млн. долларлик маҳсулот сотиб, 70 млн. долларлик товар харид қилган. Украина қора ва рангли металлургия, агросаноат мажмуаси, машинасозлик, кимё саноати маҳсулотларини етказиб бермокда. Республикамиздан енгил саноат ва тамаки саноати учун хом

ашё, ёкилги-энергетика ва раигли металлургия махсулотларнин харид кнлмокда. Хозирги пайтда 10 та Ўзбекистон — Украина кушма корхонаси ишлаб турибдн. Улардан учтаси халк истеъмоли моллари ишлаб чикариш билан банд.

Иктисодий хамкорликнинг истнкболлари хакида гапирганда, АН-70 ва АН-701 самолётларини ишлаб чикариш буйича Украина — Россия — Ўзбекистон консорциуми режаларнин алохнда таъкидлаш зарур. Бу миллатлараро корпорация тула ишга тушгач, мамлакатларимиз ўртасидагн хамкорлик янги боскичга кўтарилади.

Кишлок хўжалиги машннасозлнги, кимё, енгил ва ознк-овкат саноати, курилиш соҳаларидагн молня-саноат гуруҳларн рнвожланишн учун барча шароитлар мавжуд. Узбекистон ва Украина мнллнй конунчнлигида уларнинг фаолияти учун энг кулай тартиблар белгиланган. Бундай бирлашмалар хамкорлнкнинг ўзаро манфаатли ва узаро макбул шакллари булиб колмокда.

Президентнмиз Ислом Каримовнннг 1996 йилда АКШ га ташрнфн, Президент Билл Клинтон билан музокаралари давлатимиз билан АКШ ўртасидагн муносабатларда янги сахифа очди. Бугунги кунда мамлакатимизда 200 га якин АКШ компания ва фирмалари фаолият кўрсатаяпти. Улар орасида «Каргил интерпрейзес», «Интерконсептс», «Байтмнл инжинеринг», «Лиг трайлинг груп», «ФМС корпорейшн», «Жи-Эй-Би», «Проктор энд гембл», «Агротек» каби фирма ва компаниялар бор. АКШ ишбилармонлари билан Ўзбекистон уртасидаги алокаларнинг ривожида эса Америка Хусусий тадбиркорларни куллаб-кувватлаш корпорацияси (ОПИК)нинг алохида хизмати бор. ОПИК республикамизда фаолият курсатаётган Америка компанияларининг 200 миллион долларлик сармояларини, шунингдек, Ўзбекистон ва янги мустакил давлатлар иктисоднётига киритилган умумий хажми 1.2 миллиард долларлик 6 та инвестиция лойихаларини куллаб-кувватламокда. Унинг ёрдамида мамлакатимиз газ саноатини ривожлантиришга 400 миллион доллар сарфлади.

Президентимизнинг АКШ га ташрнфи доирасида Техас штатидаги Хьюстон шахрида Узбекистон билан АКШ уртасида имзоланган ахдлашувнн хеч муболагасиз тарихий, деб бахолашга хамма асослар бор. Бу кенг камровли лойихага кура АКШ ннинг етакчи фирма ва компаниялари республикамиздаги 200 мингта енгил ва юк автомобили, автобусларнн табиий газда ишлашга ўтказиш тадбирида иштирок этадилар. Ушбу хамкорлик нефтнн тежашдан катта иктисодий самара келтирнши билан бир катор-

да, ўлкамиз атроф-мухитини яхшилашда беқиёс аҳамиятга эга булади.

Фаргона вилоятн бутун Марказий Осиёда биринчи булиб нефть қазиб олинган ва қайта ишланган минтақа эканлиги хаммага маълум. Бу ерда анчадан бери нефтни қайта ишлаш мажмуалари мавжуд эди. Шу сабабли Фаргона нефтни қанта ишлаш бирлашмасида мустақиллик йилларида мавжуд курилмаларни такомиллаштириш, хом ашёни қайта ишлаб, янги махсулот турларини ишлаб чиқаришни йулга куйиш борасида кенг куламда ишлар олиб борилди. Натижада бирлашма 1995 йилдан бошлаб тулиқ Ўзбекистон нефтини ва газ конденсатини қайта ишлай бошладн. Бугунги кунга келиб бирлашмага Мингбулоқ нефтини сақловчи, тузлардан тозаловчи ва қайта ишловчи мажмуа яратилди. Бундан ташқари, ўтган йилларда завод мутахассисларн томонидан техник талабларга жавоб берувчи экстракцион бензин, реактив двигателлар учун бензин, ТП-30 туридаги турбина мойи, тепловозлар учун «Ферад» присадкали «Фергазол» туридаги мотор мойи чиқариш технологиялари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Корхона жамоаси Президент Ислом Каримов томонидан куйилган нефт мустақиллигини таъминлашдек масъулиятли ва айни чоғда шарафли вазифани бажариш юзасидан кенг камровли тадбирлар ишлаб чиқиб, изчил амалга оширяптн. 1995 йилдан бошлаб бу соҳада кескин бурилиш ясалди. Намаигандаги Мингбулоқ, Қашқадарёдаги Кукдумалоқ конларини тула қувват билан ишлатиш асосида Россия ва бошқа давлатлардан қайта ишлаш учун нефть келтиришдан бутунлай воз кечилди. Корхона фақат узнмизда қазиб олинган нефтни қайта ишлашга киришдн. Иш суръати ва махсулот хажмини пасайтирмаслик учун айрим цех ва курилмаларни янги нефтга мослаштиришга, технологияни ўзлаштиришга тўғри келдн. Фидокор ишчи ва хизматчилар, тадбиркор мухандис-техник ходимлар тажриба, билим ва махоратларнин ишга солиб, янгича шароитда ишлаш, замонавий технологияларни узлаштириш билан боғлиқ тадбирларни ўз вақтида амалга оширишди. Корхонада махсулот турларини тула сақлаб колиш билан бирга, илгари бошқа давлатлардан ташиб келтириладиган 15 хилдаги нефт махсулотларини шу ернинг ўзида ишлаб чикарнш йўлга қўйилди.

Бирлашмада махсулот сифатини тула кафолатлайдиган сертнфикатлашга алохида эътибор берилмокда. Хозиргача махсулотнинг 27 тури сертификациядан ўтказилиб, давлат стан-

дартн талабларига тула жавоб берадиган даражага етказилди. Маҳаллий нефтдан мураккаб технология асосида ажратиб олинадиган махсус ёнилги ишлаб чиқаришнинг узлаштирилиши изланувчан, ижодкор мутахассисларнинг жуда катта ютуғи булди.

Ходимларни хар жихатдан рағбатлантириш, малака ва маҳоратнин ошириш, тежамкорлик ва тадбиркорлик билан иш юритиш, ижодий изланиш ва ташаббускорликка кенг йул очиб бериб, бошка жамоа ва турдош корхоналардаги илғор тажрибаларни ўрганиб, уларни ишлаб чиқаришга кенг жорни этиш, Ҳамдустлик мамлакатлари ва хорижин давлатлардаги ҳамкасблар билан дўстлик ва амалий хамкорлик алоқаларнни мустахкамлаш орқали буидай ютуқларга эришилмокда. Масалан, Япониянинг «Микун энд компани лимитед» фирмаси билан биргаликда бирлашмаининг дизель ёнилгиси ишлаб чиқарувчи қурилмасини таъмирлаш лойихаси куриб чиқилмокда. Бахоси 200 миллион АҚШ долларига тенг келадиган мазкур лойиҳа ижроси бўйича 1996 йил июль ойида шартнома тузилиб, уни икки йилда куриб битказиш кўзда тутиляпти. Янги корхона дизель мойинн таркибидаги кераксиз моддалардан тозалаб, ёнилги сифатининг жаҳон андозаси даражасида булишнни таъминлайдн. Бирлашма айни пайтда ишлаб чиқараётган ялпи махсулотнинг 40 фоизини дизель мойи ташкил этаётганини хисобга олсак, янги лониха ва корхона Ўзбекистон учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади.

Нефтни қайта ишлаш саноатидаги бу дадил қадамлар икки жихати билан муҳим: биринчидан, мавжуд қурилмаларда, яъни тайёр негизда янгиланишлар содир булади, иккинчидан эса, Фарғона ва Бухорода кудратли мажмуаларнинг ишга туширилиши ва такомиллаштирилиши бутун Узбекистоннинг ёнилгига эхтиёжини худудий жихатдан тўлиқ камраб олиш имкониятнни яратади.

Фарғона вилоятида «Ўзсаламан» ўзбек-немис қушма корхонасининг ташкил топишига Ислом Каримовнинг Германияга расмий ташрифи чогида асос солинган эди. Президентимиз германиялик ишбилармонлар билан учрашган чоғида республикамиз ахолисини саноат моллари, шу жумладан, пойафзаллар билан таъминлашда илғор технология асосида иш олиб бораётган Германиядаги ишлаб чиқарнш корхоналари билан хамкорлик қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжудлигини таъкидлаб, бу борадаги таклифлар булса, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашинн билдирган эди.

Дунёга машхур «Саламандер» фирмаси вакиллари бу таклифга биринчилардан бўлиб қушилдилар ва тез орада Узбекистонга келиб бу ердаги пойафзал ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан танишдилар. «Саламандер» фирмаси вакиллари «Фарғонапойафзал»нинг ишлаб чиқариш майдонлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан танишгач, шу корхона билан қушма корхона ташкил этишни таклиф этдилар. Натижада «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси, «Саламандер» фирмаси, «Фарғонапойафзал» вакиллари «Ўзсаламан» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қушма корхона 1995 йилнинг декабрь ойида узининг илк махсулотини харидорларга етказиб берди. Дастлаб кунига 10 жуфт пойафзал чиқариш билан иш бошлаган «Ўзсаламан» бугунги кунга келиб 1100 жуфт пойафзал ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди

Корхона ўз фаолиятининг бошланиш даврида 4 турдаги эркаклар пойафзали ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда бу рақам 16 тага етди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 1996 йил 29 апрелдаги 166- сонли қарорига асосан «Ўзсаламан» қушма корхонасини янада кенгайтириш учун 15 миллион сум миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ корхона ишлаб чиқариш қувватини йилига 500.000 жуфтдан 700.000 жуфт пойафзал ишлаб чиқаришга етказиш имконини беради.

Тошкент I- пойафзал фабрикаси ҳам Чехия билан хамкорликда йилига 800 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқаришни йулга қўйди. Самарқанд вилояти худудида хорижий хамкорлар билан биргаликда 131 та қўшма корхона ташкил этилди.

Хорижий инвестиция корхоналарининг Низом сармояси 258 млн. сумни ва 32.9 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Шундан хорижий хамкорларнинг улуши 87.5 млн. сўмни ва 18.8 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

14 та қушма корхона халқимизга саноат махсулотлари етказиб бериш билан шуғулланмокда, шунингдек уларда тамаки, пахтадан йигирилган ип газламалари, гранит, мармар, ёғоч материаллари ва бошқа халқ истеъмол молларн ишлаб чиқарилмокда. Шуниси ҳам борки, бу корхоналар саёхат, савдо-воситачилик хизматлари, қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва бошқа хизматларга ихтисослашган.

1995 йилда вилоятдаги қушма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг умумий хажми

1994 йилга нисбатан 4 марта ўсди. Вилоятда 1995 йилда қушма корхоналар маҳсулотларининг экспорт хажми 3,5 млн. АҚШ долларидан иборат булди. Бу кўрсаткич 1996 йил январ-апрел ойларида 1,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2,6 мартага ўсди. 1 апрел холатига кўра корхоналарда банд бўлган ишчилар сони 2065 кишини ташкил қилди.

Дунёнинг 26 давлати билан хамкорликда ташкил этилган 131 та қушма корхонадан 22 таси Россия билан, 16 таси Афгонистон, 14 таси АҚШ, 13 таси Туркия, 9 таси Швейцария, 7 тадан Хитой ва Олмония, 6 таси Покистон, 4 таси Италия давлатлари билан хамкорлик қилмокда.

Айникса, саноат махсулотлари ишлаб чиқариш билан шугулланаётган қушма корхоналар хозирги кунда кузга курнинарли муваффақиятларга эришмокдалар. Самарқанд вилояти Қушработ туманининг энг йирик саноат корхонаси саналган Зармитан олтин саралаш заводида таркибида олтини бўлган руда ишлаб чиқарилади. Сўнгги йилларда корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб кетди, ишлаб чиқарилган махсулотининг таннархи унинг сотиш бахоларидан юқори булаётган эди.

Мавжуд ахволни яхшилаш мақсадида Австралияннинг «Вестерманнинг» фирмаси билан хамкорликда қушма корхона ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилиб, мазкур фирма билан контракт имзоланди. 1997—2000 йилларда фирма томонидан рудадан олтин ажратиб олиш бўйича фабрика қурилиши ва уни керакли технологиялар билан жихозлаш учун 300 млн. доллар миқдорида инвестиция ажратилиши кузда тутилмокда. Бундан ташқари, фирма фабрика фаолияти учун зарур булган коммуникацнялар барпо этишда фабрикани 100 нафар юқори малакали чет эл мутахассиси билан таъминлашни, улар учун туманда алохида кўргон барпо этишни ўз зиммасига олди.

Рақобатбардош спорт кийимлари ва болалар трикотаж махсулотлари ишлаб чиқарадиган «Самжинтекс» йирик қушма корхонаси 1995 йил 17 январда Жомбой тумани «Дустлик» жамоа хужалигида ташкил қилинди. Низом сармояси 21,3 млн. АҚШ доллари миқдорида бўлиб, шундан Ўзбекистон томонининг улуши 49 фоиз, хорижий хамкорларнинг улуши эса 51 фоиздан иборат.

«Самжинтекс» ташкил топган йили 276 киши ишлаган ва 31,4 млн сумлик махсулот ишлаб чиқарилганди. Шундан 19,1 млн. сўмлиги 222 тонна пахтадан йигирилган ип, 12,3 млн. сумлиги 136,1 тонна пахта ипидан ишлаб чиқарилган газламалар, 1,1 млн

АҚШ доллари қийматнга эга бўлган махсулотлар экспорт қилинди. Пахтадан йигирилган ип 359 минг., пахта ипидан йигирилган газламалар 737.6 минг АҚШ долларини ташкил этади. 1996 йилнинг 4 ойида корхонада меҳнат қилган 419 ходим 86841.1 минг сумлик махсулот ишлаб чиқарган.

Маълумки, Самарқанд вилояти Узбекистоннинг асосий тамаки етиштирувчи минтақаси саналади. Вилоятнинг саховатли заминида етиштирнладнган хушбуй тамаки навлари хориждаги транснационал компанняларни қизиқтирмасдан қолмасди, албатта.

«ЎзБАТ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Тошкент тамаки фабрикаси. Самарқанд ва Ургут тамакини ферментациялаш заводлари қошида тузилди.

Самарқанд шаҳри Сиёб туманининг Фарҳод қургонида сигарет ишлаб чикарувчи фабрика курилиши ҳам кузда тутилган. «БАТ-Инвестменст» Британия — Америка компанияснинг инвестиция дастури 5 йилга мулжалланган бўлиб, 232 млн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Шуннигдек, компаниянинг «ЎзБАТ» ҳиссадорлик жамнятини куриш учун ажратилган капитали купайиши ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги 309- сонли қарорига биноан «ЎзБАТ АЖ» беш йил мобайнида «Ўзозиқовқатсаноат» давлат концернига келишилган нархлар ва муддатларда умумий миқдори 65 минг тонна булган ферментланган тамаки баргини етказиб беради.

Бундан уч йил аввал Низом фонди 1,8 млн АҚШ доллари миқдорида бўлган мармар ва гранитни қайта ишлаб силлиқловчи Ўзбекистон — Австрия «Мармар — Гранит» қушма корхонаси ташкил этилганди. 1995 йилда бу корхона томонидан 1,6 млн. сўмлик 147 кубометр мармар блокларн ишлаб чиқарилиб, 13,5 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди.

1995 йил 13 июнда чулки-пайпоқ буюмларн ишлаб чикарадиган ўзбек-испан «Ҳамро-УИК» қўшма корхонасига асос солинган бўлиб, унинг Низом фонди 100 минг АҚШ долларини ташкил этди. Қушма корхонада ишловчи 20 киши томонидан етти ой мобаннида 2,1 млн. сумлик 154 минг жуфт пайпоқ буюмларн ишлаб чикарилди. 1996 йилнинг 1 чорагида эса 29 ишчи ходим томонидан 1,2 млн. сумлик 86,6 минг жуфт пайпоқ буюмлари тўқилиб, унинг экспорт ҳажми 38,8 минг АҚШ долларини ва импорт ҳажми эса 37,1 минг сўм АҚШ долларини ташкнл этдн

Шунингдек, 1992 йил 8 январда тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарадиган ўзбек-афгон «Самарқанд ЛТД» қушма корхонаси, 1992 йилнинг 9 ноябрида эса пойафзал ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Туркия «Юлдуз» қўшма корхонаси, 1995 йил 25 ноябрда қулда гилам тўқиш билан шуғулланадиган узбек-афгон «Афгон-Бухоро-Самарқанд» қушма корхонаси каби нхчам корхоналар Самарқанд шахрида ташкил этилди.

Қурилиш-монтаж ишлари ва йигма темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган Ўзбекистон — Югославия — Швейцария «Самрад» қушма корхонаси хам Самарқанд шахрида ташкил этилди. Унинг Низом фонди 200 минг немис маркаси миқдорида бўлиб, томонларнинг улуши 50 фоиздан иборатдир.

1995 йилда «Самрад» қушма корхонасида 805 киши фаолияти билан 41 млн. сумлик темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарилди ва 43.6 млн. сумлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилдн.

1996 йилнинг I чораги давомида эса 864 кишининг самарали мехнати билан 5,6 млн. сумлик ёки 1394 тонна сифатли темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарилиб, 7.2 млн. сумлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди.

1995 йилнинг ноябрь ойида наманганлик 300 нафар нигит-кнз энг замонавий дастгохлар ўрнатилган, шинам, ёруғ, озода цехларда нш бошладилар. Бу Туркиянинг машхур «Астои» фирмаси билан хамкорликда барпо этилган «АсНам-Текстиль» қўшма корхонасн эди. Янги корхонада германиялик мутахассислар уз мамлакатларида ишлаб чиқарилган юксак унумли замонавий дастгохларни урнатдилар. Қушма корхона курилишига муассислар томонидан 100 миллион маркадан ортик маблағ сарфланган. Мутахассисларнинг фикрича, корхонага сарфланган бу маблағлар тез орада копланади. Чунки, бу ерда йнлига махаллий хом ашё — пахта толасидан жахон андозалари талабига мос келадиган 3000—3020 тонна ип-калава ишлаб чиқарилади. Махсулотнинг асосий кисми жахон бозорига олиб чиқилади. Бундан хар икки томон хам катта манфаат кўради. Зеро, қушма корхона акцияларининг 49 фонзи Ўзбекистонга, 51 фоизи туркиялик хамкорларга тегишли.

Наманган вилояти корхоналари билан хорижий мамлакатларнинг фирма ва компанияларн хамкорлигида ташкил этилаётган қушма корхоналар нчида Германиянинг салмоги хам алохида уринни эгаллайди. Жумладан, «Алкатель» фирмаси би-

лан ҳамкорликда Наманган шаҳрида янги телефон станцияси — коммуникация воситаси ишга туширилди. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Наманган бошқа вилоятлар орасида биринчи бўлиб бу муҳим ва истиқболли ишга киришди. Эндиликда наманганлик исталган мижоз ва тадбиркор дунедаги ҳар қандай сухбатдоши билан саноқли дақиқаларда боғлана олади.

Шунингдек, «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида Германиянинг «Текстима» фирмаси билан ҳамкорлнкда сунъий мўйна ишлаб чиқарадиган фабрика фойдаланишга топширилди. Корхонани жиҳозлаш учун 3.3 миллион дойчмарка миқдорида инвестиция жалб этилди. Фабрикада 4 та линия урнатилган бўлиб, 2 тасида пойафзал корхоналари учун, 2 тасида тикувчилик саноати учун сунъий мўйна тайёрланади. Корхонада юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган «Вольтекс» ва «Кунит» технологияси асосида сунъий муйна ишлаб чиқарилмоқда. Аъло сифатли бу мўйна республикамиз, қолаверса, жаҳон бозорнда ўз урнини эгаллашига шак-шубҳа йук. Корхонада бир йилда бир миллион метр сунъий муйна ишлаб чиқарилиб, шундан 15 фоизи Германия томонидан сотиб олиниши ҳам маҳсулот сифатининг юкори даражада эканлигини тасдиқлайди.

Хоразм вилоятида истиқлол даври айнан базавий тармоқларни шакллантиришдан бошланди. «Мерседес» юк машиналарн заводи бу йўналишдаги қалдиргоч корхона бўлди. Вилоятнинг Дустлик шаҳридаги агрегат заводи билан танишган немис мутахассислари «Мерседес-Бенц» юк автомашиналарини ишлаб чиқишни таклиф қилди. Шу таклифга кўра, Вазирлар маҳкамасининг қарори билан 1993 йилда Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил қилинди. Корхона ишлаб чиқаришида қатъий интизомга, молиявий тартибга-риоя этилди ва янги технологияда ишлаш йулга қўйилди. Маҳаллий ёш кадрларни ишга жойлаштирнш ва уларни хорижий тилларга ўргатишга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, бирлашмада хорижий тиллар (инглиз ва немис тиллари)да укитиш курслари ташкил қилинди. Айни чогда мактабларнинг қобилиятли битирувчи синф укувчиларидан танлов йули билан ишга қабул ташкил қилинди. Бу ўкувчиларнинг купчилиги бирлашма маъмурияти томонидан берилган тавсияномалар билан олий ўкув юртларига юборилдилар.

Немис технологиясига ургапиш учун мутахассислар «Мерседес-Бенц» фирмасига ўқишга юборилди. Улар немис мутахассислари билан биргаликда автомобилсозлик сирларини ургапиб,

«Мерседес» оғир юк ташувчи автомобилларини йиғишни бошладилар ва 1994 йилнинг 29 январь куни биринчи автомобиль йиғув конвейеридан чиқди.

Бирлашмадаги цехлар чет эл технологияси асосида тайёрланди. Шу билан бирга, Германиянинг ярим прицеплар ишлаб чиқарувчи «Готаэр Фарнойверк Гмбх» фирмасига ва Венгриянинг «КОМЕД» фирмасига хам бир гурух ишчи ва хизматчилар ўз малакаларини ошириш учун юборилди.

Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқишида оғир юк ташувчи автопоездларни ишлаб чиқариш жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда ишлаб чиқарилган дастлабки 400 дона автомашина мана шу мақсадда фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида вилоят маҳаллий бюджетини сезиларли даражада кўтаришга эришилди ва Хоразм вилоятида саноат ишлаб чиқариш юксалиши бошланди. Бирлашма амалий ишлари бу билангина чекланмайди. Бинобарин, Венгриянинг «КОМЕД» фирмаси билан ҳамкорликда ногиронлар учун аравачалар, тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш амалга оширилмоқда.

Қисқа муддат ичида ички бозорни тўлдирадиган ишлаб чиқарувчи кичик технологияларни жорий этишга имконият яратилди. Бундан ташқари, халқнинг эҳтиёжини қондириш учун 20 дан ортиқ турда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бошланди ва вилоят жамоа хўжаликларида туриб қолган қишлоқ хўжалик техникалари учун зарур эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ва таъмирлаш технологияси урнатилиб, йўлга қўйилди. Бирлашма худудида тикув цехи ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси ишга туширилди, табиийки, кушимча ишчи уринлари очилди.

Вилоятда чет эл инвестицияси жалб қилиниб, Туркия, Англия, Хитой, Германия ва бошқа бир қанча давлатлар фирмалари билан хамкорликда қатор кушма корхоналар, енгил саноат корхоналари барпо этилиши яхши самаралар берди. Хозирги кунда «Хоразм ипаги» хиссадорлик жамиятида Хитой технологияси ўрнатилиб, йилига 1 млн. пагон метр ипак газламалар ишлаб чиқариш кувватига эга булди. Боғот туманида Англияниинг «Вериман» фирмаси билан хамкорликда йилига 2500 тонна пахта толасидан тиббиёт пахтаси ишлаб чиқарадиган, Хонка туманида Россиянинг «Камишина» фабрикаси билан хамкорликда йилига 1600 тонна ип калаваси ва 10 млн. пагон мето ип газламалар ишлаб чиқарадиган фабрикалар ишга туширилди.

«Феруз» хиссадорлик жамияти янги ишлаб чиқариш биноси-

нинг тикув, тайёрлов-бичув ва тажриба цехларида 320 га якин тикув машиналари ўрнатилиб, қўшимча 100 та ишчи-хизматчи иш билан таъминланди. Истиқлол йилларида хиссадорлик жамиятида 35 га якин янги махсулот турларн ишлаб чиқарилди. Урганч мебель фабрикасида Германиянинг «Менер» фирмаси ёрдамида медицина тўшаклари ишлаб чиқариш йулга қуйилди.

Ҳозирги вақтда енгил саноат қушма корхоналаридан 8 та, хусусий корхоналардан 1 та фабрика курилиши бошланиб, жаҳон бозори талабларига жавоб бераднган, рақобатбардош, экспорт қилинадигаи махсулотлар ишлаб чиқариш ҳам мулжалланмокда.

Шовот ва Богот туманларида республика енгил саноат уюшмаси томонидан тўқимачилик мажмуаларн қурилиши давом эттирилмокда. Гурлан туманида Туркиянинг «Язекс» фирмаси билан ҳамкорликда «Гурлан» хиссадорлик жамиятига қарашли, йилига 3 минг тонна пахта толасидан 8 млн дона кийим-кечак ишлаб чиқараднган тукимачилик мажмуаси ишга туширилиш арафасида турибди. Шунингдек, Урганч шаҳрида Туркиянинг «Мем-Гилан» корхонасининг йилига 3700 тонна ип калаваси ишлаб чиқарадиган тукимачилик мажмуи курилиши олиб борилмокда ва шу йилнинг охиригача пахта тозалаш заводнинг ишга туширилиши режалаштирилган. Йилига 1800 тонна ип калаваси ишлаб чиқарадиган, Туркиянинг «Нуртоп» фирмаси билан ҳамкорликдаги қўшма корхона курилиши тугатилиб, ип йигирув дастгоҳларини олиб келиш масаласи ижобий ҳал қилинмокда.

Булардан ташқари, «Хива гилами» хиссадорлик жамияти иккинчи навбатининг курилиши Германиянинг бир қатор фирмалари билан ҳамкорликда корхонанинг уз маблағи ҳисобига олиб борилмокда ва қўшимча 5 минг тонна ярим жун калаваси ва 500 минг кв. метр гилам ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Бу корхоналарда асосан чет эл дастгоҳлари ўрнатилиб, юқори сифатли, дунё андозаларига мос тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилмокда. Булардан ташқари, чет эл фирмалари ёрдамида Богот туманида шиша заводи, Хазорасп ва Қушкупир туманларида шакар заводи қурилиши олиб борилмокда. 2000-йилларга бориб вилоят саноатнда кескин бурилиш рўй бериши, махсулот ҳажми 3—4 баробар кўпайиши кузда тутилган. 1996—2000 йилларда Хоразмда саноатнинг ривожланиш дастурига асосан пахта хосилнинг 30—50 фоизи енгил саноат корхоналарида қайта ишланиб, экспорт махсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Хорижлик хамкорлар иштирокидаги кулами тадбиркорлик фақат шулардангина иборат эмас. Жумладан, Урганч «Парранда-чилик» уюшмаси Франциянинг «Сенаско» фирмаси билан тухум тулдириш (флей) ва мева шарбатлари ишлаб чиқариш буйича шартнома имзолади. Шунингдек, Дустлик шахридаги «Коинот» заводи негизида видеоаппаратуралар ва рангли телевизорлар, Хева керамика заводи негизида кафел тоштахталар ишлаб чиқариш буйича хорижий хамкорлар жалб этилмокда.

Мустақиллик йилларида Тошкентда хорижий сармоялар жалб этилган 1000 дан ортик корхона ташкил этилди. Хорижий инвестицияларни энг кулай воситаси булган бундай корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар (ишлар, хизматлар) хажми 1995 йилда 5 миллиард сумдан купрокни ташкил этди. 1991 йилда эса шахарда жаммаси булиб 44 та кушма корхонада ишлаб чиқарилган махсулот (ишлар, хизматлар) хажми эса 409.3 минг сумликни ташкил этганди. Тагин бир мухим курсаткич: мабодо, 1991 йилда 5 та кушма корхона 22.2 миллион АҚШ доллари микдорида махсулотни четга чиқарган бўлса, 1995 йилда 75 та қўшма корхона 48.8 миллион АҚШ долларидан купрок микдоридаги махсулотларни экспорт килди.

Хорижий сармояларни жалб этиш экспорт имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар турларини сезиларли даражада кўпайтириш имконини яратмокда. Бугунги кунда хорижий сармоялар қўйилган қушма корхоналарда 600 турдан купрок махсулот ишлаб чиқарилмокда. Маишни аудир ва видеотехника, телефонларнинг турли хиллари, пластмассадан тайёрланган буюмлар, тиббиёт асбоб-ускуналари, заргарлик буюмлари, маиший техника, қишлоқ хўжалик машиналари ва жихозларга эхтиёт қисмлар хамда бутловчи қисмлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

1996 йилнинг январ-апрел ойларида қўшма корхоналар томонидан 3.9 миллиард сўмликдан кўпрок микдорида махсулот ишлаб чиқарилди ва хизмат курсатилди. 1995 йилнинг шу даврида эса бу курсаткич 925 миллион сумликни ташкил этарди.

Хорижий сармоялар қўйилган барча корхоналарнинг 27,2 фоизи саноат тармоғи хиссасига тўгри келади. Мазкур корхоналар 1996 йилнинг январ-апрел ойларида 2 миллиард сумликдан кўпрок микдорда махсулот ишлаб чиқардилар. Бу эса барча қўшма корхоналардаги ялпи махсулот хажмининг 51,6 фоизини ташкил этади.

Италия билан хамкорликда 1994 йилда ташкил этилган «Ўзинталмоторхолдинг» қўшма корхонасининг низомий жамгармаси 170 миллион АҚШ долларидан иборат. Қушма корхона трактор двигателлари ва уларнинг эхтиёт қисмлари, шунингдек велосипедлар ишлаб чиқаради. Йиллик қуввати 5 минг двигател ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Шу мамлакат билан бирга ишга туширилган «Совпластитал» қўшма корхонасида 1412 киши мехнат килади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маиший пластмасса буюмлари, эеб-зийнатлар, бинолар ичларини безашга мўлжалланган махсулотларнинг йиллик хажми 413 миллион сўмликка тенгдир.

Жанубий Корея билан хамкорликда 1993 йилда «ЎзДЭУэлектроникс» қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Унинг бир йиллик махсулот хажми 7,3 мингта плейер, 252,6 мингта беш турдаги видеомагнитофон, 8 мингта автомагнитола, 38,9 мингта рангли телевизорни ташкил этади.

Ана шу мисолларнинг узи Ўзбекистон ички бозори сифатли махсулотлар билан тулибгина қолмасдан, мамлакатимиз жахон бозорига хам изчил кириб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладигаи қушимча рагбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тугрисида»ги 1996 йил 30 ноябрдаги фармони айниқса катта ахамиятга эга булди. Ушбу фармонга биноан экспортга йуналтирилган ва импорт урнини босадиган махсулот ишлаб чиқарадиган, шунингдек, республика иқтисодиётига сармоя қуядиган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилишини хамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рагбатлантириш мақсадида 1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қунидаги шартларга жавоб берадиган, янгидан ташкил этиладиган корхоналар Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг худудии органларида давлат руйхатидан утказилиши лозим булган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киритилди.

— корхонанинг низом жамгармаси 300 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас;

— корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс булиши шарт;

— хорижий сармоялар улуши корхона низом жамгармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда хорижий сармоялар иштирокидаги кор-

хоналар жумласига кирмайдиган хамда корхона жойлашган худуддаги шахар ва туман хокимликларида белгиланган тартибда давлат руйхатидан утказиладиган булди.

Юкорида кўрсатилган шартларга мувофик булган хамда хужалик фаолиятидан тушадиган жами маблагнинг 60 фонздан кўпрогн низом фаолиятида уларнинг ўзлари ишлаб чикараётган махсулот ёки курсатаётган сервис хизмати улушига тугри келадиган хорижий шўъба ва қўшма корхоналар хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чикариш корхоналари жумласига киради.

1997 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чикариш корхоналари учун амалдаги кафолатлар ва имтиёзларга қўшимча равишда солик имтиёзларнинг қуйидаги турларн жорий этилди:

— республика инвестиция дастурига кнритилган лойихаларга маблаг сарфланаётган хорижий сармоялар иштнрокидаги ишлаб чикариш корхоналари учун фойдадан олинадиган солнкдан озод килиш муддати 5 йилдан 7 йилга кадар узайтнрилди;

— илгари республика инвестиция дастурига кнритилган хорижий сармоялар иштнрокидаги ишлаб чикариш корхоналари учун мазкур Фармонда кузда тутилган шартларга риоя этнлгани холда аввал берилган имтнёзли муддатни хисобга олиб, солиққа тортнш имтнёзли режимининг умумнй даврн 7 нилгача ошириладиган бўлди;

Низом жамгармасидагн хорнжин сармоялар иштнрокидаги ишлаб чикариш корхоналари учун фойдадан олинадиган соликнинг амалдаги ставкалари камайтирилиб, улар низом жамгармасиннинг катталнгига караб қуйидаги миқдорларда белгиланди:

— 300 минг АҚШ долларидан 1 миллион долларгача тенг бўлган суммадан — 20 фоиз миқдорида;

— 1 миллион АҚШ долларига тенг ва ундан купрок булган суммадан — 16 фонз миқдорида.

Экспортга йуналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган махсулот ишлаб чикарувчи хорижий сармоялар иштирокида янгидан ташкил этнладиган ншлаб чикариш корхоналари:

— агар ишлаб чикариш хажмида 25 фоиздан купрогини болаларга мулжалланган товарлар ташкил этган тақдирда ишлаб чикариш бошланган пайтдан 5 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган соликни тўлашдан озод килинди. Шундан кейинги йилларда мазкур корхоналарнинг фойдасндан солик амалдагига

нисбатан 2 баравар камаитирилган ставка бўйича ундириб олинадиган булди;

— агар корхонанинг низом жамгармасида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан 2 йил муддат мобайнида фойдадан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилинди;

— фойдадан олинадиган солиқ тулашдан озод килинган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхонасини тугатиш чогида белгиланган имтиёзли даврдан суиг бир йил утгунга қадар солиқ суммаси унинг бутун фаолият даври учун тулиқ миқдорда ундириб олинадиган бўлди;

— низом жамгармасида хорижий сармоялар улуши 50 фоиз ва ундан купроқ булган хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфланадиган фойдаси солиққа тортишдан озод килинди.

Бу қушимча имтиёзлар мамлакатимиз иқтисодиётига қушимча сармоялар жалб этиш мақсадига хизмат қилади. Пировард натижада эса давлатимиздаги корхоналарга энг замонавий техника, энг яхши технологиялар жорий этилади, уларда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш купаяди.

Бугунги кунда республиканинг экспорт салохиятини кенгайтириш — ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг устувор жабҳаси хисобланади. Маҳсулотларимиз экспортини кескин оширмасдан, корхоналар фаолиятини рақобатбоп товарлар ишлаб чиқаришга мослаштирмасдан, валюта ресурсларини купайтирмасдан туриб иқтисодиётни тараққий эттириш жуда қийин. Ўзбекистон экспорт салоҳиятини анъанавий хом ашё ва ярим тайёр моллар — пахта ва пахта маҳсулотлари, рангли металлар, минерал ўғит ва бошқа моллар хисобига ошириш муҳим аҳамият касб этади. Биз ҳам ўзимизнинг улкан бойлигимизни жаҳон бозорида сотишни урганишимиз керак.

Шу билан бирга, мамлакатимиз экспорт имкониятларини кескин оширишнинг муҳим омилларидан бири — ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштириш ва четга тайёр маҳсулот чиқаришдан иборат булиши керак. Бизнинг буш, анчайин заиф томонимиз ҳам ишлаб чиқаришда тугалланмаган технологик жараёнлар кўплигидадир. Ҳолбуки, булар экспорт имкониятларини кенгайтиришнинг жуда катта резервидир. Масалан, мувофиқ технологияни жорий этиш билан табиий газдан бир қанча турдаги по-

лимер материаллар (полиэтилен, поливинхлорид ва хоказо), нитрил-акрил кислотаси, нитрон толаси ва бошка бозори чаққон махсулотлар олиш мумкин. Ёки капролактамдан полнамид-6, нитрондан хам кўпгина янги махсулотлар олиш мумкин. Бугун миллион тонналаб бекор ётган каолин қазилмалари хам экспорт имкониятларини кенгантира олади. Куп сармоя сарфламасдан, янги технологияни амалиётга тадбиқ этиш, технологик жараённи нихоясига етказиб, катта самара олиш мумкин булган мисолларни бошка сохалардан хам топса бўлади.

Ана шу имкониятлар хисобга олинган холда экспортни рагбатлантириш тадбирлари кузда тутилган Ўзбекистоннинг экспорт салохиятини ривожлантириш махсус давлат дастурларини ишлаб чиқишга киришилди.

Президентимиз Вазирлар Махкамасида 1997 йил 27 февралда бўлиб утган мажлисда экспортни ривожлантиришда катта натижаларга эришганларни хар нили миллий мукофотлар билан тақдирлаш масаласини таклиф этди. Айни пайтда экспорт-импорт суғурта компаниясини ташкил этиш билан четга мол чиқарадиган хужалик субъектларини химоя ва сугурта қилишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирларн курилмокда. Бу хол Ўзбекистоннинг жахон бозоридан муносиб ўрин олишига хизмат қилади.

«1997 йилни мамлакатимизда Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилганлигимизнинг асосий мақсади, бу биринчи навбатда — дунёда энг ноёб бойлик бўлмиш инсон ҳаётига, шаънига, қадр-қимматига жамият эътиборини қаратишдир».

*Ислом КАРИМОВ*

## ҲАММАСИ ИНСОН УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов алоҳида таъкидлаб утганларидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган «Барча ислоҳотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат»дир.

Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиёти тизимида махсус ҳимоя ва кафолатлардан асосан меҳнат лаёқати чекланганлар фойдаланишлари лозим, яъни нафақахўрлар, касалмандлар, ёшлар ва ишсизлар. Ижтимоий соҳадаги қонунчилик бу тоифа кишиларининг манфаатларини ҳимоя қилади.

Аммо бу ўринда шундай муаммо келиб чиқади: бозор иқтисодиётини шакллантирувчи икки субъектнинг — эркин бозор ва давлатнинг масъулияти мавжудлиги — ўта шартли деб ҳисобланади. Бундай иқтисодий тизим фаолияти бозор ва уни давлат томонидан тартибга солиш уртасидаги нисбатнинг оптимал бўлишига боғлиқ: давлатнинг иқтисодий жараёнларга ҳаддан ташқари аралашуви, ҳандай йўлда, мақсадда килинмасин, барибир иқтисодиётнинг самарадорлигини пасайтиришга олиб келиши мумкин.

Бошқа мамлакатларнинг тажрибаси бозор муносабатларига қийинчилликларсиз ва ижтимоий энддиятларсиз, силлиққина утиб бўлмаслигидан далолат бериб турибди. Шу сабабли бозор иқтисодиётини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш буйича кучли эҳтиёт чора-тадбирлари олдиндан куриб қуйилиши жуда мухимдир.

Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда барча аҳолини олдиндан ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилди.

Ҳукумат вазиятни назорат қилиш ва ижтимоий соҳани мус-

таҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни куриши туфайли одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олди олинди, бу республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаш омили булди.

Иқтисодий аҳвол мураккаб булишига қарамай, моддий ва молиявий имкониятлар чекланган шароитда ҳам доимо ижтимоий аҳамиятга лойиқ булган энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун зарур воситалар қидириб топилди. Ислоҳотларнинг бутун биринчи босқичи давомида ижтимоий ҳимоялаш ҳаражатлари республика бюджетининг салкам учдан бир қисмини ташкил этди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат булди:

— нарҳларнинг эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши ҳисобга олинган ҳолда даромадларнинг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам ошириб борилди;

— республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туришга ҳаракат қилинди;

— аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган фаол ижтимоий снёсат ўтказилди.

Ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечилиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган йул танлаб олинди. Шунга биноан 1994 йилда республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан узгартирилди. Ижтимоий кумак беришнинг мутлақо янги илгор тизими шакллантирилди. Бу эса ижтимоий ислоҳотлар соҳасидаги иқтисодий ўзгартиришлар биринчи босқичининг энг муҳим якуни булди.

Оиланинг моддий ёрдамга муҳтожлик даражасини баҳолаш асосида фуқароларнинг ўзини-узи бошқариш органлари орқали амалга ошириладиган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилди. Биргина 1995 йилнинг ўзида 1 миллиондан знёд оила мана шундай ёрдамдан баҳраманд бўлди.

Иқтисодиетнинг ислоҳ қилиниши, мулкчилиқнинг янги-янги шақллари пайдо бўлиши аҳолининг даромадлари тизимига ҳам

анча сезнларли таъсир кўрсатди. Бугунги кунда даромадлар тизимида меҳнат фаолиятининг фақат бозор шаклларидан —тадбиркорлик, индивидуал меҳнат фаолияти, шахсий ёрдамчи хўжаликда машгул бўлишдан олинадиган ва хусусий мулкдан келадиган даромадлар салмоқли ўринни эгаллайди. 1995 йилда аҳоли барча даромадларининг учдан бир қисмига якини даромадларнинг мана шу турлари ҳиссасига тўғри келди.

Истиқлол йиллари мобайнида истеъмол бозоридаги вазият умумиқтисодий омиллар таъсири остида булди. Ички ва ташқи савдонинг эркинлаштирилиши, ишлаб чиқариш соҳасида монополистик фаолиятнинг чекланиши, рақобат муҳитининг вужудга келтирилиши, миллий валютанинг жорий этилиши ва унинг мустаҳкамланиши, миллий валютанинг жорий операциялар буйича конвертация қилиниши товарлар ва хизматлар бозорининг барқарор ҳолга келишини таъминлади. Натижада, 1994 йилнинг охирига келибоқ талаб ва таклиф тамоман мувофиқлаштирилди, истеъмол товарларининг купчилик турлари буйича тақчиллик бартараф этилди.

Иқтисодиёт истеъмол секторининг ресурслар билан тулдирилишига, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат курсатишга, шунингдек, бизда ишлаб чиқарилмайдиган ёки чекланган миқдорда ишлаб чиқариладиган товарларни импорт қилиб келтирилишга ҳукуматнинг бир қатор рағбатлантирувчи қарорлари қабул қилиниши ёрдам берди. Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг чуқурлаштирилиши хизмат курсатиш соҳасида мулкчиликнинг ҳар хил формаларини шакллантириш учун шароит яратилишини таъминлади. Чунончи, агар 1991 йилда мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар товар айирбошлашнинг ярмидан кўпроқ қисмини таъминлаган бўлсалар, 1995 йилда бу курсаткич 90 фоиздан зиёдроқни, 1996 йилнинг урталарига келиб эса бутун товар оборотининг қарийб 91 фоизини ташкил этди.

Республикада аҳоли уй-жой шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳоли уй-жой билан таъминланганлигининг ўртача даражаси 6 фоизга ошди. Қишлоқ аҳолисининг уй-жой билан таъминланиши сезиларли даражада яхшиланди ва ҳар бир яшовчига тугри келадиган турар-жой майдони буйича курсаткичлар шаҳар аҳолисининг шундай кўрсаткичларига якинлашиб борди. Турар-жойларни газлаштириш даражаси юксалиб бормоқда. Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда табиий газдан фойдаланадиган хонадон-

лар икки баравардан энёд ўсди. Бу ўзгаришлар қуиндаги жадвалдан хам яққол кўриниб турибди:

**Турар-жой шароитларининг яхшиланиши***

| | 1991 йил | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил | 1996 йил I ярми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Аҳолининг турар-жой билан ўртача таъминланиши (хар бир яшовчига кв. м) — жами | 12,2 | 12,6 | 12,7 | 12,8 | 13,0 | 12,9 |
| шу жумладан, | | | | | | |
| шаҳарда | 17.8 | 13.2 | 13.6 | 14.1 | 13.7 | 13.8 |
| қишлоқда | 11.9 | 12.2 | 12.2 | 12.1 | 12.5 | 12.3 |
| Хонадонларнинг табиий газ билан таъминланиши (йил бошида) — жами | 44.6 | 46.2 | 48.9 | 53.2 | 56.0 | 59.4 |
| шу жумладан, қишлоқларда | 19.3 | 21.3 | 25.3 | 32.5 | 37.8 | 43.3 |

Республикада шаҳар уй-жой фонди 123,8 млн. кв. м.ни, қишлоқ уй-жой фонди эса 166,8 млн. кв. м. ни ташкил этади. Мамлакатда оилаларнинг 90 фоизга яқини алохида уй ёки квартирада яшаши ўзига хос хусусият хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 январдаги «Тошкент шаҳридаги уй-жой курилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги фармони хамда Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 7 февралдаги «Тошуйжойжамгармабанк» давлат-акционерлик уй-жой жамгарма банкини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисидаги карори мамлакатимизда бозор муносабатларига утишда, аҳолини ижтимоий химоя қилишда жуда катта аҳамиятга эга булди. Мазкур фармон ва республика хукуматининг карорига асосланиб Тошкент шаҳар хокимлиги ва «Тошуйжойжамгармабанк» 1996 йили аҳолининг ортиқча маблағини уй-жой курилишига жалб этиш юзасидан собиткадамлик билан ташкилин ва оммавий тушунтириш ишларини олиб борди ва бу ишлар сезиларли натижа берди.

Шаҳарда аҳолига уй-жой курилишини давлат иули билан

---

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й., 77- бет.

қуллаб-қувватлаш чора-тадбирларини тушунтириш учун телевидение орқали махсус курсатувлар таёрланди, газеталар сахифаларида мақолалар эълон қилинди, маҳалла қумиталарида учрашув ва суҳбатлар утказилди.

Уй-жой қурилишини маблағ билан таъминлаш ва бу ишга кредит ажратиш, пул жамғариш ҳисоб варақаларини юритиш тугрисида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, шунингдек, банк акциялари ва ун-жой облигациялари буйича эмиссия нстиқболлари ишлаб чиқилди. «Тошуйжойжамгармабанк» ун-жой қурилиши билан боглиқ барча банк хизматларини бажаришни ўз зиммасига олди.

«Тошуйжойжамгармабанк» томонидан 1997 йилнинг 1 январига кадар 2198 жисмоний ва 11 хуқуқий шахсга пул жамғариш хисоб варақалари очилди. Уларда тўпланган маблағ 348,3 миллион сумни ташкил этди. Шундан 310,5 миллион сўми банкка нақд пул тарзида утказилди. 1560 нафардан ортиқ жисмоний шахс имтиёзли кредит олиш зарур бўлган уй-жой облигацияларини харид қилди. Шахарда истиқомат қиладиган 862 кишига квартира харид қилиш учун жами 491 миллион сумлик имтиёзли кредитлар расмийлаштирилди. Ҳозир уй-жой облигацияларининг дастлабки мажмуини сотиб олган яна 699 нафар тошкентликка кредит бериш билан боглиқ ишлар амалга оширилмоқда.

1996 йилда шахарда 216 квартирали ун бешта уй-жой фондаланишга топширилди. Яна 636 та квартира қурилиши бошлаб юборилган. «Тошуйжойжамгармабанк» маблағ билан таъминлайдиган хамда Тошкент шахри хокимлиги ва пудратчи ташкилотлар билан келишилган 1997 йилги қурилиш дастури 2000 квартирани фойдаланишга топшириш ва 1998 йилда фойдаланишга топширладиган 1000 квартира қурилишини бошлашни кўзда тутади. Умуман, 1997 йилги режада ун-жой қурилишига Тошкент шахрининг ўзида 4552 миллион сўм хажмида сармоя солиш кўзда тутилган, шундан 2276 миллион сум давлат бюджети маблағи хисобидан копланади.

1997 йилга мулжалланган ишлардан 2488 квартирани «Тошуйжонинвестқурилиш» корпорацияси, 148 квартирани «Ўзсаноатхужалиқ қурилиш», 188 квартирани «Ўзагроқурилиш», 128 квартирани «Ўзжамоахўжаликқурилиш», 48 квартирани «УртаОсиётранскурилиш» кучлари билан амалга ошириш кўзда тутилган.

«Тошуйжойжамгармабанк» билан «Уздавлатсуғурта» уй-жой облигацияларн буйича уй-жой сотиб олишга жисмоний

шахсларга бериладиган кредитларни мажбурий тарзда сугурта қилиш тугрисида шартнома тузган. Бунда сугурта тўловлари ставкаси жуда имтиёзли —0,2 фоизни ташкил этишни алохида таъкидлаш керак. «Тошуйжойжамғармабанк»нинг кредит ресурслари билан яхши таъминлаш мақсадида республика Вазирлар махкамасининг 1997 йил 19 февралдаги қарори билан «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг меҳнат булими «Тошуйжойжамғармабанк» тасарруфига берилган.

Ҳозирги пайтда аҳоли орасида уй-жой қийматининг бир қисмини тулаб, уй-жой олишга талаб сезиларли даражада ошган. Бунинг асосий сабабларидан бири аҳолининг ортиқча пулини жалб этиб, уй-жой қурилиши амалга оширишнинг дастлабки босқичидаги оммавий-тушунтириш ва тарғибот ишларидан ташқари, уй-жойлар шаҳарнинг марказий қисмида қурилаётгани, квартираларнинг яхши режалаштирилгани хамдир. Яъни уйларининг деворлари асосан пишиқ ғиштдан қурилмоқда. Уй-жойлар қисқа муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани хам одамларни қизиктирмоқда. Чунки бу хол уй-жойнинг хақиқий қийматн билан боғлиқ булган уй-жой облигацияларини сотиш ўртасндаги хақиқий нисбатини тенглаштиради.

Аҳолининг дастлабки улуши тайёр квартира қийматининг атиги 10 фоизини ташкил этади. Квартира қийматининг ярми республика бюджети маблағи хисобидан қопланади. Қолган 40 фоизига эса ун йил муддатга имтиёзли кредит берилади.

Бу масалада хали бирор хамдустлик мамлакатида бундай тажрибани учратмайсиз. Уй-жой қурилишдаги бу янги тартибни такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳри тажрибасини бутун Ўзбекистон буйлаб ёйишга қарор қилинди.

Республикада кенг миқёсда ривожланган согликни сақлаш тизими мавжуд. Уларда мустақиллик йилларида тиббий хизмат курсатишнинг янги-янги турлари — кундузги стационарлар, амбулатория-жарроҳлик марказлари жорий этилди. Айниқса тугиш ёшидаги аёлларни ва уларнинг фарзандларини согломлаштириш буйича миллий дастур — «Соглом авлод учун» харакати яхши самара беряпти.

Оналик ва болаликни муҳофаза этиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилиши натижасида болалар улими хар бир минг тугилиш хисобига 1993 йилги 32 тадан 1994 йилда 28.2 тага. 1995 йилда эса 21.2 тага тушди. Оналар улими эса 1994 йилда 1991 йилга нисбатан 65 фоизга камайди.

Хўжалик хисоби тамойиллари асосида ишлайдиган муассаса-

лар, хусусий шифокорлик амалиети, дори-дармоилар ишлаб чиқариш буйича қушма корхонадар тармоги ривожланиб бормокда. Дорихоналарни хусусийлаштириш, мазкур тармоқнинг моддий-техника таъминоти билан боглиқ булган тадбирлар тула амалга оширилди.

1995 йилнинг узида 312 та соглиқни сақлаш муассасаси мулкчилиқ шаклини узгартирди. Шу жумладан, 207 та муассаса хусусий мулк, 101 та муассаса жамоа мулк шаклига ўтди, 4 муассаса очиқ типдаги акционерлик жамиятига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси шахсий врачлик фаолияти (хусусий врачлик амалиёти) тўгрисндаги низомни тасдиқлаган. Биргина 1995 йилнинг ўзида республикада 400 дан кўпроқ врач ушбу фаолият билан шугулланиш учун лицензия олди.

Тиббиёт ходимларини тайёрлаш хам ислох қилинмокда. Бизда врачлар хали ривожланган давлатлардагидек поликлиникалардан уз мижозлари оилаларига кўчиб ўтганларича йўқ. Онла врачи сифатида иш олиб бориш юқорироқ малака, кўпроқ билим талаб этишини хисобга олган холда республикада тиббиёт ходимларини тайёрлаш дастури ишлаб чиқилди.

Соглиқни сақлаш соҳасндаги ислоҳотлар тиббиёт ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртларига студентлар қабул қилишни 1991 йилдаги 4,8 мингтадан 1995 йилда 1,5 мингтага камайтириш имконини берди. Айни вақтда ўрта тиббиёт ходимларининг аҳамияти хисобга олиниб, 1995 йилда тиббиёт ўрта ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш 1991 йилга нисбатан деярли икки бараварга кўпайтирилди. Ҳозирги вақтда соглиқни сақлашни ислох қилиш талабларидан келиб чиққан холда ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилмокда.

Ўзбекистон амалда тўла саводхон мамлакатдир. Болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан қамраб олиш 30 фоизга етган. Ёшларга таълим олиш учун ижтимоий кафолатлар ва кенг имкониятлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. 9 синф хажмида таълим олиш учун мажбурий база яратиш зарурлиги қонун билан мустаҳкамланган. Мактаб ёшидаги 4 миллион ўгил-қиз мактабларда таълим оладн.

25 ёшдан ошган аҳолининг ўртача укитилиш даври 11.3 йилни ташкил этади. Республикамиз ушбу курсаткич буйича жахондаги иқтисодий жихатдан ривожланган етакчи мамлакатлар даражасида туради. 1995 йилда ишлаб чиқаришда машғул ходимлар уртасидаги олий ва ўрта махсус таълимга эга

бўлганлар 25,7 фоизни ташкил этди. Олий ва урта махсус ўқув юртларига ўқишга кираётган ёшларнн тест синовн асосида имтихон қилиб, сифатли танлаб олинишига катта эътибор берилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш ҳамда қишлоқ ёшларнни актив тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга кўмаклашиш учун қишлоқ жойларидаги мавжуд ўқув юртлари фаолияти тубдан ўзгартирилди. Ҳар бир қишлоқ туманида тадбиркорлик бўйича ўқув марказлари, касблар бўйича лицейлар, бизнес-мактаблар, кичик ва ўрта бизнес учун фермер хужаликлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун кадрлар тайёрлаш буйича коллежлар ташкил этилмоқда. Хозиргача 160 та ана шундай профессионал лицейлар ва бизнес-мактаблар, 41 та коллеж ташкил этилди.

Халқаро ҳамкорлик кенгайиб бораётганлиги натнжасида ўқувчиларнинг хорижий мамлакатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таълим олншлари учун имкониятлар яратилди. Чунончи, республика умумтаълим мактабларининг тест снновидан утган 50 нафар ўқувчнси ҳар йили АҚСЕЛС йули билан АҚШга ўқишга юборилмоқда. 600 дан знед Ўзбекистон фуқароси чет элларда (Туркия, Миср, ХХР ва бошқа мамлакатларда) ўқитилмоқда, шулардан 60 фоизига яқинн иқтисодий ихтисосликлар буйича таълим олмоқда.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида узоқ ва яқин хорижий мамлакатлардан келган 5,3 минг киши ўқимоқда.

Таълим соҳасндаги узгарншлар қуйидаги жадвалдан кўриннб турибди*:

| Кўрсаткичлар | 1991 йил | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил | 1996 йил I ярмн |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Олий ўқув юртлари сони (та) | 52 | 54 | 55 | 55 | 58 | 58 |
| Ўрта махсус ўқув юртлари сони (та) | 243 | 246 | 248 | 247 | 252 | 257 |
| Ўқувчилар сони (минг ўқувчи) | 4655.5 | 4683.4 | 4788.8 | 4949.7 | 5090.2 | 5071.1 |

* Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Тошкент, «Ўзбекистон» нашрнёти, 1996 й, 79- бет.

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиёт буйича ихтисосликка эга мутахассисларга булган эхтиёжни кучайтириб юборди. Бу хисобга олинган холда мамлакатда хозир учта ихтисослашган иқтисодиёт олий ўқув юрти фаолият курсатяпти. 24 та олий ўқув юртида эса шу ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш йулга куйилган. Ҳозирги вақтда 47 та техникумда ҳам иқтисодиёт фани ўқитилмокда.

Ўзбекистонда Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилардан булиб «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилинди, «Мактабгача тарбия», «Умумий урта таълим», «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар», «Ёшлар сиёсатига онд» каби қатор концепциялар ва дастурлар яратилди. Бу узгаришларнинг барчаси истиқлол шарофатидандир. Мустақиллик ота-боболаримиз қолдирган меросни урганиш, улар билан фахрлана олиш, ривожланган давлатлардаги илгор тажрибаларни миллатимиз равнақига хизмат қиладиган жихатларини хаётимизга тадбиқ қилиб дунёга чиқиш, тараққий топган мамлакат сифатида танилиш имкониятини берди. Республика давлат таълими андозалари жахон амалиёти талабларига мувофиқ келиши учун чет эл мамлакатларидаги илгор тажрибалар урганилди. Айни пайтда йигирмадан ортиқ йўналишлар ва фанлар буйича андозалар лойиҳалари тайёрланди. Улар республика Давлат фан ва техника қумитаси томонидан экспертизадан утказилган бўлиб, таълим муассасаларида тажрибада қулланилмокда. Ҳукумат қарорига асосан, у 1997—1998 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалга татбиқ этилади.

Давлатимизнинг таълим тизими кўпгина хорижий давлатларникидан фарқ қилади. У фақатгина таълим эмас, балки тарбия хам беради. Бу «Таълим тугрисида»ги қонунда ҳам-уз ифодасини топган: «Таълим илм бериш ва тарбияни уз ичига олади, у республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган, хар жихатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди». Таълим муассасаларидаги ўқув жараёни янги ўқув режалари, дастурлари ва дарсликлари асосида ташкил этилди. Уларда тарих, хуқуқ, иқтисод, одоб-ахлоқ таълимига алохида эътибор берилди. «Иқтисод алифбоси», «Иқтисодий билим асослари» каби янги фанлар ўқитила бошланиб, «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Она тили ва адабиёти», «Инсон ва жамият», «Одобнома» фанлари учун қўшимча соатлар ажратилди.

1996 йилдан давлат сиёсатига молик яна бир масъулиятли иш бошланди. «Лотин ёзувига асосланган узбек алифбосини жорий қилиш тугрисида»ги қонун муносабати билан 1996—1997 укув йилндан биринчи синф ўқувчилари янги узбек алифбосини ўргана бошладилар. Мактабларда мазкур алифбони ургатадиган муаллимлар тайёрланди. Энг асосийси — «Алифбо» буйича иккита мукобил дарслик яратилди. Иккиси хам урганиляпти.

Сунгги беш йилда хорижий давлатларининг таълим соҳасидаги ташкилотлари билан алоқа урнатилди. АҚШнинг тинчлик корпуси, таълим ва тил ўрганиш буйича ҳамкорлик ташкилоти. Британия фонди, Германиянинг Конрад Аденауэр ва Гёте номли институтлари, Туркиянинг «Силим» ширкати билан хамкорлик йулга қўйилди. Шунингдек, Япония, Корея республикаси, Дания, Исроил, Хитой таълим муассасалари билан, Германия, Франция, Голландия ва бошқа қатор мамлакатларининг Узбекистондаги элчихоналари, БМТ, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби нуфузли халкаро ташкилотларининг Тошкентдаги ваколатхоналари билан узвий ҳамкорлик ургатилди. Натижада укувчиларимиз, талабаларимиз ва аспирантларимиз чет элда укиб, укитувчиларимиз эса малакаларини ошириб қайтишяпти. Ҳамкорликда дарсликлар яратиш, тажриба алмашиш ишлари хам олиб борилмокда.

ЮНЕСКО ташкилоти мамлакатимиз мактабларидан 13 тасини халқаро «Бирлашган мактаблар дастури»га киритишни лозим топганлиги ҳам мустақиллигимиз, дунёга танилаётганимиз махсулидир.

Қишлоқни янгилаш ва қайта куриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларини жадал ривожлантирнш жуда катта аҳамиятга эга. Бу Узбекистон аграр сиёсатининг гоят муҳим, устувор йўналишларидан биридир. Коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармогини яратиш, қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшилаш бутун қишлоқ хўжалигини сифат жихатдан янги даражада кутариш, унга индустриал тус бериш имконини беради.

Мустакилликка эришилган дастлабки кунларданоқ қишлоқ аҳолисин ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга каратилган аниқ мақсадли дастур изчил амалга ошириб келинди. Қисқа вақт ичида минглаб километр сув қувурлари ва газ тармоги утказилди. Ичимлик сувн, табиий газ куплаб олис посёлка ва қишлокларга етиб борди.

Айни вақтда ҳозир кенг тармоқ ейган замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш, сервис ва

маиший хизмат тармогини шакллантириш муаммоси хали тула хал килинмаган. Ҳар бир посёлкада, хар бир кишлокда майда улгуржи дўконлар, таъмирлаш устахоналари, дехконларни кишлок хужалик техникаси, кўчатлар, минерал угитлар ва бошкалар билан таъминловчи пунктларнинг кенг тармоги таркиб топмаган.

Шуларни хисобга олган холда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси кишлок инфратузилмасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш юзасидан жуда мухим карор кабул килди.

Республикамизда илгари хам якин келажакка мулжалланган турли дастурлар кабул килинганлиги яхши маълум. Бу галгиси эса ўз кулами ва камровининг кенглиги жихатидан бетакрор. Унинг таг-заминида хаётини ислох килиш, савдо, умумий овкатланиш, халк маорифи, тиббиёт, маданий-маиший хизмат, уй-жой курилиши, алока тизимини янада такомиллаштириш асосида кишилар учун намунали ва замонавий турмуш тарзини шаклантириш максади ётади. Қолаверса, жисмонан соглом, маънавий баркамол инсонларни тарбиялаб, вояга етказиш хозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Давлатимизнинг узи бош ислохотчи эканини назарда тутадиган бўлсак, белгиланган режаларнинг муқаррар рўёбга чикажагига тула ишонч хосил киламиз.

Дастурни такозо этган яна бир хаётий зарурат шундаки, республика ахолисининг 60 фоиздан зиёдроги кишлок жойларида яшанди. Уларнинг бахти, келажаги хакида бугун уйлашимиз керак. Эртага кеч булади. Зеро, инсон ислохот учун эмас, балки ислохотлар инсон учундир. Дастурда кузда тутилгаиидек, 1996-2000 йиллар мобайнида кишлокларда 31602 минг квадрат метр хажмда уй-жой куриб, ишга тушириш кўзда тутилмокда.

Хозирги кунда кишлокларлаги купгина мактаблар, касалхоналар, богчалар, фельдшер-акушерлик бўлимлари мослаштирилган биноларда жойлашган. Якин келажакда уларни янги биноларга кўчириш, таълим-тарбия хамда тиббий хизмат савиясини яхшилаш, ўкув ва саломатлик масканларини замонавий ускуналар билан кайта жихозлаш кузда тутилаяпти. Бу борадаги барча харажатлар давлат бюджети хисобидан копланади. 2000 йилгача бўлган даврда кишлок жойларида жами 18530 километр хажмда газлаштириш, 9550 километр хажмда водопроводлаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 245 минг укувчига мулжалланган мактаб биноси, 805 та кишлок врачлик

амбулаторияси, 2000 уринли шифохоналар барпо этилади. Буларнинг хаммаси кишлок турмуш маданиятини ошириш, таълим-тарбияни такомиллаштириш, оналар ва болалар, дала мехнаткашларининг сихат-саломатлигини яхшилашда катта ахамият касб этишн шубхасиздир.

Келажакда кишлокда согликни саклаш тизимини ривожлантириш максадида 555 та биринчи тиббий ёрдам курсатиш муассаса ва 1645 та фельдшер-акушерлик пункти асосли таъмирланади. 1996-2000 йилларда 805 та кишлок даволаш пункти ишга туширилади. Кишлок согликни саклаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун 177 фельдшер-акушерлик пункти ва 227 та биринчи ёрдам курсатиш муассасалари кишлок даволаш пунктларига анлантирилади. Хокимликлар билан биргаликда улар малакали врачлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлар билан таъминланади. Бу максадларга 1996 нили 1 миллиард 100 миллион 700 минг сум сарфланган булса, 1997 йилда 1 миллиард 120 миллион сўм ажратилган. Шундан ўтган 1996 йили 795 миллион 700 минг, бу йил 810 миллион сум давлат бюджетига тўгри келмокда.

Кишлок мактабларида ўкув-тарбия ишларини ўз вактида амалга ошириш учун 79,6 минг укувчига мулжалланган авария холатидаги мактаблар урнига янгилари курилади. Эски мактабларнинг кенгантирилиши хисобига 165,3 минг ўкувчини ўз багрига оладиган янги бинолар барпо этилади. Бу ишларга 1996 йилнинг ўзида 2 миллиард 205 миллион, кейинги йилда 2 миллиард 500 миллион сўм сарфланади.

Режа буйича 1996 йилда кишлок инфратузилмасини ривожлантириш дастури буйича 27 миллиард 487 миллион 500 минг сум сарфланди, бу йилда эса шу максадга жами 30 миллиард 377 миллион сўм ажратилди.

Хисоб-китоблар кишлокда мехнатга лаёкатли 6,5 миллион киши борлигини курсатмокда. Шу билан бирга, кишлок жойларида хар нили 500 мингта бола тугилмокда. Бу республикада жами туғилишлар сонининг 70 фонзини ташкил этади. Кишлокда 16 ёшгача булган хар уч боланинг иккитаси яшайди. Бу мамлакат салохиятининг асосини ташкил этади. Кишлок хужалигининг ўзи бунча миклордаги ишчи кучини иш билан таъминлан олмаяпти. Шу туфайли кишлок хужалик ишлаб чикаришининг юкори самарали индустриал усуллари, агрокимёнинг илгор усуллари тоят секин жорий этилмокда ва бунинг натижаси уларок, махсулдорлик ва мехнат унумдорлиги паст бўлмокда.

Қишлоқ жойларда замонавий технологияга эга бўлган иш шаклини тез ўзгартира олувчи кичик корхоналарни очиш хисобига янги иш жойларн яратиш устувор вазифалардан биридир. Булар фақат қишлоқ хужалик хом ашесини қайта ишловчи корхоналаргина эмас, балки касаначиликка асосланган сермеҳнат ишлаб чиқаришлар, халқ ҳунармандчилиги корхоналари хам булмоғи керак.

Хужаликларда унча катта бўлмаган, лекин замонавий технология ва техника асосида хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар қуриш ва уларни меҳнат ресурслари ортиқча булган ерларда жойлаштирнш яхшн самара беришн шубхасиздир.

Умуман ўзига хос аҳоли таркибига эга булган, аҳолининг усиши юқори суръатлар билан бораётган Узбекистонда аҳолининг иш билан бандлиги масаласи доимо энг муҳим ва уткир масалалардан булиб келган ва ҳозир ҳам шундай булиб қолмоқда.

Ушбу масалани ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга оширнш талаб этилади:

— кенг фаолият турлари, биринчн навбатда, қишлоқ хужалик хом ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмоли молларини, маҳаллнй хом ашёдан қурилиш материалларини тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни фаол рнвожлантиришни рагбатлантирнш, шунингдек якка тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш;

— хизмат соҳасини, айниқса қишлоқ жойларда жадал рнвожлантириш, аҳолига курсатиладиган ижтимоий-маиший хизмат ва қурилиш буйича хизматлар турини анча кенгайтириш. Хизмат кўрсатиш соҳаси — бу ҳали ҳам яхши фондаланилмаётган, қули ишдан бушаётган ходимларни иш билан таъминлайдиган соҳагина эмас, балки меҳнат ресурсларининг бутун усишини таъмнилашга қодир булган захнрадир;

— қули ишдан бушаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта укитишни ташкил этишни жиддий равишда яхшилаш. Ишдан бўшаётган ходимларга ёки ихтисоси булмаган шахсларга қисқа давр ичида янги, бозор шароитига хамда иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган тизимига мувофиқ келувчн касб-корни ургатадиган, уларнинг уз хаетидаги ўзгаришларга мослашишларига ёрдам берадиган махсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес-мактабларнинг кенг тармоғини шакллантирнш жуда мухимдир.

Ана шу чора-тадбирлар изчил амалга оширилиб, реслубликa-

да тўлақонли меҳнат бозори шакллаитирилмоқда. Бунда меҳнат қилишнинг ихтиёрийлик принципи қонун билан мустаҳкамланган, мажбурий меҳнат ман этилган, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни янги касбларга ургатиб қайта тайёрлаш механизми яратилганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Таркибий узгаришларни амалга ошириш, мулкни боскичмабоскич давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш, кичик, хусусий ижара, хиссадорлик корхоналари барпо этишни ривожлантириш, тадбиркорликни йулга куйиш ва куллаб-кувватлаш, ерларни ахолига бўлиб бериш натижасида бандлик сохасидаги мавжуд кескинликни бартараф этишга, ахолининг иш билан банд булмаган катта кисмини фойдали мехнатга жалб килишга муваффак булинди. Ҳозирги вактда иктисодиётнинг нодавлат секторида иш билан бандлик хиссаси 70 фоизга етди.

Ишсизлик хаддан ташкари усиб кетишига йул куймаслик Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун республикада меҳнат бозорини фаол тарзда мувофиклаштириб боришнинг турли шакллари ва усуллари кулланилмоқда. 240 дан зиёд пунктларни уз ичига олган кенг тармокли бандлик хизмати тизими вужудга келтирилган. Республиканинг хар бир шахар ва туманларида меҳнат биржалари фаолият курсатмоқда. Расмий равишда руйхатга олинган ишсизлар меҳнат ресурсларининг бир фоиздан камрок кисмини ташкил этади, бу МДҲ мамлакатлари ичидаги энг паст кўрсаткичлардан бири хисобланади. Буни кунидаги жадвалдан хам курса булади:

**Ўзбекистон Республикаси ахолисининг мули шакллари буйича бандлик кўрсаткичлари***
**(фоизларда)**

| Кўрсаткичлар | 1991 йил | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил | 1996 йил-нинг I ярми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Банд кишилар, жами | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 | 100.0 |
| шу жумладан: | | | | | | |
| давлат секторларида | 61,1 | 57.8 | 51.3 | 40.3 | 33.9 | 30 6 |
| нодавлат секторларида | 38.9 | 42.2 | 48.7 | 59.7 | 66.1 | 69.4 |

* Ўзбекистон мустакиллик йилларида, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й., 74- бет.

*Жадвалнинг давоми*

| Кўрсаткичлар | 1991 йил | 1992 йил | 1993 йил | 1994 йил | 1995 йил | 1996 йилнинг 1 ярми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| шулардан: | | | | | | |
| хусусий корхоналарда | 0.2 | 0.6 | 1.3 | 2.2 | 3.0 | 2.8 |
| ижара корхоналарида | 1.9 | 1.7 | 1.7 | 1.6 | 0.3 | 0.8 |
| хиссадорлик корхоналарида | 0.1 | 0.6 | 1.2 | 5.5 | 9.7 | 9.3 |
| деҳқон хўжаликларида | 0.1 | 0.3 | 0.4 | 0.8 | 1.2 | 1.3 |

1995 йилнинг ўзида меҳнат биржаларида иш излаётган 244 минг киши рўйхатга олинди. Ҳар ойда меҳнат биржалари йўлланмалари бўйича 4400 киши касб-ҳунар эгаллаяпти.

Ўзбекистонда инсон омилига алоҳида эътибор қаратилаётгани тасодифан эмас. Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, одатда, табиий ва жисмоний ресурслар иқтисодий ўсишнинг 40 фоизинигина таъминлашга қодир экан. Иқтисодий ўсишнинг қолган 60 фонзини инсоний омиллар таъминлар экан. Шунинг учун инсоний омиллар — ишчи кучи, малакани ошириш, соғлиқни сақлаш, таълим, тадқиқот ишлари учун сарф-харажатлар иқтисодий ўсишнинг асосий манбаларига айланмоқда.

Истиқлол туфайли янгидан қадднни кутараётган маҳаллаларимиз ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Ҳақиқий демократиянинг ифодачиси, халқ ўзини ўзи бошқаришнинг бетакрор миллий шакли, муқаддас қадриятларимизнинг кўзгуси — маҳаллаларимиз жамиятда ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситаси сифатида шаклланиб бормоқда.

Инсоннинг бутун умри утадиган, фуқаролар ўзини-ўзи бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи — маҳалланинг яна бир хусусиятн шундаки, унда яшовчи ҳар бир оила, шахс шу аҳил жамоа кўз ўнгида шаклланади, ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзи , унинг нимага қодир ёки муҳтожлигини маҳалладан кунроқ биладиган идора йўқ. Ҳар бир киши ва унинг оиласи учун қўшнилари ва маҳалласи берадиган баҳо энг холис баҳодир. Турмуш билан боғлиқ ҳар қандай тадбир маҳалласиз утмайди. Маҳалла — аҳил жамоа, деган сўзнинг моҳиятн ҳам ана шундадир. Президентимиз фуқаролик жамиятини қуришда маҳалланинг муҳим урин тутиши ва унниг бекиёс аҳамиятига юксак эътибор бериб, маҳалладаги ўзинн-ўзи бошқариш фаолия-

тини кучайтириш, унинг моддий ва маънавий асосларини кенгайтириш вазифаларини қўйди. Халқимизнинг қадимий удум ва анъаналарини асраб-авайлаш, бойитиш, ижтимоий муҳофазага мухтож кишиларга меҳр-шафқат муносабатида булиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кумаклашиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш каби хаётий масалалар юртбошимиз ташаббуси ва фармони билан ташкил этилган «Маҳалла» хайрия жамгармасининг асосий фаолияти этиб белгиланди.

Утиш даври қийинчиликлари шароитида кам даромадли оилаларга икки йил мобайнида маҳаллалар орқали 3 миллиард сўмдан ортиқ ёрдам тарқатилди. Ана шу ёрдам ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамда бошқа хомий ташкилотларнинг қиммат курсатиб ажратаётган маблағларидан минглаб оилалар баҳраманд бўлмоқдалар.

Болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни руёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги Фармони билан 16 ёшгача болалари булган оилаларга нафақаларни шундай нафақага мухтож оилаларгагина бериш ва уни тўлаш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролари йиғинлари)га топширилди.

1997 йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан тайинланадиган булди. Бунда оилаларнинг шундай нафақага мухтожлиги ҳисобга олинган ҳолда энг оз иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида тўланади:

бир нафар болали оилаларга — 50 фоиз;

икки нафар болали оилаларга — 100 фоиз;

уч нафар болали оилаларга — 140 фоиз;

турт нафар ва ундан кўпроқ болали оилаларга — 175 фоиз.

Болали оилаларга нафақа бериш тугрисидаги қарорни қабул қилиш чогида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шартлиги ҳам белгилаб қўйилди. Шуниндек, фуқаро-

ларнинг ўзини-ўзи бошқариш барча органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган махсус жамғармалар ташкил қилиш, уларнинг маблағлари болали мухтож оилаларга нафақа тулаш учун сарфланиши кузда тутилган.

Шу мақсадда:

Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан «Болалар нафақаларн» махсус хисоб варақлари (плова хисоб варақлари) очди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетни белгилаш чогида ушбу нафақага мухтож оилаларининг хақиқий эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда болали оилаларга нафақалар тулаш учун зарур маблағлар ажратади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг турт йиллигига багишлаб 1996 йил 6 декабрда утказилган тантанали йиғилишда сузлаган нутқида 1997 йилни — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиш таклифини ўртага ташлар экан, хар бир инсон умид билан яшашини таъкидлаб утди. У орзу-хавасимга эришсам, болаларимнинг рохатини курсам, уларнинг камолига гувох булсам дейди. Бу, айниқса, бизнинг болажон халқимизда ёркин намоён бўлади. Не-не ота-боболаримиз озод кунлар учун узларининг жонини қурбон қилганларини эслаш уринлидир. Уларга таскин берган ягона нарса хам мен кўрмаган бахтли кунларни болаларим курсин, деган қутлуғ ният эди.

Халқимиз беозор ва мўмин халқ. Бизда яшаган хар бир кунга шукрлар қилишга, келажакка ёруг умидлар билан боришга одатланганлар. Аммо келажак бугундан бошланади. Биз бугун хам яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан хам фаровонрок хаёт кечиришлари шарт.

Хуш, фаровон турмуш шароитларини яратиш учун бизда имкон бормн? Фаровон яшаётган халклардан бизнинг қаеримиз кам?

Биз фаровон ва гузал турмуш яратиш учун бекиёс имконимиз бор, десак бўлади. Энг мухими, эътиқодли ва меҳнаткаш халқимиз бор. У хорижликлардан бир неча баробар кам иш хаки олса-да, шундай меҳнат қилаяптики, тасанно демай иложинг йук. У бугун янги билимларни эгаллаб, уз қобилиятини оширмокда. Ёркин келажак яратиш учун тинимсиз харакат килмокда. Бундай интилувчан, иродали мехнаткаш халқ билан хар қандай олий мақсадларни амалга ошириш мумкин. Фақат ташкилогчи-

лик керак, холос. Яхши яшашни истар эканмиз, биз тезроқ эскилик саркитларидан, иллатларидан қутулишимиз лозим. Барча саъй-ҳаракатларимиз инсонга муносиб ҳаёт шароитларини яратишга, уни бахтли қилишга қаратилиши керак. Шунинг учун ҳам 1997 йил — Инсон манфаатлари йили булди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Янги 1997 йил табригида алохида таъкидланганидек, 1997 йилни мамлакатимизда Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинишидан қуйидаги асосий мақсадлар кутилган:

— дунёда энг ноёб бойлик бўлмиш инсон ҳаётига, шаънига, қадр-қимматига жамият эътиборини қаратиш;

— инсон ҳукуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан бирга, ҳар бир одам узининг бор имкониятларини, ақл-заковатини тула рўёбга чиқариши учун шарт-шароит барпо этиш;

— давлат, жамият ёрдамига мухтож оила ва одамларга кўмак ва мадад бериш. Бундай муносабат орқали уларни ҳаётда адолат борлигига, бобомиз Амир Темурнинг «Куч-адолатда» деган шиорини асос этиб олган давлатимизнинг кудратига ишончини мустаҳкамлаш;

— оналик ва болаликни мухофаза қилишдек энг олийжаноб бурчимизга эътиборимизни кучайтириш, бунинг учун янги манбалар топиш;

— савобли ишларни давом эттириб бутун умри ҳалол мехнатда утган нуроний отахонларимизни, мунис онахонларимизни рози қилиш, уларнинг дуоларини олиш бизнинг кундалик бурчимизга айланиши даркор*.

Дарҳақиқат, кучли ижтимоий сиёсат, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг туб мақсадидир. 1997 йилни Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинишн ҳам шундан далолат бериб турибди.

Инсоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар яхлит, умумлаштирилган тарзда олиб борилиши, бошқача айтганда, ҳар томонлама уйғун булиши жуда мухимдир. Бундан, шу мақсадда, барча имкониятлар ва куч-гайратларини бирлаштириш вазифаси келиб чиқади. 1997 йил Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинишн бу масала билан боғлиқ барча муаммолар бир йула ҳал қилиб ташланади, деб тасаввур қилиш унчалик тўғри булмайди. Мазкур муаммолар ечимига юзаки қарамаслик

* «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 1 январ.

керак. Енгил-елпи ёндашув муаммолар моҳиятн ва аҳамиятини қадрсизлантиради ва пировард оқибатида амалий иш билан мустаҳкамланмаган қуруқ шиорбозликка олиб келади.

Инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлаш — узоқ давом этадиган, мураккаб жараёндир. У соф ҳуқуқий, ижтимоий, ахлоқий муаммолар доирасига ҳам сиғмайди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари чуқур илдиз отган, умумжаҳон тизимлари билан ҳар томонлама интеграциялашган, иқтисодий бақувват, демократик давлатгина инсон эркн, ҳак-ҳуқуқларини ҳимоя қилишн, бунинг муносиб турмуш шароитини яратиб беришн мумкин.

Шу билан бирга, сиёсий ислоҳотларни жадаллаштириш, жамиятимиз ҳаётида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим шартндир.

Ўзбекистон ҳукумати манфаатдор ижтимоий тизимлар билан ҳамкорликда инсон манфаатлари ҳимоясини амалга оширишнинг 1997 йилга мулжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқдн. Мазкур дастурда ечилиши кузда тутилган узаро боғлиқ муаммолар мажмуи қуйидагиларни ўз ичига олади:

— шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш;

— инсон ҳуқуқн ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

— инсоннинг маданий, маънавий интеллектуал лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш.

Дастурда инсоннинг кўпқиррали манфаатларига жавоб берувчи тадбирлар белгиланган.

Мазкур дастурнй чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир шаҳри, ҳар бир қишлоғи ҳаётида уз ифодасини топади. Бу янги ташаббуслар туғилишига, янги имконятлар очилишига олиб келиши, одамларимизга бунёдкорлик кайфияти бағишлаши шубҳасиздир.

Мамлакатимиздаги бугунги барча саъй-ҳаракатлар нафақат замондошларимиз, балки келажак авлодларимиз бахт-саодати учун ҳам хизмат қилади.

«...Жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланғани туфайли инсон маънавияти, юксак ахлоқ ва маданиятининг қудратли қатламлари очилди, гўзал миллий анъаналар тикланди, жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг улкан маънавий меросига мурожаат этиш бошланди»

*Ислом КАРИМОВ*

## МАЪНАВИЯТ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тула уйғун булиши ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунинг учун давлатимизда маънавият масалаларига биринчи даражали аҳамият бериляпти. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йуналиши, деб эътироф этилди. Бу Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессиясида сузлаган нутқида ва 1996 йил 4 сентябр куни «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарияти ҳамда бошқарув аъзолари билан учрашувида алоҳида таъкидланди. Президентнинг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармоии, Вазирлар махкамасининг 1996 йил 27 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро Ҳайрия жамғармасини қуллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорида у узининг ёркин ифодасини топди.

Президент Ислом Каримов жамиятда юксак маънавии фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой миллий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга хурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат рухида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омили эканлигини алоҳида таъкидлади.

Одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик рухининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий максадига айланиши лозим. Аммо, афсуски, ҳануз жойларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг олга силжиши-

миз, фаровон жамиятга тезроқ етишишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд.

Фармонда кўрсатилганидек, айрим катта-кичик раҳбарлар эски мустабиллик, зўравонлик мафкурасининг саркитларидан ҳалигача қутула олмай, бу борада кечириб бўлмайдиган оқсоқлик қилиб маънавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик туфайли уига иккинчи даражали иш сифатида қарамоқдалар. Маънавий-маърифий ишларга бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир.

Шундан келиб чиқкан ҳолда жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарларининг зиммасига юкланди.

Ёш авлодни буюк аньаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишоч рухида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябр «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб эълон қилинди ҳамда дам олиш куни ҳисобланадиган бўлди. Яъни 1 октябр худди Мустақиллик куни, Конституция куни, Наврўз каби умумхалқ байрамларимиз қаторидан ўрин олди.

Бу байрамда ўтказиладиган барча тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман, болалар билан ишлашга, уларнинг соғлигини ҳимоялашга, жисмоний ва рухан соғлом камол топтиришга уз ҳаётини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишланиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугуниги мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйгуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гузал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш чора-тадбирлари ҳам белгиланди.

Истиқлол туфайлигина миллий маънавият ва ахлоқнинг тикланиши учун барча шароит яратилди. Жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошлангани туфайли инсон маънавияти, юксак ахлоқ ва маданиятнинг қудратли қатламлари очилди, гузал миллий аньаналар тикланди, жаҳон цивилизациясига салмоқли

хисса қушган улуг аждодларимизнинг улкан маънавий меросига мурожаат этиш бошланди.

Халқнинг тарихий рухи уйғонмоқда, маънавиятнинг кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар қалбида миллий гурур, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда.

Халқимизнинг Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир сингари унлаб ва юзлаб буюк фарзандлари меросининг — абадиятнинг халққа қайтарилиши мустақил Ўзбекистоннинг энг ёркин ютуқлари қаторидан жой олади.

Бугунги кунда яқин тарихимиз — XIX аср охири ва XX аср бошида, 20—30- йилларда яшаб утган, бирок ҳаксиз равишда унутиб юборилган, мустамлакачи, мафкуралашган ва тоталитар тузум шароитида тухматга учраб, йуқ қилинган узбек халқи фарзандларининг шарафли номларини тиклашга катта эътибор берилмоқда.

Маълумки, ЮНЕСКО қарори билан 1996 йил — Амир Темур йили, деб эълон қилинди. Шунисн алохида эътиборга сазоворки, буюк сохибқиронининг 660 йиллик юбилейи тадбирлари дунёнинг маданият учоқларидан бири — Парижда бўлиб утди

1996 йил 18 октябрида эса Узбекистонда Амир Темурнинг 660 йиллиги тантаналари бошланди. Бу қутлуг санани узбек халқи билан бирга нишонлаш учун туркий тилли давлатлар раҳбарларн Тошкентга ташриф буюрганларининг узи буюк бобокалонимизга бўлган ҳурмат-эътиборнинг намойиши булди. Тантаналар давомида Тошкент марказида бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейи тантанали очилди. Шу ўринда бу музейни барпо этиш ташаббускори Президентимиз бўлганлигини ёдга олиш уринлидир. Давлатимиз раҳбари бу музейни барпо этишнинг аҳамиятини кунидагича изоҳлаб берган.

— Аввало, музей эшигидан қадам қуйиб, сохибқирон бобомиз зиёратига келаднган ҳар бир инсон — ҳар бир ватандошимиз кўнглида бизнинг шундан буюк тарихимиз, шундай буюк аждодларимиз, шундай буюк салтанатларимиз булган экан, деган фикр уйғонши керак.

Шу билан бирга, музей бизнинг ота-боболаримиз, халқимиз улуг маданият, буюк маънавият яратиб, умуминсоний кадриятлар хазинасига нақадар улкан ва унутилмас хисса қушганини англатишга хизмат қилиши лозим.

Ана шу асосда миллий гурур, миллий ифтихор, миллий мафкурани юксалтириш, халқимизни тараққиётнинг янги марралари сари чорлаш — музейнинг бош вазифасидир.

— Биз шуига эришмогимиз керакки,— деб таъкидлади Президент ушбу таитаналарда сузлаган нутқида,— токи бу ерга ташриф буюрган ҳар бир зиёратчи юртимизнинг кадимий ва тенгсиз ўтмиши, бетакрор ақлий ва маданий салохияти билан танишиш натижасида Ўзбекистонимизнинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюк, деб тулқинланиб, ҳаяжонланиб, гурурланиб кетиши керак.

Бир сўз билан айтганда, бу кутлуг зиёратгоҳ бизга ўзлигимизни англаш — аждодларимиз буюклигини англаш учун бамисоли бир кузгу вазифасини адо этмоги лозим. Узлигини, ўз тарихий меросини, ўз илдиз-томирларини чуқур англаб етган халқгина ана шу юксак мезонларга муносиб булиш учун, албатта, интилади.

Яхши биламизки, сохибқирон азиз-авлиёлар, илму фан, маданият арбоблари, эл-улуснинг мумтоз фарзандларига умр буйи эҳтиром билан муносабатда булган, замондошлари бўлмиш улуг зотларга чексиз мархамат ва иззат-икром курсатган, дунёдан утганларнинг эса хотирасини абадийлаштириш, мангу оромгоҳларини обод қилиш учун мислсиз жонбозликлар қилган. Унинг амру фармони билан бунёд этилган ҳазрат Ахмад Ясавий, Шайх Зайниддин Бобо, Заиги ота сингари улуғ мақбаралар, масжиду мадрасалар Амир Темур бобомизнинг юксак маънавияти тимсоллари сифатида ҳамон магрур қад ростлаб турибди.

Истиқлол йилларида улуг аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида юртимизда амалга оширилган улкан ишлар сохибқиронининг ана шу эзгу амалларига бевосита ҳамоҳангдир, уларнинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сунг тарихий адолат тикланиб, Амир Темурнинг халқимизга қайтарилиши буюк мақсадларимизга хизмат қилади. Амир Темур шахсияти ва фаолиятини ҳар томонлама ургапиш, буюк аждодимизга нисбатан тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, унинг табаррук хотирасини абадийлаштнриш бизга бугун:

*биринчидан*, сохибқироннинг улугвор сиймоси бизга миллатни миллат, давлатни давлат қилиш учун;

*иккинчидан*, миллатни бирлаштириш, миллий гурур, миллий онгни юксалтириш учун;

*учинчидан*, фарзандларимизни, усиб келаётган ёш авлодни ана шундай улуғ боболаримиз билан фахрланиш, улар каби фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш учун;

*тўртинчидан*, буюк давлат қуриш учун;

*бешинчидан*, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун керак.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас қадриятини тиклаш, беназир шахснятини абадийлаштириш, қадр-қимматини жой-жойига қўйиш борасида қилинаётган тарихий ишлар нафақат бугунги кун, айни пайтда келгуси авлодларимизнинг маънавий тараққиётини ҳам кўзлаб амалга оширилмоқда.

Шу маънода Самаркандда ва Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкалларининг очилиши ҳам катта воқеа бўлди.

Буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, келгуси авлодларга ёдгорлик қилиб қолдириш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан хиссасини бутун дунёга қайта танитиш, уни кенг тарғиб этиб, кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлол гояларига садоқат туйғуларини сингдиришда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси олийжаноб ишларни амалга оширяпти. У утмиш маданиятимизга оид қадимий қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, халқ ҳунармандчилиги, амалий санъат намуналари ва тарихий-маданий қимматга молик бошқа ёдгорликларни мамлакатимизда, хорижда излаб топиш ва ўрганиш, уларни улкан меросимизнинг узвий қисми сифатида фойдаланиш учун барча чора-тадбирларни кўряпти.

Салкам 3 минг йиллик тарихимизда яратилган миллий меросимиз, халқимизнинг улуғловчи қадриятлар жаҳон бўйлаб турли сабаблар билан тарқалиб кетган. Уларни бугунги кунда нафақат Москва ёки Санкт-Петербург, балки Нью-Йорк, Париж, Лондон музейларида учратиш мумкин. Айни вақтда бу қадриятларнинг бир қисми мамлакатимиз ҳудудида ҳам бор. Шундай экан, хонадонларда асралаётган қадриятлар фақат бир кишининггина мулки бўлиб қолмасин, чет эллардаги қайси бир кутубхонада сақланаётган азиз боболаримиз нафаслари қолган қўлёзмалар уша кутубхонанинггина мулки булиб қолмасин, балки миллатимизнинг фахру ифтихорига айлансин. Ана шу мақсадда «Олтин мерос» жамғармаси миллий кутубхона, миллий музей ҳамда халқимиз дахосини куз-кузлайдиган меросимизни ва ижодий асарларни нашр қилиш ишларини режалаштирнб куйди. Бу иш-

да уларга халқимизнинг ҳар бир ватанпарвар вакили, зиёлиси қўлидан келганича ёрдам беришн ҳам қарз, ҳам фарз. Бу умум халқ ҳаракатига айланиши керак.

Маънавиятни юксалтиришда 1996 йил илк бор «Ўзбекистон — Ватаним маним» қушиқлар курик-танловининг утказилиши катта ахамиятга эга булди. Бу кўрикда минг-минглаб истеъдодларнинг қатнашгани, мустақиллик, нурли келажак ва она-юрт ҳақида юрагидан тулиб-тошиб қуйлагани қувончли ҳодисадир. Бу — куп йиллик мафкуравий тузум зугуми туфайли асоратда қолган тафаккур ва дунёқарашнинг узгарганини, Ўзбекистон ва узбек халқининг қадимий шон-шавкати қайта тикланганини курсатди.

Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жушиб куйлаш энг олий бахтдир. Танловдаги энг гузал ва энг дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қушиқлар булди. Бундай жозибадор қушиқлар элу элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта ишлашга, Ватанни ҳар жиҳатдан юксалтиришга, куз қорачиғидай авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади. Танлов давомида яратилган унлаб мафтункор қушиқлар халқимизнинг дилига кучди, унинг бебаҳо маънавий мулкига айланди. Ватанимизга булган чексиз меҳр-муҳаббат янги куй-қушиқларда узгача акс-садо берди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан утказилган бу курик-танлов, халқимиз маънавий ҳаётида унутилмас воқеа булгани, минглаб фуқароларимиз томонидан зўр мамнуннят билан кутарилган рухда қуллаб-кувватланганлиги эътиборга олинниб ҳамда келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳри дарё халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан туйғусини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, буннинг учун керак бўлса жон фидо қилишга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарларини ва қушиқларни яратилишига кенг имконият тугдириш мақсадида Президент Фармони билан ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» қушиқ байрами куни, деб эълон қилинди.

Вазирлар маҳкамаси Узбекистон қўшиқ байрами тугрисидаги низомни тасдиқлади. Унда бу байрам келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳридарё халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан туйғусини, мустақилликни куз қорачиғидай асраб-авайлаш туйғуларини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қушиқларининг яра-

тилишига кенг имкон тугдириш максадида утказилиши кайд этилган.

Байрам доирасида хар йили икки боскичда кўшик курик-танлови утказилади. Биринчи саралаш боскичи республика ташкилий кумитаси томонидан тасдикланган жадвалга мувофик Корақалпогистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шахрида утказилади. Унда катнашишга туман ташкилотлари ва алохида ижрочиларнинг тавсия-буюртманомалари буйича профессионал, хаваскорлик бадиий жамоалари, ансамбллар ва якка ижрочилар, шунингдек, болалар богчалари, мактаблар, олий укув юртлари, харбий кисмларнинг бадиий жамоалари, хорижий ижодий жамоалар ва якка ижрочилар куйиладилар.

Курик-танлов катнашчиларининг ижро махоратини бахолаш учун тегишли ташкилий кумиталар, етакчи санъат ва маданият ходимларидан иборат хайъат ташкил этадилар.

Низомда таъкидланишича, кўшик мусикасининг узига хослиги, матнининг янгилиги, мазмундорлиги, Ватанга мухаббат ва истиклолга садокат гояларини бадиий юксак савияда акс эттириши — бахолашнинг асосий мезони хисобланади. Хайъат курик-танлов шартларига тула жавоб берадиган кушиклар такдим этилмаган холларда айрим мукофотларни бермаслик хукукига эгадир. Хайъатнинг карори узил-кесил хисобланади хамда кайта куриб чикилмайди.

Курик-танлов катнашчилари ташкилий кумиталарга исталган жанр йуналишидаги, танловнинг мавзу шартларига жавоб берадиган факат янги кушикларни такдим этишлари зарур. Айни вактда янги кўшикларнинг мати материали мумтоз шоирларининг шеърий материалларига хам, узбек шоирларининг замонавий шеърий асарларига хам асосланиши мумкин.

Кушик курик-танлови туман, шахар голиблари (биринчи-учинчи урин) вилоят, Корақалпогистон Республикаси курик-танловида, Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар курик-танлови голиблари (биринчи-учинчи урин) республика кушиклар курик-танловининг якунловчи боскичида катнашади.

Саралаш кўрик-танловини ўтказиш тартибига кўра, Мудофаа вазирлиги, Халк таълими вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги узларига карашли ташкилотларининг саралаш курик-танловларини мустакил ўтказадилар, кўшиклар кўрик-танлови катнашчилари тугрисидаги низомга мувофик голибларни республ-

лика қушиқлар курик-танловига умумий асосларда тавсия этадилар.

Шуниигдек, низомда «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасига барча профессионал мусиқа жамоалари ва Тошкент шахрида яшовчи алохида ижрочиларнинг саралаш курик-танловини мустақил утказиш хукуқи берилган.

Курик-танловнинг 2- якуиловчи босқичи Тошкент шахрида булади. Республика қушиқлар кўрик-танлови совриндорлари ва қатнашчиларнинг якунловчи концерти хар йили қўшиқ байрами кунида, август ойининг учинчи якшанбасида утказилади.

Низомда республика қушиқлар курик-танлови ғолибларига бериладиган мукофотлар хам белгиланган:

биринчи урин учун — энг кам иш хақининг 110 бараварн миқдорида;

иккинчи урни учун (учта) — энг кам иш хақининг 80 баравари миқдорида;

учинчи урин учун (учта) — энг кам иш хақининг 50 баравари миқдорида;

хамда энг кам иш хақининг 25 бараварн миқдорида рағбатлантирувчи мукофотлар (учта) таъсис этилди.

Ҳайъат қўшиқлар курик-танлови қатнашчиларига фахрий ёрлиқлар бериш хукуқига эгадир.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, турли жамгармалар ва хоқазолар танлов қатнашчилари учун махсус совринлар таъсис этишлари мумкин. Улар хайъатнинг қарорига кура топширилади.

Республика қушиқлар кўрик-танлови ташкилий қумитаси танлов тамом булгандан кейин танлов совриндорлари ва иштирокчиларининг хайрия концертларини ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 декабрдаги «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат укув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги фармони ёш авлодни узбек маданияти ва санъати анъаналари, илғор жахон андозалари асосида билим олишини таъминлаш, ушбу соха укитувчи, илмий-ижодий ходимлари мехнатини рағбатлантириш, маданият ва санъат билим юртларининг моддий-техника базасини мустахкамлашнинг янги гамхурлиги ифодаси бўлди.

Маънавият масалаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1997 йил 14 февраль куни халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нуткида хам алохида ахамият берилди. Давлати-

миз раҳбари инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва мамлакатнинг куч-кудрати фукароларнинг маънавий-маърифий савияси, даражаси билан баҳоланади, деб таъкидлади. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида жамиятимиз иқтисодий соҳаларда бўлгани каби маънавий-маърифий истиқбол сари ҳам юз бурмоқда. Ўзбекистонда истиқлол мафкураси шаклланяпти.

Президентимиз маърифат маънавиятга олиб келадиган йўл эканлигини ҳам курсатиб берди. Бугун қилинаётган яхши ишлар келгуси авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши ҳам шубҳасиздир. Зеро, халқимизда айтнлганидек, бугун қандай кучат эксак, эртага шундай мева оламиз. Шу боис ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавиятн юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида урин бор.

Фаргона вилоятида булгани каби мамлакатимизнинг бошқа жойларида ҳам ҳали ҳалқ таълими тизимида таълим-тарбия ва касбга тайёргарлик уртасидаги ўзаро алоқалар яхши эмас. Ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия соҳасига, укитувчилар, тарбиячилар таркибига етарли эътибор берилмаяпти. Мана шу масалаларни ечмасдан туриб маънавиятни юксалтириш мушкул.

Маънавиятни юксалтирмасдан турнб, иқтисодиётни тараққий эттириш қийин. Маънавияти юксак булмаган халқнинг келажаги ҳам буюк булмайди. Шуннинг учун хам келажаги буюк давлат барпо этиш йулидан бораётган Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш ички сиёсатнинг асосий устувор йуналиши булиб колди.

«Республикамизда сиёсий ислоҳотлар кимларгадир демократия тарафдори эканимизни исботлаб бериш, намойиш қилиш учун амалга оширилаётгани йўқ. Қандайдир обрў орттириш мақсадида қилинаётгани йўқ. Бу объектив заруратдир, жонз бўлса, объектив қонуниятдир. Бу бизнинг чинакам манфаатларимизга мос келади».

*Ислом КАРИМОВ*

## ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ АСОСИ

Юксак маънавиятли жамият — инсон хак-ҳуқуқлари устувор бўлган, бу хак-ҳуқуқлар қонуний кафолатланган жамиятдир. Шуро тузумн даврида инсон давлат учун хизмат қиларди, жамиятда давлат манфаатлари устун қўйиларди. Ҳолбуки, бу аксинча булиши керак. Давлатнинг инсон учун хизмат қилиши принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида уз ифодасини топган.

Асосий Қонунимизнинг бош мақсади ва вазифалари — халқ иродасини — инсон манфаатини кўзлаш, унинг моддий ва маънавий талабларини тобора ва тулиқ қондириб бориш, айнпкса шахс ҳуқуқлари, эркинликларн ва бурчларинн амалга ошириш кафолатини яратиш ва уни мухофаза этишдир.

Конституциянинг ҳар бир моддаси, ҳар бир боб ва булимларида инсон ҳуқуқлари, бурчлари ва эркинликлари баён қилинган. Масалан, унинг иккинчи булими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталиб, унда фуқароликка эга бўлиш ва уни нуқотиш асослари, шахснй ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг кафолатлари тўлиқ ёритиб берилган.

Ҳар бир фуқаро мустақил давлатимизда тенглик асосида бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга булиши, уларнинг жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, жамиятда тутган урни, эътиқоди ва мавкендан қатъни назар, конституцион асосда тенг эканлигининг эътироф этилиши билан унинг тулиқ кафолати яратилганлнги курнинб турнбди. Давлатимиз ҳудудида истиқомат қилиб келаётган барча давлат ва элатларнинг миллий урф-одатлари, анъаналарига, яшаш қоидаларига, тили ва маданий бойликларига ҳурмат билан муносабатда булнш, қадрияти узига хослигини сақлаган ҳолда уларни ривожлантириш шарт-шароитлари тўлиқ таъминланган. Барча фуқароларнинг тенг

ҳуқуқларга эга эканлиги эътироф этилиб, айрим шахсларга қулланилиши лозим булган нмтиёзлар фақат нжтимоий адолат принциплари асосида булиши тўлиқ кафолатланади. Фуқароларнинг истаган динига эътиқод қилиши ёки килмаслиги конституциявий асосда кафолатланиб, ўзларининг ихтиёрига берилган. Бу ҳуқукларни амалга оширишни давлат ўз ҳуқукий нормалари орқали кафолатлайди, мустаҳкамлайди ва уларнинг дахлсизлигини таъминлайди.

Конституциямизнинг афзалликларидан бири — ҳар бир шахснинг ўз фикри ва мулоҳазаларини мустақил ифодалаш эркинлиги имкониятининг яратиб берилганлиги, ёзишмалар, телефонда сузлашувлар сирини ошкор қилмаслик муносабатларининг таъминланганлигидир. Шунингдек, барча фуқароларнинг уй-жой дахлсизлигини бузиш, рухсатсиз тинтув ўтказиш ва уни куздан кечириш каби ноқонуний харакатларни содир этишга йул қўймасликни қатъий таъминлаш вазифаси юклатилган.

Инсоннинг ижодкор, мехнаткаш, азим ва улуг шахс эканлиги эътироф этилиб, унинг жамиятни ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакилларини сайлаш, узини-ўзи бошқариш асосида референдумлар утказиш каби демократик ҳуқукларининг кенгайтирилиши билан фарқ қилиши Конституциянинг ютуқларидан биридир.

Бозор муносабатларини эътиборга олиб, Конституциямиз унинг ҳуқукий механизмини таъминлашга, давлат томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устунлигини эътиборга олган холда барча ҳуқукий муносабатлар субъектларига мустақиллик, тенглик, фаоллик курсатиш, иқтисодий рақобат, тадбиркорлик, самарали мехнат қилиш имкониятларини тулиқ яратиб берди.

Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма-хил шаклдаги мулклар ташкил этади. Яъни ҳар бир шахс мулкдор булишга ҳақли. Ҳар бир мулкдор, шахсидан қатъи назар, мулкидан уз хохишича ёки конунларда, низомларда курсатилган вазолатлар асосида фойдаланар экан, улар, аввало, бошқа шахсларнинг манфаатларига, айниқса, экологик муҳитга ва давлат манфаатларига зарар етказмасликка бурчли эканлиги билан ҳам фарқ килади.

Республикамиз тарихида конституциявий асосда биринчи маротаба Узбекистон иқтисодиетининг негизини ташкил этувчи хилма-хил мулкчилик шаклларининг барчаси ва хужалик юритишнинг қулай бўлган шаклларини танлаб олишга, фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ўз мулкларига булган му-

носабатларининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, уларнинг тенглик асосида ҳимоя қилинишига катта эътибор берилди. Айниқса, конституцион асосда бошқа мулк шакллари каби хусусий мулкнинг даҳлсизлиги ва давлат томонидан тўлиқ ҳимояланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шахсларнинг банкларга қўйилган омонатлари, қимматли қоғозлари ва мерос ҳуқуқлари конуний кафолатланиши, меросхўрнинг, омонатнинг сир сақланиши тўлиқ таъминланиши, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, касб танлаши, ишсизликдан ҳимоя қилиниши ҳуқуқлари ҳамда қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда уларга тааллуқли бўлган ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари Конституцияда тулиқ кенгайтирилган асосда уз ифодасини топди ва бундан кейин ҳам бу масала давлатимизнинг биринчи вазифаси эканлиги яна бир марта курсатилди. Ҳар бир шахснинг билим ва малакали тиббий ёрдам олиши, ижод эркинлиги каби ҳуқуқлари кенгайтирилди ҳамда инсоннинг ижодкор эканлиги ва уни ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиб бериш лозимлиги конституцион асосда мустаҳкамланди.

Республика Конституциясининг турмушга татбиқ этилиши фундаментал қонунлар ҳамда кодекслар (қонунлар тупламлари), яъни жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарлик, меҳнат, фуқаролик кодекслари конституциявий нормаларнинг ҳаётий манбаи эканлигини тулиқ исботлаб бермоқда ҳамда яна янги-янги кодексларнинг, қонунларнинг қабул қилиниши зарурятини келтириб чиқараётир. Кучли ижтимоий ҳимояга қаратилган бозор иқтисодиёти жараёнида, айниқса, тадбиркорлик муносабатларининг энг юқори чуққига чиқиши, чет эл инвестицияларининг мамлакатимизга кенг куламда кириб келиши, мустақил Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг жаҳон мамлакатларини тулиқ қамраб олиши, янги қонунларнинг, хусусан, солиқ кодекси, божхона кодекси каби қонунлар тўпламларининг қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Инсон ҳуқуқлари тугрисидаги Билль халқаро ҳуқуқшунослик тафаккурини ривожлантиришга қандай ҳисса қушган булса, Республикамиз Конституцияси ҳам Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фанининг пойдевори ва унинг кафолатлари бўлиб, худди шундай ҳисса қушди. Уни тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни узида мужассамлаштирган ҳуқуқий хазина ва ёдгорлик деб аташ мумкин. Чунки амалдаги Конституциямизда улуг мутафаккирларимиз, адолат посбонлари, жаҳонни уз илм-

лари, маданий қадриятлари билан лол қолдирган боболаримиз буюк саркарда Амир Темур, Хужа Аҳмад Яссавий ва бошқа табаррук аждодларимиз замонида шаклланган миллий тафаккур, муқаддас исломий қадриятлар, адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, мардлик, тантилик каби устувор бўлган қоидалар мужассамлаштирилган ва улардан оқилона фойдаланилган.

Ўзбекистон жамиятни янада демократлаштириш йулидан изчил бормоқда. Шу билан бирга Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган нутқида курсатиб утганидек, барпо этилган сиёсий институтлар шаклан демократик мезонлар ва гарб андозаларига ўхшаса-да, мазмун-моҳиятига кура, афсуски, ҳали замон талаблари даражасида эмас. Бу тузилмалар фаолиятининг мазмуни, мақсад-муддаоси халкимизнинг миллий хусусиятлари ва тафаккур тарзига мос бўлиши керак.

Бу ёлгиз бизга хос муаммо эмас. Бу собиқ социалистик худудда пайдо бўлган, купгина янги мустақил давлатларга хос ҳолдир. Бу давлатлардаги гарб андозаларидан урнак олиб ташкил этилган демократиянинг асосий институтлари уз мамлакатлари тажрибасининг натижаси булмай, асосан ривожланишнинг ана шу йулини босиб ўтган мамлакатлар тажрибаси маҳсулидир.

Бу масалада шуни ҳам курсатиб ўтиш муҳимки, талай муҳим қонунлар тегишли қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаган, қабул килинган ҳуқуқий меъёрлар ва кафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари, шунингдек, жамоат ва нодавлат тузилмалари олдига қуйилган вазифалар ҳам аниқравшан белгилаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Олий Мажлис VI сессиясида бу борадаги муҳим йуналишлардан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш юзасидан муайян тадбирларни амалга ошириш эканлиги қайд қилинди. Ушбу тадбирлар ҳам давлат томонидан, ҳам ижтимоий тузилмалар фаолиятини кенгайтириш натижасида амалга оширилмоги лозим.

Афсуски, кундалик ҳаётда инсонни, фуқарони камситадиган куплаб мисоллар учраб туради. Бу ҳол мансабдор шахсларга, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларига, яъни вазифасига кўра инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиши лозим булган ки-

шиларга мурожаат қилинганда учрамоқда. Шундан экан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларида суд органлари ва энг аввало Конституциявий суд қатъий позицияда турмоги лозим.

Навбатдаги муҳим масала — республиканинг қонун-ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ҳолга келтиришдир. Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 стандарт қабул қилинган. Бу ҳужжатларда ҳукуматнинг ўз фуқаролари олдидаги мажбуриятлари ва уларга нисбатан қилиши шарт бўлмаган ишлар белгилаб берилган. Ўзбекистон ҳозирча бу стандартлардан 15 тасига қушилган.

Олий Мажлис ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари тугрисидаги қонунларни судлар, прокуратура, милиция тугрисидаги қонун ҳужжатларининг устуворлиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши керак.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминловчи идоравий тузилмаларни барпо этиш ҳам муҳим вазифадир. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг, ҳуқуқпарвар жамоат ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятн олдига қуйиладиган энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд Омбутсмен (инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ёки халқ ҳимоячиси) институти, Жамоатчилик фикри институти, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотларни ривожлантириш ҳамда бошқа янги институтларни ташкил этиш лозим. Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини бошқариш ва назорат қилишнинг янги самарали механизмларини барпо этиш зарурати етилди.

Ҳозир мамлакатимизда фаолият курсатаётган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили олимлар, ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат фуқароларнинг конституцион ҳак-ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия билан биргаликда иш олиб борнш учун бирлашдилар. Улар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили институтини ташкил этдилар. Маълумки, республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг I сессиясида худди ана шундай институт ташкил этиш гоясини олга сурган эди.

Бу институт олдида турган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

— институт инсон хукуклари камситилишига оид фукароларнинг ариза ва имкониятларини куриб чикади. Таассуфлар бўлсинки, кундалик хаётимизда хали бундай холлар учраб туради. Айникса, фукаролар мансабдор шахсларга ва хатто хукукни мухофаза килиш идораларига мурожаат этганларида камситилиш холларига дуч келадилар. Инсон хукуклари бунича Олий Мажлис вакили фаолиятини бошлаган киска вакт ичида шундай 500 тага якин аризани куриб чикди;

— иккинчидан институт маърифий фаолиятни хам амалга оширади. Инсон уз хукуклари ва мажбуриятларини яхши билган такдирдагина шахснинг конституцияви хукукларини кафолатлаш учун зарур шарт-шароитлар туғилади. Бугунги кунда институт илтимосига мувофик республика Адлия вазирлиги Инсон хукуклари декларациясини мутахассислар шархлари билан биргаликда чоп этишга тайёрламокда. Ана шу нашрнинг куп нусхада чоп этилиши фукароларимизнинг бу жуда мухим хужжат билан бевосита танишишларига имконият яратади;

— институт махсус рисолалар нашр этишни хам мулжаллаб кўйган. Улардан хар бир фукаро конуний хукук ва мажбуриятларига тааллукли узини кизиктирган саволларга жавоб топа олади. Олий Мажлис VI сессиясида таъкидлаб утилганидек, ахолида инсон хукуклари ва эркинликларига риоя килиш борасида янги кадрнятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон хукукларига хурмат-эхтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга каратилган маданиятни юзага келтириш гоят мухимдир;

— хукукий тарбияни мактаб партасидан бошлаш зарур. Институт Халк таълими хамда Олий ва урта махсус таълим вазирликлари билан калин хамкорлик килар экан, республикадаги барча укув юртларида «Инсон хукуклари» махсус курсини киритишга кўмаклашмокда;

— мамлакатимизда фукароларнинг у ёки бу хукуклари — иктисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошка хукукларини акс эттирувчи 300 дан кўпрок конун кабул килинган. Улар ижросини назорат килиш хам институт фаолияти йуналишларидан биридир;

— Ўзбекистон бир катор халкаро конвенцияларга кушилди. Бу эса республикамиз конунчилигини уларга мос холга келтиришни такозо этади. Янада мухими эса мамлакатимизда ушбу халкаро хукукий меъёрларда баён этилган коида ва принципларга амал этилиши таъминланиши лозим;

— институт республикамизда инсон хукуклари бузилишининг хар бир холи буйича Олий Мажлисни хабардор этиши лозим. У шунингдек, амалиётдаги кузатувларга хамда фукаролардан олинаётган хабарларга асосланган холда инсон хукукларига риоя этилишининг хакикий ахволини акс эттирадиган хисоботлар тайёрлаши керак;

— институт хукуматимизга тегишли тавсиялар бериш хукукига хам эга. Айни пайтда конун яратиш фаолиятида хам иштирок этиши мумкин. Парламентнинг VII сессиясида биринчи укишда кабул килинган «Олий Мажлисининг Инсон хукуклари буйича вакили тугрисида»ги Конун лойихаси умумхалк мухокамасига куйилди. Унда хам жахон тажрибаси ва давлатимизнинг узига хос хусусиятлари хисобга олинган.

Узбекистон жахон тажрибасига таянган холда дунёда энг демократик хисобланган — Инсон хукуклари буйича парламент вакили институти моделини танлашга карор килди. Жахон амалиётида у Омбудсмен парламент институти деб аталиб, унга илк бор 1809 йилда Швецияда асос солинган эди. Бугунги кунда Омбудсмен институти жахондаги юзта мамлакатда мавжуддир. У ижроия хокимият аппаратн фаолиятини назорат килувчи идоралар тизимида мухим урин тутади. Омбудсмен институти давлат идоралари томонидан фукаролар хукукларини камситишга йул куймасликка даъват этилган. Айни пайтда амалдорлар уз мансаб вазифаларини суиистеъмол килмасликларини хам назорат килиб боради.

Давлат-хукукий меъёрлар мохияти жихатидан Омбудсмен мустакил шахс хисобланиб, айрим фукаролар хукукларини химоя килишга вакил этилган. У парламент назоратини давлат барча мансабдор шахсларн устидан доимий кузатув сифатида амалга оширади. Лекин у кабул килинган карорларни узгартириш хукукига эга эмас.

Омбудсменнинг машхурлиги ва нуфузи унинг макомига хос демократик хусусиятлар хамда самарали фаолият курсатишини таъминловчи омиллар билан изохланади. Чунончи, у давлат идораларидан мустакилдир. Омбудсмен инсон хукукларини бепул химоя киладн, унинг ишида расмиятчилик холлари булиши мумкин эмас.

Узбекистон инсон хукуклари мониторинги сохасида халкаро ва хукукни химоя килиш ташкилотлари билан хам хамкорликни кенгайтириб бормокда. Инсон хукукларини химоя килиш сохасидаги нуфузли халкаро ташкилотлар Узбекистонга жалб

этиляпти ва республикада уларнинг фаолияти йулга қуйилмоқда.

Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги кадриятлар ва куникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқукларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш гоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқукларининг конституциявий кафолатларини руебга чиқаришнинг энг асосий шартн булиб қолиши керак.

Одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантириш маданий-маърифий ишлар тизимида алохида урин тутади. Ҳар бир киши инсон эркинликлари — анни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чукур ҳис этиб туришига эришилган холлардагина ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролар жамияти тўғрисида ган юритиш мумкин.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат парламенти кенгаши демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуклари соҳасидаги ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда самарали назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этди.

Амалдаги қонун ҳужжатларн мониторинги институтининг асосий вазифалари деб қуйидагилар белгиланди:

— амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқукларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиш борасидаги ҳуқуқий-татбиқий тажрибани урганиш ва умумлаштириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

— халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан инсон ҳукуқлари соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

— қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан утказиш, шу

жумладан хорижий экспертлар ва институтларни жалб этган ҳолда шундай экспертизалар ўтказиш;

— қонунчилик ишининг режалари ҳамда дастурларига доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда куппартияли тизим фаолият курсатиши учун ҳуқуқий асослар яратилган. Турли партиялар ва ҳаракатлар фаолияти учун ҳуқуқий замин мавжуд. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» қонун қабул қилинган. Қонунда ҳар кимга касаба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, сиёсий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқи берилган.

Бироқ шуни айтиш керакки, сиёсий партияларнинг шаклланиши ва қарор топиш жараёни гоят суст кечмоқда, уларнинг сиёсий ва иқтисодий дастурлари ҳам заифдир. Мамлакатни сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг мукобил йўлларини ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишда улар етарлича фаоллик кўрсатмаяптилар. Бу партияларнинг айби эмас, аниқроғи — кулфатидир. Бундай ахвол партия етакчиларининг фаоллиги ва шижоати талаб даражасида етук эмаслигидан дарак бериб, биз бугун чинакам демократик жамиятни қарор топтиришнинг бошланғич босқичига эндигина қадам қўйганимизнинг далолати ҳамдир.

Олий Мажлис еттинчи сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши кўп партиявийликнинг ҳуқуқий кафолати бўлди. Энди сиёсий партиялар фаолиятида туб ўзгаришлар бўлиши керак.

Ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда жамоат, нодавлат тузилмаларини ривожлантириш бугунги кунда мухим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, бундай тузилмалар замирида фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал этиш истиқболлари мужассам. Жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақланаётган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида узбошимчалик, волюнтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар юзага келмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди.

Ҳар қандай жамиятда мухолифат аҳолининг муайян ижтимоий қатламлари ва гуруҳларининг теран манфаатлари ва интилишларининг ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячиси бўлиши лозим. Мухолифат конституциявий мезонлар доирасида фаолият кўрсатиб, аниқ дастурий ҳужжатга эга бўлиши керак. Ана шу

дастурий мақсадлардан келиб чиқиб, аҳолини, айниқса сайлов даврида, ўзи таклиф этаётган ислоҳотлар ва янгиланиш нули ҳозирги шароитда жамият учун энг тўғри ва энг мақбул йул эканлигига ишонтира олиши лозим.

Ўзбекистонда ҳам расмий ҳокимият билан гоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган мухолифат пайдо бўлишига зарур шарт-шароитлар яратилган.

Барча окил, соғлом фикр юритувчи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва Ватанимизнинг келажаги учун курашаётган кишиларнинг барча сиёсий мухолифатни айнан шу тарзда тушунади.

Матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга. Бироқ шуни ҳам эътироф этиш керакки, республикада демократлаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмаяпти. Улар шу пайтгача узларини «туртинчи ҳокимият» сифатида намоён қилганлари йук.

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари олдига бутунлай янги вазифаларни қуймоқда. Матбуот аҳолида янгича тафаккур ва онгни шакллантиришда таъсирчан курол булиши, кишиларнинг фикр ва хоҳиш-иродасининг эркин, аммо холис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси булиши керак.

Оммавий-ахборот воситалари мансабдорларнинг турачилиги, коррупция, мустабидлик ва боқимандалик психологияси йўлида мустаҳкам гов бўлиб, қонунчилик меъёрларини руёбга чиқариш, ислоҳотларнинг боришн ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси булиб қолиши зарур. Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш йулининг, ислоҳотлар йулининг фаол таргиботчиси булиб қолиши шарт. Айни пайтда уларнинг узи мохият жиҳатидан демократик булмоги зарур. Яқинда тузилган Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қуллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Етмиш йилдан купроқ вақтдан бери миямга қуйиб келинган ақидалардан бирданига воз кечиш, эркин демократик жамият фукаросидек фикр юритишга эришиш осон эмас. Нақадар оғир булса ҳам тан олишга мажбурмизки, бу жараён, айниқса журналистлар учун оғир кечаяпти. Газета саҳифаларида уша эски за-

мои қолипидаги мақолалар, телевидение ва радиода саёз, сиқиқ, қизиқиш уйготмайдиган эшиттиришлар камаймаётганлиги ҳам куп жиҳатдан шу билан изоҳланади. Журналистларимиз жараёнлар, воқеалар, ҳодисаларни таҳлил ва тадқиқ этувчи, шу асосда умумлашмалар чиқарувчи, жиддий таклифларни уртага ташловчи чинакам ижодкорлардан фарқли уларок уларни курук кайд этувчиларга айланиб колмокда. Шунинг учун ҳам сунгги вақтда кенг жамоатчилик фикрини узига тортган матбуотнинг таъсирчан чиқишларини эслай олмаймиз.

Янги жамгарма энг аввало истеъдодни қадрлашга, авайлашга, унинг камол топиши ҳақида қайгуришга даъват этилган. Янгича фикрловчи, журъатли, қатъиятли журналист нафақат моддий, балки маънавий зарурат туғилса ҳуқуқий ҳимояга олишга даъват этилган. Журналистларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар қандай ндора ва мансабдор шахсдан ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида Олий Кенгаш еттинчи сессиясига янги иккита — «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистнинг касбига онд фаолиятнин ҳимоя қилиш тугрисида» қонун лойиҳалари биринчи уқишда қабул қилинди. Улар «туртинчи ҳокимият»ни шакллантиришда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Журналистларнинг хорижий ҳамкасблари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг дунёдаги энг нуфузли нашрларда тажриба орттиришларига имкон яратилиши матбуотимиз мазмунн, мундарижаси ва қиёфасини тубдан узгартиришга хизмат киладн. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг бозор иқтисодиёти шароитларида фаолият курсатиш куникмаларини ҳосил қилишини таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга. Бу ерда гап таҳририятларнинг биргина ўз харажатларини ўзлари қоплашлари тугрисида кетаётгани йук. Янада муҳими— журналистларимизнинг бозор мезонлари асосида фикрлашлари ва бу маколаларда уз нфодасини топишидадур.

Ҳозир республикада «Хуррият» каби мустақил газеталар нашр этила бошлашн билан эркин жамият кузгуси ҳисобланган демократик матбуот шаклланишига пойдевор куйилди, дейиш учун ҳамма асослар бор. Бу нойдевор устида келажаги буюк давлатимизнинг жаҳоннинг энг нуфузли оммавий ахборот воситалари билан рақобатлаша оладиган матбуот қад ростлашига ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий шарт-шаронтлар яратиб берилди.

Аммо бизда профессионал журналист, снёсатшунос, шарҳловчи кадрлар танкислиги сезилмокда. Уларда тажриба, дадил-

лик етишмаяпти, зиммага масъулият олишдан чучиш ва лоқаидлик ҳолатларн ҳукмрон. Кўпгина журналистлар ҳанузгача эскича фикр юритишдан халос булолмаяптилар, муҳим муаммоларни ёритишда уларда қатъият ва принципиаллик етишмайди. Модомики, газета ёки журнал оддий фуқарони маҳаллий бюрократларнинг бедодлиги ва ноконуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишга қодир эмас экан, умуман шундай нашр керакмикан, деган ҳақли савол туғилади.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятнниг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ҳам зарур.

Қабул қилинаётган қонун меъёрлари, улар асосида чиқариладиган ҳужжатлар суз ва матбуот эркинлигнии таъминлаши, ахборотлар бозори шаклланиши учун шароит яратиб бериши, журналистларнинг шаъни ва қадр-қимматнни ишончли тарзда ҳимоя этиши лозим.

Эркин демократик ахборот маконинн яратиш мақсадида давлатга қарашли бўлмаган мустақил нашрлар ва ахборот органларининг тармогини кенгайтириш ҳам талаб этнлади.

Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимнятнинг учинчи, мустақил ва қарам булмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизнмини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йуналишидир. Бугунги кунда ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тарикасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши талаб этнлмоқда.

Олий Мажлис VI сессиясида курсатиб утнлганидек, фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботнн мухофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоги керак. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланнб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим.

Тергов ва суд ишини юритишнинг хар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши жуда мухимдир. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолнят курсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланиши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тугрисида»ги Низоми 1980 йилда қабул қилинган бўлиб, табиийки, у бозор муносабатларига боглик булган бугунги кун талабларига жавоб беролмай колган эди. Адвокатура фаолнятини тубдан такомиллаш-

тирмай туриб, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, айниқса, одил судлов соҳасидаги ҳақ-ҳуқуқларини реал ҳимоя қилиш тўғрисида гапиришга ҳожат йўқ.

«Адвокатура тўғрисида»ги янги қонун ана шундай шароит ҳамда талаб-эҳтиёжлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилди. Қонун иккита асосий тамойилга бўйсундирилган. Биринчиси, адвокатлар хизматидан фойдаланиш ва юридик ердам олиш имкониятини яратиш бўлса, иккинчидан, малакали юридик ёрдамни таъминлашдан иборатдир.

Қонунда адвокатурага адвокатлар фаолияти ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кунгилли касбий бирлашмаларини ўз ичига оладиган тизим сифатида таъриф берилади. Чунончи, унинг 3-моддасига мувофиқ, олий маълумотга эга ва қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган республиканинг исталган фуқароси адвокатлик қилиши мумкин. Бундай лицензия олиш истагидаги шахс малака имтиҳони топшириши лозим.

Адвокатлик фаолиятининг тўхтатиб қўйилиши ёки тугатилиши малака комиссиясининг хулосасига мувофиқ лицензия берган органнинг қарори асосида амалга оширилади. Адвокат агар мазкур қарорга норози бўлса, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Қонундаги энг муҳим янгиликлардан яна бири — хусусий адвокатлик институтининг жорий этилишидир. Мазкур қонунга мувофиқ лицензия олган шахс ўзининг адвокатлар бюросини очиши ва якка тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга қоидадир. Унга мувофиқ адвокатлар фаолиятига у ёки бу тарзда аралашишга ёки бошқа йўсинда таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Қонундаги ҳақ тулашга қодир бўлмаган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларнинг юридик ёрдам учун ҳақ тулашига доир масалаларни тартибга солувчи қоида жуда катта аҳамиятга молик. Чунончи, жиноий иш бўйича тайинланган адвокат гарчи фуқаро курсатилган хизмат ҳақини тулашга қодир бўлмаса-да, унга юридик ёрдам курсатишдан бош тортишга ҳаққи йўқдир. Бундай ҳолларда адвокатнинг хизматн учун давлат томонидан ҳақ тўланади. Бу меъёр БМТнинг 1990 йил август ойида Нью-Йоркда жиноятларнинг олдини олишга бағишлаб ўтказилган

саккизинчи конгрессида қабул қилинган «Адвокатларнинг роли тўғрисидаги асосий кондалар»дан иборат ҳужжатга тўла мос келади.

Суд фаолиятини давр талаби даражасида ташкил этиш учун энг аввало халқ маслаҳатчилари тизимини ислоҳ қилиш зарур. Фуқароларнинг одил судловни утказишда қатнашуви — демократик жамиятнинг асосий принципларидан биридир. Демократия ривожланган куплина мамлакатларда профессионал суд билан бир қаторда холис, ҳалол маслаҳатчилар иштирокидаги судлар муваффақиятли ишлаб турибди. Ўзбекистонда ҳам ана шу тажрибани ургапиш фойдадан ҳоли эмас. Суд ишларини куриб чиқишга одамлар ўртасида ҳурмат ва ишонч қозонган обрули, маърифатли фуқароларни фаолроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда судларнинг таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тулдириш зарур. Шу мақсадда транспорт ва солиқ судларини тузиш, холис ҳакамлар судлари (третейский суд) имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. 1993 йилнинг сентябрида қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунни назарда тутилганлигига карамай, республикада амалда судлар таркибида ҳанузга қадар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар буйича судьялар лавозимлари жорий этилмади.

Ўзбекистон судьяларн уюшмасини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу уюшма Халқаро судьялар уюшмасига тула ҳуқуқли аъзо булиши мумкин эди.

Олий Мажлис VI сессиясида суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги курсатиб ўтилди. Шуни эътироф этиш керакки, бугунги кунда бу тизим самарасиз булиб, айрим суд қарорлари узоқ вақтгача ижро этилмаяпти. Ҳар бир суд қарори сузсиз бажарилишини таъминлашга имкон берадиган пухта механизм барпо этилмаган. Қолаверса, ҳужалик судлари тизимида бундай тузилма умуман нук. Суд қарорлари ижросини тартибга солиб турувчи қонун қабул қилиш талаб этилмокда.

Демократиянинг асл моҳияти — инсон қадр-қиммати, ҳурмати ҳамма нарсадан улуг, деган ақидадан иборатдир. Инсон сўзи она-Ватан деган калом каби муқаддасдир. Бу муқаддасликни, инсон эркининг дахлсизлигини мустаҳкам қонунларимиз ҳимоя қилянти. Халқнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва

бурчларнни теран англатиш борасида хали куп иш қилиш лозим. Жамнятда хаётга, узгаришларга бефарқ қарайдиган лоқайд қимсалар булмаслнги керак. Бу тараққиётимизни орқага сурнб юборади. Инсон буюк, эзгу орзулар билан яшасин. Уни мамлакат, балки жаҳонда руй бераётган ходисалар қизиқтирснн. Дунёқараши, онги чегараланнб бир қолипда қолмасин. Миллий ғурур, истиқлол мафкурасн ғояларн унга доимо хамрох бўлсин.

«...Ўтган беш йилликнинг энг муҳим натижаси халқимизнинг танлаган йўлининг тўғрилигига, ўз мамлакатининг буюк келажагига ишончи ортиб бораётганидадир».

*Ислом КАРИМОВ*

## ХУЛОСА

Ислоҳотларнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон учун осон кечмади. Аммо республика раҳбарияти, биринчи навбатда Президент томонидан собитқадамлик билан амалга оширилаётган мустақил ички ва ташқи сиёсат натижасида мамлакатда сиёсий ва ижтимоий барқарорлик таъминланди.

1996 йилга келиб макроиқтисодий барқарорликка эришилди ва иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратилди. Ҳукумат иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишни изчил давом эттиряпти. Бу Ўзбекистонга жаҳон иқтисодиёти ва халқаро ҳамжамиятнинг фаол қатнашчиси бўлишига имкон яратмоқда. Ислоҳотларни чуқурлаштириш миллий иқтисодиётнинг барча секторлари ва тармоқларида бозор муносабатларини қарор топтириш йўлидан бормоқда.

Ўтиш давридаги кўпгина бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон ислоҳотларни босқичма-босқич утказиш йўлини танлади. Бунда ислоҳотлар йўлидан қўйиладиган ҳар бир янги қадам инсон ҳаётига қандай таъсир курсатиши чуқур урганиб чиқилган ҳолда белгиланди.

Бу мамлакат фуқароларида амалга оширилаётган ислоҳотларга ишонч уйғотди, ўзгартишлар учун қулай маънавий муҳитни вужудга келтирди. Умуман, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг ўзбекча модели ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни кузда тутади. Ҳақиқатдан ҳам, агарда, ислоҳотлар пировард натижа — одамлар ҳаётини яхшироқ қилиш мақсадига бўйсундирилмас экан, бирон-бир аҳамиятга эга бўлмайди. Ўз тараққиет йўлидан дадил олга бораётган Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда бир-бири билан узвий боғлиқ оламшумул вазифаларни ҳал этмоқда.

Ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш — ислоҳотларнинг асосий мақсадидир.

1996 йилда Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил асосида, республика Олий Мажлиси тўртинчи сессиясида белгиланган аниқ устувор йўналишларга ҳамда ўзгартишлар иккинчи босқичининг дастурий вазифаларини бажариш манфаатларига жавоб берадиган тарзда амалга оширилди. Натижада ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг 1996 йил учун белгиланган вазифалари бажарилди. Иқтисодиётда аввалги йилларда эришилган ижобий ўзгаришлар мустаҳкамланиб қолибгина эмас, шунингдек иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларида туб ўзгаришларга эришилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил 28 декабрда чет эл дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларн вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида таъкидланганидек, 1996 йилда мамлакатимизда мустаҳкам иқтисодий барқарорликка эришилди. Иқтисодиёт соҳаларидаги туб ўзгаришлар қуйидагилардан иборат бўлди:

Биринчидан, ислоҳотларнинг стратегик вазифаси муваффақиятли ҳал этиляпти. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатибгина қолинмасдан, макроиқтисодий барқарорликка эришилди, иқтисодий ўсиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ички ялпи маҳсулот 1996 йил давомида ўсди ва 1995 йилга нисбатан 101,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ҳажми олти фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 8,1 фоизга ортди. Бу кўзлангандан анча юқоридир. Дон ишлаб чиқариш (1995 йил даражасига нисбатан 110,4 фоиз), шу жумладан бугдой (116,6 фоиз), шоли (135,9 фоиз), картошка (111,4 фоиз), бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайди.

Устувор тармоқлар — кора ва рангли металлургия, автомобил ва нефт кимёси саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил ва кимё-фармацевтика саноати жадал суръатларда ривожланди.

Бир неча йилдан буен давлат молия тизими барқарор ишлаб турибди. Бюджет камомади 3,5 фоиздан ортмайди. 1996 йилда бу камомадни қисман қоплаш мақсадида муомалага қиска муддатли давлат облигациялари чиқарилди.

Иккинчидан, 1996 йилда қаттиқ пул-кредит сиёсати ўтказилиши хисобига ўртача йиллик хисобида инфляция дара-

жаси икки баробарга қисқарди. Муомалага чиқарилаётган пулни мувофиқлаштириб туриш чора-тадбирлари бунга ердам берди. Натижада пул купайиши суръатлари 1995 йилги 2,6 баробардан 1996 йилда 2,1 баробаргача камайди. Бунда нақд пул миқдори 20,4 фоиздан 19,7 фоизга камайди. Шу билан бир қаторда таркиб топган инфляция даражаси мўлжалдагидан бироз ортиқроқ бўлди.

Учинчидан, 1996 йилда миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар қурилди. Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар миллий валютанинг ягона тўлов воситаси сифатида ролини оширди. Республикага хорижий валютани ноконуний олиб киришнинг олди олинди. Марказлашган валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш тартибга солинди. Биржадан ташқари, валюта бозорини ривожлантириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Тижорат банклари валюта ресурсларининг манбалари кенгайтирилди. Уларнинг тайёр маҳсулотни импорт қилаётган корхоналар маблағларини конвертация қилишдаги роллари ва масъулияти оширилди. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1995 йилдаги 1,3 миллиард урнига 3,3 миллиард чет эл валютаси сотилди.

Тўртинчидан, 1996 йилда иқтисодиётнинг таркибий узгартириш йули давом эттирилди. Йил давомида 166,5 миллиард сумлик сармоя узлаштирилди. Бу 1995 йилдагидан 7 фоиз кўп бўлди. Сармояларнинг 66 фоиздан кунроги ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Коммуникациялар тизими ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига 28,5 миллиард сум, қишлоқ хўжалиги ва аграр секторининг қайта ишлаш тармоқларига 17,9 миллиард сум сарфланди.

Чет эл сармояларини иқтисодиётга жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш сиёсати собитқадамлик билан амалга оширилди. Бу 5 миллиард АҚШ долларига яқин хорижий сармояларни жалб этиш имконини берди. Йил давомида бу маблағнинг 825 миллион доллари ёки 1995 йилдагига қарағанда икки баробар кўп хорижий сармоя ўзлаштирилди. Хорижий сармоялар жалб этилган ҳолда 3 мингдан зиёд корхона ташкил этилди.

Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш 1996 йилда Асакада автомобил заводини, манзарали ойна ишлаб чиқарадиган «Кварц», «Кабул — Туйтепа — текстайл»з, чарм маҳсулотларини қайта ишлаш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича «Касмир — Дери», Чирчиқда болалар пойафзали ишлаб чиқариш бўйича «Кибо» қушма корхоналарини, Қарши шаҳрида

тўқимачилик мажмуасини ишга тушириш имконини берди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Газли — Пукус газ қувури, Андижон, Қўқон ва Янгийул шаҳарларида спирт ишлаб чиқарадиган корхоналар, Ғузор— Бойсун — Қумқурғон янги темир йўли, «Қамчиқ» довонида автомобил йўли қурилишини жадал олиб бориш чора-тадбирлари қурилди. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва бошқа иншоотларни реконструкция қилиш давом этди.

Маҳсулотнинг 150 тадан кўпроқ янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу уларни импорт қилиш ҳажмини камайтириш ҳисобига 70 миллион доллардан кўпроқ маблағни тежаш имконини берди.

Бешинчидан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари, ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш изчил амалга оширилди. 1996 йилда иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган сектори усди ва мустаҳкамланди. Йил давомида бозор муносабатларига утишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайдиган 10 та қонун ва Президентнинг тўққизта фармони қабул қилинди. 26 та қишлоқ хўжалик корхонасида уларни ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ва мулк пайи тизимини жорий этиш юзасидан тажриба ўтказилди.

Хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 1915 та корхона давлат мулк шаклидан чиқарилди. Улар негизида 1257 та ҳиссадорлик жамияти, 420 та хусусий ва кичик корхона ташкил этилди. Ҳамма манбалар бўйича хусусийлаштиришдан 5,3 миллиард сум олинди.

Мулкдорлар синфини шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш катта аҳамиятга эга бўлди. Йил давомида 34,5 мингта янги хусусий ва кичик корхона ташкил этилди. Ҳозирги пайтда уларнинг умумий сони 100 мингдан ортиб кетади.

Республикада қонуний меъёрлар қабул қилиниши билан қимматли қоғозлар бозори фаол шакллана бошлади. 1996 йилда хусусийлаштирилган корхоналарнинг 6 миллиард сўмликдан кўпроқ акциялари чиқарилди ва сотилди. Миллий депозитарийда умумий эмиссия ҳажми 48,3 миллиард сўм булган 4,2 мингта ҳиссадорлик жамияти акциялари маълумотлари жамланди. «Тошкент» Республика фонд биржасида қимматли қоғозларни сотиш ҳажми 1995 йилга нисбатан икки бараварга кўпайди ва 2,8

миллиард сумдан ортиб кетди. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириб туриш ва улар фаолнятини назорат қилиш маркази ҳамда «Консаудитинформ» агентлиги ташкил этилди.

Бозор инфратузилмаси асослари мустаҳкамланди. Республика кўчмас мулк биржасида 1996 йилда 4 мингтадан кўпроқ иншоот, аввал хусусийлаштирилган савдо, маиший хизмат ва матлубот кооперацияси шахобчаларининг 10 мингтага яқин ер майдони сотилди. Кўчмас мулк сотиш бўйича 167 та, акциялар сотиш бўйича 246 та, брокерлик идораси ва агентлиги, ер майдонлари сотиш буйича 213 та туман комиссияси ишлаб турибди. 1600 та кичик улгуржи савдо тузилмаси ташкил этилди. Консалтинг ва аудитор марказлари рнвож топмокда. 375 та инвестиция маҳкамаси, 24 та хусусийлаштириш инвестиция жамгармаси ва 38 та компания бошқаруви ташкил этилди.

Бозор узгартишлари натижасида ҳозирги пайтда халқ хужалигида иш билан банд аҳолининг 70 фоизи, яратилган миллий даромаднинг 68,9 фоизи, саноат маҳсулотларининг 53,4 фоизи, қишлоқ хужалик махсулотларининг 97,7 фоизи давлатга карашли булмаган сектор хиссасига тугри келади.

Олтинчидан, 1996 йилда утказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнларининг ижтимоий йўналтирилиши кучайди. Иш ҳаки, пенсия ва нафақаларининг энг кам миқдори 1,5 баробардан ҳам ортиқ купайтирилди. Пенсия ва ижтимоий нафақаларни уз вақтида тўлаш тизими пухта йўлга қўйилган. Чакана товар оборати ҳажми 21 фоизга, аҳолига пулли хизмат курсатиш ҳажми 9,9 фоизга ортди.

Ижтимоий соҳага 56 миллиард сумдан купроқ маблағ ёки барча сармоялар ҳажмининг 33,6 фоизи йўналтирилди. Пул билан таъминлашнинг ҳамма маблағлари ҳисобига 6,1 миллион квадрат метрдан купроқ уй-жой, 63,5 минг ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 1275 ўринли касалхоналар, бир кунда 8,8 минг бемор қабул қилинадиган поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. 5 минг километр узунликда газ ва 1600 километр узунликда ичимлик сув тармоқлари утказилди.

Еттинчидан, 1996 йилда ташқи иқтисодий фаолият анча кучайди. Маҳсулот экспорт қилинишининг либераллашуви унга ёрдам берди. 17 турдаги товарлар учун экспорт божи бекор қилинди. Бир қатор товарларга бож ўртача 35 фоизга камайтирилди. Импортни тарифлар орқали бошқариб туриш чоралари жорий этилди.

1996 йилда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи 6 мингдан кўпроқ қатнашчи рўйхатга олинди. Бу 1995 йилдагидан уч баробар кўпдир. Ташқи савдо оборотн 9,3 миллиард доллардан ортди. Бу 1995 йилдаги даражадан 1,4 баробар кўпдир. Ташқи иқтисодий фаолият жуғрофияси жиддий равишда узгарди. Тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар билан ташқи савдо обороти 1,7 баробарга ортди. Бугунги кунда улар хиссасига ташқи савдо обороти умумий ҳажмининг 72 фоизи тўғри келади.

Буларнинг ҳаммаси 1996 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг устувор уналишлари бўйича белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилганлигидан далолат бериб турибди. Шу билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳамон ҳал қилинмай қолмоқда. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар, деҳқонларда мулкка эгалик хиссини шакллантириш жараёни суст кетяпти. Уларнинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидан манфаатдорлиги ортмаяпти. Қишлоқда ислоҳотларни амалга оширишда расмиятчиликка йўл қўйнляпти, хўжалик юритиш услуби узгармаяпти. Бунинг оқибатида кўпгина хўжалнклар кам рентабелли ёки зарар куриб ишламоқда.

Бир қатор корхоналар ва умуман тармоқларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Уларда уз айланма маблағлари етишмаяпти. Туловлар буйича қарзлар ортиб боряпти. Кўпгина корхоналарнинг машина-ускуналари маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб кетган, маркетинг тадқиқотлари қониқарсиз пўлга қўйилган. Оқибатда анчагина ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорда рақобатбардош эмас. 1996 йилнинг 1 декабрнгача бўлган маълумотларга кура, корхоналар ва савдо ташкилотлари омборларнда 26,2 миллиард сумлик, шу жумладан, меъёрларда кузда тутилганидан 3 миллиард сумлик ортик маҳсулотлар сақланяпти. «Ўзэлтехсаноат», «Ўзмашсаноат», «Узқишлоқхужмашходинг», «Узмевасабзаватвиносаноат» уюшмалари ва баъзи бошқа тармоқ корхоналарининг маҳсулотлари, айниқса, талаб даражасида эмас.

Умумий савдо обороти ҳажмида ўз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ҳажми жуда кам — 35-40 фонзни ташкил этади. Улгуржи савдо, улгуржи база ва магазнилар тармоги буш ривожланяпти. Республиканинг улгуржи обороти чакана товар обороти ҳажмининг атнги саккиз фонзни ташкил этади.

Бу камчиликларга қарамай бу йил иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун зарур пойдевор яратилди. 1997 йил-

да иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг устувор йуналтиришлари қуйидагилардан иборат бўлади:

— инсон манфаатлари йўлидаги вазифаларни бажариш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун зарур иқтисодий шарт-шароит ва мустаҳкам моддий-молиявий негиз яратиш;

— оқилона бюджет-солиқ ва пул-кредит снёсати ўтказиш асосида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш;

— кредит ва нақд пул эмиссиясини янада қисқартириш ҳисобига инфляция даражасини кескин камайтириш;

— миллий валютани мустаҳкамлаш, республика экспорт салоҳиятини кенгайтириш асосида унинг конвертацияси даражасини ошириш, валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш, биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва кенгайтириш;

— инвестиция фаолиятини кучайтириш, хорижий сармояларни кенг жалб этиш асосида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш. Шу ҳисобга корхоналарни замонавий хорижий техника ва технология билан қайта қуроллантириш, иқтисодиётнинг устувор соҳаларида янги иш ўринлари яратиш.

— ўртача мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, қишлоқда мулкчилик муносабатларини чуқур ислоҳ қилиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорини жадал шакллантириш, фонд бозори фаолиятини кучайтириш;

— экспортни кўпайтиришни рағбатлантириш ва импортни оқилона йўлга қўйиш ҳисобига республика тўлов баланси барқарор бўлишини таъминлаш.

Ёш мустақил давлат учун иқтисодиётнинг жонланиши жамиятнинг маънавий ва маданий юксалиши билан узвий боғлиқ бўлиши катта аҳамиятга эга. Чунки мустаҳкам ижтимоий негиз барқарор иқтисодий ўсишни таъминлай олади. Шу сабабли Ўзбекистон иқтисодий тараққиётини унинг табиий ресурслари эмас, балки инсон салоҳиятлари — одамларнинг билими ва малакаси, ижтимоий соҳа, согликни сақлаш, таълим, маданиятни равнақ топтириш кўпроқ белгилайди. Шунинг учун ҳам республикада иқтисодий ўзгаришлар ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар билан бирга давом эттирилмоқда.

Жамиятимиз кундалик ҳаётида халқ турмушининг тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига мос келадиган чинакам демократия қоидаларни тобора кўпроқ қарор топтяпти. Умумба-

шарий қадриятлар устуворлиги мустаҳкамланмоқда, янги демократик меъёрлар ҳаётимизга тобора яққол кириб келмоқда. Инсон ва фуқаро тафаккури ҳамда дунёқараши ўзгармоқда, унинг сиёсий фаоллиги ошмоқда.

Давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар демократик тус олмоқда. Давлатга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг ваколатлари кенгаймоқда. Уларнинг ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, жамиятни бошқаришда тутган ўрни тобора салмоқли ва фаол бўлиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантирар экан, ислоҳотлар йўлидан дадил олға бориб буюк истиқбол — эркин, қудратли, гуллаб яшнаётган, аҳоли турмуши фаровон давлат барпо этиш орзуларининг рўёбга чиқишини яқинлаштирмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.

И. А. Каримов. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 йил.

И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йуналишлари тўғрисида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 йил.

И. А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 йил.

И. А. Каримов. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил.

И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тўрт жилдли асарлар тўплами. I- жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил.

И. А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тўрт жилдли асарлар тўплами, II- жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил.

И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тўрт жилдли асарлар тўплами, III- жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил.

И. А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Тўрт жилдли асарлар тўплами. 4- жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил.

И. А. Каримов. Стабильность и реформы. Статьи и выступления. Москва, «Палея», 1996 г.

С. С. Ғуломов. Ўзбекистон Республикаси. бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. Тошкент, «Фан», 1996 йил.

С. С. Ғуломов. Тадбиркорларга луғат-қўлланма. Тошкент, ТДИУ, 1996 йил.

С. С. Ғуломов. Маънавият — давлат сиёсатининг устувор йўналиши. Тошкент, ТДИУ, 1996 й.

Л. Планкетт. Выработка и принятие управленческих решений. Москва, «Экономика», 1984.

Менеджмент и рынок: Германская модель. Москва, «Бек», 1995 г.

Деньги и финансовые рынки. Ташкент, «Шарк», 1996 г.

В. В. Масленников. Деловое партнерство. Хозяйственные связи предпринимателей. Москва, «Финансы и статистика», 1993 г.

Доклад о человеческом развитии. Ташкент, «Ўзбекистон», 1996 г.

Законодательные основы рынка. Ташкент, «Шарк», 1996 г.

Г. Поппель, Б. Голдстайн. Информационная технология-миллионные прибыли. Москва, «Экономика», 1990 г.

Как добиться успеха? Практические советы деловым людям. Москва. «Политиздат», 1991 г.
Коваленко В. П. Всемирный рынок: экономические законы развития. Москва, «Экономика», 1993 г.
Кочекпв Э. Г. Ориентир внешнеэкономической деятельности. Национальная экономика и предприятие. Москва, «Экономика», 1993 г.
Маркетинг во внешнеэкономической деятельности. Москва, «Международные отношения», 1992 г.
Меркулов Т. Р. Внешнеэкономические связи и международная коммерческая деятельность. Москва, «Мысль», 1992 г.
Р. Хизрнл, М. Питерс. Предпринимательство, или как завести собственное дело и добиться успеха. Вып. 1, 2, 3, 4, 5. Москва. «Прогресс», 1992—1993 гг.
Дж. О. Шонесси. Принцип организации управления фирмой. Москва, «Прогресс», 1979 г.
Права человека и судопроизводство. Сборник международных документов, Варшава, ОБСЕ, 1996 г.
Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировом хозяйстве. Ташкент, «Ўзбекистон», 1996 г.
Узбекистан: 1991—1995. Информационный сборник. Ташкент, 1996 г.
А. Файоль, Г. Эмерсон, Ф. Тэйлор, Г. Форд. Управление — это наука и искусство, Москва, «Республика». 1992 г.
П. С. Завьялов, В. Е. Демидов. Формула успеха: маркетинг. Москва, «Международные отношения», 1991 г.
П. Дерииг. Хотите стать коммерсантом? Москва, «Экономика», 1994 г.
А. Исаксен, К. Гамильтон. Экономика переходного периода. Книга 1, II Москва, «Сов-ВИП», 1993 г.
Экономический образ мышления. Х. Пол. Москва, «Дело», 1992 г.
Ш. Максимимиан. Экспорт: право и практика международной торговли. Москва, «Юридическая литература», 1993 г.

## МУНДАРИЖА


Кириш ..... 3
Ўзлуксиз иқтисодий таълим — давр талаби ..... 8
Islohotlarining ҳуқуқий асослари ..... 26
Мулкни — ҳақиқий эгасига ..... 35
Таржимбий ўзгаришлар самаралари ..... 67
Етакчи ва устувор соҳа ..... 88
Молиявий барқарорлик — иқтисодий ўсиш негизи ..... 111
Жаҳон бозори сари ..... 135
Ҳаммаси инсон учун ..... 151
Маънавият — олий қадрият ..... 172
Жамиятни янгилаш асоси ..... 180
Хулоса ..... 195
Фойдаланилган адабиётлар ..... 205

САДАҲРОР САИДАҲМЕДОВИЧ ҒУЛОМОВ

# ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

*«Меҳнат» нашриёти — Тошкент — 1997*

Мухарририят мудири И. Усмонов
Рассом С. Бобров
Баддий мухаррир Л. Дабижа
Техник мухаррир Н. Сорокина
Мусаххиха С. Бадалбоева

ОИБ № 1410

Теришга берилди 09.04.97. Босишга рухсат этилди 17.04.97. Бичими 60×84 1/16. №1 хотсога литературная гарнитурада офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоги 12,09. Нашр табоги 12,5. 500 нусла. Буюртма № 3322. Бахоси шартнома асосида.

«Мелиат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кучаси, 30. Шартнома № 4—97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот хўмичасининг Тошкент ишарадаси матбаа корхонасида босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30- уй.

Гуломов С.
208 Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти: (Ўқув қўлланма) / Мухаррир А. Абдумажидов.— Т.: Меҳнат, 1997.—208 б.

ББК 65.9(5У)я7


ИЖТИМОИЙ
ЙЎНАЛТИРИЛГАН
БОЗОР
ИҚТИСОДИЁТИ